

Н.С.НАРМАТОВ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ МУАММОЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ**

Н.С.НАРМАТОВ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ МУАММОЛАРИ**

Монография Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий-маслаҳат кенгаши (2009 йил 26 февраль 11-сонли баённомаси) томонидан нашрга тавсия этилган.

Н.С.Нарматов. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. // Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор Х.Р.Раҳмонқулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, Тошкент.: 2009. – 262 - б.

Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
профессор **Х. Р. Раҳмонқулов**

Такризчилар: юридик фанлари доктори, профессор
Р.Ж.Рўзиев
юридик фанлари доктори, профессор
Ф.Ю.Шодманов

Монографияда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари тизимли таҳлил этилиб, унда хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги моҳияти ва аҳамияти, тадбиркорлик фаолияти соҳасида хизмат кўрсатиш тизими, турлари ва уларни таснифлаш, ривожланган давлатларда хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, хизмат кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг тавсифи, хизмат кўрсатиш муносабатларида истеъмолчилар ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, хизматларнинг айрим турларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлиги асослари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Монографиядан юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар ходимлари, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, илмий ходимлар, магистрлар, талабалар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига қизиқувчи кенг китобхонлар фойдаланиши мумкин.

ББК 67.404

ISBN 978-9943-332-09-6

© Нарматов Нуриддин Соатмурадович, 2009.

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2009.

КИРИШ

Мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасида иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши учун баббаравар шароит яратилиши, жумладан тадбиркорликнинг барча соҳаларида, чунончи, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам эркин фаолият юритилиши билан ифодаланади. Зеро, айнан хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, унда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштироки яқин йиллар ичида нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда иқтисодий муносабатларда ҳал қилувчи бўғинга айланиши муқаррар. Бу ўринда айни пайтда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инкирозининг оқибатларини бартараф этиш шароитида янги иш ўринларини яратиш каби чора-тадбирларни амалга оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ва ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Шу боисдан юртбошимиз таъкидлаганидек, биз ҳозирданок тараққиётимизнинг инкироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак¹. Ва айнан 2009 йилда ҳам хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазибалардан бири сифатида белги-ланганлиги бежизга эмас. Чунки, мазкур соҳа бозор конъюнкту-раси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослашишда қулай ва мақбул соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бутун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нима

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 36-б.

халакит бераётганини яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил асосида аниқ қарорлар қабул қилиш даркор.

Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимизни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга.¹

Таъкидлаш жоизки, хизматларни истемол қилиш доираси ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё иқтисодий ҳаётида кенгайиб бормоқда. Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунё ялпи ички маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 60 фоиздан ошаётганлиги, нафақат унинг ўсиш суръатини намоен этади, балки мазкур йўналишнинг товарлар билан таққослаганда анча юқори эканлигини ҳам ифодалайди. Бундан ташқари, БМТнинг Халқаро стандартлаштирилган саноат классификацияси маълумотларига кўра, кўрсатилаётган хизматлар турларининг сони 600 дан ошмоқда².

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий топган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фоизга тенг, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич улардан деярли икки баробар кам бўлиб, 40 фоизни ташкил этади³. Энг муҳими, иқтисодийнинг ушбу тармоғи ўзининг ривожланиши учун катта капитал маблағ талаб этмайди ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ниҳоятда мақбул ва қулайдир⁴.

Шу боисдан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига яратилган кафолатлар тизимини, ўз навбатида улар томонидан истемолчиларга кўрсатиладиган хизматларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

² Международные экономические отношения: Учебник / Под общ. ред. В.Е. Рыбалкина. – Москва, – 1998. – С. 123.

³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз // Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 223-б.

⁴ Каримов И.А. Ўша манба. – 226-б.

соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан шартномалар тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга кўтариш, айниқса, вужудга келаётган хизматларнинг янги турларини кўрсатиш борасида зарур ҳуқуқий асосларни яратиш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, айни пайтда кишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас¹. Шу мақсадда, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни ҳуқуқий тартибга солишга устувор йўналиш сифатида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, хизмат кўрсатишнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар, хусусан, илк бор «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш»га оид алоҳида боб киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ЎзР ФК), тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, стандартлаштириш, маҳсулотлар ва хизматларни сертифициқлаштириш, банкротлик, суғурта фаолияти, аудиторлик фаолияти, баҳолаш фаолияти, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сонли Қарори билан «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олиб аниқлаштирилган

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. / Президент Ислоҳ Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари маъқулланиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Албатта, қонун ҳужжатларини тизимли таҳлил қилиш баробарида тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни тартибга солишга оид нормаларни такомиллаштириш, истеъмолчиларга хизматлар кўрсатилишининг самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий моделини, энг асосийси, мавжуд нормаларни ривожланган чет мамлакатлар қонунчилиқ тажрибаси, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормалари асосида унификация қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб вазибалардандир. Зеро, мазкур масалаларнинг ҳал этилиши ўз навбатида, миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бирга, юридик фанда мавжуд бўлган бир қатор тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш ва уларга янги илмий ёндашувлар асосида таърифлар бериш имкониятини ҳам яратади.

1-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОВИЙ- ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги моҳияти ва аҳамияти

Маълумки, Ўзбекистонда мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу борада мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади¹. Шу боисдан, фуқаролик ҳуқуқи назариясида ҳодисанинг иқтисодий моҳиятини ўрганиш мазкур ҳуқуқ соҳаси предметини ташкил қилувчи муносабатларга мос ҳуқуқий шаклларини топишда муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳаётни тартибга солиб турувчи қонунларни ўрганишга ўз эътиборини қаратган Д.И.Мейер томонидан тўғри таъкидланганидек, юридик фанларнинг мақсади амалдаги фуқаролик қонунларини ўрганиш эмас, балки ижтимоий ҳаётда уларни англаш ҳисобланади².

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида сўз борар экан, энг аввало, тадбиркорлик фаолиятининг ўзи фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўла оладими, деган саволга жавоб излаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси биринчи қисмига тўхталиб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 173-б.

² Мейер Д.И. Русское гражданское право: В 2 ч. По исправленному и дополненному изд. 1902. – Москва, 1997. –Ч.1. –С.7.

ўтиш жоиз. Чунончи, мазкур моддага биноан, фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни¹ 4-моддасида эса тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – бу тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият эканлиги қайд этиб ўтилган. Мазкур икки Қонуннинг ушбу моддаларидаги ҳуқуқий қоидаларни таҳлил қилиш эса бевосита тадбиркорлик фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиши мумкинлигига аниқлик киритишга хизмат қилади.

Чунончи, Фуқаролик кодексининг 2-моддасида қайд этиб ўтилган қоидалар моҳиятидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ асосий қоидалар Фуқаролик кодекси билан тартибга солиниши зарур эканлиги англашилади. Шунингдек, фуқаролик қонун ҳужжатлари мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Мазкур қоида бевосита тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳам тааллуқли бўлиб, бу ҳол «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида ўз аксини топган. Яъни, ушбу модданинг биринчи қисмига биноан, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин. Фуқаролик қонун ҳужжатлари шартнома мажбуриятлари ва ўзга

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й. №5-6. –140-м.

мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулккий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулккий муносабатларни тартибга солади. Мазкур қоида ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида тузиладиган ҳар қандай шартномаларга ҳам тадбиқ этилиши билан бир қаторда, улар ушбу муносабатларда Фуқаролик кодекси талабларига риоя этишлари лозимлигини англаш мумкин. Ш.Рўзиназаровнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хўжалиқ фаолиятининг таркибий қисми бўлса-да, унинг қонунда кўрсатилган белгилари ушбу фаолиятни бошқа фаолият турларидан ажратиб туради, хусусан тадбиркор жисмоний шахс бўлса, унинг серқирра ижтимоий-маданий фаолиятининг белгиларига эътибор бериш, шу жумладан фойда ёки даромад олиш мақсадини кўзлаши, таваккал қилиб мулккий жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда ташаббускорлик билан фаолият юритишига эътиборни қаратиш лозим¹.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, нафақат хизмат кўрсатиш соҳасида, балки барча соҳаларда тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги товар-пул муносабатлари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши керак.

Бундан ташқари, назаримизда, айнан хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш хусусида сўз борар экан, бу ўринда дастлаб «хизматлар»нинг ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объекти эканлигини эътироф этиш зарур. Ва бу борада ҳозирда мазкур тушунчанинг аксарият қонунларда турли маъноларда қўлланилишини кузатиш мумкин. Шу боисдан, бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланган «хизматлар»ни иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатида ўрганиш зарурияти, унинг юридик илмий модели ҳар доим ҳам бозор инфратузилмаси тўғрисидаги иқтисодий фанларнинг ютуқлари даражасини ўзлаштиришга эриша олмаётганлигида ҳам намоён бўлади. О.А.Красавчиковнинг фикрича, хизмат кўрсатиш соҳаси, хизматларнинг турлари ҳақидаги масала юри-

¹ Рўзиназаров Ш. Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми. – Тошкент: Адолат, 1997. – 32-53-б.

дик фанлар, хусусан фуқаролик ҳукуқи олдида турган ҳамда тадқиқ этишга муҳтож бўлган илмий изланиш йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади¹. Зеро, ҳозирги даврда нафақат мамлакатимизда, балки бошқа ривожланган давлатларнинг иқтисодий ҳаётида юзага келаётган ижобий ўзгаришларнинг муҳим омилларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. XX аср охирларида Америка Қўшма Штатларида иш ўринларининг 79 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 74 фоизни ташкил қилган. АҚШнинг аҳолини иш билан таъминлаш статистикаси билан шуғулланувчи бюроси ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда янги бўш иш ўринлари сонининг ўсиши аксарият ҳолларда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобига яратилмоқда².

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш тенденциясини МДХ давлатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 1990 йилда – 210,1 млрд. рублни, 1995 йилда 750086,1 млрд. рублни ташкил этган³. Ёки бўлмаса, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра 1060 млн. рублни ташкил этган бўлиб, бу эса 2001 йилнинг ўтган даврига қиёслаганда, қарийб 4,0 фоиз ўсган⁴.

Мамлакатимизда эса, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2003 йилда 107,9 фоиз, 2004 йилда 113,8 фоизни⁵, 2005 йилнинг 1-чорагида эса 114,2 фоизни ташкил этган⁶. 2006 йилда эса 7,3 фоизга ўсган ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳаси-

¹ Красавчиков О. А. Сфера обслуживания: гражданско-правовой аспект // Гражданское право и сфера обслуживания: Сб. науч. Трудов. – Свердловск, 1984. – С. 16.

² Котлер Ф. Послепродажное обслуживание. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 540.

³ Российский статистический ежегодник. Офиц. Изд. – Москва.: Госкомстат России, 1996. – С. 285.

⁴ RUSSIANPROVINCE.RU-ruskii resources and information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.russianprovince.ru /свободный. – Загл. с экрана. – Яз. англ., рус.

⁵ «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 25 март.

⁶ «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 6 май.

даги кўрсаткичларнинг 19,5 фоизга ўсгани иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари сифатида хизмат қилди¹. 2007 йилга келиб ўтган мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробарга зиёд² ошган бўлса, 2008 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди³, бунинг натижасида 2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингта яқин, жумладан кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, қасаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди⁴.

1991 йилга қадар «хизматлар» атамаси амалда ҳеч қайси фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги қонунларда учрамаган, фақатгина айрим қонуности ҳужжатларида, шунда ҳам турли маъноларда қўлланилган эди. Бошқача айтганда, қонун даражасида хизматлар тушунчасини белгилаш, хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларни аниқлаш имкони йўқ эди⁵. Албатта, ушбу фикрга қўшилган ҳолда мазкур тушунчанинг мазмун-моҳияти кенг қиррали эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунончи, «хизмат» атамаси иқтисодий адабиётларда мазкур тушунчага иқтисодий фанларнинг қайси соҳаси таянишига боғлиқ ҳолда, турлича шарҳлани-

¹ Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир // Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 155-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли // Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 47-48-б.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2009 йил 14 февраль.

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 25-б.

⁵ Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. – Москва: Статут, 2005. – С. 11.

чиккан ҳолда илгари сурилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда «хизматлар» тушунчасига юридик маънода ҳам турлича таърифлар берилганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, «Услуги населению. Термины и определения» номли давлатлараро стандартда «хизматлар» – ижрочи ва истеъмолчи ўзаро ҳамкорлигининг тўғридан-тўғри натижаси, шунингдек истеъмолчи эҳтиёжларини қондириш бўйича ижрочининг шахсий фаолияти»¹ деб таъриф берилган бўлса, Н.Ш.Саид-Ғазиевнинг фикрича, хизмат – бу моддий қийматга эга бўлмаган, яъни хизмат кўрсатувчининг меҳнати натижаси шу хизматдан фойдаланувчининг бирон моддий қийматга эга бўлмаган эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятдир². Назаримизда, берилган маъно таърифларда ҳам муайян камчиликлар мавжуд ва уни фақатгина «фаолият» сўзи билан чекланиб қолганлик билан изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, «хизмат» тушунчаси ҳаракатни ҳам қамраб олиши ёки бўлмаса, кўрсатилган хизматларнинг натижаси муайян шаклда моддийлашиши ҳам мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, академик Ҳ.Р.Раҳмонкулов тўғри таъкидлаганидек, ҳар қандай хизмат унинг характери, нимага қаратилган ва тегишли бўлишига қараб, моддий шаклдан иборат бўлмаса-да, албатта муайян натижага эришиш билан боғлиқ³.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, «хизматлар»га қуйидагича таъриф бериш мумкин. *Хизматлар деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ижрочи фаолиятининг номоддий натижаси билан боғлиқ бўлган ҳамда шахсий эҳтиёжларни ҳақ эвазига қондиришга қаратилган муайян ҳаракат ёки муайян фаолиятнинг амалга оширилиши тушунилади.* Шу билан бирга, ушбу тушунчани мулкий муносабатлар иштирокчиларининг эҳтиёжларини қондириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муно-

¹ Межгосударственный стандарт ГОСТ 30335-95 / ГОСТ Р 50646-94 «Услуги населению. Термины и определения». Издание официальное. Принят Межгосударственным Советом по стандартизации, метрологии и сертификации (протокол № 7 от 26 апреля 1995 г.) – Москва: ИПК Издательство стандартов. -2001.-С. 1.

² Саид-Ғазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқани ҳимоя қилиш. // Масъул муҳаррир: проф. И.Б.Зокиров. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 20-б.

³ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 14.

сабатлар тизими сифатида эътироф этиш зарурдир. Зеро, ҳуқуқ назариясидан маълумки, ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида қаралади. Шу боисдан, хизматлар ҳам муайян фаолият тури сифатида ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Л.В.Санникова ҳам ушбу нуктаи назарга қўшилган ҳолда, хизматларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида унинг фуқаролик қонунчилигида «товарлар, ишлар, хизматлар» триадаси таркибида, шунингдек иктисодий мазмуни ўзида хизматлар бозорининг алоҳида соҳаларини (масалан, молиявий хизматлар, суғурта хизматлари, коммунал хизматлар, реклама хизматлари, риэлторлик хизматлари ва ҳ.к.) қамраб олган фаолиятнинг алоҳида турларига нисбатан қўлланилишини таъкидлайди¹.

Л.В.Санникова «хизматлар»нинг ҳуқуқий табиати икки кўринишда бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Хусусан, унинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқида хизматлар *биринчидан*, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида, *иккинчидан*, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида иштирок этади. Бу ўринда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида хизматлар фуқаролик қонунчилигида «товарлар, ишлар, хизматлар» триадаси таркибида, шунингдек унинг иктисодий мазмуни хизматлар бозорининг алоҳида соҳаларини (масалан, молиявий хизматлар, суғурта хизматлари, коммунал хизматлар, реклама хизматлари, риэлторлик хизматлари ва ҳ.к.) қамраб олган фаолиятнинг алоҳида турларига нисбатан қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида эса хизматлар ашёлардан фарqli ўлароқ муайян муносабатларни амалга ошириш жараёнида вужудга келади. Шунингдек, хизматлар юридик категория сифатида ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаслиги лозим. Бу эса хизматларнинг нафақат фактик, балки юридик жиҳатдан ҳам қонун асосида кўрсатилиши зарурлигини аниқлатади.

Бугунги кунда адабиётларда «хизматлар»нинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда унинг «ишлар» тушунчасидан фарқли жиҳатларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкид-

¹ Санникова Л. В. Обязательство об оказании услуг в российском гражданском праве: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Москва, 2007. — С. 5.

ланади. Хусусан, «ишлар» тушунчаси ҳаракатни ҳамда унинг моддий натижасини ўзида акс эттирса, «хизматлар» тушунчаси эса фақатгина ҳаракатни ўзида қамраб олиши тўғрисида фикр юритилади¹. Албатта, мазкур нуқтаи назарга қўшилган ҳолда, ушбу икки тушунчанинг бугунги кунда қонун ҳужжатларида «ёнма-ён» ишлатилаётганлигини таъкидлаб ўтиш ва шу билан бирга, чуқур фалсафий нуқтаи назардан караганда, ҳар иккала тушунча ҳам ўзида фаолиятнинг фойдали турларини акс эттиришини кузатиш мумкин. Айни вақтда, қонунчилик тажрибасида «ишлар» ва «хизматлар» иборалари билан боғлиқ тушунчаларни белгилаш «фаолият» ва «ҳаракат» жумлалари орқали амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Аммо, шу ўринда «хизматлар» ибораси билан боғлиқ тушунчалар қонунчиликда, хусусан фуқаролик қонун ҳужжатларида «фаолият» ёки «ҳаракат» ибораларини қўллаш орқали тўғри ишлатилганми, деган табиий савол ҳам туғилади. Зеро, Фуқаролик кодексининг 703-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига таъриф берилганда қонун чиқарувчи ҳар иккала иборани қўллаганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, «фаолият» ва «ҳаракат» тушунчаларини кўриб чиқишни ҳамда илмий таҳлил қилишни тақозо этади. Жумладан, «фаолият» тушунчасига фалсафий нуқтаи назардан қаралганда, унинг элементларини инсонлар, инсон эҳтиёжлари ва манфаатлари, фаолиятнинг предмети, мотивлари, мақсадлари, амалга ошириш йўллари ва усуллари ташкил этади. У муайян яхлит жараён сифатида ўзида мавжуд оламни, ижтимоий борлиқни, амалиётни ўзгартириш ва тушунтириш дастури ҳамда ундан келиб чиқадиган ҳаракатлар мажмуини мужассамлаштиради². Бундан эса, «фаолият» тушунчаси ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ўзида манфаатни акс эттиради ва унинг фойдали йўналтирилганлиги жараёнида истеъмол

¹ Научно-практический комментарий к части первой Гражданского кодекса Российской Федерации для предпринимателей / Руководитель авт. коллектива. – М.И.Брагинский. – Москва, 1999. – С. 233.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз – Шаршара. Таҳрир хайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 187-б.


киймати вужудга келади ҳамда эҳтиёжни муайян даражада кондиради, деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, конун чиқарувчи томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига таъриф беришда «ҳаракат» ибораси қўлланилганлигини фикримизча, бу ўринда *биринчидан*, тарафлар ўртасидаги муносабатларнинг бир марталик, доимий бўлмаган, қисқа муддатли каби жиҳатларига урғу берилганлиги, *иккинчидан*, ижрочининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш орқали кўрсатиладиган хизматлар (доимий фаолият) ва ижрочи – жисмоний шахс томонидан кўрсатиладиган, доимий тусга эга бўлмаган, бир марталик хизматлар ўртасидаги фарқли жиҳатларни очиб беришга уринилганлиги сифатида изохлаш мумкин. Аммо назаримизда, объект сифатида хизматларни аниқлаш мақсадида «ҳаракат» сўзини қўллаш муайян баҳсларга ҳам олиб келиши мумкин. Зеро, юридик адабиётларда ҳам ушбу тушунча жисмоний тусга эга бўлган бир қанча белгиларга эга эканлиги ҳам таъкидланади¹. Шу боис, хизматларнинг истеъмом кийматини шакллантириш жараёни унинг доимий ёки бир марталик эканлиги, жисмоний ёки юридик шахс томонидан тақдим этилишидан қатъий назар, ўзида «фаолият»ни акс эттиради. Жумладан, Д.И.Степанов «хизматлар»нинг моҳиятини ўрганиш жараёнида «ҳаракат»нинг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари хусусида «ҳаракатга муносабат бўйича хулқ-атворнинг энг юқори даражаси – бу операция», аммо айрим ҳолларда «хизматлар нафақат операция, балки фаолият ҳамдир» деган хулосаларга келади². Бундан ташқари, у «буюртмачи учун операция муҳим ҳисобланар экан, у ижрочи томонидан муайян фаолиятнинг амалга оширилишига аралashi ҳам мумкин»лигини тасдиқлайди³. Унинг ушбу хулосаларидан қуйидаги мантикий «занжир»ни кузатиш мумкин: «хизмат – ҳаракат – операция – фаолият». Аммо Д.И.Степановнинг ушбу нуқтаи назари фикримизча, баҳслидир. Чунки, буюртмачини «операция» қизиқтириши мумкинми, балки уни охириги

¹ Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. А.М.Прохоров. – Москва, 1991. – С. 368.

² Степанов Д. И. Услуги как объект гражданских прав. // Российская юстиция. – Москва, 2000. – № 2. – С. 16.

³ Степанов Д.И. Ўша манба. – С. 17.



натижа, яъни эҳтиёжни қондириш кизиқтирар, деган савол ва мулоҳазалар туғилади. Масалан, аудитор аудиторлик хулосасини тайёрлаш жараёнида қандай операцияларни амалга ошириши мумкин? Шу боисдан ҳам «хизмат» тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беришда «операция» иборасини қўллаш, фикри-мизча, мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазалар асосида ўзида «фаолият» иборасини қўллаган ҳар қандай иқтисодий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар фақатгина хизматларга тааллуқли бўлади, деб таъкидлаш ҳам ўринли эмас. Масалан, тадбиркорлик фаолиятининг предмети нафақат хизматлар, балки товарлар ишлаб чиқариш ёки ишлар бажариш ҳам ҳисобланади. Шу боисдан, «хизматлар» тушунчасининг ҳам фаолият, ҳам ҳаракатни қамраб олиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда адабиётларда, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «хизматлар кўрсатиш» жумласи ҳам кенг қўлланилмоқда. Шу боис, ушбу иборанинг мазмун-моҳиятини, унинг «хизматлар» тушунчаси билан ўзаро алоқадорлигини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, хизматлар кўрсатиш соҳаси фуқаролар ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Бу эса, хизматларнинг кенг қамровли мураккаб иқтисодий тизимдаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради. Мазкур масалани тизимли таҳлил қилмаслик «хизматлар»нинг истеъмол қиймати сифатидаги ўзига хос хусусиятларини тушунишни мураккаблаштиради. Бу борада О.А.Красавчиков таъкидлаганидек, «предметли» муносабатлар мазмуни ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун унинг қайси ижтимоий маконда жойлашганлигини ҳамда қандай ўринни эгаллашини билиш лозимлиги тақозо этилади¹. Хизматлар тасаввур қилинадиган «макон» ҳақида сўз борар экан, иқтисодиёт назариясида одатда «инфратузилма», «хизмат кўрсатиш соҳаси», «хизматлар доираси» каби тушунчалар орқали таҳлил қилинишини кузатиш мумкин. Албатта, мазкур ёндашувдан узоққа кетмаслик мақсадга мувофиқ

¹ Красавчиков О. А. Сфера обслуживания: гражданско-правовой аспект // Гражданское право и сфера обслуживания: Сб. науч. Трудов. – Свердловск, 1984. – С. 17.

ҳисобланади. Чунончи, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида иқтисодий соҳада амалга оширилган изланишларда фаол қўллана бошланган «инфратузилма» атамасининг мазмуни иқтисодчи олимлар томонидан турлича шарҳланганлигини ҳамда юристлар томонидан «бегона тушунча» сифатида қабул қилинганлигини кузатиш мумкин¹. Бугунги кунда унинг «халқ хўжалиги инфратузилмаси», «ижтимоий инфратузилма» ва «бозор инфратузилмаси» каби кўринишлари мавжуд². Умуман олганда, «инфратузилма» атамаси лотинчадан олинган бўлиб, *infra* – «қуйи», *structure* – «тузилиш», «жойлашиш» деб изоҳланади. Айни пайтда ушбу атаманинг турлича шарҳланаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, ушбу атамага «қайта ишлаб чиқариш шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари мажмуи: йўллар, алоқа, транспорт, маориф ва алоқа тармоғи»³, «жамият ҳаётининг шарт-шароитларини таъминловчи ва моддий ишлаб чиқаришнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган тизим ва хизматлар, бино ва иншоотлар каби иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг умумий тузилиши таркибий қисмларининг йиғиндиси»⁴, «халқ хўжалиги соҳаларининг маълум бир мажмуи кўриниши, яъни инсон эҳтиёжларининг меъёрида кечишини таъминлашга қаратилган бир қатор иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг биргаликдаги кўриниши»⁵, деб берилган таърифлардан унга нисбатан ягона нуқтаи назар йўқлигини кузатиш мумкин. Бинобарин, «инфратузилма» тушунчаси ҳам мураккаб ва кенг қамровли ҳодиса ҳисобланади.

«Хизмат кўрсатиш соҳаси» ва «хизматлар доираси» ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борда собиқ Иттифоқ даврида илмий изланишлар олиб борган

¹ Красавчиков О. А. Ўша манба. – С. 17.

² Мансуров С., Шодмонов Э.Ш. Бозор инфратузилмаси. – Тошкент: ТДҶОИ, 2003. 3-б.

³ Мусаев Қ., Эрдонаев А.Х., Қудратов М.Ш. Инглизча-ўзбекча лугат. Ҳужумат. II жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 497-б.

⁴ Словарь иностранных слов и выражений / Авт.-сост. Е.С.Зенович. – Москва, 1998. – С. 188.

⁵ Мансуров С., Шодмонов Э.Ш. Бозор инфратузилмаси. – Тошкент: ТДҶОИ, 2003. 5-б.

Е.Д.Шешениннинг фикрича, «хизмат кўрсатиш соҳаси» социалистик ташкилотларнинг фуқаролар моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятини ўзида қамраб олади¹. Бу ўринда, хизмат кўрсатиш соҳасининг жамоат фондлари орқали кўрсатиладиган истеъмолга бўлган эҳтиёжни қондириш шакллари ҳам қамраб олади, деган тасаввур ҳам юзага келади. Шунингдек, Е.Д.Шешенин хизмат кўрсатиш соҳасида турли иқтисодий алоқалар (масалан, чакана олди-сотди, маиший пудрат, уй-жой ижараси, йўловчиларни ташиш ва ҳ.к.) ўз ўрнига эга бўлишини ҳам илгари суради². Унинг мазкур нуқтаи назаридан эса «хизмат кўрсатиш соҳаси» ижтимоий-иқтисодий маконда ҳақиқатда фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш, шу жумладан хизматларни тақдим қилиш йўли орқали амалга ошириладиган доирани аниқлашга имкон берувчи жамловчи тушунча эмас, деган хулоса чиқариш мумкин бўлади. Ва албатта, «хизмат кўрсатиш соҳаси» ва «хизматлар доираси»ни бундай тарзда ажратиш, энг аввало, фуқаролик ҳуқуқи назариясида хизматлар кўрсатишга қаратилган шартномаларни фуқаровий-ҳуқуқий квалификация қилиш ҳамда уларни тизимлаштиришда илмий асосланган мезонларни ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилган нуқтаи назар тўғрисида бир қатор фикр-мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Е.Д.Шешениннинг мазкур масала бўйича илмий нуқтаи назари совет тизимида хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлаш жараёни давом этаётган шароитда шакланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу билан бирга, товар айирбошлаш объекти сифатида хизматлар иқтисодий аҳамияти-

¹ Шешенин Е. Д. Классификация гражданско-правовых обязательств по оказанию услуг // Гражданское право и сфера обслуживания. – Свердловск, 1984. – С. 41.

Изоҳ: Е.Д.Шешениннинг мазкур нуқтаи назарини ўз вақтида цивилист олимлар А.Е.Шерстобитов (Гражданско-правовое регулирование договорных отношений в сфере обслуживания. – Москва, 1987. – С.28); В.С.Бельх (Гражданско-правовое обеспечение качества продукции, работ и услуг: Дис. ... докт.юр.наук. – Екатеринбург, 1994. – С. 200-201) лар ҳам маъқуллашган.

² Шешенин Е. Д. Классификация гражданско-правовых обязательств по оказанию услуг // Гражданское право и сфера обслуживания. – Свердловск, 1984. – С. 42.

нинг бир неча марта пасайиши кузатилган ўша даврда, Е.Д.Шешениннинг хулосаси муҳим илмий аҳамият касб этишини ҳам инобатга олиш зарур. Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш шароитида истеъмол молларини фондлар орқали тақсимлаш аҳамияти қисқарган бўлса-да, мазкур масала бугунги бозор иктисодиёти шароитида ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Зеро, бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибасида ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли қисми эҳтиёжлар бўйича тақсимланиши кузатилмоқда.

Бундан ташқари, «хизматлар доираси»ни таҳлил қилиш жараёнида давлат ҳокимияти бошқаруви органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни ҳам таҳлил қилиш ўринлидир. Зеро, уларнинг фаолияти ҳам кенг маънода эҳтиёжларни қондиришга қаратилади ёки шунга имкон яратади (масалан, суд органлари томонидан бузилган ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлаш орқали). Аммо мазкур хизматларнинг «бозор хизматлари» доирасига кирмаслигини ҳам эътиборга олиш зарур. Чунончи, Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (World Trade Organization) томонидан 1994 йилнинг 15 апрелида қабул қилинган «Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув»нинг 1-моддаси учинчи қисми «б»-бандида «хизматлар»нинг давлат ҳокимияти амалга оширилишини таъминлаш соҳасидаги хизматлардан ташқари, иктисодиётнинг ҳар қандай соҳасидаги хизматларни қамраб олиши белгилаб қўйилган¹. Хусусан, мазкур халқаро ҳужжатнинг 1-моддаси учинчи қисми «с»-бандида «давлат ҳокимияти функцияларини бажаришни таъминлашга қаратилган хизматлар»га таъриф беришда қуйидаги икки асосий талабни кузатиш мумкин: *биринчидан*, ушбу хизматлар тижорат асосида кўрсатилмаслиги; *иккинчидан*, хизматлар бир ёки бир неча етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат шароитида бўлмаслиги лозим. Ушбу талабларнинг халқаро ҳужжатда белгиланиши, ўз навбатида, амалиётда давлат ҳокимияти

¹ Генеральное соглашение о торговле услугами (General Agreement of Trade in services. / Всемирная торговая организация, Уругвайский раунд многосторонних торговых переговоров. – Марракеш. 15 апреля 1994 г. // International Legal Materials. 1994. Volume XXII, № 1. January. // Мировая экономика: новости, статьи, статистика [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.e-report.ru/ свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

органларининг функционал фаолиятини «предметли» ажратишда, хусусан иктисодиётнинг бозор секторида кўрсатиладиган хизматлар билан бошқарув ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасидаги хизматларни фарқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтилган тушунчалар, яъни «хизмат кўрсатиш соҳаси» ва «хизматлар доираси» ўртасидаги ўзаро фарқли жиҳатлар ҳамда ўзаро алоқадорликни аниқлашга оид масаланинг долзарблигидан далолат беради¹.

Адабиётларда «хизмат кўрсатиш соҳаси» ва «хизматлар доираси» каби тушунчалар билан боғлиқ масалалар бўйича бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Хусусан, Е.Г.Решетникованинг фикрича, «хизмат кўрсатиш соҳаси» фақатгина аҳолига бевосита тақдим этиладиган хизматлар соҳасини қамраб олади. «Хизматлар доираси» эса кенг тушунча бўлиб, у ўзида «хизмат кўрсатиш соҳаси»дан ташқари, бошқа хизмат турларини, хусусан бошқарув, жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ бўлган хизматларни ҳам акс эттиради². Фикримизча, Е.Г.Решетникованинг мазкур нуқтаи назари хизматлар доираси таркибига кирувчи соҳаларни гуруҳлаш муаммоси билан боғлиқ. В.С.Белыхнинг фикрича эса, «хизмат кўрсатиш соҳаси» аҳолига кўрсатиладиган хизматлар билан чегараланмаслиги лозим, чунки хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам вужудга келади³. Ушбу қараш ҳам фикримизча, ишлаб чиқариш тусига хос бўлган турли-туман хизматларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо берилмаганлигидан далолат беради.

¹ *Изоҳ:* Юридик адабиётларда «юридик хизмат», «юридик ёрдам» каби тушунчаларнинг учраб туриши ҳам юқорида таъкидланган тушунчаларнинг ўзаро фарқли ва боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш лозимлигидан далолат беради. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш масалалари // Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 45-55-б.

² Решетникова Е. Г. Сфера услуг: планирование, проблемы, перспективы. – Саратов, 1998. – С. 76.

³ Белых В.С. Гражданско-правовое обеспечение качества продукции, работ и услуг: Дис...докт.юр.наук. – Екатеринбург, 1994. – С. 200.

Назаримизда, хизматлар эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган фаолият сифатида амалда инфратузилманинг барча соҳаларини камраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги хизматлар (хусусан, ахборот, электрон, телекоммуникация соҳасидаги хизматлар)нинг ўрни кундан-кунга ўсиб бораётганлиги, адабиётларда янги тушунчалар (масалан, «илмий тусга эга хизматлар» ибораси¹)нинг кенг қўлланилаётганлиги, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасининг сервис соҳаси билан қўшилиб кетиш жараёнининг кузатилиши бу борада нафақат юридик, балки махсус техник ва иқтисодий билимларга эга бўлишни ҳамда мазкур соҳада илмий изланишларни амалга оширишни талаб қилиши табиийдир. Бу эса О.Оқюлов таъкидлаганидек, агар шу вақтга қадар фуқаролик ҳуқуқи – институтлар – субинститутлар – нормалар схемаси анъанавий равишда қўлланиб келинган бўлса, эндиликда фуқаролик ҳуқуқи – кичик тармоқлар – институтлар (супер институтлар, микро институтлар, квази институтлар) – нормалар – новеллалар схемаси вужудга келганлигидан далолат беради².

1.2. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида хизмат кўрсатиш тизими, турлари ва уларни таснифлаш

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти илгаридан мавжуд бўлиб, бу ҳолатни инсоният тарихидаги барча жамиятларда мавжуд бўлган товар-пул муносабатларида алоҳида индивидларнинг иқтисодий манфаатларида намоён бўлганлигида кўриш мумкин. Ўз навбатида, хусусий мулкчилик асосида даромад олишга бўлган хусусий манфаат намоён бўлган жойда тадбиркорлар иштирокидаги муносабатларни алоҳида тартибга солишга давлат томонидан эътибор қилиниши талаб этилади.

¹ Михальски Т. Услуги как стратегический выбор глобально действующих предприятий // Проблемы теории и практики управления. – Москва, 1998. – № 3. – С. 97.

² Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий институционал тузилмалар эволюцияси (тадрижий ривож) муаммолари // Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар: халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 8 б.

Айтиш жоизки, хўжалик фаолиятининг бир тури сифатида тадбиркорликнинг тушунчаси илк маротаба 1991 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги¹ Қонунда мустақамлаб кўйилди. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш, янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий янгилашга таъсир қиладиган ўзгарувчан стихияли жараёнларни ҳуқуқий намоён қилиш зарурияти пишиб етилганлигидан дарак берар эди.

Тадбиркорлик ушбу Қонун доирасида ташаббускорлик, хўжалик ёки мазкур фаолиятнинг барча иштиракчилари учун ўзаро фойдали натижа ва даромадлар олиш мақсадида, шахсий, ижарага олинган ёхуд бошқа мол-мулклар ва воситалар ҳисобига амалга ошириладиган фаолият сифатида белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари, аниқроғи, тадбиркорлар юридик шахслар, фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар (қонун билан белгиланган тартибда ҳуқуқ лаёқати чекланганлардан ташқари); чет эл юридик шахслари; чет эл фуқаролари бўлишлари мумкинлиги ифодаланди. Бошқача айтганда, мамлакатимиз миллий қонунчилигида² юридик маънода тадбиркорлик фаолиятига берилган тушунчада унга тегишли барча белгилар, жумладан ташаббускорлик, мустақиллик, тадбиркорлик таваккалчилиги, шунингдек фаолиятнинг даромад (фойда) олишга қаратилганлиги ўз аксини топди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий

¹ «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февраль Қонуни // Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991. № 4. – 60-м. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелдаги «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 755-І-сонли Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. № 5. – 107-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. № 5-6. – 140-м.

хужжатлар¹ қабул қилинди. Бундан ташқари, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини соддалаштириш ҳамда текширишларни қисқартириш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ниҳоят, ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг² қабул қилинганлиги бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижа-сида яққол намоён бўлмоқда. Чунончи, биргина 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги ПФ-1843-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1997. – № 9. – 271-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 446-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1997. – № 9. – 32-м.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 23-24. – 167-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 23-24. – 168-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3622-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 25-26. – 178-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 37-38. – 285-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 40. – 303-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. – № 20-21. – 174-м.

юкори суръатлар билан ривожланди¹. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди².

Ушбу ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш борасида бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг борлигини кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш борасида ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжуддир³. Айнан хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, унинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўлланиши яқин йиллар ичида нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда иқтисодий муносабатларда ҳал қилувчи бўғинга айланиши муқаррардир.

Шу боисдан ҳам, бугунги кунда тез суръатлар билан ривожланаётган соҳа – хизмат кўрсатишнинг тадбиркорлик фаолиятида қўлланилишини таҳлил қилиш, унинг тизими ва шаклларини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳукукий тартибга солинишини таъминлашга қаратилган илмий асосга эга таклифларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бунинг учун эса, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни аниқлаш ҳамда таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо уларни таснифлашни мазкур тадқиқот иши доира-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Исломи Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2009 йил 14 февраль.

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Исломи Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2009 йил 14 февраль.

³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз // Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 223-б.

сида ниҳоясига етказиш ёки уларни тўлиқ акс эттириш ҳам мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, уларнинг ўзига хос юридик хусусиятларини аниқлаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этишини ҳам инкор этмаслик жоиз. Зеро, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни аниқлаш ва таснифлаш нафақат республика-миз, балки бошқа давлатлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси таснифлаш ва кодлаш ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланган ҳамда Европа ҳамжамиятининг иқтисодий фаолият турлари статистик таснифининг (Statistical classification of economic activities in the European Community) умумий негизи асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда «Ўзстандарт» Агентлигининг 2004 йил 10 мартдаги 05-06-сонли қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ 1 ред.) нормаларига¹ тўхталиш лозим. Чунки, мазкур таснифлагичда «хизматлар кўрсатиш» ибораси кўчмас мулк билан операциялар, ижара ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш (К-бўлими), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш (Н-бўлими), коммунал, ижтимоий ва шахсий хизматлар кўрсатиш (О-бўлими) қабиларда кенг иқтисодий маънода қўлланилади. Мазкур таснифлагич қўйилган вазифаларни ахборот билан таъминлашда, хусусан дунё иқтисодий ҳамжамияти билан интеграциялашувни таъминлаш мақсадида, халқаро статистик ахборот алмашинувида, шунингдек миллий ҳисобчилик тизими принциплари асосида иқтисодиётни макроиқтисодий моделлаштириш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг норматив жиҳатдан мустақамлаб қўйилган яна бир таснифлагичига эътиборни қаратиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда «Ўзстандарт» Агентлигининг 2006 йил 12 майдаги 05-15-сонли қарори билан тасдиқланган ва

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи 1 ред. (ИФУТ 1 ред.) – Тошкент: Ўзстандарт. – 2004. – 187-б.

жорий этилган «Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ)»¹ да алоҳида бўлимларда ўз аксини топган «курилиш соҳасидаги хизматлар» (F-бўлими), «савдо, автомобиллар, маиший буюмлар ва шахсий фойдаланиш предметларини таъмирлаш» (G-бўлими), «мехмонхона ва ресторан хизматлари» (N-бўлими), «транспорт, омбор хўжаликлари ва алоқа хизматлари» (I-бўлими), «молиявий фаолият бўйича хизматлар» (J-бўлим), «кўчмас мулк, ижара ва тижорат фаолияти билан боғлиқ хизматлар» (K-бўлим), «соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар» (M-бўлим), «соғлиқни сақлаш ва аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги хизматлар» (N-бўлим), «коммунал, ижтимоий ва бошқа шахсий хизматлар» (O-бўлим) каби тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар таснифланган.

Мазкур таснифлагичда кўрсатилган хизматларнинг қайси бирлари тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилмоқда? Мазкур хизматлар қай даражада кўрсатилмоқда, уларнинг қонуний тартибга солинганлик даражаси қандай? Бугунги кунда ижтимоий ҳаётда вужудга келаётган қайси янги хизматлар ушбу таснифлагичда ўз аксини топиш керак? Бу саволларга жавоб излаш, уларни таҳлил қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, хизматларнинг дифференциялашуви, энг аввало, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги реал воқеликни, шунингдек уларнинг ҳаракат доирасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ва, бу ўринда юқорида таъкидлаб ўтилган таснифлагичда ўз ифодасини топган тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ижтимоий инфратузилма соҳасида, ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида ҳамда бозор инфратузилмаси соҳасида кўрсатиладиган хизматларга ажратиш лозим. Хўш, ижтимоий инфратузилма соҳасига қандай хизматлар қиради? Мазкур соҳадаги хизматларни шахсий характерга эга бўлган хизматлар ҳамда шахсий характерга эга бўлмаган хизматларга бўлиш мумкин. Чунки, Е.Г.Шаблова тўғри таъкидлаганидек, «шахсий характерга

¹ Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ). Расмий нашр. – Тошкент: Ўзстандарт. – 2006. – 127-б.

эга бўлган хизматлар» инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади ҳамда мазкур хизматларнинг таъсир объекти ҳам инсоннинг ўзи ҳисобланади¹. Ва мазкур турдаги хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи назариясида етарли даражада ўз ишланмасига эга бўлиб, уларда ҳам мулкий манфаатларга қараганда, номулкий манфаатлар устун туриши асослантирилади². Шу билан бирга, ушбу нуқтаи назарларга қўшимча сифатида, бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур:

биринчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган ҳамда шахсий характерга эга бўлган хизматларда ижрочининг буюртмачи билан шахсий алоқада бўлишининг юқори даражасини белгилайди. Ҳозирда «масофавий таълим бериш», «масофавий маслаҳат бериш» каби тизимларнинг ривожланаётган давлатлар тажрибасида кенг қўлланилаётганлиги бунинг яққол мисолидир;

иккинчидан, айрим турдаги шахсий характерга эга бўлган хизматларни (масалан, маслаҳат хизмати) тақдим этиш орқали эҳтиёжни қондириш нафақат ижрочи бўлган тадбиркорлик субъектининг ҳаракатига, балки хизматларни қабул қилишнинг субъектив ва объектив омиллари, яъни инсон организми ва онгининг ҳаракатига ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади;

учинчидан, мазкур турдаги хизматлар (айниқса, тиббий, таълим хизматлари) муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади. Бинобарин, шахсий характерга эга бўлган хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик оқибатлари оғир ижтимоий оқибатлар мақомига эга бўлиши мумкин.

Юқоридагилар асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган шахсий характерга эга хизматларни чуқур назарий таҳлил қилиш унинг нафақат фуқаролик ҳуқуқи тизимида,

¹ Шаблова Е. Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг.-Екатеринбург.:ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2004.-С. 90.

² Баринов Н. А. Имущественные потребности и гражданское право. – Саратов, 1987; Шешенин Е. Д. Классификация гражданско-правовых обязательств по оказанию услуг // Гражданское право и сфера обслуживания. – Свердловск, 1984. С.43-44.

балки ижтимоий маконда ҳам уни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали моделларини излаб топишни тақозо этади, деган хулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг қайси бирларини шахсий характерга эга бўлган хизматлар турига киритиш мумкин ва улар қонунчиликда қандай тарзда ўз аксини топган, деган саволларга жавобларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Чунончи, мазкур турдаги хизматларга назаримизда куйидагиларни киритиш лозим:

1. Телекомунникация соҳасидаги хизматлар (Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни¹ 2-моддасида телекоммуникациялар хизматлари – оператор ва провайдернинг сигналлар ҳамда бошқа ахборот турларини телекоммуникация тармоқлари орқали қабул қилиш, узатиш, қайта ишлашга доир фаолияти маҳсули; универсал хизматлар – умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган белгиланган сифатдаги мажбурий хизматлар тўплами (фойдаланувчиларнинг бу тармоқдан фойдаланишини таъминлаш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, телеграммалар жўнатиш ва бошқалар) эканлиги; 4-моддасида эса Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқлари оммавий ёки хусусий мулкда бўлиши ҳамда телекоммуникация тармоқларининг барча мулкдорлари тенг ҳуқуқларга эга ва қонунда қафолатланган тенг ҳимоядан фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган);

2. Тиббий хизматлар (Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни² 7-моддасида Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилиши; 10-моддасида эса соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий тиббиёт амалиёти

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 9. – 219-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. – № 9. – 128-м.

ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар кириши ўз аксини топган);

3. Жисмоний тарбия-спорт ва соғломлаштириш соҳасидаги хизматлар (Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни¹ 22-моддасида аҳолига жисмоний тарбия-спорт ва соғломлаштириш пуллик хизматлари жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар томонидан кўрсатилиши белгилаб ўтилган);

4. Маданий-маърифий соҳадаги хизматлар;

5. Сайёҳлик хизмати (Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни² 3-моддасида туристик хизматлар – туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар; 4-моддасида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш эканлиги; 12-моддасида эса туристик хизматлар шартнома асосида кўрсатилиши белгилаб кўйилган);

6. Санитария-соғломлаштиришга оид хизматлар;

7. Йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлар (Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуни³ 4-моддасида шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши мумкинлиги; 7-моддасида эса шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ташиш иши

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 5-6. – 147-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 9. – 227-м.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. – № 4-5. – 124-м.

ташиш шартномаси асосида амалга оширилиши ҳамда ташувчи – мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда транспорт воситасига эга бўлган, шаҳарда тижорат асосида йўловчилар ташиш хизмати кўрсатадиган ва бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик шахс эканлиги қайд этиб ўтилган);

8. Меҳмонхона хизматлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 январдаги 389-сонли рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини тақдим этиш қондалари»нинг 1.2.-бандида ижрочи – меҳмонхона хизматларини тақдим этувчи юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкинлиги белгиланган);

9. Алоқа хизматлари (Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни¹ 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг хусусий ва оммавий шаклларига асосланган, шунингдек хорижий юридик шахслар ва фуқаролар эгаллигида бўлган аҳолига алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолият кўрсатиши мумкинлиги ўз ифодасини топган).

Шахсий характерга эга бўлмаган хизматларга эса, фикримизча, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган қуйидаги хизматларни киритиш мумкин:

биринчидан, мол-мулкни қўриқлаш бўйича хизматлар;

иккинчидан, ветеринария хизматлари (Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги² Қонуни 4-моддасида Ўзбекистон Республикасида давлат ветеринарияси, идоравий ва хусусий ветеринариялар амал қилиши, 14-моддасида эса хусусий ветеринария фаолияти билан ветеринария врачлари бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шуғулланишга ҳақли эканликлари белгиланган);

учинчидан, техник хизматлар;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. – № 3. – 159-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. – № 9. – 335-м.

тўртинчидан, ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар (ФКнинг 45-боби);

бешинчидан, банк омонати шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматлар (ФКнинг 43-боби);

олтинчидан, диний хизматлар;

еттинчидан, коммунал хизматлар Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»¹ Қонуни 4-моддасида хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари фаолияти «коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат» принципига асосланиши лозимлиги белгиланган).

Фикримизча, мазкур таснифлаш ўз навбатида ижтимоий инфратузилманинг қайси соҳаларида амалга оширилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо уларнинг айримлари етарли даражада тадқиқ этилган бўлса-да², баъзилари илмий тадқиқот объекти сифатида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Масалан, бугунги кунда диний маросимларга хос бўлган хизматлар (масалан, никоҳ ўқиш, суннат килиш ва ҳ.к.) фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлиши мумкинми, деган табиий савол туғилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасига биноан, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Шу боисдан, фикримизча, мазкур хизматлар билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солишга эҳтиёж йўқ. Шунингдек, оккультизм³ тавсифига эга бўлган хизматлар (масалан, фолбинлик, астрологик каби хизматлар) билан боғлиқ муносабатларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006. – № 4. – 158-м.

² Дустов У.Н. Ўзбекистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Юрид. фан. номз. ... дис. Автореф. – Тошкент, 2004. – 25 б; *Муаллиф*. Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги «Кўриклаш» бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 28 б.

³ *Изоҳ*: Оккультизм – бу дуохонлик, азайимхонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи мистик таълимотларнинг умумий номи.

фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ҳам баҳсли ҳисобланади. Мазкур масала бир қарашда Фуқаролик кодексининг 2-моддаси талабларига (мазкур муносабатларнинг мулкӣ тусга эгаллиги ва тарафларнинг тенглигига асосланганлиги) жавоб беради. Аммо шу билан бирга, фаолиятнинг мазкур тури мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтимолдан узоқ ҳисобланади, чунки бугунги кунда мазкур хизматлар ва ваъда қилинган натижа ўртасидаги объектив алоқани белгилаш мумкин эмас.

Бундан ташқари, бугунги кунда таълим бериш соҳасидаги хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ҳам баҳсли бўлиб қолмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги¹ Қонунининг 6-моддасида таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли эканликлари, «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги² Низомнинг 21-бандида нодавлат мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави ва шартнома билан тартибга солиниши ҳамда шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Ўз навбатида, бугунги кунда мазкур тизимда ҳақ эвазига ҳамда текинга кўрсатиладиган таълим хизматларининг мавжудлиги, мазкур соҳада ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкинлигига имконият вужудга келганлигидан далолат беради. Хусусан, бугунги кунда мазкур муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга ёки эга эмаслиги

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. – № 9. – 225-м.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. – № 43. – 431-м.

масаласи фуқаролик ҳуқуқи назариясида турли хил мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, А.В.Белозеров, В.В.Кваниналар факатгина ҳақ эвазига кўрсатиладиган таълим хизматларини кўрсатиш бўйича муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга, деган нуқтаи назарни илгари суришади. Фикримизча, таълим муассасалари ва таҳсил олаётган фуқаролар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ҳақ эвазига ёки текинга тузилишидан қатъий назар, уларнинг барчаси мулкӣ тусга эга ҳисобланади. Чунончи, мулкӣ тусдаги муносабатлар деганда, муайян иқтисодий мазмунга эга бўлган ижтимоий муносабатлар англашилади¹. Шу боисдан ҳам, таълим хизматини кўрсатиш бўйича муносабатлар иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг 2004 йил 10 мартдаги 05-06-сонли қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (ИФУТ 1 ред.)нинг² айнан «Таълим» деб номланувчи М-секциясида мазкур бўлим ўз ичига давлат, шунингдек турли босқичдаги хусусий таълимни олиши ҳамда ушбу бўлим бўйича изоҳларда таълимнинг босқичлари ва поғоналари хусусидаги далиллар Халқаро Стандарт Таълим Таснифи (ХСТТ)га таянишининг ўз аксини топганлиги бежиз эмас. Фикримизча, ҳақ эвазига кўрсатиладиган таълим хизматини бозор иқтисодиётига хос бўлган хизматлар турига, текинга кўрсатиладиган таълим хизматларини эса бозор иқтисодиётига хос бўлмаган хизматлар турига киритиш мумкин бўлади. Чунки, текинга кўрсатиладиган хизматлар ижрочиси фойда топиш мақсадини кўзламайди, балки инсонпарварлик, яхшилик қилиш, савоблилик каби ички ҳис-ғуйғулардан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади. Бундан ташқари, айна пайтда миллий қонунчилигимизда³ ҳам хизматлар нафақат тадбиркорлик фаолияти субъ-

¹ Зокиров И. Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент, 1996. – 30-б.

² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи 1 ред. (ИФУТ 1 ред.) – Тошкент: Ўзстандарт. – 2004. – 172-б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида «ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)»ка берилган тушунчанинг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатишда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдами (фаолияти) ҳам қамраб олинганлигини кузатиш мумкин.

ектлари, балки бошка фуқаролар, яъни хизмат кўрсатишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган фуқаролар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин. Шу боис, келгусида текинга хизмат кўрсатиш шартномаси ЎзР ФКда алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида фикр-мулоҳазалар юритиш ўринлидир.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларини ёки таълим муассасаларининг ўз уставларида белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатишга оид тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш бугунги куннинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»¹ги¹ Низомнинг амалиётга тадбиқ этилиши ушбу муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини юзага келтиради. Жумладан, юқорида қайд этиб ўтилган Низом билан тасдиқланган шартномаларни тузиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари каби муҳим қоидаларни қонун даражасида ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур муносабатларга «мулкӣ муносабатлар», деб ҳуқуқий баҳо бериш, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида тарафларнинг тенглиги, эркинлиги ва шартномалар дахлсизлиги каби фуқаролик ҳуқуқининг муҳим тамойилларига асосланган қоидаларни белгилаш зарур. Зеро, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар таркибидаги таълим хизматлари алоҳида аҳамиятга эга ва бундан бевосита давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор бўлади. Таълим хизматини тартибга солиб турувчи муҳим қоидаларни (масалан, таълим хизматини ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид қоидалар) Фуқаролик кодексига акс эттириш, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда эса ушбу қоидаларни батафсил ифодалаш тавсия этилади. Бугунги кунда фуқаролик

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 августдаги 795-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. – 1999. – № 8.

хукуки назариясида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган бир қатор хизматларни ўз ичига олган интеллектуал мулк билан боғлиқ муаммоларга, бошқача айтганда, «илмий тусга эга хизматлар» тунунчасига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Н.В.Козлова ҳақ эвазига кўрсатиладиган ҳуқуқий хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини кўриб чиқишда мижознинг топшириғи бўйича юрист ўзининг аналогиясига эга бўлмаган шартнома лойиҳасини тузиши, шунингдек мавжуд юридик муаммолар бўйича хулоса тайёрлаши мумкинлигига ўз эътиборини қаратади¹. Хусусан, унинг фикрича, оригинал шартнома ва ёзма хулосанинг лойиҳаси илмий ва тижорат қимматликка эга бўлган бадиий асарлар бўлиб ҳисобланади². Бу ўринда, фикри-мизча, объектив шаклда ифодаланган ушбу номоддий натижани вужудга келтириш билан яқунланадиган хизматлар, яъни фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммо вужудга келади. Албатта, илмий тусга эга хизматларнинг глобаллашуви «интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тартиби ва илмий тусга эга хизматларни кўрсатиш бўйича боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳолларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши зарурлиги»ни³ ҳам тақозо этади. Бинобарин, мазкур муаммо бугунги кунда Интернет хизматлари кўрсатиш, хусусан, домен номига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг тармоқли ахборот ресурсларида айнанлигини ҳамда мазкур ҳуқуқларнинг фирма номи ва товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига) бўлган ҳуқуқлар⁴ билан ўзаро алоқадорлигини

¹ Козлова Н.В. Договор возмездного оказания правовых услуг // Законодательство. – Москва, 2002. – № 3. – С. 40.

² Козлова Н.В. Ўша манба. – С. 41.

³ Шаблова Е.Г. Гражданско-правовое регулирование отношений возмездного оказания услуг. Екатеринбург: УГТУ-УПИ, 2001. – С. 187; Шаблова Е.Г. Перспективы развития правового института возмездного оказания услуг // Журнал российского права. – Москва, 2002. № 1. – С. 64.

⁴ *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги «Фирма номлари тўғрисида»ги ЎРҚ-51-сонли Қонунининг 11-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номига бўлган ҳуқуқ фирма номига бўлган ҳуқуқдан илгари олинган бўлса, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номида ушбу фирманинг номидан фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилмайди.

ҳуқуқий тартибга солиш заруриятининг вужудга келаётганлигида ҳам намоён бўлади.

«Илмий тусга эга хизматлар»га юридик жиҳатдан таъриф берганда, фикримизча, номоддий натижага эришиш тугалланган ҳамда ҳуқуқий ҳимояга лаёқатли бўлган хизматларни тушуниш зарур. Бундан ташқари, хизматларнинг қондирилаётган эҳтиёжлардаги ролига қараб уларнинг қуйидаги таснифланишини таклиф этиш мумкин:

1. Эҳтиёжларни аниқлашга қаратилган хизматлар (ахборот, маслаҳат хизматлари);

2. Эҳтиёжларни қондириш мақсадида товарларни сотиб олиш таклифини илгари суришга қаратилган хизматлар (реклама, воситачилик хизматлари);

3. Эҳтиёжларни бевосита қондиришга қаратилган хизматлар (алоқа, тиббий, таълим, консалтинг бошқаруви хизматлари ва бошқалар).

Фикримизча, хизматларнинг мазкур таклиф этилаётган таснифланиши фуқаролик ҳуқуқи назарияси учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, эҳтиёжларни қондириш жараёни мураккаб тусга эга бўлиб, уни бугунги кунда, энг аввало, эҳтиёжларнинг ўзини аниқлаш, бозорларда товарларнинг олди-сотдисини (тарқатилишини) илгари суришга қаратилган ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ мулкӣ муносабатлар доирасининг ранг-баранглилиги, кўп сонли эканлиги билан боғлаш мумкин.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида хизматларнинг номоддий натижага эришиш кафолатланганлигининг қуйидаги мезонлари бўйича таснифланиши юридик аҳамиятига эга:

биринчидан, ижрочи томонидан номоддий натижага эришиш кафолатланиши мумкин бўлган хизматлар;

иккинчидан, ижрочи томонидан номоддий натижага эришиш кафолатланиши мумкин бўлмаган хизматлар.

Мазкур мезонлар, фикримизча, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси предметининг, шунингдек номоддий натижага эришиш шартнома бўйича тўловни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби ва тарафлар ўртасида вужудга келадиган мажбурий ўзаро муносабатларнинг бошқа ўзига хос жиҳатларини аниқлаб беради.

Албатта, хизматларнинг таснифланиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилишда фуқаролик ҳуқуқининг барча объектиларига тааллуқли бўлган таснифлашга, яъни қонун чиқарувчи томонидан ФКнинг 82-моддасида белгилаб берилган фуқаролик ҳуқуқлари объектиларининг муомалада бўлиши мезонларига қараб юридик таснифлашга тўхталиб ўтиш зарур. Бу ўринда унда белгиланган қоидаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, хизматларни муомалада бўлиши мумкин бўлган хизматлар, муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган хизматлар ҳамда муомалада бўлиши чекланган хизматларга ажратиш мумкин. Фикри-мизча, «муомалада бўлиш» жумласи фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланган ҳамда шартларнинг муайян улуши қўлланиладиган хизматларгагина тааллуқлидир. Шу сабабли, хизматларнинг муомалада бўлиши ҳақида эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг предмети бўлиши мумкин бўлмаган хизматлар (диний хизматлар); субъектларнинг фақатгина муайян тоифаси иштирок этадиган хизматлар (мажбурий сертификатлаштириш марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар¹); шунингдек, махсус рухсатнома бўйича йўл қўйиладиган, яъни кўрсатиладиган хизматлар (авиация техникаларига кўрсатиладиган техник хизматлар²) ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ўринлидир.

Шундай қилиб, мазкур мезонлар бўйича хизматларнинг амалда фарқланиши амалдаги қонунчилик билан ман қилинган

¹ *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги 1006-ХП-сонли Қонуни-нинг 6-моддасига мувофиқ, маҳсулотлар (шу жумладан, дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификатлаштириш объектилари ҳисобланади. «Ўзстандарт» агентлигининг ўзи, унинг томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектларидир.

² *Изоҳ:* Авиация техникаларига техник хизматлар кўрсатиш бўйича «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо-давлатлар фуқаро авиациясининг авиация техникаларининг таъмирланишини таъминлаш бўйича трансмилий молия-саноат гуруҳини ташкил этиш тўғрисида Келишув» Москва шаҳрида 1996 йил 18 октябрда имзоланган бўлиб, мазкур келишувнинг 14-моддасига мувофиқ, ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасида 1996 йил 18 октябрдан кучга кирган.

хизматлар, махсус рухсатномалар бўйича, аммо бундай рухсатномалар бўлмаган ҳолларда кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек субъектлар таркибидаги камчиликлар билан боғлиқ хизматлар амалдаги фуқаролик конунчилигида назарда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги асосларига мувофиқ ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ёки тан олинishi мумкинлиги билан ифодаланади.

Кўриб чиқиладиган мазкур муаммо ижрочининг келажакда кўрсатадиган хизматларига бўлган талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкинлиги нуқтаи назардан муайян даражада илмий қизиқиш уйғотиши мумкин. Шу боис, ушбу масала ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари турларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, чуқур ўрганилиши жоиз.

Бундан ташқари, хизматлар уни кўрсатиш усуллари, яъни ЭҲМдан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда кўрсатилиши мумкинлигига қараб ҳам таснифланиши мумкин¹. Мазкур белги бўйича ажратилаётган хизматларнинг биринчи тоифаси Интернет тармоғидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда кўрсатилиши мумкин. Албатта, хизматларнинг мазкур турларга бўлиниши янгилик эмас, чунки том маънода аталаётган «виртуал хизматлар» тушунчасининг айна пайтда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида кундан-кунга кенг қўлланилмоқда². Шу билан бирга «виртуал хизматлар»ни кўрсатиш бўйича шартномавий мажбуриятларни тузиш ва бажаришнинг ҳуқуқий тартиби ҳақида

¹ *Изоҳ:* Хизматлар тижоратида электрон рақамли имзодан фойдаланиш билан боғлиқ илмий тусга эга хизматлар ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги 562-П-сонли Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатта олиш маркази томонидан берилади ҳамда мазкур марказ томонидан электрон рақамли имзоларга тааллуқли бошқа хизматлар ҳам кўрсатилади.

² *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 декабрдаги 2007-65-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2008 йил 3 январда 1756-сон билан рўйхатта олинган «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоканинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низомда солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этишни ташкил этишнинг умумий тамойиллари белгилаб берилган.

илмий асосланган фикр-мулоҳазалар юритиш ҳам фуқаролик ҳуқуқи назарияси олдида турган долзарб масалалардандир.

Шунингдек, айти пайтда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатилаётган маданий-маърифий характердаги Интернет хизматлари¹, ахборот хизматлари, дистанцион таълим хизматлари², техник маслаҳатлар бериш бўйича хизматлар (масалан, буюртмачининг фойдаланишида бўлган мураккаб техниканинг носозликларини бартараф этиш бўйича) фуқаролик муомаласида реал воқеликка айланиб улгурганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатишнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўлланилиши, бунда унинг шакллари борасида юқорида қайд ўтиб ўтилган фикр-мулоҳазалар норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлашни талаб этадиган аксарият хизматларнинг муҳим юридик хусусиятларини аниқлашга имконият яратади.

¹ *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 августдаги «Маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари ва провайдерларига мақсадли имтиёзлар ва преференциялар бериш тўғрисида»ги 296-сонли Қарорига мувофиқ, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Интал Телеком» филиали, «ТШТТ» филиали, «Buztop» қўшма корхонаси каби тадбиркорлик субъектлари бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўқув, илмий ва даволаш муассасаларига, кишлоқ жойлардаги аҳолига имтиёзли тарифлар бўйича маълумотлар узатиш ва Интернет хизматлари кўрсатувчи операторлар ва провайдерлар рўйхатига киритилган.

² *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сонли Қарори билан маъқулланган «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари» деб номланган 12-иловасининг 9.2.5.-бандига мувофиқ, таълим соҳасида кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 2,1 бараварга ошириш асосларидан бири дистанцион таълим хизматларини кенгайтириш эканлиги белгилаб ўтилган.

1.3. Фуқаролик ҳуқуқи таълимотида хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий қондаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш

Маълумки, жамиятда ҳуқуқий тизим ва қонуншуносликнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши давр талабидир. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлашни¹ такозо этмоқда. Бунинг учун қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид илмий таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ш.Х.Файзиев тўғри таъкидлаганидек, мавжуд қонун ҳужжатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, уларга бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, замон талабларига жавоб бермайдиган эски қонунларни бекор қилиш ва янгиларини яратиш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларининг сифатини янада ошириш зарурати пайдо бўлмоқда². Бунинг учун эса мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштириш заруриятини ўрганиш лозим. Айни пайтда фуқаролик қонун ҳужжатларида хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий қондаларнинг ривожланиши ва уни такомиллаштириш истиқболларини аниқлаб олишда энг аввало, ЎзР ФКдаги ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлмаган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартномалар учун «муайян даражада пойдевор» вазифасини бажараётган «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланадиган 38-бобнинг норматив асосларини янада такомиллаштиришга эътиборни қаратиш зарур.

М.И.Брагинскийнинг фикрича, РФ фуқаролик қонунчилигининг «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланган боби қондалари бугунги кунда ушбу бобда қайд этиб ўтилган ҳақ эвазига

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 22-б.

² Файзиев Ш. Қонунчилик ҳужжатлари экспертизасини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари // «Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006. – 20-б.

хизмат кўрсатиш шартномаларининг турлари учун ўзига хос умумий қисм сифатида, хусусан мазкур бобда кўзга ташланадиган муайян ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида фақатгина субсидиар қоидалар сифатида амалда қўлланилмоқда¹.

Унинг мазкур нуқтаи назари эса илмий баҳс-мунозарага асос бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ФКнинг «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» бобида санаб ўтилган шартномаларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда мавжуд бўшлиқларни барта-раф этиш мақсадида ушбу боб қоидаларига мурожаат қилиш, фикримизча эҳтимолдан узоқ эмас ҳамда унчалик аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланган боб норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муайян даражада «мазмундор»лиги ва ФКнинг хизмат кўрсатишга қаратилган шартномаларга бағишланган бошқа бобларига таққослаганда, назарий, абстракт тафаккурни ўзида ифодалашини кузатиш мумкин. Мазкур фикримизни ЎзР ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисмидаги сўзларнинг («Ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига тадбиқ этилади. Ушбу Кодекснинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно») том маънода шарҳланиши ҳам тасдиқлайди². Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 38-боби ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тўғрисидаги қоидаларни белгилашини ҳамда бу ўринда «хизматлар» тушунчаси тор маънода қўлланилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Бошқача айтганда, мазкур бобда ФКнинг бошқа боблари қамраб олмаган хизматлар тартибга солинади, деган хулосага келиш ўринлидир.

¹ Брагинский М. И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва, 1999. – С. 241.

² *Изоҳ:* Бу ўринда сўзни том маъносида шарҳлаш - бунда турмушга татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг мазмунини ёзилган матнига қараб, ҳеч нарса қўшмасдан қўллаш тушунилади. *Қаранг:* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун /Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, У.Чориев // Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев.-Тошкент: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, – 2000. – 341-б.

Бугунги бозор иктисодиёти шароитида хизматлар ривожланиши, бошқача айтганда, улар диверсификациясининг мустаҳкам тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш институти фуқаролик ҳуқуқининг динамик равишда ривожланаётган институтларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур фикр-мулоҳазани таҳлил қилиш ҳамда ЎЗР ФКнинг 38-боби қоидаларининг самарадорлигига баҳо беришдан олдин ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш институтининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ айрим концептуал қоидаларни келтириш ҳамда асослашга уриниб кўриш жоиз.

Бунинг учун энг аввало, мамлакатимиз Фуқаролик кодекси 38-бобининг норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тузилиши мантикий тўғри эканлигини аниқлашда ФКнинг «Мажбуриятларнинг айрим турлари» деб номланадиган 3-кичик бўлимининг умумий тузилишига таъсир қиладиган мақсадни ҳисобга олиш зарур. С.А.Хохлов тўғри таъкидлаганидек, шартномаларнинг турлари ва ранг-баранглиги ФКда қатъий равишда бир-биридан ажратиб қўйилган. Уларнинг турлари ва ранг-баранглигининг тизимли равишда тузилганлигини, энг аввало, шартноманинг ҳар бири тури ҳақидаги қоидаларни алоҳида бобда, зарур ҳолларда шартноманинг мазкур тури тўғрисидаги умумий қоидаларни (масалан, олди-сотди, ижара, пудрат, омонат сақлаш шартномалари), яъни шартноманинг ҳар бир турига хос алоҳида хусусиятлар ҳақидаги махсус қоидаларнинг мазмунини ўзида ифодаловчи параграфларга белгилаш йўли орқали асослаб берилган. Битта шартнома (ёки унинг алоҳида турлари) бўйича муносабатларни тартибга солиш мақсадида шартномаларнинг бошқа турлари учун белгиланган қоидаларни қўллашга эса фақатгина ФКда кўрсатилган ҳоллардагина йўл қўйилади¹.

Бу ўринда шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг тузилишига оид пандект қоидалар ва ҳар бир шартноманинг алоҳида тури ҳақидаги махсус қоидалар «ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланадиган «ёш»

¹ Хохлов С.А. Концептуальные основа части второй Гражданского кодекса // Гражданский кодекс России. Проблемы. Теория. Практика. Сборник, посвященный памяти С.А.Хохлова. /Отв. ред. А.Л.Маковский. – Москва, 1998. – С. 415-416.

фукаролик-хукукий институтининг тузилиши ва унинг келгусида ривожланишига асос бўла олмайди¹.

Албатта, мамлакатимиз Фукаролик кодексининг 38-боби у ёки бу хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни хукукий тартибга солишда вужудга келадиган бўшлиқларни тўлдирадиган «навбатчи боб» сифатида эмас, балки тўлақонли норматив-хукукий база сифатида ифодаланишини таъкидлаш лозим. Мазкур фикрни эса, қуйидаги нуктаи назар орқали асослаш зарур: яъни шартномаларнинг янги турларини норматив-хукукий жиҳатдан тартибга солиш Фукаролик кодекси ва бошқа қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ бўлиши зарур. Бу ўринда типик тусга эга бўлган шартномавий алоқаларни тартибга солиш ва уларнинг турғун ҳолатда бўлиши билан боғлиқ манфаатларини ҳисобга олиш, шу билан бирга мазкур «типизациялашув» биринчи навбатда Фукаролик кодекси орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир². Шундай қилиб, асосий шартномаларнинг «типизациялашуви» Фукаролик кодекси доирасида ва даражасида амалга оширилиши зарур ва ФКнинг 38-боби хукукий бўшлиқларни «тўлдирувчи» нормалар йиғиндиси бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга, шартноманинг алоҳида турларига хос «норматив модел»ни мустақкамловчи қонуности ҳужжатлари мажмуаси мавжуд бўлиши лозим, деган хулосага ҳам келмаслик керак.

Бундан ташқари, бугунги кунда фукаролик хукуқи фанида Фукаролик кодекси муносабатларнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга олиши ҳамда уларни тартибга солишда муайян «хукукий захира»га эга бўлиши зарур³, деган нуктаи назарга эътиборни қаратиш лозим. В.С.Якушев «ФКнинг хукукий захираси» тушунчасини таҳлил қилар экан, унинг мазмуни муҳим элементларидан бири сифатида бугунги кунда реал бўлмаган, аммо

¹ Шаблова Е.Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2004. – С. 220.

² Хохлов С.А. Концептуальные основа части второй Гражданского кодекса // Гражданский кодекс России. Проблемы. Теория. Практика. Сборник, посвященный памяти С.А.Хохлова. /Отв. ред. А.Л.Маковский. – Москва, 1998. – С. 416.

³ Якушев В.С. Гражданский кодекс Российской Федерации и гражданское законодательство // Цивилистические записки: Сб. науч. тр. – Москва, 2001 – С. 27.

келажакда вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни ФКнинг институтлари ва нормалари билан тартибга солишнинг имконияти бўлиши зарурлиги билан ўзаро боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади¹.

Шундай экан, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияси конун чиқарувчидан иқтисодий муомалада воқеликка айланиб улгурмаган ҳақ эвазига кўрсатиладиган айрим хизматлар билан боғлиқ муносабатлар учун муайян «хукукий резерв»ни яратишни талаб қилади.

Шу ўринда И.А.Покровскийнинг фуқаролик ҳуқуқининг сиёсати тўғрисидаги фикр-мулоҳазасини келтириб ўтиш жоиз. Хусусан, у эртанги кун ҳаёти ҳақида тўхталар экан, ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларнинг ривожланишида ҳуқуқий нормаларнинг амал қилишини ҳозирдан ўрганиш зарур², деган хулосага келади. Бу эса ФКнинг 38-боби норматив-ҳуқуқий мазмунини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради.

Бинобарин, ФКнинг 38-бобини такомиллаштириш, энг аввало ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари ҳақидаги умумий қоидаларни ташқил этувчи амалдаги нормаларни «тафтиш» қилиш ҳамда янги нормаларни шакллантириш йўналишига асосланиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида уларнинг алоҳида турларини (масалан, алоқа хизмати, тиббиёт, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик, маркетинг, маклерлик хизмати, сотишдан сўнг техник воситаларга кўрсатиладиган хизматлар ва бошқалар) кўрсатиш ҳақидаги шартномалар ФКнинг 38-боби доирасида махсус ҳуқуқий режимга даъвогар бўлиши мумкин. Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрича, хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий нормаларни ифода этиш ва уни амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор хизматлар бўйича, яъни коммунал хизмат, кўп қаватли уйларга лифт хизмати, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизмати, почта, телефон (шу жумладан, уяли телефон) хизмати, тиббий хизмат, жисмоний тарбия хизмати, юридик хиз-

¹ Якушев В.С. Ўша манба. – С. 27-28.

² Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – Москва, 1998. – С. 10.

мат, транспорт хизмати, ижтимоий ҳимоя хизмати, шу жумладан ҳомийлик фаолияти, кўчмас мулк муомаласига кўмаклашувчи хизматлар кабиларга оид коидаларни ишлаб чиқиш зарур¹. Назаримизда, бу билан юқорида кўрсатиб ўтилган номдаги хизматлар кўрсатилишини тартибга солувчи нормаларнинг келажакда «алоҳида шартнома тури» мақомига эга бўлиши ҳамда мустақил ҳуқуқий институт сифатида ажралиб чиқишига имконият яратилади.

Янги шартнома турларининг «куртакланиш» жараёни мазкур шартномаларнинг ўзига хос юридик белгиларини норматив жиҳатдан расмийлаштириш чора-тадбирлари нуктаи назаридан амалга оширилиши зарурлигига эътиборни қаратиш лозим. Жумладан, Фуқаролик кодексидаги ушбу «куртакланиш», яъни нормаларни ажратиш сценарийси, фикримизча, *биринчи босқичда* ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси у ёки бу турининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи нормаларни ФКнинг 38-боби доирасида дифференциялаш орқали, *иккинчи босқичда* эса ушбу мустақил ҳуқуқий институтни белгилаб бериш борасидаги «нормаларни ажратиш» жараёни мазкур ҳолатнинг объектив зарурияти, яъни шартноманинг янги тури мавжуд эканлигини кўрсатиб берувчи мезонлар аниқланган тақдирдагина амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Охириги йилларда фуқаролик ҳуқуқи назариясида шартномавий мажбуриятларнинг ҳуқуқий табиатини дифференциялаш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, сўнгги пайтларда у ёки бу шартноманинг ўзига хос хусусиятларини «кидириб топиш» тадқиқотчилар томонидан мустақил тарзда (алоҳида ҳолда) ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган янги шартнома тури дунёга келганлиги (ёки пайдо бўлганлиги) тўғрисида ҳулоса чиқаришга олиб келиши мумкин. Тўғри, бугунги кунда вужудга келётган объектив ҳолатлар янги ҳуқуқий институтларнинг вужудга келишини ҳуқуқий тартибга солиш усулларини дифференциялаш лозимлигини асослаб бериши табиий ҳол. Аммо ҳуқуқий тар-

¹ Рўзиназаров Ш.Н. Фуқаролик кодекси: цивилистик тафаккур маҳсули // «Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истикболлари». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2007 йил 27-28 ноябрь. – Тошкент, 2008. – 112-б.

тибга солиш усулларини дифференциялаш ўз навбатида, тегишли муносабатларнинг тўлиқ тартибга солинмаганлиги, объектив равишда тарафлар ташаббускорлигини чеклаши мумкинлиги хавфини келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, бугунги кунда ЎзР ФК 38-бобининг умумий қоидаларини янада такомиллаштириш, шу бирга хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланиладиган шартномаларнинг ҳар бир турини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормаларни, энг аввало, фуқаролик қонунчилигига тааллуқли манбалар даражасидаги қоидаларни параллел тарзда ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

О.М. Щуковская юридик хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни қабул қилиниши лозим бўлган махсус қонун даражасида ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида фикр юритади ва унинг мазкур эҳтиёжни асослашга қаратилган нуқтаи назари бир қараганда ишончли ҳисобланади¹. Аммо яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоизки, шартномаларнинг «типизациялашуви» Фуқаролик кодекси доирасида мустаҳкамланиши, шартномаларнинг алоҳида турлари норматив моделлари эса уларнинг тааллуқлилиги доираси бўйича тегишли қонунлар даражасида, агарда шартномаларнинг муайян турлари орқали тартибга солинадиган хизматларнинг аҳамияти (ижтимоий, иқтисодий ва бошқалар) ва ўзига хос хусусиятлари қонун даражасида тартибга солишни тақозо этса, тартибга солиниши мумкин. Мисол сифатида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги² Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги³ Қонуни етарли асослантирилган ҳолда ўз вақтида қабул қилинганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Чунончи, мазкур қонунлар ўзининг мазмун-моҳиятида оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг нормаларини экс эттирган, улар ўз табиатида кўра

¹ Щуковская О.М. Правовое регулирование деятельности по оказанию правовых услуг: Автореф. Дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – С. 8.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 9. – 227-м.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 7-8. – 210-м.

комплекс характерга эга. Бу эса ушбу хизматларни кўрсатиш бўйича ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий концепциясини норматив жиҳатдан таъминлашга имконият яратади. Бинобарин, ушбу жиҳат шунга ўхшаш қонунларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги етарли асосга эга эканлиги ҳамда Фуқаролик кодексига бу борада тегишли ўзгаришлар киритишга эътиборни қаратмаслик, аксинча, хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги «норматив моделлар»нинг алоҳида махсус қонунларда мустақамланиши жоиз, деган хулоса чиқаришга асос бўлади.

Албатта, кейинги йилларда хизматларнинг глобаллашуви жараёни тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатилаётган ҳамда вужудга келаётган хизматлар, хусусан инжиниринг, менежмент, маркетинг, ахборот-телекоммуникация соҳаларида хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормаларни кодификациялашга эҳтиёж юзага келаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу эса, Фуқаролик кодексининг 38-боби доирасида илмий тусга эга хизматларни кўрсатиш бўйича давлат контрактларини тузиш жараёнини ўзига хос тарзда тартибга солувчи нормаларни ажратишнинг объектив заруриятини келтириб чиқармоқда. Фуқаролик муомаласининг профессионал иштирокчилари томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар соҳасида муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни оммавийлаштириш жараёни чуқурлашиб бораётганлиги ҳам бунинг яққол исботидир. Мазкур ҳолатлар яқин йиллар ичида Фуқаролик кодексининг хизмат кўрсатиш бўйича барча фуқаролик-ҳуқуқий институтларини (уларнинг институционал мустақиллигини сақлаган ҳолда) ягона бўлимга бирлаштиришни илмий таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, бугунги кунда кўпгина хизматлар электрон ҳисоблаш техникалари ёрдамида ҳам кўрсатилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хизматлар бозоридаги электрон тижорат цивилист олимлардан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали битимларни тузишга оид ҳуқуқий режим ҳамда электрон тижоратда иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига тааллуқли ахборотлар базасини ҳимоя қилишнинг ўзига хос

хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратишни талаб этади¹. Фикримизча, ахборот хизматларининг объекти ҳамда мазкур ахборотларни узатиш усулларини лозим даражада ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида бу борада ҳам илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим.

Шунингдек, франчайзинг тизими² бўйича бир қатор хизматларни кўрсатиш борасида жаҳон миқёсида кузатилаётган тенденция келажакда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда тижорат концессиялари шартномалари³ муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигини англатади. Айниқса, тижорат концессияси билан боғлиқ шартномалар тизимини қўллашнинг истикболли йўналишларини мураккаб техникани сотишдан сўнг уни ишлаб чиқарувчилар томонидан хизматлар кўрсатишни ташкил этиш билан боғлаш мумкин бўлади.

¹ *Изоҳ:* Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатга олинган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 5 октябрдаги ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28, 2007-55-сон қарори билан тасдиқланган «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳам қабул қилинган. *Манба:* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. № 46-47. – 480-м.

² *Изоҳ:* Франчайзинг (*ингл.* Franchising; *рус.* Франчайза) – бизнес юритиш усули. Фойдаланиш учун тайёр корхона, фирма ёки машҳур фирма маҳсулотининг савдо маркаси олинади. *Манба:* *Ортиқов А.* Иқтисодий-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли лугати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 111-б.; Франчайзинг – майда маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва йирик кампаниялар билан боғлиқ бўлган кичик фирмалар тизими; асосий фирма ва йирик бўлмаган чакана савдо билан шугулланувчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатлар тизими. *Манба:* Основы рыночной экономики: Терминологический словарь / Сост. и отв. ред. В.М.Кузнецов. – Москва: Изд-во МАИ, 1998. – С. 89.

³ *Изоҳ:* «Концессиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, концессия чет эллик инвесторга хўжалик фаолиятининг муайян тури билан шугулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат чет эллик инвесторга концессия шартномаси тузиш асосида мол-мулк, ер ва ер ости участкаларини топширади. *Манба:* Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Концессиялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995. – № 9. – 185-м.

Мазкур тадқиқот ишида хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тизимининг (2-боб 2.2.-параграф) илмий таҳлил қилиниши ўз навбатида, Фуқаролик кодексида ажратиб кўрсатилган ҳуқуқий институтлар тизимида шартли равишда «хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар мажмуаси»ни белгилаш зарурлигини кўрсатади. Шу ўринда хизмат кўрсатиш бўйича барча фуқаролик-ҳуқуқий институтларни Фуқаролик кодексида битта бўлимга бирлаштириш (мазкур бўлим доирасида уларнинг институционал мустақиллигини сақлаган ҳолда) мақсадга мувофиқми, деган табиий савол туғилади.

Фикримизча, келгусида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий институтларни бирлаштириш, шунингдек ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича барча шартномалар учун умумий характерга эга бўлган тузилмавий бўлимларни умумий тарзда, яъни «умумий қисм» даражасида шакллантириш мумкинлиги тўғрисидаги масалани илмий тадқиқ қилиш предметиға айлантириш тақозо этилади. Мазкур ҳуқуқий институтларнинг норматив манбаларини ФКнинг «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланадиган 38-боби қоидалари, айниқса, «умумий қисм»ни ташкил этадиган нормалари доирасида қайта ишлаш ва амалиётда қўллаш механизмини ўрганиш фойдадан холи бўлмас эди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тизимини қайтадан кўриб чиқиш, бу борада эътиборни жалб қиладиган фикр-мулоҳазаларни¹, шунингдек ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида мавжуд анъаналарни, хусусан Кодексида

¹ Шуковская О.М. Правовое регулирование деятельности по оказанию правовых услуг: Автореф. Дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – С. 12.; Рашидов К.К. Проблемы правового регулирования отношений по международной перевозке пассажиров и грузов: Автореф. Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2004. – С. 38.; Дустов У.Н. Ўзбекистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. – 14-б.; Бурханходжаева Х.В. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 16-б.; Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 8-б.

Ўз ўрнига мустақкам эга бўлган шартнома турларини (топширик, ташиш, воситачилик шартномалари ва ҳ.к.) ҳисобга олган ҳолда, чуқур илмий асосга эга бўлиши лозимлигини тақозо этади.

Бундан ташқари, хизматлар соҳасининг ривожланиш динамикаси (суръати)¹ Фуқаролик кодексининг тузилишини чуқур назарий ишланмалар асосида қайта кўриб чиқиш зарурлигига бўлган эҳтиёжни янада оширади, деган тахминларга ҳам келиш мумкин.

Назаримизда, Фуқаролик кодекси қоидаларини такомиллаштиришни куйидаги йўналишларда, босқичларда амалга ошириш мумкин:

биринчидан, Фуқаролик кодексининг «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланадиган 38-бобининг норматив мазмунини энг аввало, унинг умумий қисмини ташкил этиши мумкин бўлган нормаларининг амалиётда қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

иккинчидан, 38-боб доирасида тартибга солинишига объектив эҳтиёж туғилаётган хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларгагина тааллуқли илмий асосланган таклифларни шакллантириш;

учинчидан, ФК тузилишини қайтадан кўриб чиқиш ҳамда унда хизматлар кўрсатишга қаратилган барча шартномаларни бирлаштирувчи умумий хусусиятга эга бўлган қоидаларни тузилмавий бўлимларга ажратиш.

Албатта, мазкур жараёнлар бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича чуқур илмий асосларга эга бўлган қарорларни, олимларнинг эътиборга молик таклифларини талаб этадиган келажакдаги йўналишлар бўлиши мумкин.

¹ *Изоҳ*: Иқтисодчи олим Д.А.Сурмило бугунги кунда консалтинг хизматларини стандартлаштиришнинг объектив зарурияти ҳам борлигини кўрсатади. *Манба*: Сурмило Д. А. Пути совершенствования рынка консалтинговых услуг в Узбекистане: Автореф. Дис. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 2006. – С. 20.

Ўзбекистонда 2010 йилда¹ кутилаётган хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси объектив равишда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги жараёнларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғун ҳолда амалга оширилиши лозимлигини кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг хизматлар кўрсатиш соҳасидаги нормалари билан уйғунлашувининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Маълумки, бугунги кунда дунё миқёсида амалга оширилаётган савдо-сотик жараёнида хизматлар бозори муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш тармоғи иқтисодиётнинг энг тез ривожланадиган соҳаси бўлиб, айнан шу соҳа ортиқча ишчи кучларининг катта қисмини ўзига жалб этиши мумкин. Жаҳон иқтисодиётида иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилади. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади².

Чунончи, халқаро статистик маълумотлар ҳам хизматлар савдоси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланадиган соҳаларидан бири эканлигидан далолат беради. Хусусан, Халқаро валюта фонди тўлов балансининг маълумотлари бўйича хизматларни жаҳон миқёсида экспорт қилиш динамикаси 1988 йилда 653,2 млрд.

¹ *Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сон Қарорининг «Ўзбекистон Республикасида 2007-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг янгиланган асосий параметрлари» деб номланган 1-илоvasида 2010-йилда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 49,0 фоиз бўлиши лозимлиги белгилаб ўтилган. Манба: //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. – № 21. – 213-м.*

² Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз // Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 223-224-б.

долларни тапшил этган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 1260 млрд. долларга¹, 2006 йилда эса 2710 млрд. долларга етган².

Юқоридаги статистик кўрсаткичлардан хизматлар муомаласининг ўсиш суръати товарларнинг ташки савдоси билан таққослаганда, анча баланд эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, мавжуд маълумотлар асосида, адабиётларда 2020 йилга келиб хизматларни жаҳон миқёсида экспорт қилиш ҳажми товарларни экспорт қилиш ҳажми билан тенглашиши мумкин, деган фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган³.

Албатта, хизматлар муомаласининг тез суръатларда ўсиши, жаҳон иқтисодиёти муаммолари билан шуғулланувчи иқтисодчи олимларнинг фикрича, иқтисодий ривожланишнинг узок давом этган бир қанча омилларига бориб тақалади. *Биринчидан*, илмий-техниканинг ривожланиши; *иккинчидан*, янги ахборот технологияларининг қўлланилиши; *учинчидан*, «хизматлар» тушунчасининг ўзи бугунги кунда транспорт, глобал телекоммуникациялар тизими, молия-кредит ва банк хизматлари, такомиллашган электрон, компьютер ва ахборот хизматлари, замонавий соғлиқни сақлаш ҳамда таълим хизматлари каби соҳаларни белгилаб бераётганлиги энг асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади⁴.

Айни пайтда ташқи савдода кўрсатилаётган хизматларнинг турлари БМТнинг Халқаро стандартлашган саноат классификацияси маълумотларига қараганда, 600 дан ошган. Ва улар том маънода «айнан бир мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва фақатгина мазкур мамлакат ҳудудида истеъмол қилинадиган ҳамда бошқа мамлакатларга ўтмайдиган», яъни «сотилмайдиган товарлар» таркибига киришини таъкидлаб ўтиш жоиздир⁵.

Бинобарин, хизматлар соҳасининг глобаллашуви, ўз навбатида, хизматлар бозорини халқаро даражада ҳам ҳуқуқий

¹ Международные экономические отношения: Учебник / Под общ. ред. В.Е.Рыбалкина. – Москва, 1998. – С. 124.

² Шаповалов А., Седых И. Мировая торговля замедлится // Коммерсант, 13 февраля 2007 года. – № 62 (3638).

³ Дюмулен И.И. Международная торговля услугами. – Москва, 2003. – С. 4.

⁴ Дюмулен И.И. Ўша манба. – С. 4-5.

⁵ Международные экономические отношения: Учебник / Под общ. ред. В.Е.Рыбалкина. Москва, 1998. – 123 с.

тартибга солишни тақозо этади. Хусусан, Бутунжаҳон Савдо Ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Шартноманинг (1993 йилнинг 15 декабрида Уругвайда тузилган) тўртта иловаси мавжуд бўлиб, улардан бири бу – хизматлар савдосини тартибга солишнинг умумий қоида ва принципларини, алоҳида сервис соҳалари учун қулай бўлган махсус келишувлар, шунингдек хизматлар соҳасида чекловларни бартараф этиш бўйича миллий ҳукуматларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувдир (ГАТС – 1Б-Илова)¹. Таъкидлаш жоизки, мазкур халқаро ҳужжатда кўрсатилганидек, молиявий хизматлар, асосий телекоммуникациялар тизими ва хизматлар кўрсатиш бўйича савдо сиёсатини либераллаштириш Уругвай учрашувидан сўнг ҳам давом этади. Хизматлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш махсус ҳукуматлараро ташкилотлар (масалан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ВТО), Халқаро фуқаро авиацияси (ИКАО) ва бошқалар) даражасида ҳам амалга оширилади. Чунончи, Халқаро туризм ташкилоти, масалан, меҳмонхона хизматларини кўрсатиш бўйича қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқади. Жаҳон бозоридаги хизматлар соҳасига тааллуқли мазкур тенденция фикримизча, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларни имплементация қилишга олиб келади.

Албатта, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш билан боғлиқ муаммо бугун эмас, балки илгари пайдо бўлган. Имплементация қилиш билан боғлиқ ғояларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириш борасида И.А.Покровскийнинг ишларига тўхталиб ўтиш ўринли бўларди. Унинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқи тарихининг устуворлиги ягона ҳуқуқий нормалар негизида бутун дунёнинг тарихий ривожланиши ва халқларнинг ўзаро мулоқоти борасида тузатиб бўлмайдиган тенденциянинг ягоналигидан далолат беради. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий таъсир

¹ Генеральное соглашение о торговле услугами (General Agreement of Trade in services. / Всемирная торговая организация, Уругвайский раунд многосторонних торговых переговоров. – Марракеш. 15 апреля 1994 г. // International Legal Materials. 1994. Volume XXII, № 1. January. // Мировая экономика: новости, статьи, статистика [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.ereport.ru / свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

доирасини ташкил этувчи иқтисодий муносабатлар миллий чеғараларни тан олмайди ва бутун жаҳон бўйича ўзининг таъсирини ўтказди¹. Ўзининг қарашларини умумлаштирган ҳолда, И.А.Покровский «универсализм»ни фуқаролик ҳуқуқининг асосий тарихий йўналиши сифатида қайд этади².

М.И.Кулагин эса хусусий ҳуқуқни имплементация қилишнинг бугунги жараёнларини таҳлил қилган ҳолда, куйидаги асосий йўналишларни белгилайди: 1) халқаро оммавий ҳуқуқнинг у ёки бу мамлакат фуқаролик (савдо) ҳуқуқига таъсирини кучайтириш; 2) муносабатларни хорижий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, миллий ҳуқуқ билан тартибга солишни интенсив ривожлантириш; 3) фуқаролик ва савдо ҳуқуқларини унификациялаштириш; 4) нафақат турли мамлакатлар хусусий ҳуқуқининг норматив мазмунини, балки ҳуқуқ манбалари тизимини ўзаро яқинлаштириш³.

Мазкур жараёнларни бугунги кунда, айниқса, том маънода таъкидланаётган «Европа ҳуқуқи» мисолида кўриш мумкин. Ҳ.Юнусовнинг фикрича, Европа ҳуқуқининг тушунчаси Европа ҳамжамиятлари ва қисман Европа ҳуқуқи доирасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуасидир⁴. Б.Н.Топорниннинг таъкидлашича, Европа ҳуқуқи бир томондан интеграциянинг бош регулятори сифатида хизмат қилади, унинг ривожланишига имконият яратади, бошқа томондан эса унинг натижалари ва эҳтиёжларини бирлаштиради ва ифода этади⁵.

Бизга маълумки, 1957 йилнинг 25 мартида имзоланган ҳамда 1958 йилнинг 1 январидан кучга кирган Европа иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома (ЕИХШ) Европа халқларининг янада уюшган иттифоқига асос солиш, турли минтақалар орасидаги тафовутни қисқартира бориб, ўзаро уйғун тараққиётга

¹ Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – Москва, 1998. – С. 59.

² Покровский И.А. Ўша манба. – С. 59.

³ Кулагин М.И. Предпринимательство и право: Опыт Запада. – Москва, 1992. – С. 31.

⁴ Юнусов Ҳ.М. Европа Иттифоқи ҳуқуқи (Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи): Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 172-б.

⁵ Топорнин Б.Н. Европейское право: Учебник. – Москва, 1999. – С. 15.

эришиш, умумий савдо сиёсатини юритиш орқали халқаро савдо алоқаларидаги чекловларни бартараф этиш каби мақсадларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда муҳим роль ўйнади. Буни эса Ҳамжамиятнинг ривожланиши, хусусан умумий бозор принцип-ларига миллий ҳуқуқ нормаларининг мувофиқлиги устидан назо-ратнинг кучайишида кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараён хизматлар соҳасидаги муносабатларни халқаро даражада ҳуқуқий тартибга солишга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Хусусан, мазкур Шартнома III бўлимининг 3-боби «Хизматлар» деб номланиб, 49-55 модда-ларни ўз ичига олади¹. Хусусан 49-моддага кўра, бирор аъзо дав-латларнинг фуқароси томонидан бошқа аъзо давлатнинг истеъ-молчисига хизмат кўрсатишга йўналтирилган хизматларнинг эркин ҳаракатланишига нисбатан барча чекловлар Ҳамжамият ичида бекор этилади.

Шартноманинг 50-моддаси эса «хизматлар» тушунчасига аниқлик киритади: товарлар, шахслар ва капиталнинг эркин ҳара-катланишини тартибга солувчи меъёрлар билан бошқарилмай-диган, ҳақ тўлаш эвазига таъминланган (ёки кўрсатилган) юмуш хизматлар, деб талкин этилади.

Ҳ.Юнусовнинг фикрича, хизматларнинг эркин ҳаракатлани-ши товарларнинг эркин ҳаракатланиши (товарларни эркин со-тиш), шахсларнинг эркин ҳаракатланиши (жисмоний ва юридик шахслар кўчиши, хизмат кўрсатувчи ва миждознинг айни бир пайтда ҳаракатланиши) ва капиталнинг эркин ҳаракатланиши (банк ва суғурта хизматлари) билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Шу боис, муайян хизмат турини эркинлаштириш, яъни Ҳамжа-мият ҳудудида унинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш Кенгаш томонидан малакали кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган директивалар орқали таъминланади (52-модда, 1-банд)².

Хизматларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш бораси-даги муайян чекловларнинг олдини олиш бўйича тажрибани Европа Иқтисодий Ҳамжамияти Судининг қарорларида ҳам куза-тиш мумкин. Хусусан, 1994 йил 9 августдаги Raymond Vender

¹ Юнусов Ҳ.М. Европа Иттифоқи ҳуқуқи (Европа Иттифоқи ва ҳамжамият-лари ҳуқуқи): Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 264-б.

² Юнусов Ҳ.М. Ўша манба. – 264-б.

Eist / Office des migrations internationales иши бўйича чиқарилган қарорда Европа иқтисодий ҳамжамияти Суди муайян аъзо-давлатда хизматларни ишлаб чиқарувчилар учун бошқа бир аъзо-давлатда қўшимча рухсатнома олишнинг ҳар қандай миллий ҳуқуқий тартибга солиниши ўз навбатида, хизматларнинг эркин ҳаракатланиши принципining бузилишига олиб келишини таъкидлаб ўтган¹.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда яқин йиллар ичида кутилаётган хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги жараёнларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари билан сўзсиз уйғун тарзда амалга оширилиши лозимлигини кўрсатади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги² Қонунининг 6-моддасида ташқи иқтисодий фаолият объектларидан бири сифатида хизматлар ҳар қандай мол-мулкка, шу жумладан қимматбаҳо қоғозлар, валюта қимматликларига, электр, иссиқлик энергияси ва бошқа турдаги энергияга, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектларига нисбатан, ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланганларини истисно этганда, амалга оширилиши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундай қилиб, жаҳон бозорида хизматларни истеъмол қилишга бўлган талабнинг кенгайиши *бир томондан*, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро ҳужжатлар қабул қилишни такозо этса, *иккинчи томондан*, мазкур соҳада миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлаштиришни талаб қилади. Албатта, хизмат кўрсатиш соҳасидаги шартнома ҳуқуқини имплементация қилиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунончи, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувнинг (1994 йилда) қабул қилингунига қадар ҳам хизматлар савдоси ҳақидаги муайян кўп томонлама хусусиятга эга бўлган келишув-

¹ Топорнин Б.Н. Европейское право: Учебник. – Москва, 1999. – С. 75-77.

² Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 5-6. – 148-м.

лар мавжуд бўлмаган. Бунинг сабаблари сифатида фикримизча, куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни миллий тартибга солиш тизимининг турли-туманлиги ва мураккаблиги;

иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида хорижий хизмат кўрсатувчиларнинг ички бозорга кириб келишини чеклашга қаратилган давлатнинг миллий сиёсати;

учинчидан, иммиграция ва эмиграция сиёсати билан боғлиқ муаммолар, чунончи, хизматларнинг айрим турларини кўрсатиш муайян хорижий давлат ҳудудида тарафларнинг мажбурияти сифатида жисмоний шахсларнинг ҳозир бўлишини талаб қилиши мумкин;

тўртинчидан, хизматлар муомаласига боғлиқ савдоларни амалга оширишнинг принципиал жиҳатдан янги тартибларининг ишлаб чиқилиши ҳамда бу борада товарнинг муҳим тури – хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш зарурлиги;

бешинчидан, миллий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ хизматларнинг барча турлари тадбиқ этиладиган тартиб ҳақида тасаввурга эга бўлиш имкониятининг йўқлиги.

Ўзбекистоннинг келажақда «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувга қўшилиши билан боғлиқ бир неча масалалар мавжуд бўлиб, улар ичида энг муҳими миллий қонунчиликни Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ) нормаларига мувофиқ ҳолга келтиришдир. Чунки, муаммони қонуний расмийлаштирмасдан туриб, мамлакатнинг хизматлар соҳасидаги халқаро мажбуриятларини амалга оширишнинг самарали механизмини таъминлашнинг имконияти яратилмайди. Шу билан бирга, бу борада муҳим стратегик хизматлар бозорини ҳимоя қилиш зарурлигини инобатга олиш зарур. Чунки, Ўзбекистоннинг «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувга қўшилиши хизмат кўрсатиш соҳасидаги маҳаллий фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун қатор стратегик бозорларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Бинобарин, Ўзбекистоннинг «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувга қўшилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишда ва охириги нуқтаи назарни аниқлашда миллий иқтисодий манфаатларни ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишув телекоммуни-

кациялар соҳаси бўйича шартномавий муносабатларда барча аъзо-давлатлар ўзларининг барча телекоммуникациялар тизимидан учинчи бир давлатнинг хизматларни етказиб берувчилари томонидан фойдаланишлари учун имконият яратиб беришлари лозимлигини мажбурият сифатида белгилайди¹.

Шундай қилиб, «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишув (ГАТС) доирасидаги алоқалар жараёнининг қисқача маълумотидан келиб чиққан ҳолда, келажакда музокараларга тайёргарлик кўриш мамлакатимизнинг нафақат фуқаролик қонунчилигини, балки солиқ, божхона, валютага оид қонун ҳужжатларини ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига унификация қилиш предмети нуқтаи назаридан таҳлил қилишни тақозо этади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари хорижий субъектлар учун тақиқланган ёки чекланган хизматлар соҳасини ҳам аниқлашни талаб қилади. Бу ўринда мазкур соҳада оммавий ҳуқуқнинг муҳофаза қилиш вазифаси ҳам кучайишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

1.4. Ривожланган давлатларда хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда республиканинг ўзига хос шарт-шароитлари ва хусусиятлари, халқимизнинг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари билан бир қаторда, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олиш анъана тусига кирган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек, биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз². Зеро, бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг миллий қонунчилигига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини имплементация қилиш, халқа-

¹ Шульцева В. Телекоммуникации мира и России // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 1996. – № 9. – С. 130-137.

² Каримов И.А. Юсак малакали мутахассислар – тараққиёт омили // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 40-б.

ро доирада турли давлатлар ҳуқуқий тизимларини яқинлаштириш зарурлиги ҳақидаги масалани ҳам ўртага ташлайди¹. Шу боис, хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланган давлатларнинг фуқаролик қонунчилигини таҳлил қилиш, уларда бу борада тўпланган тажрибани мамлакатимиз миллий қонунчилигида ифодалаш орқали мазкур соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Франция давлати ҳуқуқи тизимида муҳим ўрин эгалловчи Фуқаролик кодексида хизмат кўрсатишга қаратилган нормаларни шакллантиришга, айрим адабиётларда таъкидланишича, қадимги Рим хусусий ҳуқуқи қоидалари ўз таъсирини ўтказган². Франция Фуқаролик кодексининг хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидаларини таҳлил қилишдан олдин, унинг тузилишига эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Бу ўринда, Франция Фуқаролик кодекси институционал белгиларга асосланиб тузилганлиги боис, у «Шахслар», «Мол-мулк ва мулкчиликнинг ҳар хил турлари», «Мулкка эга бўлишнинг турли усуллари» деб номланган уч китобга ажратилган. Ёллаш (найм) тўғрисидаги нормалар 3-китобда ўз аксини топган бўлиб, унинг таркибига кирувчи VIII параграф («Ёллаш шартномаси ҳақида») қуйидаги тўрт бобга ажратилган: 1-боб – «Умумий қарорлар», 2-боб – «Ашёларни ёллаш тўғрисида», 3-боб – «Иш ва хизматларни ёллаш тўғрисида» ва ниҳоят, 4-боб – «Мол (хайвон)ни ёллаш тўғрисида». Хизматларга 3-бобда икки қисм, яъни «Ишчи ва хизматкорларни ёллаш тўғрисида»ги ҳамда «Ер ва сув бўйича ташувчилар тўғрисида»ги қисмлар бағишланган. Мазкур бобнинг учинчи қисми эса хизматларга эмас, балки ишларга, яъни пудрат шартномасига бағишланган. Юқоридагилар-

¹ Тиунов О.И. Влияние международно-правовых норм на законодательство стран СНГ // Закон: стабильность и динамика (Материалы заседания Международной школы-практикума молодых ученых-юристов, Москва, 1-3 июня 2006 г. / Отв. Ред. Т.Я.Хабриева. – Москва: Юридическая фирма КОНТРАКТ, 2007. – С. 20.

² Mary A. Glendon, Michael W. Gordon, Ghristopher Osakwe. Comparative Legal Traditions. Texts, Materials and Cases on the Civil and Common Law Traditions, With Special Reference to French, German, English and European law 53 2nd ed. (St. Paul., Minn.: West Publishing Co., 1994).

дан кўриниб турибдики, Франция Фуқаролик кодекси (ФФК) ёллашга оид шартномавий муносабатларда хизмат кўрсатиш шартномаларининг икки турини, яъни: «ишчи ва хизматкорларни ёллаш тўғрисида»ги шартномани (ФФКнинг 1779-моддаси 1-банди) ва «ер ва сув бўйича ташувчиларни ёллаш тўғрисида»ги шартномани (ФФКнинг 1779-моддаси 2-банди) назарда тутди.

Бундан ташқари, ФФКнинг 1710-моддасига мувофиқ, ишларни (иш ва хизматларни) ёллаш тўғрисидаги шартнома бир тарафнинг бошқа тарафга ҳақ эвазига муайян ишни бажариш мажбуриятини белгилашга қаратилган ўзаро келишувни белгилайди. Франция давлати қонунчилигида «ишлар» тушунчаси ўзида «хизматлар»ни ҳам қамраб олади. ФФКнинг 1780-моддасида хизмат кўрсатиш шартномасини, «хизматлар» тушунчасини аниқлаштиришга қаратилган қоидалар ўз аксини топмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин моддалар мазмунидан «буюртмачи эҳтиёжлари учун ижрочининг муайян ҳаракатни ёки фаолиятни бажариши лозимлиги»ни тахмин қилишини англаш мумкин. Бундан ташқари, айрим манбаларда хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ҳар қандай ҳаракат доимий равишда қайтарилмаслиги, муайян давр бўйича чегаранилиши лозим, деган фикрларни учратиш мумкин¹. Шунингдек, Д.И. Степановнинг фикрича, Франция Фуқаролик кодексида кўлгина хусусий масалаларни тартибга солишда муайян бўшлиқлар бўлишига қарамай, хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятлар объекти бўлиш имкониятини назарда тутган мазкур Кодексни Европада позитив ҳуқуқнинг илк манбаларидан бири сифатида тан олиш лозим. Чунки, ФФКнинг 1217-моддасига мувофиқ мажбуриятларнинг бўлинадиган ва бўлинмайдиган мажбуриятларга тақсимланиши унинг предмети ҳисобланган ашё ёки ҳаракатнинг бўлинишига боғлиқ ҳисобланади. Бу ўринда хизматларни ҳам ажратиш мумкин, аммо мазкур қоида бир ҳаракатни иккинчисига вақт бўйича ажратганда ёки фаолиятни амалга ошириш жараёнини тақсимлаганда ўз аҳамиятига эга бўлиши мумкин².

¹ Леруа М. Старое и новое право. К столетию Кодекса Наполеона: Лер. с фр. Ю. Стеклова. – Санкт-Петербург, 1907. – С. 28.

² Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. – Москва: Статут, 2005. – С. 49.

ФФК билан тартибга солинадиган хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартнома ўзининг табиати бўйича меҳнат шартномасига ҳам ўхшаб кетади. Лекин Францияда меҳнат шартномаси бошқача, яъни «*contrat de travail*» деб номланишини кузатиш мумкин. ФФК 1779-моддасида умумий ёллаш эмас, балки ўз ишhini бажарувчи шахсларни ёллаш мумкинлиги белгиланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. ФФКнинг 1780-моддаси мазмунига кўра, ФФКнинг 3-боби учинчи қисми номланишидан ижрочи вазифасини фақат хусусий шахс бажариши мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

ФФКда хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартномаларга нисбатан пудрат шартномасига тааллуқли нормаларни субсидиар равишда қўллашга оид ҳавола нормалари ўз аксини топмаган. Бундан эса, ФФКнинг VIII-параграфи («Ёллаш шартномаси ҳақида») 3-бобининг биринчи қисми ташиш, сақлаш, топшириқ каби хизматлардан ташқари, ҳар қандай хизматларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини ҳамда мазкур шартномавий муносабатларда ижрочининг мажбурияти муайян натижага эришиш бўлган мажбуриятларни ўзида акс эттирмаслигини англаш мумкин. Бундан ташқари, ФФКнинг 1710-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартнома ҳар доим ҳақ эвазига тузилиши зарурлигини кузатиш мумкин. Бу ўринда «баҳо» ҳақидаги шарт ўзининг муҳим аҳамиятига эга. Албатта, ФФКнинг 1341-моддасида 500 франкдан ортиқ сумма бўлган шартнома ёзма бўлиши, аммо бунга амал қилмаслик шартномани ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмаслиги белгиланган. Шу билан мазкур ҳолларда уни исботлаш зарурлиги чеклаб қўйилган. Муддатлар билан боғлиқ қоидаларга кўра, шартномада умумий муддат ёки бирор ишни тўлиқ бажаришгача бўлган муддат тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланиши мумкин. Шунингдек, ФФКнинг 1237-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, хизматларни кўрсатишда учинчи шахсларни жалб этишга йўл қўйилмаслиги англашилади. Бундан эса, мазкур давлатда ҳам хизматларни кўрсатувчи ижрочининг шахси хизматлар буюртмачиси учун муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келиш мумкин. Германия фуқаролик конунчили-

гида¹ эса ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг шартномавий конструкцияси хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартномаси орқали тартибга солинади. Шахсий ёллаш шартномаси ҳақидаги қоидалар Германия Фуқаролик тузуқлари (ГФТ)нинг мажбурият ҳуқуқига бағишланган иккинчи китоби еттинчи бўлимининг («Мажбуриятларнинг алоҳида турлари») олтинчи бобида («Хизматларни ёллаш») ўз аксини топган. ГФТнинг мазмунида «хизмат» тушунчасига таъриф берилмаган. Аммо 661-параграфда хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартноманинг предмети хизматларнинг ҳар қандай тури бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Бундан эса хизматлар деганда, ижрочининг ҳақ эвазига буюртмачи эҳтиёжлари учун ҳар қандай ҳаракатни (фаолиятни) амалга ошириши мумкинлиги англашилади. Д.И.Степанов ГФТни таҳлил қилар экан, хизматлар деганда, фақатгина муайян ашёни тайёрлаш ёки таъмирлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларгина ёхуд ҳаммага маълум бўлган натижага эришишга қаратилган ҳаракат ёки фаолиятгина тушунилади, деган хулосага келади². Бундан ташқари, у Германия фуқаролик қонунчилигида ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларида муайян натижага эришиш тахмин қилинмайди, бу борада мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тарафларнинг хизматларни кўрсатишга доир ўзаро келишувига мувофиқ, фақатгина бир қатор ҳаракатларни содир этиш етарли ҳисобланади, деган мазмун-моҳият ўз аксини топганлигини таъкидлайди³.

Шунингдек, ГФТнинг 611-параграфидида хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартномага таъриф берилган бўлиб, унга кўра, хизматларни ваъда қилган шахс келишилган хизматларни кўрсатиш, қарама-қарши тараф эса келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу ҳолат хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартноманинг консенсуал, ҳақ эвазига тузиладиган ва икки томонлама шартномалар турига киришини англатади. 612-параграф агарда тарафларнинг ўзаро келишувидида тўлов ҳақи белгиланма-

¹ *Изоҳ*: Германия Фуқаролик тузуқлари 1896 йилда қабул қилинган ҳамда 1900 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилган.

² Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. – Москва: Статут, 2005. – С. 75.

³ Степанов Д.И. Ўша манба. – С. 79.

ган бўлса, у ҳолда мавжуд нархномалар асосида, мазкур нархномалар бўлмаган тақдирда эса бундай ҳолларда одатда тўланадиган миқдорда белгиланиши лозимлигини, 614-параграф тўлов ҳақи фақатгина хизмат кўрсатилгандагина тўланиши зарурлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Мазкур қоида мамлакатимиз миллий қонунчилигини такомиллаштиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган жиҳатлардан биридир.

Хизматларни кўрсатишга учинчи шахсларни жалб этиш борасида Германия фуқаролик қонунчилигида миллий қонунчилигимизга ўхшаш бўлган қондани учратиш мумкин. Хусусан, 613-параграф қоидаларига асосан агарда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, ижрочи хизматни шахсан ўзи кўрсатишга мажбур. Хизматларнинг сифатига оид шартлар ГФТда ҳам ўз аксини топмаган, аммо муддатларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида белгилашга оид муҳим қоида мавжуд. Жумладан, 620-параграф қоидалари «хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларда муддатлар белгиланмаган бўлса, муддатларни хизматларнинг мақсади ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур»лигини тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, хизматлар сифати билан боғлиқ шартларни белгилашда пудрат шартномасининг тегишли қондаси (633-параграф қоидаларига кўра, натижа ижрочи томонидан ваъда қилинган барча сифатларга эга бўлиши лозим, унда камчиликлар бўлмаслиги зарур) қўлланилишига оид ҳавола нормалари мавжуд. Бундан ташқари, Германия фуқаролик қонунчилиги ҳам хизматларни ёллаш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик масалаларини алоҳида тарзда белгиламаган, балки улар умумий қоидалар бўйича амалда ҳал этилиши мумкинлигини назарда тутди. Кўриниб турибдики, Германия фуқаролик қонунчилигида хизмат кўрсатиш мажбуриятларини тартибга солиш билан боғлиқ нормаларни ўрганиш¹ келажақда мамлакатимиз миллий қонунчилигини такомиллаштиришда дол-

¹ *Изоҳ:* Германия давлатида ҳам хизмат кўрсатиш муносабатларини фуқаролик қонунчилигидан ташқари, айрим хизмат турларининг кўрсатилишини тартибга солиш бўйича махсус қонунлар (масалан, Германия давлатининг 1997 йил 1 августдаги «Ахборот ва коммуникация хизматлари тўғрисида»ги (Informations- und Kommunikation-sdiense-Gesetz – IkdKG) қонуни) ҳам қабул қилинган.

зарб аҳамият касб этади. МДХ давлатлари фуқаролик қонунчилигида ҳам мамлакатимиз миллий қонунчилигидан фарқли равишда хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солувчи бир қатор нормалар ўз аксини топган. Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг¹ 39-боби («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш»)да ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш масалаларига бағишланган алоҳида модда (782-модда) мавжуд². Аммо РФ миллий қонунчилигида мазкур норманинг ўз ифодасини нотўғри топганлиги россиялик олимлар томонидан танқид остига олинмоқда. Хусусан, Е.Г.Шаблованинг фикрича, ҳар қандай асослар бўйича шартномани бекор қилишга оид ушбу норма фуқаролик муомаласининг барқарорлигига жавоб бермайди³. Муаллиф истеъмом қиймати сифатида хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар қандай ҳолатда ҳам сабабсиз ижрочи ва буюртмачи ўртасидаги мажбуриятга оид муносабатларни тугатишга имкон бермаслигини таъкидлайди⁴. Б.Д.Завидовнинг фикрича эса, бекор қилиш тўғрисидаги талабни тақдим этувчи тараф сифатида фуқаролик муомаласининг профессионал иштирокчиси, энг аввало – тадбиркорлик фаолиятининг субъекти қатнашса, у ҳолда мазкур норма иктисодий жиҳатдан мантиқсиз ҳисобланади. Ижрочи шартномани фақат зарарга хизмат кўрсатаётганлик ҳолларида бекор қилиши мумкин⁵. В.А.Кабатов шартномани бир томонлама бекор қилиш фақатгина, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддат-

¹ *Изоҳ:* Россия Федерациясининг Фуқаролик кодекси ҳар қисми алоҳида тарзда қабул қилинган ҳамда турли даврларда кучга киритилган. Масалан, Кодекснинг биринчи қисми 1994 йил 21 октябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 январидан кучга киритилган, иккинчи қисми 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган ҳамда 1996 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган, учинчи қисми эса 2002 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган.

² *Изоҳ:* РФ ГКдаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларини тартибга солувчи нормаларининг аналогиясини Қозоғистон давлатининг 1999 йил 1 июлдаги Фуқаролик кодексининг 33-боби қондаларида (683-687-моддаларида) ҳам кузатиш мумкин.

³ Шаблова Е. Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2004. – С. 301.

⁴ Шаблова Е. Г. Ўша мавба – С. 301.

⁵ Завидов Б.Д. Договоры посреднических услуг. – Москва, 1997. – С. 15-16.

лари вужудга келган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди¹.

Шу боисдан ҳам, юқоридаги нуктаи назарлардан келиб чиққан ҳолда, назаримизда РФ Фуқаролик кодексининг 782-моддаси қоидаларини мазкур таҳрирда мамлакатимиз миллий қонунчиликда акс эттириш ноўрин ҳисобланади. Лекин, мазкур қондани аналогик тарзда миллий қонунчилигимизда ифода этган тақдирда ҳам *шартномада хизматларни кўрсатишга доир муддатни белгилашга қадар* бўлиши мумкинлигини инобатга олиш зарур бўлади.

Озарбайжон Республикасининг Фуқаролик кодексига² ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солишга қаратилган умумий қоидалар ўз ифодасини топмаган. Аксинча, хизмат кўрсатишнинг битта тури – туристик хизмат кўрсатиш алоҳида бобда (47-боб) тартибга солинган бўлиб, мазкур масалага 2 та модда (862-863-моддалар) бағишланган. Мазкур моддаларда туристик хизмати кўрсатиш шартномаси тушунчаси, туристик хизматларнинг мазмуни, туристик саёҳатни амалга ошириш ва ташкилотчининг ўз мажбуриятини бажармаганликда юзага келадиган камчиликлар учун жавобгарлиги масалалари ўз аксини топган.

Молдова давлатининг Фуқаролик кодексига³ ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари пудрат шартномалари билан биргаликда Кодекснинг XI боби («Пудрат ва хизматлар кўрсатиш») қоидалари (931-945-моддалар) билан тартибга солинган. Назаримизда, Молдова давлати Фуқаролик кодексининг мазкур бобида пудрат шартномалари билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шарт-

¹ Кабатов В.А. Возмездное оказание услуг (глава 39) // Гражданский кодекс. Ч. II. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. – Москва, 1996. – С. 396.

² *Изоҳ*: Озарбайжон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1999 йил 28 декабрдаги 779-ГТ-сонли Қонун билан тасдиқланган ва 2000 йил 26 майдаги 886-ГТ-сонли Қонун билан 2000 йилнинг 1 майдан бошлаб кучга киритилган. // Азербайджанский юридический портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

³ *Изоҳ*: Молдова давлатининг Фуқаролик кодекси 2002 йил 6 июндаги 1107-XV-сонли қонун билан тасдиқланган ҳамда 2002 йил 13 июндаги 1125- XV-сонли қонун билан 2003 йилнинг 1 январидан кучга киритилган. // *Registrul de stat al aktelor al Republicii Moldova* [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. молд.

номаларини тартибга солиш масалалари аралаштириб юборилган. Буни Кодекснинг ушбу боби таркибига кирувчи бир қатор моддаларда, хусусан ишни бажариш ёки хизматни кўрсатиш усулини эркин танлаш (931-модда), ҳақ тўлаш тартиби (932-модда), тахминий смета (933-модда), ижрочи ёки пудратчининг ҳисоботи (934-модда), буюртмачининг ахборот билан таъминлаш мажбурияти (937-модда), пудратчи ёки ижрочи томонидан ашёларни тақдим этиш (938-модда), буюртмачининг ашёлардан фойдаланиш (939-модда), бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматни қабул қилмасликда пудратчи ёки ижрочининг ҳуқуқлари (941-модда), пудратчи ёки ижрочи томонидан шартномани бекор қилиш (943-модда) кабиларда кузатиш мумкин.

Европа Иттифоқида 1992 йилдан бошлаб Европа комиссияси томонидан ҳар қандай фойдаланувчи учун қулай баҳоларда тақдим этиладиган ҳамда белгиланган сифатларга жавоб берадиган минимал хизматларни белгилаб берувчи «универсал хизматлар» тушунчаси, шунингдек, «Европа Иттифоқи давлатларида мажбурий амалга оширилиши лозим бўлган базавий оммавий хизматлар Рўйхати» амалга киритилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу рўйхатда *фуқаролар учун алоҳида хизматлар* (масалан, меҳнат департаментлари томонидан тақдим этиладиган ишларни топиш бўйича хизматлар, ҳужжатларни (паспорт ва ҳайдовчилик ҳужжатларини) тақдим этиш бўйича хизматлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар, кутубхонадан фойдаланиш бўйича хизматлар ва ҳ.к.) ҳамда *тижорат учун алоҳида хизматлар* (янги компанияда рўйхатдан ўтиш, статистика органлари учун маълумотларни тақдим этиш, божхона декларацияларини тақдим этиш, жамоат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни етказиб бериш билан боғлиқ хизматлар ва ҳ.к.) рўйхати ўз аксини топган¹.

Буюк Британияда Европа Иттифоқининг бир қатор қонунларини (директиваларини) бажариш мақсадида, баъзи қонунлар «статут» шаклида², шунингдек хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муноса-

¹ Публичные услуги и право: науч.-практ. пособие / под ред. Ю.А.Тихомирова. – Москва: Норма, 2007. – С. 386-387.

² *Масалан*, 2006 йилдаги «Коммунал хизматларга доир Низом тўғрисида»ги 6-сонли Статут (Statutory Instrument 2006 No. 6 «The Utilities Contracts Regulations»). Қаранг: <http://finetlog.ru/>.

батларнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар¹ қабул қилинган. Хитойда эса ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг фақатгина бир тури, яъни воситачилик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома мазкур давлатнинг 1999 йил 15 мартда қабул қилинган ҳамда 1999 йилнинг 1 октябрида кучга киритилган «Шартномалар тўғрисида»ги Қонуни²нинг 23-боби қоидалари (424-428-моддалари) билан тартибга солинган. Мазкур бобда воситачилик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномаси тушунчаси (424-модда), тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (425-426-моддалар), жавобгарликлари билан боғлиқ масалалар (427-428-моддалар) ўз аксини топган.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаш жоизки, Франция, Германия каби давлатларнинг қонунчилик тажрибасидаги муҳим қоидалар (масалан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг шакли, тўлов ҳақини амалга ошириш тартиби, учинчи шахсларни хизматларни кўрсатишга жалб этиш ҳолатлари, муддатларни белгилаш тартиби кабилар)ни миллий қонунчиликда ифодалаш, МДХ давлатларининг фуқаролик қонунчилигидаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солишга қаратилган нормаларини халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормалари («Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув» қоидалари, УНИДРУА принциплари) асосида унификация қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур ҳисобланади.

¹ Масалан, 1949 йилдаги «Дизайнга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Қонун (Registered Designs Act 1949); 1977 йилдаги «Контрактлардаги адолатли бўлмаган шартлар тўғрисида»ги Қонун (Unfair Contract Terms Act 1977); 1980 йилдаги «Рақобат тўғрисида»ги Қонун (Competition Act 1980); 1982 йилдаги «Товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида»ги Қонун (Supply of Goods and Services Act 1982) ва ҳ.к. *Қаранг:* <http://inetlog.ru/>.

² Хитой Халқ Республикасининг 1999 йил 15 мартдаги «Шартномалар тўғрисида»ги Қонуни. *Манба:* Хитой Халқ Республикасининг РФдаги элчихонаси Савдо-иқтисодий масалалар бўйича Маслаҳатчиси Девонхонаси, Хитой бўйича АБИРУС лойиҳасининг ахборот портали // "ABIRUS" Project © All rights reserved.

П БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР

2.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида «шартномалар эркинлиги» тамойили муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шартнома ҳуқуқий тартибга солишнинг шакли сифатида шартнома қатнашчиларининг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларини намоён этиш ҳамда расмийлаштиришнинг воситаси сифатида хизмат қилади¹. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак². Чунки, у нафақат томонлар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солади, балки хизматлар бозоридаги реал эҳтиёжларни аниқлашда ҳам муҳим воситадир. Зеро, шартнома нафақат юридик факт, балки тартибга солишга қаратилган юридик ҳужжат ҳам бўлиб ҳисобланади³. Бошқача айтганда, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ўзининг ҳуқуқий табиати бўйича келажакда қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, ижтимоий муносабатларнинг тартибга солувчисидир⁴. Ҳақиқатан ҳам шартнома бугунги кунда нафақат иқтисодий муносабатларнинг асосий тартибга солувчиси, балки универсал тартибга солувчи мақомига ҳам эга бўлмоқда. Бинобарин, «шартномалар эркинлиги» тамойилининг фуқаролик қонунчилигида мустақамланишини нафақат Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида, балки МДҲ ҳамда ривожланган хорижий давлатлар фуқаролик қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин. Зеро, Х.Р.Раҳмонқулов

¹ Раҳмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қондалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 222-б.

² Каримов И.А. Ислохотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 259-б.

³ Раҳмонқулов Х.Р. Правовые формы регулирования имущественных отношений социалистических хозяйственных организации. – Тошкент: Фан, 1976. – С. 156.

⁴ Казанцев М.Ф. Договорное регулирование: цивилистическая концепция. – Екатеринбург, 2005. – С. 75.

тўғри таъкидлаганидек, бозор муносабатлари мажбуриятнинг шартномага асосан вужудга келишини тақозо этади¹.

Ўз навбатида, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг Ўзбекистон Республикаси янги Фуқаролик кодексида шартнома-ларнинг алоҳида тури сифатида белгиланиши ҳам мазкур муносабатларда эҳтиёж ва тақлиф масалаларини оқилона белгилаш, тўғри ҳал қилиш учун имконият яратади. Зеро, мазкур шартноманинг ўзига хослиги энг аввало, фаолиятнинг ҳар хил соҳаларида кўрсатиладиган ҳамда турли мақсадларга эга бўлган ранг-баранг, кўп сонли хизматларнинг эҳтиёжларни қандай қондириши билан белгиланади. Мазкур хизматларнинг барчасига хос бўлган ягона хусусиятни натижаларнинг моддий тусга, яъни ашёвий шаклга эга эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Бугунги кунда хизматларнинг ранг-баранглиги фуқаролик-хукукий муносабатлар иштирокчиларининг шахсий ва жамоавий эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Улар ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини сақлаш умумий қоида бўйича улар хизмат кўрсатиш шартномасининг умумий тушунчаси доирасида тартибга солинган тақдирдагина таъминланиши мумкин бўлади. Шу боис, қонун чиқарувчи ФКдаги бошқа шартномалар (масалан, олди-сотди, ижара шартномалари)ни муайян равишда тартибга солишга қаратилган бобларнинг тузилиш моделини намуна сифатида олиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келадиган барча муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида бобларни ҳам белгилаши мумкин эди. Аммо фикримизча, хизматларнинг барча турларига нисбатан мазкур тенденцияни қўллашнинг имконияти йўқ. Бунинг асосий сабаби, фуқаролик муомаласида қўлланиладиган хизматлар турларининг кўплигидадир. Хусусан, «Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув»да² хизматларнинг таснифланиши келтирилган

¹ Раҳмонқулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 480-б.

² Генеральное соглашение о торговле услугами (General Agreement of Trade in services. / Всемирная торговая организация, Уругвайский раунд многосторонних торговых переговоров. – Марракеш. 15 апреля 1994 г. // International Legal Materials. 1994. Volume XXII, № 1. January. // Мировая экономика: новости, статьи, статистика [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.creport.ru / свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

бўлиб, бир-биридан фарқ қилувчи турли-туман хизматларнинг кенг тўплами қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, муҳим бўлимлардан бири – «Молиявий хизматлар» ўз ичига икки параграфни («Суғурга ва у билан боғлиқ хизматлар» ҳамда «Банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва бошқа хизматлар») олганлигини ҳамда улардан ҳар бири бир неча ўнлаб хизматларга бағишланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. «Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув»да бундай бўлимларнинг сони ўн иккитадир.

Мамлакатимиз Фуқаролик кодексида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш предметиға эға бўлган шартномаларни тартибға солиш мақсадида ўзгача конструкция танлангани бежиз эмас. Чунончи, ўндан ортиқ хизматларнинг турларини тартибға соладиган шартномалар алоҳида бобларға ажратилди (масалан, «Топширик», «Воситачилик» шартномалари ва бошқалар). Шу билан бирға, ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг бошқа турларини тартибға солиш мақсадида алоҳида боб («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») белгиланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур боб ҳар қандай хизмат кўрсатиш шартномаларига нисбатан тадбиқ этиладиган ҳамда учта ўзига хос белгилари (шартноманинг предметини хизматлар ташкил этиши; ҳақ эвазига кўрсатилиши; ФКда алоҳида ажратиб кўрсатилмаган шартнома турларига тадбиқ этилиши) билан фарқ қиладиган олтита моддани ўз ичига олади. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 703-моддаси иккинчи қисмида санаб ўтилган хизмат кўрсатиш соҳаларининг рўйхати ҳам тўлиқ кўрсатилмаганлиги бежиз эмас.

Бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тартибға солишға қаратилган қоидалардан фарқли ўлароқ, ФКнинг 38-бобида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ким ижрочи ёки буюртмачи сифатида иштирок этиши мумкинлиги ҳақида ҳам аниқ қоида ўз аксини топмаган. Албатта, бу ҳол қайси турдаги хизматларнинг кўрсатилишиға қараб, ундаги субъектив таркибнинг турлича бўлишиға, Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли нормаларини, шунингдек оммавий шартнома тўғрисидаги қоидаларни қўллаш имкониятиға ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. ФКнинг 38-бобида хизмат кўрсатиш шартномаларининг алоҳида турларининг оммавий характерға эға эканлиги билан боғлиқ тўғридан-тўғри кўрсатма ҳам ўз аксини топма-

ган. Аммо ФКнинг 358-моддаси алоқа хизмати, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати каби ҳақ эвазига кўрсатиладиган шартномаларнинг оммавий шартнома эканлигини белгилаб қўйган.

Эътиборли томони шундаки, Фуқаролик кодексининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тўғрисидаги нормалари (38-бобнинг 703-708-моддалари) умумий характерга эга бўлиб, хизмат кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган муносабатларнинг барча жабҳаларини тартибга солмайди ва шу боисдан ҳам ФКнинг 708-моддасида пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси пудрат шартномаси сингари буюртмачининг топшириғи бўйича ҳаракатни содир этишни ўз ичига олган, шунингдек у ўз предметиға ҳам эга. Аммо улар ўртасида муҳим аҳамиятга эга бўлган фарқли жиҳатлар ҳам мавжудлигини асослаш зарур. Чунончи, пудрат шартномасида асосий мақсад муайян натижани қабул қилиб олиш ва у учун ҳақ тўлаш ҳисобланса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида эса ҳаракатнинг моддий натижаси предмет ҳисобланмайди. Бошқача айтганда, мазкур шартнома натижани қабул қилиб олиш ва топшириш каби босқичларга ажратилмайди. Балки, ижрочининг асосий мажбурияти муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш бўлса, буюртмачиники эса бу хизмат учун ҳақ тўлашдир.

Қайд этиш ўринлики, ФКнинг 708-моддасида пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилишининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганлиги, фикримизча, айрим турдаги хизмат кўрсатиш шартномалари (масалан, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан маиший хизматларни кўрсатиш бўйича шартномалар (хонадонларни, асбоб-ускуналарни таъмирлаш), ветеринария хизматлари, гўзаллик салонлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва бошқалар) учун оммавий шартномаларнинг ҳуқуқий тартиби билан боғлиқ қоидалар қўлланилиши лозимлигини кўрсатади. Юқоридагилар ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга қаратилган оммавий шартномаларда ижрочи сифатида

фаолияти шахсларнинг номуайян доираси учун хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган тижорат ташкилоти ёки яқка тадбиркор иштирок этиши мумкин, деган хулоса чиқаришга асос бўлади.

Маълумки, номоддий тусга эга бўлган хизмат кўрсатиш шартномалари (йўловчи, багаж ва юк ташиш, транспорт экспедицияси, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, омонат сақлаш) ФКнинг бошқа бобларидаги нормалар билан тартибга солинади ҳамда ФКнинг 38-боби қоидалари уларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Зеро, санаб ўтилган ушбу шартномалар хизматларнинг мавжуд турларини барчасини ўзида қамраб олмайдди. Шу боис, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган хизмат кўрсатиш шартномаларининг алоҳида турлари учун ФКга махсус 38-боб киритилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шундай экан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси деганда шундай шартномани тушуниш лозимки, унга кўра, ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 703-моддаси биринчи қисми). Ушбу тушунча айни пайтда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси консенсуал (яъни, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари улар ўртасида келишувга эришилган пайтдан бошлаб вужудга келиши), ҳақ эвазига тузиладиган, икки томонлама ҳамда оммавий шартномалар турига киришини англатади.

Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар каби хизмат кўрсатиш шартномаларининг мазмунини ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Аммо бу ўринда ЎЗР ФКда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нисбатан умумий кўринишда белгилаб қўйилганлигига эътиборни қаратиш зарур. Бинобарин, мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқлаштириш муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ёки бевосита тарафларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Почта алоқаси тўғрисида»ги¹ Қонунининг 16,17-моддаларида почта ало-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 7-8. – 210-м.

қасидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган бўлса, 14-моддада мазкур хизматларни кўрсатувчи оператор ва провайдерларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Ўзига хос мажбуриятлардан бири почта алоқаси хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахснинг ёзишмалар ва почта жўнатмалари сирини сақлаши эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочининг асосий мажбурияти хизматлар кўрсатиш бўйича ҳаракатларни ижро этишдир. Чунончи, Фуқаролик кодексида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ижро этиш бўйича махсус қоидалар ўз аксини топмаган ва бу борада мажбуриятларни бажаришга оид ФКнинг 21-бобида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Буюртмачининг асосий мажбурияти ҳақида сўз юритганда, Фуқаролик кодексининг 705-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра, буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаши шарт эканлигини қайд этишлари лозим. Ҳақни тўлаш ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатиш бўйича амалдаги Қоидаларда икки хил тартиб мавжудлигини қайд этиш жоиз. Чунончи, айрим Қоидаларда буюртмачининг шартномани тузиш жараёнида ҳақни тўлиқ тўлаши шарт эканлиги белгиланган бўлса, бошқаларида эса хизматлар кўрсатилгангандан сўнг ҳақ тўланиши лозим бўлган муддатлар ўз аксини топган. Иккинчи тартибни белгилаб берувчи Қоидаларда хизматларни кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар мазкур хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ қоидаларни инобатга олган ҳолда, шартномада ҳақ тўлаш тартиби ва муддатларини белгилашлари зарурлиги уқтирилади. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари»¹-нинг IV бўлими 5-бандида буюртмачи томонидан тўловлар буюртмани расмийлаштиришда тўлиқ тўланиши лозим бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1995. – № 10. – 40-м.

хизматларнинг яқунланган рўйхати ўз аксини топган. Мазкур хизматлар рўйхатига тантанали тадбирларда хизмат кўрсатиш, маросимларни ўтказиш, аҳолини курсларда ўқитиш (ҳақи бир ой олдин тўланади) кинофотолаборатория ва сураткашлик, кимёвий тозалаш, кир ювиш, овоз ёзиб олиш студиялари, транспорт, маълумот-ахборот, воситачилик ва комфорт хизматлари киритилган. Бундан эса, мазкур рўйхатга киритилмаган хизматларни кўрсатиш бўйича шартномани тузиш пайтида, агарда буюртмачи рози бўлмаса, тўлов тўлиқ амалга оширилмаслиги лозим, деган хулосага келиш мумкин. Чунончи, «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари»¹нинг 107-бандига мувофиқ, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматини кўрсатиш юзасидан хизматлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш муддати телекоммуникация оператори томонидан белгиланиб, мазкур муддат ҳисоб-китобни тақдим этиш пайтидан бошлаб 15 кундан кам бўлмаган муддатни ўз ичига камраб олиши кўрсатилган. Аммо бугунги глобаллашув шароитида вужудга келаётган янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солиш мақсадида буюртмачи томонидан тўловларни амалга ошириш тартибини аниқ белгилаш зарур.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бошқа ўхшаш фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фаркли жиҳатларини таҳлил қилиш ўринли бўлиб, дастлаб мазкур шартноманинг пудрат шартномаси билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда фаркли томонларига тўхталиб ўтиш жоиз. Юридик адабиётларда ҳам бу борада муайян фикр-мулоҳазалар юритилган². Зеро, мазкур шартномаларни бир-биридан фарқлаш нафақат илмий, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам долзарб аҳамиятга эга. Баъзи илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил 19 декабрдаги 359-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2004. – № 11. – 130-м.

² Белых В.С. Гражданско-правовое обеспечение качества продукции, работ и услуг: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 1994. – С. 204-205.; Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва: Статут, 1999. – С. 222-226.

адабиётларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси пудрат шартномасининг алоҳида тури эканлиги ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, М.В.Кротованинг пудратчининг инсонга қаратилган бевосита фаолияти билан боғлиқ хизматлар (масалан, сартарош, массажист хизматлари) мавжудлигини инобатга олиб, мазкур шартнома пудрат шартномасининг бир тури¹ эканлигини асослашга қаратилган нуқтаи назари илмий адабиётларда танқидга учраган.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси билан боғлиқ айрим суд ишларининг таҳлили мазкур шартномавий муносабатларга тўғри баҳо бермасликларини кўрсатади. Чунончи, Тошкент вилояти хўжалик суди ўзининг 2008 йилнинг 26 мартада 11-0824/2464-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорида² даъвогар – «Навоий Кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармаси» ва жавобгар – «АУ TURON» МЧЖ ўртасида 2007 йил 19 июнда тузилган 1-сонли пудрат шартномаси бўйича юзага келган низони кўриб чиқишда пудрат шартномасининг предмети ҳисобланган «ишларни бажариш» эмас, балки «кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш» жумлаларини қўллаган. Бундан ташқари, ҳал қилув қарорида ФКнинг пудрат шартномасига оид қоидаларига асосланганлик ҳолатлари ўз аксини топмаган. Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2008 йилнинг 14 апрелида 10-0817/2010-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори³ «АТП 145» ОАЖ (даъвогар) ва «Тайсот қурилиш» шўъба корхонаси (жавобгар) ўртасида автомобиль транспортида юк ташиш бўйича тузилган 13-сонли шартнома бўйича юзага келган низони кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-боби («Йўловчи, багаж ва юк ташиш») қоидаларига эмас, балки 38-боб («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») қоидаларига асосланганлигини кузатиш мумкин. Ҳолбуки, ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисмига биноан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солиб турувчи қоидалар юк ташиш шартномаларига тадбиқ этилмаслиги аниқ

¹ Гражданское право: Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва, 1998. – С. 310.

² Тошкент вилояти хўжалик судининг архив материалларидан. – Т., 2008.

³ Тошкент шаҳар хўжалик судининг архив материалларидан. – Т., 2008.

белгилаб қўйилган. Бинобарин, муайян муносабатларни шартномавий тартибга солиш ўзининг чегарасига эгадир. Бу ҳақда америкалик олим Д.Требилкок таъкидлаганидек, шартнома билан тартибга солинадиган муносабатларнинг чегарасини аниқ белгилаб қўйиш унинг самарадорлигига олиб келади¹.

Шу ўринда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳамда пудрат шартномалари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий хусусият – буюртмачининг манфаатлари ҳақида сўз юритиш зарур. Чунончи, мазкур манфаат ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича муайян ҳаракатни содир этишни назарда тутса, пудрат шартномаси бўйича мазкур ҳаракатнинг натижаси билан топширилишини тақозо этади.

Шунингдек, мазкур шартномаларни бир-биридан фарқлаш борасида натижанинг асосий шакли – моддий тусга эгаллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда ҳаракатнинг натижаси бўлган тақдирда ҳам, мазкур натижа шартнома доирасидан ташқарида бўлади. Масалан, бадий гуруҳ ёки филармониянинг қўшиқчи ёки мусиқачи билан тузган шартномасида буюртмачи мажбуриятлардан ташқари юзага келадиган манфаатга хос бўлган у ёки бу натижани кутишни ҳисобга олмаслиги лозим.

Шу билан бирга, натижанинг ҳаракат билан узвий боғлиқ эканлигига қаратилган хизматлар ҳам бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратиш зарур. Яъни, мазкур ҳолат «натижанинг йўқлиги, ўз навбатида ҳаракатнинг йўқлиги демакдир» тамойилига асосланган бўлиб, бунда ижрочининг муайян ҳаракатни содир этган ёки этмаганлигини аниқлашга имконият яратади. Чунончи, аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан, аудиторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг мустақил ҳолда аудиторлик текширувини амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги² Қонуннинг 9-моддасига асосан, аудиторлик тек-

¹ Trebilcock D. The Limits of Freedom of Contract. – N.Y., 1993. – P. 27.

² Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 5-6. – 149-м.

ширувининг мақсади молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлашдан иборат бўлиб, якунида аудиторлик ҳисоботи тузилади (18-моддага мувофиқ, аудиторлик ҳисоботи – аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат). Бундан ҳаракат натижа билан, яъни аудиторлик хизмати аудиторлик ҳисоботи билан узвий боғлиқдир, деган хулоса келиб чиқади.

Бундан ташқари, буюртмачи билан баҳоловчи ўртасида тузиладиган шартномани ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги¹ Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолияти ўз якунида баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш билан амалга оширилади.

Шунингдек, юридик адабиётларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг яна бир модели, яъни ижрочининг муайян ҳаракатни содир этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ва мазкур ҳаракатнинг «самарали хизматлар» деб номланадиган натижага олиб келадиган, бунинг натижасида айрим ҳолатларда ижрочига янада юқори сумма тўланадиган модел ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган². Мазкур моделга оид фикрларга кўшилган ҳолда, унга мисол сифатида тиббий ёки ветеринар хизматларни келтириш ўринлидир. Мазкур шартномалар предмети даволашга ёки даволанишга қаратилиши мумкин. Фикримизча, ветеринар хизматлар фақат даволашни назарда тутади. Тиббий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ шартномаларда эса икки хил баҳо

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 9. – 208-м.

² Степанов Д. Услуги как объект прав // Российская юстиция. – Москва, 2000. – № 2. – С. 17.

белгиланиши мумкин. Чунончи, харакатнинг ўзига тегишли сумма ва кутиладиган муайян ижобий натижани ҳисобга олган ҳолда тегишли сумма тўланилиши каби жараёнлар кузатилади.

Шундай қилиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар ҳақида сўз борар экан, бир шартномада баҳо хизматларнинг самарасини инобатга олган ҳолда белгиланса, бундай тартиб белгиланмаган шартномаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 356-моддаси тўртинчи қисми қоидалари қўлланилиши, яъни ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинadиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ фуқаролик қонунчилиги (ФКнинг 38-боби) нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, амалдаги қонунчилик ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини минимал даражада ҳукукий тартибга солмоқда. Фуқаролик кодексининг мазкур боби бор-йўғи олтига моддани ўз ичига олган бўлиб, шундан иккитаси (704-705-моддалар) диспозитив тусга эга, иккитасида эса (703-модданинг иккинчи қисми ва 708-модда) ҳавола нормалар мавжуд.

Шунингдек, ФКнинг 5-моддаси биринчи қисми тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилишини (қонун ўхшашлиги) белгилаб беради. Бундан эса, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида юзага келиши мумкин бўлган муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш қонун ўхшашлиги бўйича ҳукукий тартибга солишга нисбатан яна ҳам муҳим аҳамиятга эга, деган хулоса келиб чиқади. Мазкур нуқтаи назарни ҳукукий тартибга солишдан фаркли ўларок, шартномавий таъсир кўрсатишнинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш орқали ҳам асослаш мумкин:

– *қонунийлик*. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, шартнома орқали тартибга солиш қонунда белгиланган доирада амалга оширилади;

– универсал тусга эгалик. Ушбу белги фукаролик ҳукукининг ҳар қандай субъекти учун шартнома тузиш ва муносабатларнинг ҳар қандай турини тартибга солишда уни қўллаш имкониятини яратади. Мазкур белги мазмун-моҳияти ФКнинг 354-моддасида ўз аксини топганлиги тарафлар томонидан белгиладиган шартларда хизматларнинг ҳар хил турларини кўрсатиш бўйича шартномаларни тузиш имконини беради;

– индивидуаллик (ўзига хослик). Бунда, шартномаларни тузиш жараёнида ўз ифодасини топадиган қоидалар индивидуал характерга эга ва улар аниқ белгиланган индивидларга тааллуқли, яъни улар учун мўлжалланган бўлади¹. Мазкур нуқтаи назарга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, шартнома орқали тартибга солиш норматив тартибга солишни мантиқий давом эттиришга қаратилади. В.В.Иванов таъкидлаганидек, шартнома орқали таъсир кўрсатиш норматив тартибга солишни биринчи навбатда ҳуқуқ субъектларининг ҳақиқатда юзага келган ҳолатда ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш, индивидуаллаштиришни намоён этиш орқали индивидуал равишда тўлдиришни амалга оширади².

Ҳуқуқий тартибга солиш ўзининг муайян тузилишига эга. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишда фукаролик-ҳуқуқий шартномалар қандай ўринга эга эканлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Албатта, шартнома битим сифатида ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ўзининг ўрнига эга бўлган юридик фактни ифодалайди. Айни пайтда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш шартнома томонларининг муайян субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишларини такозо қилади. Бу ўринда хизмат кўрсатиш шартномаси ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим шакли бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида юзага ке-

¹ Кашанина Т.В. Предпринимательство: правовые основы. – Москва, 1994. – С. 109; Кашанина Т.В. Корпоративное право. – Москва, 1999. – С. 12-14.

² Иванов В.В. Общие вопросы теории договора. – Москва, 2000. – С. 103.

ладиган муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш ўзининг муайян чегарасига эга бўлиб, мазкур чегаралар хизмат кўрсатиш шартномаларининг алоҳида турларига нисбатан амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар билан белгиланган. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектларига шартнома орқали таъсир кўрсатиш тартибини белгилаб берувчи императив нормалар сони эса амалдаги қонунчиликда жуда кам. Аммо хизматларнинг айрим турларига нисбатан алоҳида қоидалар (масалан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунларда ва ҳ.к.) белгиланган.

Бундан ташқари, императив нормалар ўзида шартномага муайян шартни киритишга қаратилган тақиқларни (масалан, ФКнинг 657-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас) ёки тарафларга нисбатан муайян талабларни (масалан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги¹ Қонунда аудиторга, аудиторлик ташкилотларига нисбатан қўшимча талаблар белгиланган) белгилаши мумкин.

Бу ўринда шартнома қонун талабларига мувофиқ келмаган ҳолларда (ФКнинг 115-моддаси) ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши, шунингдек битимнинг бир қисми ҳақиқий эмаслиги ҳоллари (ФКнинг 128-моддаси) бундан мустасно эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазалар асосида хизматларнинг ранг-баранг турларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида юзага келадиган муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш доираси ҳуқуқнинг императив нормалари билан чекланган, деган хулосага келиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 5-6. – 149-м.

2.2. Хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тизими ва хусусиятлари

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича адабиётларда¹ шартномаларни тизимлаштириш, уларни муайян турларга тақсимлаш бўйича ури-нишлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мажбуриятларнинг айрим турлари алоҳида 3-кичик бўлимда ўз аксини топганлиги муайян шартноманинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек бошқа турдош шартномалар қатори-да умумий белгиларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, фуқаролик ҳуқуқи назариясида шартнома-ларни таснифлаш бўйича бир қанча мезонлар (юридик натижаси бўйича², муайян мақсадга йўналтирилиши бўйича³, ҳуқуқий му-носабатларнинг моддий натижаси бўйича⁴, тарафларнинг қонун бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни бўйича⁵, мулкӣ эҳти-ёжлар бўйича⁶, битимларга хос умумий белгилар ҳамда шартно-маларнинг ўзига хос махсус белгиларини ҳисобга олиш бўйича⁷ ва бошқалар) тақлиф этилганлигини кузатиш мумкин. Фикримиз-ча, Ҳ.Р.Раҳмонқулов томонидан шартномаларни муайян гуруҳ-ларга тақсимлаш бўйича тақлиф этилган мезон, яъни шартно-

¹ Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 1996. – 283-286-б.; Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997. – 474-486-б.; Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қондалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 244-250-б.

² Калмыков Ю.Х. Правовое регулирование хозяйственных отношений. – Саратов. 1982. – С. 154.

³ Красавчиков О.А. Система отдельных видов обязательств // Советская юстиция. – Москва, 1960. – № 5. – С. 43.

⁴ Брагинский М.И. Общее учение о хозяйственных договорах. – Минск, 1967. – С. 30-31.

⁵ Масевич М.Г. Хозяйственные договоры в социалистических странах. – Москва: Изд-во МГУ, 1987. – С. 15.

⁶ Бариннов Н.А. Имущественные потребности и гражданское право. – Саратов: Саратовский университет, 1987. – С. 132-133.

⁷ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қондалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 244-б.

маларни битимларга хос умумий белгилар ҳамда шартномаларнинг ўзига хос махсус белгиларини ҳисобга олиш бўйича тақсимлаш мумкинлиги ўринлидир.

Мазкур мезон, яъни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар умумий таснифлаш белгилари бўйича қуйидаги асосий гуруҳларга тақсимланади:

а) мулк ҳуқуқини (ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни) топшириш бўйича муносабатларда воситачилик қилувчи шартномалар (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, давлат контракти, ҳадя, рента ва шу кабилар);

б) мол-мулкни фойдаланишга топшириш бўйича муносабатларда воситачилик қилувчи шартномалар (мол-мулкни ижарага олиш, уй-жой ижараси, прокат, лизинг ва шу кабилар);

в) ишлар бажариш бўйича муносабатларда воситачилик қилувчи шартномалар (маиший хизмат пудрати, қурилиш пудрати, лойиҳа ва тадқиқот ишлари пудрати кабилар);

г) хизматлар кўрсатиш бўйича муносабатларда воситачилик қилувчи шартномалар (ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш, ташиш, транспорт экспедицияси, сақлаш, ҳисоб-китоблар кабилар);

д) вакиллик қилиш бўйича муносабатларда воситачилик қилувчи шартномалар (топширик, топшириксиз бошқа шахснинг манфаати йўлида ҳаракат қилиш, комиссия, мол-мулкни ишончли бошқариш кабилар);

е) ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда воситачилик қилувчи шартномалар (таъсис шартномалари тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш, юридик шахсни қайта тузиш, биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома, дастлабки шартнома).

Махсус белгиларга қараб шартномалар қуйидаги тарзда таснифланади: ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар; оммавий шартнома ва қўшилиш шартномаси; асосий ва дастлабки шартномалар; учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар; бир томонлама ва ўзаро шартномалар¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов томонидан тақлиф этилган мазкур мезон нисбатан муҳим бўлган шартномалар мажмуасини ажратиш

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қондалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 244-б.

ҳамда етарли даражада кенг бўлган хизматлар кўрсатиш бўйича муносабатларда воситачилик қилувчи шартномаларни аниқлаш имкониятини яратади.

Таъкидлаш жоизки, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар турли давлатларнинг қонунчилиги тизимида ҳар хил ўрин эгаллайди. Хусусан, Япония давлатининг Савдо кодекси хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани алоҳида ҳуқуқий институт сифатида умуман ажратмаган¹. Шунингдек, Япония Фукаролик кодексининг 3-бўлими («Мажбурият ҳуқуқи») ҳам хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани назарда тутмайди. Мазкур Кодекснинг мажбуриятга оид ҳуқуқий институтлар тузилишининг фуқаровий-ҳуқуқий доктринаси том маънода «бегона меҳнатдан фойдаланиш тўғрисида»ги шартнома мезонига асосланилади ва уларни қуйидагича тақсимлайди:

1. Ходимлар меҳнати белгиланган мақсадларга йўналтириш ваколатини назарда тутувчи шартнома (шахсий ижара шартномаси);

2. Бошқа шахсларнинг меҳнати орқали муайян ишларни тўлиқ амалга ошириш мақсадини назарда тутувчи шартнома (пудрат шартномаси);

3. Ходимнинг шахсий фикри асосида муайян ягона ишни юритиш тўғрисидаги шартнома (топширик шартномаси);

4. Бошқа шахсларга тегишли бўлган ашёни сақлаш бўйича шартнома (омонат сақлаш шартномаси)².

Бундан ташқари, Япония Фукаролик кодекси бўйича пудрат шартномаси тугалланган ишларнинг моддий, шунингдек номоддий натижасини тақдим этишни тахмин қилиши (Япония Фукаролик кодексининг 632-моддаси) ҳам қизиқиш уйғотиши табиийдир³.

Бошқача айтганда, Япония фукаролик қонунчилигида «пудрат» тушунчаси ўзида ишларни (моддий натижани тақдим этиш орқали) ҳамда хизматлар кўринишидаги ишларни (номоддий натижани тақдим этиш орқали) қамраб олади. Мазкур давлат

¹ Торговый кодекс Японии / Под общ. ред. Тэцуо Сато, В.С.Познякова; Пер. А.А.Лыхо. – Москва, 1993.

² Саказ Вагацума, Тори Ариидзуми. Гражданское право Японии: В 2 кн. – Москва: Прогресс, 1983. Кн. 2. – С. 92-93.

³ Саказ Вагацума, Тори Ариидзуми. Ўша манба. – С. 219.

қонунчилигида моддий натижанинг мавжудлиги ёки ўз аксини топмаганлиги бўйича ушбу муносабатларни ҳуқуқий таснифлашда принципиал фарқли жиҳатлар амалга оширилмаган.

М.И.Брагинский фикрича, Германия Фуқаролик тузуқларида бобнинг номи «Пудрат ва ўхшаш шартномалар» («*Werbvertrag und anliche Verträge*») деб аталиши тўғри ҳисобланиб, у ўз навбатида предмети хизматлар бўлган шартномаларнинг пудрат шартномасидан ажралиб чиқишига хизмат қилади¹. Балки, мазкур нуқтаи назар ёзилган монографиянинг «Договор подряда и подобные ему договоры» деб номланишига асос бўлгандир. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг «пудратга ўхшаш» тусга эгаллиги, монография муаллифининг фикрича, пудрат шартномаси тарихий ривожланишининг умумийлиги билан асосланади (яъни, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси пудрат шартномасидан ажралиб чиққан)².

Мамлакатимиз Фуқаролик кодекси бўйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари мажмуаси қуйидаги кўринишда эканлиги кузатилади:

биринчидан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари гуруҳи, яъни мазкур шартномаларнинг ҳар бир тури мустақил типологик кўринишга эга ҳамда мустақкам типологик белгилар билан ифодаланади, шунингдек ушбу хусусиятларга мос ҳолда мазкур шартнома турини тартибга солиб турадиган нормалар алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий институтни ташкил этади. Ушбу гуруҳга қуйидаги шартномаларни киритиш мумкин:

- ташиш шартномалари;
- транспорт экспедицияси;
- банк омонати;
- банк ҳисобварағи;
- омонат сақлаш;
- воситачилик;
- мол-мулкни ишончли бошқариш.

Мазкур рўйхат ЎзР ФКнинг нормалари тузилишига асосланган. ФКнинг 38-боби қоидалари тадбиқ этиладиган шартно-

¹ Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва: Статут, 1999. – С.219.

² Брагинский М.И. Ўша манба. С.23.

малар рўйхатини истисно этадиган 703-модда иккинчи қисмидаги ҳавола нормалари мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур моддага хизмат тури сифатида суғурта фаолиятининг киритилмаганлиги, фикримизча, бу борадаги таҳририй хатоликлардан дарак беради. Ҳолбуки, бугунги кунда иқтисодий адабиётларда¹ суғурта фаолияти хизматларнинг муайян тури сифатида талқин этилмоқда, у хизмат тури сифатида турли жабҳаларда кенг қўлланилмоқда. Мазкур ҳолат ФКнинг 703-моддасини қайта кўриб чиқишга асос бўлади. Зеро, мазкур модда мазмунида нима хизмат бўлиб ҳисобланади, нима хизмат бўлиб ҳисобланмайди, деган саволларга аниқ жавоб йўқ;

иккинчидан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари гуруҳини тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби хизмат қилади. Ушбу гуруҳга алоқа, тиббиёт, ветеринария хизмати, аудиторлик хизмати, маслаҳат, ахборот, таълим, сайёҳлик, кўриклаш, реклама ва рекламани жойлаштириш, сотувдан кейин кўрсатиладиган хизматлар, чиқиндиларни утилизация қилишга қаратилган хизматлар, маркетинг хизматлари, маклерлик каби хизматларни кўрсатишга қаратилган шартномаларни киритиш мумкин. Албатта, мазкур рўйхатнинг давом этиши табиий. Зеро, бугунги кунда биргина ташки савдода кўрсатилаётган хизматларнинг турлари БМТнинг Халқаро стандартлашган саноат классификацияси маълумотларига қараганда, 600 дан ошган.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда иккинчи гуруҳдаги шартномаларнинг айрим турлари шартноманинг мустақил тури эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Жумладан, Л.В.Щенникова собиқ Иттифоқ даврида туристик хизматлар бўйича муносабатларни тартибга солиш мақсадида Гражданлик кодексига махсус боб киритилиши зарурлигини тақлиф этган².

¹ Ядгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида кишлоқ хўжалигида суғурта механизмини такомиллаштириш: Иқтисод фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 26 б.

² Шенникова Л.В. Право на туристическо-экскурсионное обслуживание // Правовое регулирование отношений в сфере обслуживания граждан. – Москва, 1993. – С. 96.

Шунга ўхшаш фикр-мулоҳазалар маркетинг хизматларини бажаришга қаратилган шартномага нисбатан ҳам таъкидлаб ўтилган. Хусусан, Е.В.Измайлованинг нуқтани назари бўйича маркетинг тадқиқотларини бажаришга қаратилган шартнома мустақил фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиб, бугунги кунда у алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини талаб этмоқда¹.

Т.А.Мўминов Фуқаролик кодекси 703-моддасида кўрсатилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг турлари жисмоний тарбия (спорт) ва меҳмонхона, суғурта, темир йўл, авиацияда хизмат турлари билан тўлдирилиши лозимлигини таъкидлаётди². Ф.Отахонов эса юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларга Фуқаролик кодексининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тартибга солиб турувчи нормалари ҳам тадбиқ этилишини таъкидлайди³, Б.Ибратов юридик хизмат кўрсатишнинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари жумласига киритади⁴, худди шу каби фикр М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийлар томонидан ҳам асослаб берилган⁵. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ хизматларнинг ҳуқуқий табиатини ўрганган Я.Ф.Фартхдинов абонемент хизмати кўрсатиш шартномасини маиший пудрат шартномасининг бир тури деб ҳисобласа⁶, Б.Ибратов, аксинча, абонемент хизмати кўрсатиш шартномаси

¹ Измайлова Е.В. Договор на выполнение маркетинговых исследований. Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2000. – С. 96.

² Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. Автореф. – Тошкент, 2007. – 17-б.

³ Отахонов Ф. Фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси ва моҳияти // Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2007. – Тошкент, 2008. – 201-б.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Ҳ. Р. Раҳмонқулов, И. Б. Зокировларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 1999. – 187-б.

⁵ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг. – Москва: Статут, 2002. – С. 216-217.

⁶ Фартхдинов Я.Ф. Законодательство и судебная практика по некоторым видам бытового обслуживания. – Казань. Изд-во Казанского университета. 1983. – С. 22.

аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида тузиладиган мустақил шартномалардан бири¹ деб қайд этади.

Бугунги кунда шартномаларнинг айрим турлари ҳуқуқий жиҳатдан мустақил белгиланиши зарур. Аммо Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг «Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув»ида² хизматлар таснифи келтирилганлиги ҳамда бир неча юзлаб хизмат турларини ўз ичига қамраб олган бўлимлар ўз ифодасини топган. Уларнинг ҳар бирини Фуқаролик кодексида алоҳида ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш чуқур илмий асосга эга бўлиши лозим. Бопкача айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида «талаб ва таклиф» қонунияти асосида юридик жиҳатдан қонуности ҳужжатида эмас, балки Фуқаролик кодексида мустақамлаш заруриятини келтириб чиқараётган хизмат турларини 38-бобда («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») ёки алоҳида боб сифатида белгилаш зарурияти чуқур илмий-назарий ва амалий асосга эга бўлиши зарур.

Бунинг учун эса, фикримизча:

биринчидан, энг аввало, қонунларда белгиланган ҳамда уларни Фуқаролик кодексида белгилашни (яъни, қонун ва кодекс талабларини унификациялаштириш ёки кодексида белгилаш орқали қонуннинг ўз кучини йўқотиши нуқтаи назаридан) тақозо этаётган хизмат турларини аниқлаш, бу ўринда улардан қайси бири алоҳида боб сифатида ёки 38-бобда белгиланиши мумкинлигига эътиборни қаратиш лозим. Бизнингча, бугунги кунда оммавийлашиб бораётган алоқа хизмати, аудиторлик хизмати, сайёҳлик хизмати, ветеринария хизмати кўрсатиш шартномалари аниқлаш объекти бўлиши мумкин;

иккинчидан, қонуности меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳамда уларни Фуқаролик кодексида белгилашни тақозо этаётган хизмат турларини аниқлаш керак. Бунда улардан қайси бири ало-

¹ Ибратов Б. Служба быта и права потребителя. – Ташкент: Ўзбекистон, 1992. – С. 46.

² Генеральное соглашение о торговле услугами (General Agreement of Trade in services. / Всемирная торговая организация, Уругвайский раунд многосторонних торговых переговоров. – Марракеш. 15 апреля 1994 г. // International Legal Materials. 1994. Volume XXII, № 1. Januare. // Мировая экономика: новости, статьи, статистика [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.eareport.ru / свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

ҳида боб сифатида ёки 38-бобда белгиланиши мумкинлигига эътиборни қаратиш лозим. Фикримизча, кўриқлаш хизмати, таълим бериш хизмати, тиббиёт хизмати, маслаҳат хизмати, ахборот хизмати, реклама ва рекламани жойлаштириш хизматини кўрсатиш соҳасидаги шартномалар таҳлил этилиши керак;

учинчидан, ижтимоий ҳаётда вужудга келаётган, аммо норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилмаган хизмат турларини ҳам аниқлаш тақозо этилади. Уларни ҳам алоҳида боб сифатида ёки 38-бобда белгилаш масаласига ойдинлик киритиш лозим. Маркетинг хизматлари, маклерлик хизмати, сотувдан кейин кўрсатиладиган хизматлар, чиқиндиларни утилизация қилишга қаратилган хизматларни кўрсатиш соҳасидаги шартномалар тадқиқ этилиши зарур.

2.3. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг предмети

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари манфаатларини ҳуқуқий баҳолаш зарурияти унинг ижтимоий аҳамиятлигидан келиб чиқади. Бунда ижтимоий манфаатларнинг моҳияти эҳтиёжларнинг умумий шарт ва воситаларини белгилайдиган, уни қулай ва оптимал даражада қондиришни ифода этадиган ижтимоий муносабатлар билан изоҳланади¹.

Шунинг учун бугунги кунда ижтимоий ҳаётда тадбиркорлик фаолияти соҳасида кенг қўлланилаётган хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг предмети билан боғлиқ масалани² тадқиқ этиш долзарб вазибалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунончи, ҳақ

¹ Шайкенов Н. А. Правовое обеспечение интересов личности. – Свердловск: Издательство Уральского университета, 1990. – С. 20.

² *Изоҳ:* «Шартнома предмети» тушунчаси ҳақида АҚШнинг Калифорния штати ФКсида куйидаги қонданинг мавжудлиги, ўз навбатида унинг мазмун-моҳиятини ўрганиш зарурлигининг долзарблигини янада оширади: «Тарафларнинг ўзаро қоникиш ҳосил қилганлиги, муайян иш қилиш керак ёки қилмаслик кераклигига келишилганлиги билан боғлиқ ишлар предмет ҳисобланади». *Қаранг:* Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательные акты. Пер. с англ. – Москва, 1993. – С. 570.

эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тушунчаси (ФКнинг 703-моддаси биринчи қисми) мазкур шартнома предмети сифатида ижрочи ва буюртмачи ўртасидаги ҳақ эвазига хизматларни кўрсатишга доир муносабатлар орқали ўхшаш тушунчалар ҳисобланган муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга оширишни белгилаш лозимлигини тахмин қилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур шартноманинг предмети доктринал жиҳатдан шарҳлашга оид цивилист олимларнинг илмий ишларида хизматлар – фуқаролик ҳуқуқи объекти, деган нуқтаи назарлар илгари сурилади. Назаримизда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси предметининг ўзига хос хусусиятлари ишларни бажариш бўйича шартнома предмети билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жумладан айрим олимлар «хизмат кўрсатувчи ҳаракатларнинг фойдали натижаси товар ҳисобланса-да, у моддий-ашёвий шаклга эга бўлмайди»¹, «қоида бўйича ҳаракатнинг ашёвий натижаси эмас, балки ҳаракатнинг ўзи предмет бўлиб ҳисобланади»², «хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларда контрагентлардан бири бошқасига моддий натижани ташкил этиш билан боғлиқ бўлмаган, балки бошқа ҳар хил самараларга эришишга қаратилган муайян ишни юритишни топширади»³, «муайян ҳаракатни содир этиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос белгилари бўлиб ҳисобланади»⁴, «бундай турдаги шартномаларнинг индивидуал предмети моддий объектлар бўлмаслиги керак»⁵, «бу тоифа шартномалар ўз моҳиятига кўра, турли-туман ҳаракат ва фаолиятдан иборат бўлиб, қонунда уларнинг тўла рўйхати берилмаган, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети бошқа хиз-

¹ Гражданское право: Учебник: В 2 т. / Под ред. Е.А.Суханова. – Москва, 1993. Т. 2. – С. 264.

² Кабатов В.А. Возмездное оказание услуг // Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть 2. Текст. Комментарии. Алфавитно-предметный указатель. – Москва, 1996. – С. 393.

³ Иоффе О.С. Обязательственное право. – Москва, 1975. – С. 489.

⁴ Завидов Б.Д. Договор посреднических услуг. – Москва, 1997. – С. 10.

⁵ Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва: Статут, 1998. – С. 232.

матлар бўлиши ҳам мумкин»¹, деган фикр-мулоҳазаларни илгари сурадилар.

Мазкур фикр-мулоҳазалардан эса хизматларнинг натижаси моддий-ашёвий натижа ҳисобланмайди, балки бунда пудрат шартномасининг ўрни кўзга ташланади, деган хулосага келиш мумкин. Аммо шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида қандайдир натижа (ва у қандай натижа) борми? Албатта, оддий иқтисодий мантиқдан келиб чиққан ҳолда, мазкур натижа шубҳасиз, ашёвий-моддий натижа эмас, балки у бошқа натижа – «орус»дир².

«Орус»³ сўзини қўллаган Генрих Дренбург фақат моддий натижани эмас, балки иқтисодий натижани (унинг янада кенг маъно-мазмун касб этишини инobatта олган ҳолда) назарда тутган. У иқтисодий натижага жисмга оид ашёлар билан боғлиқ турли манипуляцияларнинг, яъни қўл ишида мураккаб ва нозик ҳаракатларнинг (масалан, кўчар ашёларга қайта ишлов бериш, ашёлар ва инсонларни ташиш, қурилиш ва бошқа кўчмас мулкни қайта ишлаш, пул қийматига эга бўлган иш муомаласи, бадий, техник характердаги номоддий ҳаракатлар) натижасини киритади. Шу боис фикримизча, «орус» сўзи фақатгина ашёвий-моддий натижа нуқтаи назаридан, тўлиқ ўз асосига эга эмас. Зеро, мазкур тадқиқот ишининг олдинги параграфларида таъкидлаб ўтганимиздек, хизматларнинг истеъмол қиймати сифатидаги иқтисодий моҳияти нуқтаи назаридан бундай натижа аниқ шахснинг эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлади. Мазкур ғоя цивилист олимлар томонидан ҳам инкор этилмаган. Шу сабабдан, айрим россиялик

¹ Отахонов Ф. Фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиш тушунчаси ва моҳияти // «Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2007 йил 27-28 ноябрь. – Тошкент, 2008. – 200-б.

² Дренбург Г. Пандекты. Обязательственное право. 2-е изд. / Пер. под. руков. и ред. П.Соколовского. – Москва, 1904. Т. 3. – С. 373-374.

³ *Изоҳ:* «Орус» сўзи лотинчадан олинган бўлиб, «ёзиш», «меҳнат» (*Манба:* Советский энциклопедический словарь – Москва: Советская энциклопедия, 1980. – С. 944), «яратиш», «ишлаш» (*Манба:* <http://www.trilinguis.ru/latin/dictionary.aspx?xarf=op>), «номоддий натижа» (*Манба:* Шаблова Е.Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург, 2004. – С. 125.) каби маъноларни англатади.

олимлар хизматлар фаолияти «фойдали самара»га¹ эга бўлган «неъмат»² эканлигини таъкидлашади. «Хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларда ҳал қилувчи омил ҳаракатларнинг натижалари эмас, балки мазкур ҳаракатларнинг хизматлар сифатидаги ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади», «хизматлар – бу мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда контрагентга имтиёз бериш ёки шароитлар яратишга қаратилган фаолият»³ каби нуктаи назарларнинг илгари сурилганлиги юқоридаги илмий қарашнинг тасдиғидир. Аммо хизматларга турли хил имтиёзлар (масалан, объектив ёки субъектив тартибнинг муайян асослари бўйича буюртмачига кўрсатиладиган хизматлар баҳосидан сийлов (скидка) қилиш) ўзидан ўзи киритилмаслиги лозим⁴.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предметини аниқлашда М.В.Кротов номоддий хизматлар тушунчасига таянади. Унинг фикрича, хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларнинг узвий ва ажралмас шарти – бу хизмат кўрсатувчида фаолиятнинг фойдали самарага эришишни қафолатлаш имкониятининг йўқлиги ҳисобланади, зеро, бундай натижа мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлардан ташқарида ётади⁵.

Албатта, мазкур нуктаи назар аксарият ҳолларда хизматлар ҳеч қандай натижа билан тугатилмаган, балки фойдали самара унинг ўзида ифода этадиган ҳаракатни акс эттиради, деган тасаввур билан асослантирилади. Фикримизча, муайян фаолиятнинг натижаси нафақат мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар предметига қиради, балки унинг чегарасидан ҳам чиқиб кетади. Хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятлар тахмин қилинаётган ижо-

¹ Шешенин Е.Д. Договоры услуг в общественном питании // Сб. уч. тр. СЮИ. – Свердловск, 1964. Вып. 1. – С. 95; Иоффе О.С. Обязательственное право. – Москва, 1975. – С. 489.

² Кротов М.В. Обязательство по оказанию услуг: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ленинград, 1989. – С. 13.

³ Калмыков Ю.Х. К понятию обязательства по оказанию услуг в гражданском праве // Избранное. Труды. Статьи. Выступления / Сост. О.М.Козырь, О.Ю.Шиловост. – Москва, 1998. – С. 33.

⁴ Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва: Статут, 1998. – С. 232.

⁵ Гражданское право: Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва, 1998. Ч. 2. – С. 545.

бий натижага эришишни кафолатлашнинг йўқлиги билан ифодаланадиган номоддий хизматларни кўрсатиш бўйича муносабатларни қамраб олади.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг нафақат сони, балки сифати ҳам ошиб бораётган бир пайтда «натижага эришишнинг кафолатланмаганлиги» ибораси юридик презумпцияга трансформация, яъни ўз таъсирини ўтказиш орқали объектив реалликка айланиб бормоқда. Кафолатланмаганлик нимани англатади, деган савол туғилади. Фикримизча, буюртмачининг мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларга киришиши орқали ўзи хоҳлаётган ижобий натижага эришишнинг вужудга келиши бўйича ижрочининг кафолати, ишонтириш йўқлигини тан олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Номоддий хизматларга қарама-қарши бўлган моддий хизматлар¹ (яъни, хизматларни кўрсатувчи шахс томонидан натижаси ҳар доим кафолатланадиган хизматлар) айрим ўқув адабиётларида у объектив равишда табиат предметида ёхуд хизматлар

¹ *Изоҳ:* хизматларнинг моддий ва номоддий хизматларга «бўлиниши» ўзининг асосига эга. Хусусан, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро Кенгаш томонидан 1995 йилнинг 26 апрелида 7-сонли баённома билан тасдиқлангандан сўнг, илк маротаба МДХ давлатларида расмий кучга киритилган давлатлараро стандарт, яъни «ГОСТ 303335-95 / ГОСТ Р 50646-94 «Услуги населению. Термины и определения»да аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ўзининг функционал мақсади бўйича моддий ва ижтимоий-маданий хизматларга бўлинган. Биринчи стандартга маиший хизматлар, буюмларни тайёрлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар; коммунал хизматлар, умумий овқатланиш билан боғлиқ хизматлар, транспорт хизматлари ва бошқа шу кабилар киритилган. Стандарт сифатида мазкур манбанинг аҳамияти долзарб эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг оммавий-ҳуқуқий аҳамияти фуқаролик муомаласининг барча иштирокчилари учун эмас, балки фақатгина фуқароларнинг шахсий истеъмол эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилиши билан чегараланганлигига эътиборни қаратиш зарур. Унда назарда тутилган таснифлаш иқтисодиётда мавжуд алоҳида ҳўжалик соҳаларининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқлигига қараб ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Назаримизда фуқаровий-ҳуқуқий доира даражасида бундай тарзда тақсимлаш старли асосга эга эмас. Зеро, мазкур стандарт хизматларни «унинг натижасига эришиш кафолатланмаганлиги» мезони нуқтан-назаридан тақсимламаганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

истеъмолчисининг шахсида (масалан, сартарош, ҳаммомчи, юк ёки йўловчи ташувчи хизматлари) ўз ифодасини топади¹, деб таъкидланса, бошқа адабиётларда эса ишларнинг мазкур натижаси билан боғлиқ муносабатлар биринчидан, ишлар бажарувчисидан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин, иккинчидан, бажарувчи томонидан кафолатланиши пудрат шартномаси билан тартибга солинади², деган нуқтаи назарлар илгари сурилади.

Юқоридаги фикрларни ўрганиш орқали уларга нисбатан қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

биринчидан, «моддий хизматлар объектив равишда табиат предметида ёхуд хизматлар истеъмолчисининг шахсида (масалан, сартарош, ҳаммомчи, юк ёки йўловчи ташувчи хизматлари) ўз ифодасини топади», деган фикр қандай маънони англатиши тушунарсиздир. Чунки, хизматлар объектив равишда табиат предметида ўз ифодасини топиши асосланган белги, ўзига хос хусусият ҳисобланади;

иккинчидан, моддий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартнома предметидаги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қайси ҳолларда унинг тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддаси талабларига тўғри келиши аниқ асослаб берилмаган. Балки, бу ўринда тасодифий ҳалокатга оид таваккалчиликларни тақсимлаш билан боғлиқ масалани ҳал этиш зарурлиги инобатга олингандир;

учинчидан, пудрат ишларининг натижалари мезони ҳам тавсифловчи белги – унинг «ишлар бажарувчисидан алоҳида мавжуд бўлиши» ҳам шартли равишда намоён бўладиган белгидир. Масалан, маслаҳат хизматларини кўрсатиш жараёнида мутахассис томонидан хулосанинг дискетада тақдим этилиши мумкин бўлган ҳолларда пудрат шартномасининг предмети сифатида келишув тузилиши лозим. Фикримизча, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид мажбуриятларда буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги бевосита алоқанинг белгиси ҳақидаги асосларга М.В.Кротов

¹ Гражданское право: Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва, 1998. Ч. 2. – С. 538.

² Гражданское право: Учебник / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва, 1999. Ч. 1. – С. 228.

томонидан ортиқча изоҳ берилган. Чунки бугунги ривожланиш даврида фаолиятнинг аксарият турларини амалга оширишда ижрочининг бевосита иштироқи ёки унинг шахсий жисмоний жиҳатдан қатнашиши умуман талаб этилмайди.

Шундай қилиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномавий мажбуриятларни тартибга солишнинг предмети доирасини кенгайтириш лозимлиги ҳақида сўз юритилар экан, мазкур хизматларнинг шартли равишда фақатгина «номоддий хизматлар» деб аталишини чекламаган ҳолда ушбу масала бўйича айрим юридик нуқтаи назарларни бирлаштириш зарурлиги борасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: хизматлар мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар доирасида иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш орқали муайян натижага («орус»га) эга бўлиши лозим. Ушбу масала бўйича қарама-қарши фикрга эга бўлган Б.Д.Завидов ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос муҳим белгиси сифатида «муайян ҳаракатни содир этиш ёки муайян фаолиятни (бу ўринда, ҳам «ҳаракат», ҳам «фаолият» сифатида) амалга ошириш моддий натижага эга бўлиши ёхуд эга бўлмаслиги ҳам мумкинлигини¹ тасдиқлайди. Бошқа томондан эса, муаллиф хизматларни кўрсатиш жараёнида натижанинг ўзи эмас, балки унга олиб келган ҳаракатлар сотилади², деган нуқтаи назарга ҳам қўшилади. Юқоридаги олимлар «натижа», «тахмин қилинаётган натижа», «ижобий натижа», «кафолатланган натижа», «тўлиқ ёки тўлиқ эмас» каби ҳар хил тушунчаларни турли тарзда қўллаган ҳолда мазкур натижанинг ўзига хос хусусиятларини очиб бермаганлар.

Хизматлар натижасини моддийлаштириш усуллари ёки сон билан ўлчаш ёхуд бошқа аҳамиятга молик услублар билан аниқлаш ҳар доим ҳам ўз мақсадига эришавермайди. Масалан, «ўлчаш» орқали маданий-маърифий хизматларни кўрсатиш жараёнида буюртмачи (томошабин)нинг эстетик эҳтиёжларини қондириш даражасини аниқлаш мумкинми, деган савол туғилади. Бундан ташқари, мазкур атамани шартнома шартларида ҳам ифодалаш, шакллантириш янада мураккаб ҳисобланади.

¹ Завидов Б.Д. Договор посреднических услуг. – Москва, 1998. – С 23.

² Завидов Б.Д. Ўша манба. – С 10.

Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар тизимида «ўлчаб бўлмайдиган» кимматликларни ифодалаш, шакллантириш мураккаблиги бу масаланинг бир жиҳатидир. Иккинчи томондан эса, объекти инсоннинг ўзи ҳисобланган шахсий хизматларда натижанинг буюртмачининг бевосита шахсига боғлиқ бўлиши тақозо этилади. Яъни, унинг руҳий аҳволи, кайфияти, маънавий, маданий, билимдонлигига ҳос хусусиятлар, бошқача айтганда, шахсга ҳос субъектив белгилар кўрсатилган хизматлар натижасига баҳо беришда устун туриши табиий. Шундай қилиб, яна бир бор таъкидлаш жоизки, ушбу фикр-мулоҳазани хизмат кўрсатиш тўғрисидаги мажбуриятга оид муносабатларнинг барча турларида қўллаш мутлақо нотўғридир. Мазкур масалада, фикримизча, қуйидаги икки ҳолатни ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Хизматлар буюртмачисининг кутиши маъносидаги натижа. Чунончи, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида маркетинг тамойиллари асосида ишни ташкил қилувчи тадбиркорлик фаолияти субъектлари хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишга қадар хизматларга буюртма беришни истовчи буюртмачининг ҳақиқатда кутаётганлигини батафсил аниқлаб оладилар. Бошқача айтганда, буюртмачининг қандай натижани (самарани) олмоқчи эканлигига хоҳиши борлигини билишга ҳаракат қиладилар. Мазкур мақсад доирасида эса кутилаётган натижа бўйича тасаввур ва эришиш мумкин бўлган ҳамда тахмин қилинаётган натижанинг бир-бирига мос тушишига оид масала юзага келади;

2. Хизматлар ижрочисининг ҳаракатлари оқибатлари маъносидаги натижа. Бундай натижа фикримизча, ягона кўринишда бўлмаслиги мумкин. Чунончи, *биринчидан*, у моддийлаштирилган, расмийлаштирилган, яъни муайян натижага эришиш тўғрисидаги шартномавий мажбуриятларда тегишли шартлар билан ифодаланган бўлиши мумкин. *Иккинчидан*, натижа шартнома билан белгиланадиган мажбуриятларни лозим даражада бажариш оқибатлари сифатида намоён бўлиши мумкин. Зеро, натижа ҳам белгиланган тартибда расмийлаштирилган мажбуриятга оид муносабатларнинг тегишли даражаси ҳисобланади, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш муайян натижани вужудга келтиради. Назаримизда, бугунги кунда агарда кутилаёт-

ган натижанинг «шаффоф»лиги таъминланмаса, у ҳолда сўнги чора сифатида контрагент ҳуқуқий жихатдан сўзсиз шартномавий мажбуриятлар модели билан белгилаб берилган шартларга мувофиқ ҳаракат қилиши лозимлигига оид тарафлар ўзаро муносабатларининг фуқаролик-ҳуқуқий моделини яратиш фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва фуқаролик қонунчилиги олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қадимда Рим хусусий ҳуқуқида мажбуриятлар натижага эришиш мезонини ҳисобга олган ҳолда, натижанинг максимал даражада намоён бўлишига йўналтирилган мажбуриятлар ва муайян натижага эришишга оид ижрочининг мажбуриятларига асосланган мажбуриятларга ажратилганлигига¹ оид ўринли фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугунги кунда эса бундай бўлинишни халқаро тижорат шартномалари принципларида (масалан, УНИД-РУА принципларида)² мустаҳкамлаб қўйилганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Шунингдек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига берилган расмий таърифда (ФКнинг 703-моддаси) натижа ҳақида муайян «эслатма»лар бўлмаса-да, айрим цивилист олимларнинг ишларида «хизматларнинг натижаси» иборасига кенг тўхатилиб ўтилганлигини ҳамда уларнинг айримларига тўхталиб ўтилган. Хусусан, хизматлар тўғрисидаги шартномалар икки хил, яъни «даволаш»га ёки «даволаниш»га қаратилган шартномалар бўлиши, чунончи, адвокатнинг судда сўзга чиқиши ва унинг шартнома асосида жараёнда муайян натижага эришиши (оқлаш ҳақидаги ҳукмнинг чиқарилиши, мижоз даввосининг қондирилиши ва ҳ.к.) бир хил бўлиши мумкин³. Аммо М.И.Брагинскийнинг мазкур нуқтаи назари баҳслидир. Жумладан, муаллиф бир томондан номоддий натижанинг аҳамиятини «камайтирмайди» ва натижага

¹ Степанов Д.И. Зарождение и развитие услуг в риском частном праве // Журнал Российского права. – Москва, 2001. – № 3. – С. 155.

² Принципы международных коммерческих договоров (Принципы УНИДРУА). Документ разработан и принят Советом Международным институтом унификации частного права (УНИДРУА) в 2004 году // ЮРИДИЧЕСКАЯ РОССИЯ-образовательный правовой портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: . <http://law.edu.ru/свободный>. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

³ Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва: Статут, 1998. – С. 232.

эришмаслик ҳам контрагентни хизмат кўрсатиш заруриятидан тўлик ёки қисман озод этади¹, деган фикрни ҳам илгари суради. Бошқа томондан эса, тиббий хизматлар ёки адвокатлар томонидан кўрсатиладиган хизматларда уларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг предмети сифатида номоддий объектга эришишни белгилаш тарафларнинг махсус келишувлари орқали амалга оширилиши лозимлигини² таъкидлайди. Албатта, унинг мазкур фикр-мулоҳазалари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси предметиға оид ФКдаги қоидалар мазмуни инобатга олинмаганлиги боис илгари сурилган, дейиш мумкин. Аммо унинг ушбу қарашларида, фикримизча, номоддий натижага эришиш тўғрисидаги «махсус келишув»нинг юридик табиати тушунарсиз бўлиб қолган.

Профессионал хизматларни амалга оширишнинг ҳуқуқий режими билан боғлиқ масалани тадқиқ этган Б.О.Борисов ҳам хизматларнинг натижаси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирган. Хусусан, унинг фикрича, хизматлар натижаси – бу шартнома категорияси бўлиб, тарафларнинг хизматларни кўрсатиш ҳақидаги келишувда назарда тутилган бир қатор муҳим шартларга риоя қилишлари натижасида унинг юзага келишига эришилади. Мазкур келишувнинг мазмунида хизматларни лозим даражада бажаришнинг мажбурлиги киритилади, аммо ҳар доим ҳам қутилаётган натижа юзага келишининг мажбурлиги мумкин қадар қулайликлар яратишга оид муайян шартларга боғлиқ бўлса, у ҳолда аниқ башорат қилинган натижанинг юзага келишига имкон яратмайди³. Фикримизча, Б.А.Борисов ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид мажбуриятлар предметиға натижанинг киритилиши тўғрисида умумий ҳулосалар қилмаса-да, мазкур муаммони мавжуд муносабатларда тўғри ҳал этиш юзасидан ўринли фикрлар билдирган. У томонидан ёзилган монографияда буюртмачига ишлар ва хизматлар тушунчасини ажратишга зарурат йўқ, унинг учун фаолиятнинг иш ёки хизмат бўлишидан қатъий назар, натижа муҳим ҳисобланади⁴, деган фикрнинг учраши бунга мисолдир.

¹ Брагинский М.И. Ўша манба. – С. 232.

² Брагинский М.И. Ўша манба. – С. 232.

³ Борисов Б.А. Услуги. Правовой режим реализации. – Москва, 1997. – С. 8.

⁴ Борисов Б.А. Ўша манба. – С. 11.

Лекин шу билан бирга, хизматлардан номоддий натижага эришилмаслиги (кафолатланмаганлиги) презумпцияси канчалик даражада асосланган, деган савол ҳам туғилади. Зеро, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий мақсади товар-пул айирбошлашни назарда тутувчи келишувни амалга ошириш ва мулкӣй натижа ҳисобланган даромадга эга бўлишда ифодаланади. Юридик мақсад эса шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажариш тамойили асосида ижро этиш ва мулкӣй натижага бўлган ҳуқуққа эга бўлишда ифодаланади¹.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги битимларни тузишга оид шартномавий амалиётда ижрочи мажбуриятларида нафақат муайян ҳаракатни (фаолиятни) амалга ошириш, балки унинг ҳаракатлари натижасини ҳам буюртмачига тақдим этиш зарурлигини киритиш тенденцияси юзага келган. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқӣй хизматларни кўрсатишда ЎЗР ФКнинг 354-моддаси («Шартнома тузиш эркинлиги») талаблари асосида ижрочи мажбуриятларига нафақат муайян ҳаракат (фаолият)ни амалга ошириш, балки унинг ҳаракатлари натижасини (масалан, ҳуқуқӣй масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар ва консултациялар; ариза, шикоят, шартномалар каби ҳуқуқӣй тусдаги ҳужжатларнинг намуналари ва х.к.) буюртмачига тақдим этилаётганлигига оид кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Албатта, хизматларнинг муайян натижага эришиши лозимлигининг белгилалиши ижобий ҳолат, аммо эришилмаса нима бўлади? деган ҳақли савол туғилади.

Фикримизча, агар шартнома билан (номоддий) натижа белгиланганлик ҳолатларида, унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда унга эришилмаслик, ўз навбатида контрагентни ҳақни тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод этади, деган хулоса чиқариш мумкин. Шунингдек, айрим хизматларни, хусусан пулли тиббий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар (яъни, натижаси кафолатланмаган) мазмунини шакллантиришда Г.Цехер шартнома мажбуриятлари мазмунига буюртмачи истаётган натижага эришилмаслик

¹ Рахимов М. З. Правовые проблемы достижения конечного результата предпринимательской деятельности. Автореф. дис. докт. – Душанбе, 2000.–С. 14-15.

имконияти ҳақидаги «огоҳлантириш шарти»ни киритишни таклиф этади¹. Мазкур фикрга қўшилиш мумкин. Шу билан бирга, назаримизда шартнома матнига нафақат «огоҳлантириш шарти»ни киритиш, балки шартнома предметини ташкил этувчи тиббий хизматлар натижасига таъсир қилувчи объектив омилларнинг муайян ҳолатларини аниқлаштириш зарур. Зеро, буюртмачи ўзининг истеъмоладан таваккалчилигини баҳолаш учун тиббий хизматларнинг у ёки бу натижаларига доир тиббий статистик маълумотлар олиш ҳуқуқига эга. Бунда лозим даражада ахборотга эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, муҳокама қилинаётган муаммо нафақат мажбуриятга оид ҳуқуқий қоидалар тусига, балки инсонпарварлик, эстетик тусга ҳам эга. Ушбу маълумотлар инсон соғлиғи ва ҳаётига ўз таъсирини ўтказиши ҳеч кимга сир эмас. Фикримизча, бугунги кунда, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан тиббий хизматларнинг муайян турлари кўрсатилаётган бир пайтда, мазкур хизматларни сифати, сони ва бошқа тегишли йўналишлар бўйича баҳолаш мезонларини белгилаш вақти келди.

Шунингдек, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, яъни профессионал ижрочилар томонидан кўрсатилаётган хизматларни (профессионал хизматлар) ҳақ эвазига кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг мазмун-моҳияти энг аввало, буюртмачининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган шарт-шароитларни инобатга олиши лозим, шу боис бундай турдаги шартномаларда (яъни, профессионал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ шартномаларда) предмет сифатида тарафлар томонидан муайян номоддий натижага эришишни белгилаш асосли ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик хавфини² минималлаштириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Шундан келиб чикиб, ҳақ

¹ Цехер Г. Если мы потребляем услугу, то надо знать // Услуги: права потребителя (тарифы, сроки, неустойки). – Екатеринбург, 1999. – С. 16-17.

² *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 915-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик хавфи деганда, тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан қутулган даромадларни ололмаслик хавфи тушунилади.

эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда қуйидаги таваккалчиликларни жадвал кўринишида асослаб бериш мақсадга мувофиқдир:

Буюртмачи таваккалчилиги	Ижрочи таваккалчилиги
<p>1. Хизматларнинг ижобий натижасига эришилмаслик;</p> <p>2. Кўрсатилган хизматларнинг сифатига лозим даражада баҳо бериш (агарда мазкур баҳо махсус билимларни талаб қилса) лаёқати йўқлиги;</p> <p>3. Истеъмолнинг муайян мақсадларига хизматларнинг мувофиқ келмаслиги;</p> <p>4. Ижрочи томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилганлик ҳолларида етказилган зарарнинг қоплаб берилмаслиги (ФКнинг 707-моддаси иккинчи қисми);</p> <p>5. Лозим даражадаги ахборот таъминотининг йўқлиги. Бунинг оқибатида битимларни тузиш жараёнида истакни намоён этувчи омилнинг нотўғри белгиланишига, яъни буюртмачининг янглишишига олиб келиши мумкин;</p> <p>6. Хизматларнинг айрим турларини кўрсатишда фойдали самара намоён бўлишининг узоқ вақт давом этиши.</p>	<p>1. Буюртмачи томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилганлик ҳолларида белгиланган ҳақни олмаслик (ФКнинг 707-моддаси биринчи қисми);</p> <p>2. Хизматлардаги нуксонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (деликт жавобгарлик – ФКнинг 57-боби, 1017-1020-моддалари);</p> <p>3. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатлари, шунингдек шартномаларда назарда тутилган асослар бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик ҳолатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка жалб этилиш.</p>

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, хизматлар буюртмачисининг таваккалчилиги салмоқли ҳисобланиб, Фуқаролик кодексининг 38-боби қоидалари ҳуқуқий воситалар ёрдамида хизматлар буюртмачисининг таваккалчиликларини минималлаштиришга йўналтирилмаган, бошқача айтганда мазкур бобдаги қоидалар шарт-

нома томонларининг таваккалчиликлари ўртасидаги мувозанат, нисбатни сақлашга хизмат қилмаяпти. Тўғри, истеъмомчиларнинг ҳукуklarини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тизими яратиш орқали истеъмомчи-буюртмачи манфаатларининг ҳимоя қилинганлиги ҳам келгусида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг норматив-ҳуқуқий моделини янада такомиллаштиришга ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Лекин бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, яъни профессионал ижрочилар томонидан профессионал хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг предмети сифатида номоддий натижага эришиш лозимлигининг белгиланиши, фикримизча, буюртмачининг ижобий натижага эришилмаслик хавфини минималлаштиришга (камайтиришга) олиб келади. Профессионал хизматлар иқтисодий натижаларининг мазмуни (масалан, ахборот хизматларини кўрсатишда ахборотнинг ўз вақтида тўлиқ ва ишончли олинishi; техника воситалари сотилгандан сўнг ёки тегишли техник хизматлар кўрсатилгандан кейин белгиланган давр мобайнида сўзсиз ишлаши; миждознинг тузалиши (тиббий хизматлар¹); таълим хизматларининг мустақил тест синовларини ўтказиш орқали унинг ижобий натижалари аниқланиши² ва ҳ.к.) турлича бўлиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолларда натижага эришилмаслик хавфини профессионал хизмат кўрсатувчи зиммасига юклаш, ўз навбатида буюртмачини ҳақни тўлиқ ёки қисман тўламасликдан озод этишга, улар ўртасидаги таваккалчилик хавфи балансини сақлаб туришга олиб келади. Шу ўринда натижага эришилмаслик ҳолатлари буюртмачига боғлиқ ҳолда ҳам намоён бўлиши мумкинлигига (масалан, тиббий муолажаларни олишга ёки ўқув машғулотларига ўз вақтида келмаслик; техника воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳ.к.) эътиборни

¹ *Изоҳ:* Қадимда хон даврида табиб хонни даволаш жараёнида, қачонки у соғайган тақдирдагина, унинг фаолияти натижаси мукофотланганлигини барчага маълум эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

² *Изоҳ:* Бугунги кунда репетиторлик хизмат натижаларини баҳолашнинг муайян мезонлари қўлланилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, ривожланган давлатлар тажрибасида билимларни мустақил тест тизими (масалан, «Test of English as foreign language» (TOEFL)) орқали баҳолаш кенг қўлланилмоқда.

қаратиш зарур. Албатта, мазкур ҳолларда фикримизча, ижрочида ҳақнинг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқи сақланиб қолиши зарур.

Профессионал хизмат кўрсатувчи зиммасига натижага эришилмаслик хавфи таваккалчилигини юклаш ўз асосига эгами? Фикримизча, бу борада дастлаб «ижрочининг профессионал фаолияти» тушунчасига қўйиладиган талабларни кўриб чиқиш зарур. Назаримизда, мазкур профессионал фаолият *биринчидан*, муайян малакага эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши; *иккинчидан*, тегишли қоидалар бўйича ҳамда ваколатли давлат органлари назоратида кўрсатилиши; *учинчидан*, улар фаолияти давлат томонидан кафолатланган бўлиши; *тўртинчидан*, мазкур фаолият натижалари муайян талабларга (масалан, сертификатлашга¹) мос бўлиши зарур. Албатта, бундай ҳолларда профессионал ижрочи зиммасига номоддий натижага эришиш таваккалчилигини юклаш ҳамда буни ундан талаб қилиш ўринли ҳисобланади. Бундан ташқари, профессионал хизмат кўрсатувчи иштирок этаётган мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар мазмунида «огоҳлантириш шарти» ўз аксини топган бўлиши лозим. Профессионал бўлмаган хизмат кўрсатувчилар зиммасига эса бундай тартибни, яъни номоддий натижага эришиш таваккалчилигини юклаш мақсадга мувофиқ эмас.

Умуман олганда, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқий институти профессионал асосда кўрсатиладиган хизматларни ҳамда профессионал бўлмаган хизматларнинг махсус ҳуқуқий тартибга солинишини шакллантириш йўлидан амалга оширилиши зарур. Келгусида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали профессионал хизмат-

¹ *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ, сертификатлаштириш одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган махсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш; махсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш; мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро микёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш; истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш; махсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

ларни ҳақ эвазига кўрсатиш шартномасида иқтисодий натижага эришишни ҳуқуқий кафолатлаш тизимини янада кучайтириш лозим. Бу эса, мамлакатимизда мавжуд хизматлар бозорида соғлом рақобатнинг янада такомиллашувига, профессионал хизмат кўрсатувчиларнинг ўз фаолиятлари стратегиясини қайта кўриб чиқишга, натижада буюртмачилар эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларга давлатнинг таъсирини қуйидаги йўналишлар бўйича янада кучайтириш ҳам ижобий натижалардан холи бўлмайди:

1. Тегишли қоидаларни (хусусан, тегишли хизмат турларини кўрсатиш қоидаларини, стандартларни) белгилаш;

2. Профессинал хизмат кўрсатувчилар фаолиятини лицензиялаш;

3. Хизматларни сертификатлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган шартнома предметини хизматларни (хизматни) кўрсатиш бўйича буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги муносабатлар, ҳақ эвазига хизмат кўрсатилиши натижасида номоддий натижага эришиш нуктаи назаридан белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг уяун ЎЗР ФКнинг 703-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

2.4. Хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тарафлари ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») хизмат кўрсатиш шартномасида бўлиши мумкин бўлган иштирокчилар доирасини белгилашга қаратилган нормаларни ўзида акс эттирмаган. Аммо бу билан мазкур масала умуман ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаган, деб бўлмайди. Зеро, фуқаролик қонунчилигининг шартномалар тўғрисидаги умумий қоидаларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тарафлари сифатида жисмоний ва юридик шахслар иштирок этади дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш шартномалари тарафларининг ҳуқуқ лаёқати ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларда ҳамда оммавий хизматларда уларнинг ҳуқуқ лаёқатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлиги билан ажралиб туради. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлиги эса фуқаролик ҳуқуқи субъектлиги билан бир хил эмас. Ҳуқуқнинг барча субъектларини ҳуқуқ субъектлигининг тузилиши ва асосий мазмуни бўйича аниқлаш амалда бир хил, аммо улар ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳуқуқ субъекти категорияси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кабиларда намоён бўлади¹. Тадбиркор субъект сифатида қатнашадиган муносабатлар ўзининг моҳиятига кўра, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларидан иборат. Фуқаронинг тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, мазкур мақомни олгандан сўнг тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлиги вужудга келади.² С.Григоренконинг таъкидлашича, якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган фуқаронинг ҳуқуқ субъектлиги мазмуни оддий фуқаронинг ҳуқуқ субъектлиги мазмунига нисбатан анча кенг. Муаллиф унинг ҳуқуқ субъектлиги мазмунини икки турга, тадбиркорлик ҳуқуқ субъектлиги ҳамда оддий фуқаро сифатидаги ҳуқуқ субъектлигига ажратади³. Албатта, мазкур нуктаи назарга кўшилиш зарур. Чунончи, фуқаролик ҳуқуқ субъектлигига инсон туғилганда эга бўлади, тадбиркорлик ҳуқуқ субъектлиги эса фуқаро муайян ёшга етганида ҳамда у якка тадбиркор сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб вужудга келади. Қонунда⁴ ҳам тадбиркорлик фаолияти

¹ Амирханова И.В. Гражданско-правовое обеспечение развития в Республике Казахстан. – Алматы: Қазақ университеті, 2003. – С. 140.

² Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: (қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти масалалари) / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов. – Тошкент: Тошкент Давлат юридик институти, 2004. – 7-б.

³ Григоренко С. Проблемы гражданско-правового статуса индивидуального предпринимателя // Хозяйство и право. – Москва, 1999. – № 5. – С. 18-20.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 5-6. – 140-м.

субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Айтиш лозимки, бозор иктисодиёти шароитида оммавий хизматларнинг ҳам аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Мазкур хизматларни кўрсатадиган субъектлар мақомини аниқлашдан олдин, «оммавий хизматлар»нинг ҳуқуқий табиати қандай, деган савол туғилади. Зеро, кейинги йилларда юридик адабиётларда, шунингдек қонунчиликда «оммавий хизматлар», «давлат хизматлари», «ижтимоий хизматлар» каби тушунчаларнинг кенг қўлланилмоқда ва айнан мазкур хизматлар бир пайтда кўрсатилиши мумкин, аммо «оммавий хизматлар» ва «давлат хизматлари»ни бир хил тушунча деб бўлмайди. Чунончи, давлат хизматлари фикримизча, мазкур хизматларни кўрсатадиган субъектларни, яъни давлат органлари ёки улар томонидан ваколат берилган органлар фаолиятини ифодалайди. Оммавий хизматлар эса нафақат давлат органлари томонидан, балки нодавлат тузилмалар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин, уларни бирлаштирадиган хусусият уларга нисбатан жамиятда бўлган манфаатдорлик, ижтимоий аҳамиятлилик қабиларда намоён бўлади. «Оммавий хизматлар» жумласи адабиётларда, қонунчиликда кўп такрорланса-да, аммо уларга ягона таъриф берилмаган. Лекин ушбу тушунчанинг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжудлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган:

1) улар умумаҳамият йўналишидаги фаолиятни таъминлайди (ижтимоий манфаатларни амалга оширишга қаратилган);

2) мазкур хизматлардан фойдаланувчи субъектларнинг доираси чегараланмаган;

3) улар давлат органлари ёки бошқа субъектлар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин;

4) бу хизматлар оммавий мулк билан бир каторда, хусусий мулкка ҳам асосланади¹. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ бўйича мутахассис Ю.А.Тихомировнинг фикрича,

¹ Талапина Э., Тихомиров Ю. Публичные функции в экономике // Право и экономика. – Москва, 2002. – № 6. – С. 5.

оммавий хизматлар жамият, давлат ва фукаро манфаатлари учун юридик ва ижтимоий аҳамиятга бўлган ҳаракатларни англатади¹. Албатта, мазкур нуктаи назардан унинг кимларга нисбатан кўрсатилишини тушуниб етиш мумкин ва юридик ҳаракатлар жумласига қонунчиликда белгиланган, чунончи, юридик шахсларни ва якка тадбиркорларни, кўчмас мулк объектларини, фукаролик ҳолати ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш каби ҳаракатларни мисол сифатида келтириш ўринлидир.

Бозор иктисодиёти шароитида нафақат Ўзбекистонда, балки ривожланган давлатларда ҳам оммавий хизматлар кўрсатиш жараёнларининг тижоратлашуви тенденцияси кузатилмоқда. Ўз навбатида, мазкур жараённинг такомиллашуви ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Хусусан, оммавий хизматларни тақдим этиш жараёнининг тижоратлашуви хизматлар сифати ва самарадорлигининг ошишига, уларни истеъмолчига йўналтириш жараёнининг кучайишига олиб келади. Шу бирга бирга, бу ҳолат аҳолининг муайян қатлами томонидан мазкур хизматлар турларининг янада кўп ҳажмда истеъмол қилинишига ҳамда бунинг натижасида оммавий хизматларнинг «универсаллик» хусусияти йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, фикримизча, оммавий хизматларни кўрсатиш жараёнини бюджетдан етарли даражада молиялаштириш принципиал аҳамиятга эга. Уларни тақдим этиш жараёнининг тижоратлашуви аҳолининг муайян қисми томонидан оммавий хизматларни истеъмол қилиш ҳуқуқларининг чекланишига олиб келмаслиги, рентабеллик эса давлат томонидан кафолатланган оммавий хизматлар таркибини аниқлашда асосий мезон бўлмаслиги зарур. Албатта, оммавий хизматларнинг субъектлари сифатида хусусий хизматлардан фарқли ўларок, давлат органлари ҳам иштирок этиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда оммавий хизматларни таснифлаш улар таркибининг мураккаблигига боғлиқ ҳолда муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Аммо уларни, шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини аниқлаш қийин. Зеро, мазкур муам-

¹ Тихомиров Ю.А. Теория компетенции. – Москва, 2001. – С. 200.

мо айна пайтда бутун дунё мамлакатлари олдида турган долзарб масалалардан бири саналади. Шу боис, илк боскичда «Давлат хизматларининг стандартлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, кейинчалик эса тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини аниқлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Аммо «Давлат хизматларининг стандартлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин, фикримизча, *биринчидан*, кўрсатилиши лозим бўлган давлат хизматларининг рўйхатини аниқлаш, *иккинчидан*, унинг асосида номенклатура шакллантириш ва унга киритилган хизматларга нисбатан стандартларни ишлаб чиқиш зарур. Албатта, давлат хизматларининг стандартлари республиканинг бутун ҳудудида кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми, сифати ва шартларига ягона талабни ўз ичига олиши, бир сўз билан айтганда, «универсаллик» хусусиятига эга бўлиши лозим. Номенклатурани аниқлаш, стандартларнинг тегишли мезонларини ишлаб чиқишда айна пайтда АҚШ, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ўринлидир. Бинобарин, хизматларга стандартларнинг белгиланиши унинг тез ва сифатли кўрсатилишига ижобий таъсир қилади, шунингдек мазкур соҳада маъмурий тўсиқлар вужудга келишининг олдини олади ҳамда сифатсиз кўрсатилган оммавий хизматлар устидан шикоят қилиш имкониятининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда кўрсатилаётган хизматларнинг субъектлари таркибини (ҳам ижрочи, ҳам буюртмачи мақомини) дифференциялаш муҳим ҳисобланади. Чунончи, мазкур мажбуриятлар ҳуқуқий режими ижрочи сифатида профессионал субъектнинг (тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, юридик шахс ташкил этмасдан яққа тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар) фаолиятини, фуқаролар томонидан бир-бирига (яъни, тадбиркорлик фаолиятининг белгиларига мувофиқ келмайдиган) кўрсатиладиган бир марталик хизматларни қамраб олади. Албатта, профессионал ижрочи томонидан хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият турларининг рўйхати етарли даражада анча кенг эканлигини ҳам амалдаги қонунчиликда кузатишимиз мумкин. Хусусан, «Амалга оши-

рилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати»¹да ветеринария фаолияти, тиббий фаолият, баҳолаш фаолияти, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти, аудиторлик фаолияти, туризм каби лицензия талаб қилинадиган 73 та фаолият тури белгилаб кўйилган.

Албатта, давлат томонидан тартибга солиш усули сифатида лицензиялаш хизматлар соҳаси учун муҳим ҳисобланади. Зеро, мажбурий талаб ва шартларга (иктисодий, санитар-эпидемиологик, гигиеник ва бошқа шу кабиларга), шунингдек муайян ҳолатларда – махсус шартларга (масалан, лицензия сохибига, унинг ходимларига кўшимча талаблар) риоя қилиш хизматларнинг ижобий натижасига эришишни кафолатлайди. Шу билан бирга, айрим хизматларни (масалан, аудиторлик хизматлари, тиббий хизматларни) кўрсатишда тегишли қонун ҳужжатлари профессионал ижрочи учун махсус императив талабларни ҳам белгилаб беради. Бундан ташқари, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради. Аммо айрим юридик адабиётларда «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати»га муайян фаолият турини киритиш, муайян чекловни ҳам келтириб чиқариши, яъни мазкур турдаги шартномаларда ижрочи сифатида фақат юридик шахслар ёки яқка тадбиркорлар қатнашиши мумкинлиги хусусида фикрлар мавжуд². Албатта, М.И.Брагинскийнинг мазкур нуқтаи назарига кўшилиш мумкин. Бироқ, бу фикр муайян юридик мазмунга эга бўлган қарорга эга бўлишда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 12 майда 222-П-сонли Қарор билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. – № 11-12. – 222-м.

² Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва, 1999. – С. 247.

таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жамоат манфаатларини химоя қилишга қаратилганлиги нуктаи назаридан эса юқоридаги фикр тўлиқ мантикий асосга эга. Лекин айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 703-моддаси ҳаракат ёки фаолият сифатида ҳақ эвазига хизмат кўрса-тиш шартномасининг предмет доирасини аниқлаб берган. Бу эса фуқаронинг хизмат кўрсатиш бўйича бир марталик ҳаракати (яъни, тадбиркорлик фаолияти белгиларига мос тушмайдиган ҳаракати) мажбурий равишда лицензия олишни талаб этишига доир фикрнинг хато эканлигига асос бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, юридик маънода ижрочининг шахсини аниқлаштириш борасида турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар хил талқинлар учрайди. Хусусан, тарафлардан бири сифатида ижрочи – «алоқа оператори», «ижрочи», «почта алоқасининг миллий оператори», «почта алоқаси провайдери», «почта алоқаси объектлари», «тиббий муассаса» ва ҳ.к. Албатта, мазкур сўзлар бирикмаси асосий тушунча ва атамаларни белгилашда эътирозларни келтириб чиқармайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасида «телекоммуникация оператори» тушунчаси мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида телекоммуникациялар тармоғига эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи юридик шахсни¹ назарда тутса, «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидалари»да² «почта алоқаси объекти» почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари, яъни почтаамтлар, почта алоқаси узеллари, бўлимлари ва пунктлари, шунингдек темирйўл станциялари ва аэропортлар қошидаги почта алмашиш пунктлари эканлиги белгилаб қўйилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 9. – 219-м.

² Правила оказания услуг почтовой связи (Утверждены Приказом генерального директора Узбекского Агентства связи и информатизации от 3 июня 2003 года, № 151, зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 16 июля 2003 года, № 1256).

Аҳолига пулли хизматларни кўрсатувчи субъектлар доирасини аниқлашда «Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш Йўриқномаси» қоидаларига эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Зеро, мазкур Йўриқноманинг 1.1.-бандида ифода этилган «ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш субъекти» тушунчаси аҳолига пулли хизмат кўрсатишга ихтисослашган мулкчилик шаклидан қатъи назар, бирлашма, корхона, ташкилот, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар, шунингдек фуқароларга уларнинг шахсий буюртмалари асосида яқка тартибда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган хусусий шахсларни ҳам қамраб олган. Мазкур Йўриқноманинг 11.1.-бандида қайд этилган соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатувчи субъектлар доираси эса соғлиқни сақлаш муассасалари ёки уларнинг барча даражадаги бўлинмалари, шунингдек тиббиёт ихтисосидаги бирлашма, корхона, ташкилотлар, хусусий тартибда тиббиёт фаолияти билан шуғулланувчи (хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врач, тиббиёт ҳамширалари ва шу кабилар) жисмоний шахсларни ўзида ифодалаган.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, истеъмол қиймати сифатида хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари (яъни, бунда унинг сифати доимий равишда бўлмаслиги) хизматларни кўрсатувчи ижрочи шахсини «гавдалантириш» (жонлантириш) билан боғлиқ муаммонинг долзарблигини янада оширади. Зеро, хизматларнинг сифати уни кўрсатадиган субъектлар таркибидан ташқари бошқа кўпгина омилларга ҳам боғлиқ. Бошқача айтганда, тажрибали сартарош ёш сартарошга қараганда, шубҳасиз яхшироқ соч олади¹. Албатта, мазкур муаммо жисмоний меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари талаб этилганлик ҳолатларида янада жиддий тус олади десак, муболаға бўлмайди.

Шу боис, ЎЗР ФКнинг 704-моддасида шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шартлигига оид қоидаларнинг ифодаланганлиги мукамал асосга эга. Бу ўринда шартномавий-хўжалик алоқаларининг мураккаб тузилишига оид қоида-

¹ Котлер Ф. Основы маркетинга. – Москва, 1995. – С. 601.

ларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига нисбатан қўллаш, коида тариқасида, мумкин эмас.

О.М.Щуковская хукукий хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларни шахсан бажариш тамойилининг ифодаланиши билан боғлиқ масалани тадқиқ қилар экан, мажбуриятларни бажаришда учинчи шахсларнинг ҳар қандай иштирокига (мажбуриятларни юклаш орқали ёки юкланишидан қатъи назар) фақатгина қуйидаги муайян шартлардагина йўл қўйилишини қайд этади: а) фақат мижоз розилиги билан (масалан, ёрдамчи пудратчи сифатида); б) учинчи шахсларнинг (масалан, экспертлар, маслаҳатчиларнинг) уларга мажбуриятларни юкламаслик орқали, тарафлар унинг орқага қайтиши ҳақида келишув тузмаган ҳолатларда¹.

Албатта, миллий конунчиликда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини шахсан бажариш презумпциясининг назарда тутилганлиги энг аввало, хизматларнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, унинг сифати ўзгарувчанлиги билан асосланади. Шу боис, мантикий равишда биринчи навбатда, хизматлар уни кўрсатувчи субъектнинг профессионал хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши назарда тутилади. Айрим хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларда (масалан, хукукий, тиббий, репетиторлик хизматларини кўрсатишда) уларнинг фидуциар (ишончга асосланган) хусусиятга эга бўлиши лозимлигини (хусусан, мазкур белги энг аввало, шахсий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга хос) таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо мазкур хусусият, яъни фидуциар белги барча ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, айрим хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларда конун чиқарувчи нафақат ижрочининг (шартнома тарафлари нуктаи назаридан), балки унинг ходимлари профессионал мақомига ҳам муайян қўшимча талабларни (масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунларида) белгилаганлигини кузатиш мумкин. Айрим хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларда эса малакага оид цензнинг белгиланиши муҳим

¹ Шуковская О.М. Правовое регулирование деятельности по оказанию правовых услуг: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – С. 16.

ҳисобланиб, бундай талаб иш берувчининг хоҳишига қараб қўл-ланилади. Шу билан бирга, фаолиятнинг айрим турлари бўйича тегишли қонун ҳужжатлари хизматлар ижрочисининг тўғридан-тўғри профессионал жиҳатларига нисбатан махсус талабларни илгари суради.

Шундай қилиб, хизматларни кўрсатувчи ижрочи шахсини «гавдалантириш» хизматларнинг бутун бир мажмуини кўрсатишда буюртмачи учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис, назаримизда шартномавий мажбуриятларда мажбуриятларни бажарувчи шахсларнинг доираси аниқлаштирилиши лозим. Бунинг учун ЎзР ФКнинг 704-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш зарур:

«Шартномада хизматларни бевосита кўрсатувчи ижрочи шахс буюртмачи розилиги билан ёхуд мазкур шахс томонидан мажбуриятларни бажаришининг имконияти йўқлиги ҳолатларида ўзгартирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ижрочи буюртмачи олдидаги жавобгарликдан озод этилмайди».

Хизматлар ижрочисининг ҳуқуқий мақомига оид масаланинг кўриб чиқилиши муносабати билан хизматлар соҳасида ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотларнинг ҳуқуқ субъектлиги масаласига доир муаммони ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Республикамизда 2003 йилнинг 14 майида ташкил этилган ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланган дистанцион таълими тизими учун дастурлар ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация соҳасида ёш кадрларнинг малакасини ошириш каби хизматларни кўрсатувчи «Ёш дастурчилар Ассоциацияси» ана шундай нодавлат нотижорат ташкилотлар жумласидандир¹. Албатта, бугунги кунда республикамизда хизматларнинг муайян турларини кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотлар сонини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мазкур ташкилотлар фаолияти ривожланган мамлакатларда, шунингдек, МДХга аъзо давлатларда кенг йўлга қўйилган. Масалан, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида фаолиятининг асосий йўналиши хизматлар бозорида истеъмолчиларни ишончли маълумотлар билан таъ-

¹ Ассоциация молодых программистов [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.developers.uz /свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

минлаш, муайян субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва уларнинг профессионаллиги даражасини ошириш ҳисобланган Лингвистик ассоциация¹ фаолият кўрсатмоқда. Россияда бугунги кунда «Ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам тайёрланмоқда.

Ўз навбатида, хизматлар кўрсатишнинг у ёки бу соҳасида ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотларни ривожлантириш бир қатор муаммоларни, масалан оммавий ва хусусий манфаатлар мувозанати бузилиши билан боғлиқ хавфни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, АҚШда аудиторлик хизматларини кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотларнинг ўрнини (айниқса, «Enron» компанияси атрофида вужудга келган можародан сўнг) таҳлил қилиш натижасида мазкур соҳада давлатнинг назоратини кучайтириш бўйича ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 2002 йилнинг июль ойида янги давлат органи – акционерлик жамиятларининг ҳисоб-китобга оид фаолияти устидан назорат қилиш бўйича Департамент ташкил этилди. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда у ёки бу иктисодий доираларда ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий тартиби, мазкур ташкилотларнинг кераклиги билан боғлиқ масала мураккаб ҳамда етарли даражада ўрганилмаган муаммолардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, истеъмолчи-фуқаро ҳуқуқий мақоми ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Шундан келиб чиқиб, аҳолига муайян хизмат турларини кўрсатиш бўйича Қоидаларда буюртмачи-фуқарога қўйиладиган талаблар аниқ баён этилган. Масалан, «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари»нинг² 18-бандига мувофиқ, телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш бўйича аризани яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган ёки турар жой мулкдори, ижарага олувчиси бўлган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай фуқаро бериши мумкин. Аммо

¹ <http://www.udiel.ru/0202/0203-34-22.html>.

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-рақам билан рўйхатга олинган «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 11. – 130-м.

мазкур тартиб муайян баҳсни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, ижрочилар томонидан «рўйхатдан ўтганлик ҳақида»ги талабни белгилаш тўлиқ тушунарли, аммо у юридик мазмун жиҳатдан тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати чекланишига олиб келиши мумкин. Бу эса ФКнинг 23-моддаси («Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйилмаслиги») талабларига зид бўлиб қолади. Шу боис, фикримизча, бугунги кунда қонуности ҳужжатлари орқали амалга оширилаётган мазкур жараёни қайта кўриб чиқиш зарур. Фақат қонун орқали шартномавий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган жисмоний шахсларга нисбатан кўшимча талабларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга ёки ундан воз кечишга фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади¹.

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. И.И.Насриев. – Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2008. – 33-б.

3-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУНОСАБАТЛАРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

3.1. Хизмат кўрсатиш мажбуриятлари тизимида истеъмолчи ҳуқуқлари, мазмуни ва уларни ҳуқуқий таъминлаш масалалари

Маълумки, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик муомаласида хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Зеро, мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда¹. Шу боис, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий нормаларнинг бугунги кун талабларига жавоб бериши даражасини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Зеро, хизматларни истеъмол қилиш доираси ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё иқтисодий ҳаётида кенгайиб бормоқда. Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё маҳсулотлари ялпи ички маҳсулоти ҳажмида хизматлар улуши 60 фоиздан ошмоқда.

Хизматларнинг ҳақиқий маънода истеъмол қийматига айланиши унинг истеъмолчилар манфаатларини қондиришдаги аҳамиятини таҳлил қилиш зарурлигини тақозо этади. Зеро, замонавий хизматлар бозори нафақат унинг ўсиш суръатини намоён этади, балки мазкур тенденциянинг товарлар билан таққослаганда анча юқори эканлиги билан кўзга ташланмоқда. БМТнинг Халқаро стандартлаштирилган саноат классификацияси маълумотла-

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 209-б.

рига кўра, кўрсатилаётган хизматлар турларининг сони 600 дан ошмоқда¹. Бошқа томондан эса, турли субъектлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматларнинг, шу жумладан, оммавий хизматларнинг вужудга келиши; хизматлар таъсир доирасининг кенгайиши; ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ мулкый муносабатларнинг, айниқса, хорижий ҳамкорлар иштирокидаги муносабатларнинг мураккаблашиб бораётганлиги; мазкур мулкый муносабатларнинг «глобаллашуви» муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда².

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси³ ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 53-моддасида давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иктисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, деб белгилаб қўйилганлиги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Бундан ташқари, ЎзР ФК билан тартибга солинадиган муносабатларнинг марказида истеъмолчи намоён бўлишини таъкидлаш лозим. Зеро, И.В.Амирханова тўғри таъкидлаганидек, аксарият тадбиркорликка оид муносабатлар шартнома мажбуриятлари ҳисобланади. Мазкур муносабатларда эса кўпинча тадбиркорларнинг контрагентлари ишлаб чиқариладиган товарлар, ишлар ва хизматлар истеъмолчилари ҳисобланади. Бунда эса «истеъмолчи» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади⁴.

Таъкидлаш жоизки, *биринчидан*, аксарият мамлакатларнинг ҳуқуқ тизими истеъмолчилар учун алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий мақом ҳамда улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус усуллари-ни назарда тутуди; *иккинчидан*, истеъмолчилар фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, шунингдек халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, хусу-

¹ Международные экономические отношения: Учебник / Под общ. ред. В.Е.Рыбалкина. – Москва, – 1998. – С. 123.

² Рахмилович В.А. Избранные труды. Москва, 2005.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2003.– 40 б.

⁴ Амирханова И.В. Гражданско-правовое обеспечение развития предпринимательства в Республике Казахстан. – Алматы, – 2003. – С. 292.

сан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1985 йил 9 апрелдаги «Истеъмолчилар манфаатларини химоя қилишнинг рахбарий принциплари» номли 39/248-рақамли Резолюциясида ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, МДХ давлатларида¹ ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишга оид махсус қонунлар амал қилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1-моддасига мувофиқ, истеъмолчи деганда, фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс)², «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунга кўра эса, табиий монополия субъекти ишлаб чиқараётган товарни олаётган жисмоний ёки юридик шахс³ тушунилади. Мазкур қондалар орқали қонун чиқарувчи томондан субъектга истеъмолчи сифатида алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий мақом берилганини ҳамда улар ҳуқуқларини химоя қилишнинг махсус усуллари белгиланганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, Қонунда хизматнинг хавфсизлиги ва нуқсонни каби тушунчаларга берилган асосий таърифлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳуқуқий химоя қилиш механизми ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 702-моддасида баён этилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари доирасига тўла-тўқис тадбиқ этилади десак, муболаға бўлмайди. Аммо, юқоридагилар-

¹ *Масалан:* Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. – № 5-6. 59-м.; Россия Федерациясининг 1992 йил 7 февралдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни; Қозоғистон давлатининг 1991 йил 5 июндаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни; Молдова давлатининг 2003 йил 13 мартдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқалар.

² *Изоҳ:* Аналогик нормаларни Россия Федерацияси Қонунининг 1-моддасида, Қозоғистон давлати Қонунининг 2-моддасида, Молдова давлати Қонунининг 1-моддасида, Украина давлати Қонунининг 1-моддасида кузатиш мумкин.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. – № 4-5. – 106-м.

дан кўриниб турибдики, истеъмолчи мақомига турлича ёндашувлар мавжуд. Бу ўринда назаримизда, икки қонун мазмун-моҳиятини ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари орасида ижрочидан хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумотни олиш ҳуқуқи муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, ижрочи ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим. Шунингдек, ижрочи истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

Айрим давлатлар қонунчилигида «аноним ижрочи» томонидан хизматлар кўрсатилишига йўл қўйилади, яъни ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумотларни тақдим этмайди. Фикримизча, мазкур ҳолат умуминсоний кадриятларга ҳамда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига зид ҳисобланади. Зеро, «аноним ижрочи» томонидан кўрсатиладиган хизматларга истеъмолчининг розилиги унинг мол-мулкига, соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарарга бўлган розилигига тенг ҳисобланиб, ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида ўзи ҳақида маълумотларни тўла-тўқис тақдим этиши ўринлидир. Мамлакатимизда амал қилаётган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ижрочи истеъмолчига тақдим қилинаётган хизматлар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Мазкур ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятига кўра, хизмат ҳақидаги маълумотда хизмат мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи; унинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати; баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари; ижрочининг кафиллик мажбуриятлари; ижрочининг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг рақами; ижрочининг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари кўрсатилиши лозим. Хизмат ҳақи-

даги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай хизматни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, агарда хизмат ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилса «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган оқибатлар вужудга келади. Хусусан, истеъмолчига берилган мазкур маълумотлар *биринчидан*, зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган хизмат сотиб олинishiга сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга; *иккинчидан*, сотиб олинган хизматдан кўзланган мақсадда фойдалана олмаса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга, агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга; *учинчидан*, истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ижрочи олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Албатта, истеъмолчининг хизмат ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган хизматнинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас, деган тахминга асосланиб қараб чиқилади. Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган хизмат туфайли истеъмолчига етказилган зарар сотувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Шунингдек, истеъмолчининг асосий ҳуқуқларидан бири – хизматнинг хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи ҳисобланади. Чунки, бутунги кунда истеъмолчилар махсулот сотиб олганида ёки хизматлардан фойдаланганларида таваккалчиликни тўғри баҳолай олсалар ҳам, аммо уларнинг хавфсизлик хусусиятларини аниқлай олмаслиги ҳеч кимга сир эмас¹. Бу ўринда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига

¹ Abraham L. Wickelgren. The Inefficiency of Contractually-Based Liability with Rational Consumers // The Journal of Law, Economics, & Organization, Vol. 22, №.1, 2005. – P. 168.

мувофик, истеъмолчи кўрсатилган хизматнинг санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда коидаларга риоя этган ҳолда бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Хизматнинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ копланиши лозим. Агар хизматдан хавфсиз фойдаланиш учун махсус коидаларга риоя этиш зарур бўлса, у ҳолда ижрочи бундай коидаларни ишлаб чиқиши ва уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси талабларига риоя қилишда амалиётда муайян муаммолар мавжуд. Бу энг аввало, хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш етарли даражада амалга оширилмаётганлиги билан узвий боғлиқдир. Мазкур ҳолат эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган субъектларнинг бозорда фаолият кўрсатаётганликлари билан изоҳланади. Агарда хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти субъекти – ижрочи муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклда (хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият ва шу кабиларда) рўйхатдан ўтган бўлса, у ҳолда ижрочи ҳақидаги расмий маълумотлар базаси шаклланади. Мазкур маълумотлар базаси эса фуқаролик муомаласининг барча иштирокчилари учун очиқ ҳисобланади. Шу боис, бугунги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатаётган ижрочилар ҳақидаги маълумотларни истеъмолчилар томонидан олишга бўлган ҳуқуқлари бузилишини камайтириш мақсадида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотлари ва ваколатли давлат органлари (монополияга қарши кураш давлати органи, солиқ органлари) хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини лозим даражада кузатишлари ва назорат қилишлари ҳамда тегишли чораларни қўллашлари лозимдир.

Бундан ташқари, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларга оид маълумотларни тақдим этиш зарурлигига бўлган истеъ-

молчилар ҳуқуқларига ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Одатда, фақат хизматларнинг тавсифи, турлари ва уларнинг баҳоси ҳақидаги маълумотлар такдим этилаётганлиги кузатилади. Истеъмомчи «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси асосида маълумотларни тўлиқ ҳажмда унга такдим этилишини талаб қилмайди. Истеъмомчининг хизматларга оид маълумотларни олишга бўлган ҳуқуқлари товарлар ҳақидаги маълумотларга бўлган ҳуқуқлари билан таққослаганда, сезиларли равишда чекланганлигининг гувоҳи бўламиз. Албатта мазкур ҳолат, фикримизча, объектив омил сифатида хизматлар кўрсатиш жараёнида ашёвий натижанинг йўқлиги, шунингдек қисман истеъмомчиларнинг ўз ҳуқуқлари ҳақида етарли ахборотга эга бўлмасликлари билан изоҳланади.

Маълумки, истеъмомчининг муҳим ҳуқуқларидан бири – бу сифатсиз хизматларни кўрсатиш жараёнида ижрочи томонидан куйидаги муқобил ҳаракатлардан бири ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқи ҳисобланади:

а) қўшимча хизматларни текинга кўрсатиш;

б) кўрсатилган хизмат баҳосини камайтириш;

в) етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиш орқали шартномани бекор қилиш.

Албатта, мазкур ҳолатда ушбу ҳуқуқлардан бирини танлаш ҳуқуқи истеъмомчига тааллуқли бўлиши керак. Шунингдек, «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ушбу ҳуқуқлар муқобил талаблар бўлиб ҳисобланса-да, аммо улар юқорида хизматларга оид таъкидлаб ўтилган нормаларда ўз аксини топмаганлигини кузатиш мумкин. Фикримизча, Қонунда хизмат кўрсатиш соҳасида мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун истеъмомчиларнинг ҳуқуқларига оид нормаларни ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кўрсатилган хизматларнинг сифати лозим даражада эмаслигини аниқлаш борасида қонунчиликда аниқ мезонлар ўз аксини топмаган. Аммо мазкур масаланинг методологияси илмий ишларда етарли даражада ишланган. Жумладан, Е.Г.Шаблова мазкур муаммонинг мазмунини ўрганиш орқали хизматлар натижасини объективлаштириш усуллари, сон билан аниқлаш ва бошқа

моддий ахамиятга эга бўлган услублар билан белгилаш хар доим ҳам ўз мақсадига эришмайди, деган хулосага келади. Масалан, «ўлчамок» томошага оид маданий хизматларни такдим этиш жараёнида буюртмачи (томошабин)нинг эстетик эҳтиёжларини қондириш даражасида қўлланиладими ёки эстетик лаззатланиш-дами? Бунинг янада мураккаб эканлиги шартнома шартларида уни расмийлаштиришда намоён бўлади¹.

Унинг фикрича, мазкур муаммони таҳлил қилишда қуйидаги икки ҳолатни фарқлаш лозим:

1) хизматлар буюртмачисининг кутиши маъносидаги натижа. Маркетинг тамойиллари асосида фаолият кўрсатувчи фирмалар хизматларни такдим этиш ҳақидаги битимни тузишга қадар, хизматларга буюртма беришни истаган буюртмачининг ҳақиқатда кутишини кенг тушунтиришади ҳамда буюртмачи қандай самара (натижа)ни иштаяётганликларини билишни хоҳлашади. Мазкур мақсадда кутилаётган натижа билан эришиш мумкин бўлган ва тахмин қилинаётган натижа бўйича тасаввурлар бири-бирига мос келадими каби мазмунда таҳлиллар ўтказилади;

2) мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятни ўз зиммасига олган хизматлар ижрочиси ҳаракатларининг оқибатлари маъносидаги натижа. Таъкидлаш жоизки, бу айнан натижадир. Бошқача айтганда, у ижрочи ҳаракатларига буюртмачининг уриниши эмас, шунингдек бу ҳолатда касбий фаолиятнинг тури, хили, тавсифи нуқтаи назаридан аниқлаштирилган тақдирда ҳам хулқ-атворнинг қандай бўлса, шундайлигича вужудга келадиган муайян натижадир.

Бундай натижа бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин. Биринчидан, у объективлаштирилиши, расмийлаштирилиши ва муайян натижага эришиш ҳақидаги шартнома мажбуриятлари шартларида ифодалаш мумкинлиги тўғрисидаги имкониятни йўққа чиқармайди². Шу боис, профессионал ижрочилар томонидан такдим қилинадиган ҳамда ҳақ эвазига кўрсатиладиган шартномалар ҳуқуқий режими жисмоний ёки юридик шахс бўлишидан қатъий назар, буюртмачи эҳтиёжларини қондиришга қаратилган шароит-

¹ Шаблова Е.Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург, 2004. – С. 170.

² Шаблова Е.Г. Ўша манба. – С. 170-171.

ларни бир хил яратиши лозим; шу сабабли ҳам ҳақ эвазига профессионал хизматларни кўрсатиш мажбуриятлари предметига мажбуриятни ўз зиммасига олган шахснинг фаолиятида тарафларнинг муайян номоддий натижага эришишларини киритиш ўринли ҳисобланади¹.

Албатта, истеъмоличу учун ҳар доим сўнгги натижа (самара) керак², шу боис ҳам у хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузади. Лекин ижтимоий ҳаётда шартномаларнинг мазкур турлари бўйича, айниқса, тиббий хизматларни кўрсатиш соҳасида кутилаётган натижага ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Чунки, бунга кўпгина объектив ва субъектив омиллар ўз таъсирини ўтказди. Субъектив омиллар орасида, фикримизча, ижрочининг ваколатли эмаслиги, унинг малакаси, билими, тажрибаси етарли эмаслиги кабиларни алоҳида кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Объектив омилларга эса форс-мажор ҳолатлар оқибатида кутилаётган натижага эришиш имконияти йўқлиги кабиларни киритиш мумкин.

Е.Г.Шаблова тўғри таъкидлаганидек, шартномада кутилаётган натижага эришиш мақсадида, имкониятнинг йўқлигига доир таваккалчилик юқини олдиндан тақсимлаш ва белгилаш зарур. Агарда профессионал хизмат кўрсатувчи муайян натижага эришишни кафолатласа, у ҳолда ижрочи ҳар доим таваккалчилик оғирлигини ўз зиммасига олади.

Ижрочининг профессионал фаолияти мазкур фаолиятнинг муайян малакага эга бўлган шахслар томонидан тегишли қоидалар бўйича амалга оширилишини, агарда улар фаолияти давлат томонидан кафолатланган бўлса, давлат органлари назорати остида ҳамда фаолият натижаларининг муайян талаблар (масалан, сертификатлаштириш) асосида амалга оширилишини, бу ўринда унинг норматив характерга эга эканлигини тахмин қилади.

Шубҳасиз, номоддий натижага эришишнинг ваъда қилиниши ҳолларида ижрочига натижага эришиш имконияти йўқлиги

¹ Шаблова Е.Г. Ўша манба. – С. 183-184.

² Насибян Ю. Защита прав потребителей в сфере услуг // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари / Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. 2 қисм. II қисм. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2003. – С. 18.

таваккалчилигининг оғирлигини юклаш орқали ундан натижага эришишни қонуний талаб қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Профессионал хизмат кўрсатувчи буюртмачи томонидан кутилаётган натижани кафолатлай олмаслиги ҳолларида мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда «огоҳлантириш» шарти қўлланилиши лозим, шунингдек тўлов ҳақидаги шартнинг сўзма-сўз шарҳланиши, ўз навбатида, ижрочи натижага эришишни кафолатлай олмаса, тўловни амалга ошириш лозимлигини назарда тутмаслиги зарур. Профессионал бўлмаган хизмат кўрсатувчилар фаолияти ва профессионал аҳамиятга эга бўлмаган хизматлар категорияси бўйича эса таваккалчилик оғирлигини юклаш орқали номоддий натижага эришишга қаратилган ҳуқуқий режим мақбул эмас, деган хулосага келиш мумкин¹.

Фикримизча, хизматлар бозорида истеъмолчи хизмат кўрсатувчининг профессионаллиги даражасини ҳар доим ҳам муҳокама қилиш қобилиятига эга бўлмас экан, профессионал ва профессионал бўлмаган хизмат кўрсатувчилар категориясини қўллаш ҳар доим ҳам маъқул эмас. Назаримизда, хизмат кўрсатувчи бозорда хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракат қилса, у ҳолда у ҳар доим таваккалчиликни олиб юриши лозим. Зеро, таваккалчилик тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас элементи ҳисобланиб, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги² Қонуннинг 3-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ижрочи кутилаётган натижага эришишни кафолатлай олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар предмети ижрочининг кутилаётган натижага эришишга қаратилган ҳаракати ва интилиши ҳисобланади. Энг асосийси, мазкур ҳолларда ижрочи томонидан ҳаракатни содир этиш виждонан ва максимал интилиши даражасида амалга оширилиши лозим. Зеро, истеъмолчи учун ушбу мезон янада муҳим ҳисобланиши мумкин.

¹ Шаблова Е.Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург, 2004. – С. 188.

² Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. – № 5-6. – 140-м.

Шартномаларнинг мазкур модели хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар учун, айниқса буюртмачи сифатида бир қанча субъектлар ёки истеъмолчилар жамоаси (масалан, киноконцертга оид фаолиятда) иштирок этганида макбул вариант хисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кутилаётган номоддий характердаги натижанинг тавсифини аниқлашда бирмунча қийинчиликлар мавжуд. Айрим ҳолларда у ҳам ижрочи, ҳам истеъмолчи томонидан қабул қилиниши (масалан, оғир касалнинг тузалишида) учун қулай эканлигини намоён этиши ва яққол ифодаланиши, баъзида эса кутилаётган натижанинг тавсифи истеъмолчининг субъектив ҳолати, унинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки, истеъмолчи ҳам жисмоний шахс бўлиб, ҳар бир жисмоний шахснинг ўз диди ва сўнги натижа ҳақидаги тасавури бўлади. Масалан, спектакл кўраётган томошабинлар унинг ютуқлари ва камчиликларини ҳар хил баҳолашади. Айримлари тўлиқ қониқиш ҳосил қилса, бошқалари қониқиш ҳосил қилмайди. Бундай ҳолларда эса фикримизча, шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажариш масаласини буюртмачи-истеъмолчини қондириш ёки қондирмасликдан келиб чиққан (яъни, унинг субъектив фикрига таяниб) ҳолда муҳокама қилиш ўринлидир.

Маълумки, ФКнинг 236-моддасига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Мазкур қондадан эса, хизмат кўрсатишга оид шартнома, энг аввало, шартнома шартларига тўла мос келган ҳолда бажарилиши лозим, деган хулосага келиш мумкин. Аммо амалиётда хизмат кўрсатиш бўйича аксарият шартномалар оммавий шартномалар ва қўшилиш шартномалари эканлиги, мазкур шартномалар одатда ижрочилар томонидан ишлаб чиқиладиганлиги, шунингдек улар ижрочисининг монополияга қарши давлат органлари томонидан доимий тарзда назорат қилинмаётганлиги ушбу шартномалар бўйича буюртмачи манфаатлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларига тўла риоя қилинмаслиги билан боғлиқ муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўл-

моқда. Бошқача айтганда, мазкур шартномалар ижрочининг хизмат кўрсатиш бўйича умумий тавсифдаги ҳаракатлари билан белгиланмоқда. Фикримизча, мазкур ҳолатларда мажбуриятларни лозим даражада бажаришга оид фуқаролик конунчилигидаги биринчи мезонга таяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иккинчи мезон сифатида эса шартномавий мажбуриятларни конун ҳужжатларидаги талабларга мувофиқ бажариш зарурлигини айтиш лозим.

Шунингдек, конун ҳужжатларида ҳамда шартноманинг ўзида хизматлар сифатига оид шартлар мавжуд бўлмаса, кўрсатилган хизматнинг лозим даражада бажарилганлиги иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ баҳоланиши зарур. Лекин мазкур ҳолатда буюртмачи ва ижрочи ҳуқуқий бўшлиқда қолади. Шу боис, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида юқорида таъкидлаб ўтилган мезондан фойдаланиш буюртмачи истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига оид конун ҳужжатлари талабларига эътиборни қаратиши зарур.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатишга оид шартномаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида вужудга келадиган салбий оқибатларнинг ўзига хос хусусиятлари конун ҳужжатларида аниқ кўрсатилиши лозим. Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тартибга солиб турувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормалар хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида нафақат моддий зарар келиб чиқиши, балки буюртмачи-истеъмолчи ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши мумкинлигини инобатга олиши зарур. Ушбу ҳолатда жавобгарлик асоси ФКнинг 985-моддаси («Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари») эмас, балки 333-моддаси («Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари») ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида истеъмолчига етказилган маънавий зарарни қоплаш асослари кўрсатилган. Хусусан, истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар қопланиши лозим. Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ижрочисининг буюртмачи-истеъмолчига етказилган маънавий зарарни қоплашга оид мажбуриятлари шарт-

нома шартларини бузиш натижасида эмас, балки истеъmolчи ҳуқуқларини бузиш оқибатида вужудга келади (Қонуннинг 4-моддаси). Шу боис, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома матнида буюртмачи-истеъmolчи ҳуқуқлари кўрсатилишидан қатъий назар, ижрочи истеъmolчининг Қонунда кўрсатилган ҳуқуқларига риоя қилиши зарур. Зеро, мазкур ҳуқуқлар хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг одатда қўйиладиган талаблари ҳисобланади.

Маълумки, маънавий зарар буюртмачи-истеъmolчи ҳуқуқларига риоя қилинмаслик оқибатида унга етказилган жисмоний ва маънавий азоб-уқубатлар кўринишида намоён бўлади. Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг айрим турларида шартнома мажбуриятларини бажариш буюртмачи-истеъmolчига рухий ноқулайлик ва жисмоний касалликларни юзага келтириш билан боғлиқ ҳолда кечади.

Масалан, тиббий хизматни кўрсатиш жараёнида, табиий равишда айрим даволаш тадбирлари (укол қўйиш, яъни дори юбориш, операция қилиш ва бошқа шу кабилар)да беморда оғриқ пайдо бўлади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур жисмоний оғриқлар маънавий зарарни қоплаш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Маънавий зарар фақатгина ижрочининг айби бўлган тақдирдагина қопланади.

Бу борада ижрочининг айби энг аввало, истеъmolчи ҳуқуқларига қасддан риоя қилинмаганда ёхуд мазкур ҳуқуқларга бепарволик билан бўлган муносабатларда намоён бўлади. ФКнинг 1022-моддасига мувофиқ, маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади. Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлар асосида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича муҳим йўналишлардан бири истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан узвий боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари эса салмоқли ҳамда комплекс характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлиб, ундаги нормаларнинг муайян қисми фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга. Аммо қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим ҳолатларда фуқаролик қонунчилигини тизимлаштиришда ҳамда қўллашда қонун чиқарувчи ҳам, судлар ҳам уларнинг мавжудлигини назардан четга қолдирадilar.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нормалар такомиллаштирилмаганлигини тан олиш ўринлидир.

Хусусан, Қонунда товарни сотиб олишда ва улардан фойдаланишда, шунингдек ишларни бажариш ва улар натижаларидан фойдаланишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар аниқ тартибга солинган, аммо хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан сифатсиз хизматлар кўрсатилганда истеъмолчи ҳуқуқлари, ижрочи мажбуриятлари кабилар чуқур очиб берилмаган.

Шунинг учун Қонун меъёрларини мазкур йўналишда янада қайта ишлаш ва такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада юқорида таъкидлаб ўтилганидек, истеъмолчи ҳуқуқлари доимий равишда «кўзга ташланиб туриши» ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларда ҳам намоён бўлиши лозим.

Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тартибда солишга қаратилган фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг стратегик йўналиши мазкур шартномаларни уларнинг турлари бўйича дифференциялаш орқали амалга ҳам оширилиши лозим. Бунинг учун эса дастлаб, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга бағишланган ФКнинг боби кенгайтирилиши, шу билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг ҳар бир тури алоҳида параграфда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур ҳуқуқий механизм хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш учун етарли эмас. Махсус қонунларда (масалан, «Туризм тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунлар) аҳолига сифатли хизматларнинг кўрсатилишини таъминлашга қаратилган нормалар ўз аксини топиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари»¹ ҳам хизмат кўрсатиш соҳасидаги шартномаларнинг тартибга солинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо Қонундан олдин қабул қилинган мазкур қоидаларни ҳам Қонун талаблари, шунингдек бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган ижтимоий ҳаёт талабларини инобатга олган ҳолда, янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда судлар томонидан аҳолига хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан фуқароларнинг даъволари бўйича кўрилаётган ишлар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда². Мазкур тоифадаги ишлар сонининг ўсиб бораётганлигини, энг аввало, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга замон талабларига мос равишда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар³ ўз вақтида киритиб борилаётганлиги ҳамда мамлакатда аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқмати қарорлари тўплами, 1995. – № 10. – 40-м.

² *Изоҳ:* Ўзбекистонда фуқаролик ишлари бўйича судларда 2007 йилда биргина сутурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ жами 315 та, 2008 йилнинг 8 ойида жами 266 та сутурта билан боғлиқ фуқаролик ишлари, хўжалик судлари томонидан эса 2007 йилнинг 12 ойи мобайнида 130 та, 2008 йилнинг 8 ойи мобайнида эса 226 та ишлар кўриб чиқилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ҳамда Олий хўжалик Суди архив материалларидан. 2008.

³ *Изоҳ:* «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандан буён беш мартаба тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

жавобгарлигини янада оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар¹ қабул қилинаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда суд амалиёти² ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг норматив

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-1938-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. – № 3. – 43-м.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003. – № 17. – 143-м.; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 февралда 1659-рақам билан рўйхатга олинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. – № 9-10. – 90-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Судининг Ахборотномаси, 2007. – № 11.

² Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Пленумининг 1998 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 72-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 103-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми ва Олий хўжалик Суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 12/149-сонли Қарори.

ҳужжатлари¹ муҳим роль ўйнайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 77-сонли Қарорининг 2 ва 12-бандларида истеъмоличиларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қоидаларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, Пленум қарорида қайд этилишича, *биринчидан*, зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда мавжуд зарар таркибига фақатгина тегишли шахс томонидан аниқ етказилган зарарларгина эмас, балки шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар ҳам киради (ФК 14-моддаси, иккинчи қисми), шунингдек бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори жавобгарлик миқдорини белгиловчи товар, иш, хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета (калькуляция) сифатидаги ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома, асослантирилган ҳисоб-китоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак. *Иккинчидан*, маълумки, тижорат кредитидан фойдаланганлик учун фоизлар қонунда ва шартномада белгиланган вақтдан бошлаб тўланиши лозим. Бунда башарти, қонун ва шартномада бундай вақт белгиланмаган бўлса, бундай мажбурият маҳсулот олинган, иш ёки хизмат кўрсатилган (тўлов кечиктирилган) вақтдан бошлаб ёхуд пул маблағлари тақдим қилинган (аванс – бўнак ёки олдиндан тўлов) ва кредит олган тарафлар ўз мажбуриятларини бажариши

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 сентябрда 1415-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрига киритилган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 38. – 432-м.; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатга олинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008. – № 34. – 337-м.

билан тугатилган ёки тижорат кредити сифатида олинган қарз қайтарилган вақтдан бошлаб, агарда қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса вужудга келишини ҳисобга олиш лозимдир.

Мамлакатимизда судлар амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан истеъмолчиларга хизматларнинг ўз вақтида ва лозим даражада кўрсатилмаслиги оқибатида етказилган зарарни, хусусан маънавий зарарни қоплашга оид қонун ҳужжатларини шарҳлашга оид норматив ҳужжатлар бўлса-да¹, аммо истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун талабларини қўллашга нисбатан махсус норматив ҳужжат йўқ. Фикримизча, бугунги кунда мазкур бўшлиқни тўлдириш давр талабидир. Бунда Россия Федерациясининг суд амалиёти тажрибасидан фойдаланиш ўринлидир.²

Хулоса қилиб айтганда, инсон-истеъмолчи биологик мавжудот сифатида ўзининг жисмоний ва моддий эҳтиёжларини, жамиятда шахс сифатида эса маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириши лозим. Буларсиз у шахс сифатида ўзини намоён эта олмайди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради³. Шу боис, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини доимий равишда замон талабига мос равишда такомиллаштириб бориш зарур.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги Қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли Қарори.

² Постановления Пленума Верховного Суда РФ от 29 сентября 1994 г. № 7 «О практике рассмотрения судами дел о защите прав потребителей» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлениями Пленума от 25 апреля 1995 г. № 6, от 25 октября 1996 г. № 10, от 17 января 1997 г. № 2). Человек@закон: информационно-правовой сервис [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.zakon.kuban.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

³ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 68-б.

3.2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига оид шартлар

Тадабиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига оид шартларни аниқлаш ва уларни шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш фуқаролик ҳуқуқи назарияси олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, айна пайтда мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас¹. Чунончи, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг норматив-ҳуқуқий модели ўз аксини топган ЎзР ФКнинг 38-бобиди ҳам хизматлар сифатини баҳолаш мезонларига оид маълумотлар ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, мазкур бўшлиқнинг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳам мазмунан тўлдирилмаганлигини, хусусан бажарилган ишлар сифати ва хизматлар сифати ўртасидаги принципиал аҳамиятга эга бўлган фарқли жиҳатлар аниқ белгилаб қўйилмаганлигини кўриш мумкин. Ваҳоланки, хизмат кўрсатиш шартномаларида шартнома предметининг ноашёвий кўринишда бўлиши ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат сифатини баҳолашда қийинчиликларни вужудга келтиради. Баъзан эса бунда ижрочи фирромлик, ноинсофлик ҳам қилиши мумкин².

Сифатларни бошқариш бўйича жаҳон амалиёти яқингача асосан моддий объектларга йўналтирилган ва хизматлар сифати эътибордан четда қолиб кетган эди. Аммо ҳозирда дунё миқёсида хизматлар кўрсатиш соҳасининг тез ривожланаётгани ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмида салмоқли ўрин эгаллаётгани хизматлар сифатига оид талабларни шакллантириш муаммосини келтириб чиқармоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида мажбуриятларни лозим даражада бажармаётган тадабиркорлик субъекти рақобатга бардош беролмай, инқирозга учраши

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 25-26-б.

² Саид-Ғазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. // Масъул муҳаррир: И.Б.Зокиров ю.ф.д., проф. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 126-б.

шубҳасиз. Мамлакатимизда чоп этилган юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни, мавқеи асосан истеъмолчиларга кўрсатилган сифатли хизмати билан белгиланади¹.

Хизматларнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хосликлари хусусида олимлар томонидан асосан қуйидаги икки йўналишда фикр-мулоҳазалар юритилмоқда:

биринчидан, хизматлар сифати уни ҳақ эвазига кўрсатиш шартномаси бўйича ФКнинг (хизматларнинг) ашёвий мазмунга эга эмаслиги сабабли, махсус тартибга солинмайди². Мазкур нуқтаи назар фикримизча, айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқаради ва хизматлар сифати бўйича ижтимоий муносабатларнинг махсус ҳуқуқий тартибга солиниши мумкин эмас, деган яқунловчи хулосани чиқаришга олиб келиши мумкин;

иккинчидан, давлат хизматлар билан боғлиқ жараёнларни, ҳаракатларни, фаолиятни фақатгина ҳуқуқий тартибга солиш орқали таъминлаши мумкин³. Ушбу фикр-мулоҳаза ҳам қисман «хизматлар сифати» тушунчасини инкор этади ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш фақатгина «хизматлар кўрсатиш сифати»ни қамраб олиши мумкин, деган хулосани юзага келтиради. Ўз навбатида, мазкур мулоҳаза хизматлар сифатини бошқариш бўйича жаҳон иқтисодиёти тажрибасига мос келмайди ва «хизматлар сифати» ҳамда «хизматлар кўрсатиш сифати» каби тушунчалар ўртасидаги фарқли жиҳатларни ажратиш зарурлигини келтириб чиқармайди.

Товарлар, ишлар ва хизматлар сифатини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масалаларини комплекс равишда ўрганган В.С.Белых «хизматлар сифати» тушунчасига (хизматларни сертификатлаштиришга нисбатан) қуйидагича таъриф беради: «Хизматлар сифа-

¹ Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик / Таҳририят хайъати: Ҳ.Раҳмонқулов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Тошкент: «Консаудитинформ», 2002. – 328-б.

² Борисов Б.А. Юридическая консультация // Предприниматель – инноватор. 1997. – № 10. – С. 51-52.

³ Цехер Г. Если мы потребляем услугу, то надо знать // Услуги: права потребителя (тарифы, сроки, неустойки). – Екатеринбург. 1999. – С. 15.

ти – бу хизматларнинг аниқ ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжларни қондиришга қаратилган лаёқатини ифодаловчи ижтимоий-фойдали хусусиятларининг мажмуидир»¹.

Шунингдек, хизматлар сифатини бошқариш соҳасида тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш мақсадида Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиш бўйича давлатлараро Кенгаш томонидан тасдиқланган «ГОСТ 303335-95 / ГОСТ Р 50646-94 «Аҳолига хизматлар кўрсатиш. Атамалар ва тушунчалар»²да хизматлар сифати «хизматлар истеъмолчисининг белгиланган ёхуд тахмин қилинаётган эҳтиёжини қондириш лаёқатини аниқлашга қаратилган хусусиятлари мажмуи» сифатида белгиланади. Бундан ташқари, мазкур стандартнинг 31-бандида хизматлар кўрсатиш сифатининг «истеъмолчининг белгиланган ёхуд тахмин қилинаётган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлашга қаратилган хизмат кўрсатиш жараёнлари ва шарт-шароитларининг хусусиятлари мажмуи» сифатида тушунилиши ўз ифодасини топган.

Юқоридагилар асосида «хизматлар сифати» ва «хизмат кўрсатиш сифати» тушунчаларининг айнан ўхшашлиги ёки бир хиллиги нотўғри ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин. Зеро, хизматлар сифати унинг истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган лаёқатини ифодаловчи хусусиятлари мажмуини, шунингдек мазкур хизматлар сифати ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш мақсадида ушбу тавсифлар мажмуининг ҳар бир ўзига хос хусусиятини баҳолаш зарурлигини акс эттиради. Таъкидлаш жоизки, сифатларни бошқариш назариясида мазкур ўзига хослик сифатларнинг кўрсаткичлари орқали намоён бўлади. Хизматлар сифатининг кўрсаткичлари деганда эса, хизматларнинг сифатини

¹ Бельх В.С. Гражданско-правовое обеспечение качества продукции, работ и услуг: Дис. ... докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 1994. – С. 206-207.

² *Изоҳ:* Мазкур давлатлараро стандарт Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиш бўйича давлатлараро Кенгаш томонидан 1995 йилнинг 26 апрелида 7-сонли баённома билан тасдиқлангандан сўнг, илк маротаба МДХ давлатларида расмий кучга киритилган.

ташқил этувчи бир ёки бир неча хусусиятларнинг миқдорий тавсифлари тушунилади.¹

Адабиётларда хизматлар сифатини ўлчаш билан боғлиқ назарий қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан, М.Г.Круглов ва Г.М.Шишковлар хизматлар сифатининг кўпқиррали эканлигини тан олиб, унинг таркибини ишончлилик, ҳозиржавоблилик, хизматлар кўрсатиладиган объектнинг моддий таъминланганлиги, хушмуомалалик, хавфсизлик, ваколатлилик, ҳақиқатга ўхшашлик (хизмат кўрсатувчининг ишончга хизмат қилувчи хулқ-атворининг рост-гўйлиги каби ўзига хос хусусиятлар ташқил этишини алоҳида таъкидлаб ўтишади². Шунингдек, хизматлар сифатининг мезонлари (кўрсаткичлари)ни ишлаб чиқиш муаммолари билан боғлиқ айрим фикр-мулоҳазаларни цивилист олимларнинг ишларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Е.М.Берлиннинг юридик ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ бўлмаган юридик хизматлар сифатининг мезонлари тўғрисидаги нуқтаи назарига эътиборни қаратиш зарур. Жумладан, унинг фикрича, мазкур мезонлар сифатида қуйидагиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин: тегишли ҳуқуқий муносабатлар бўйича маслаҳатлар (хулоса)нинг қонунчиликка мувофиқ келиши (яъни, тегишли ҳуқуқий муносабатлардаги ноаниқликлар, бўшлиқлар ва қарама-қаршилиқлар маслаҳатда ўз аксини топган бўлиши)³. Унинг фикрича, шартномалар лойиҳасида турли шарҳларни беришга имкон берадиган ҳар хил таърифлар бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, муаллиф мижоз учун муҳим ҳисобланган шартнома шартларининг бузилишига ва ўз навбатида, юридик хизматлар сифатига таъсир қиладиган техник хатоликларга ҳам ўз эътиборини қаратади⁴. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига юридик хизматларни

¹ Шаблова Е. Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2004. – С. 283.

² Круглов М.Г., Шишков Г.М. Управление качеством: Учебное пособие. – Москва, 1999. – С.24-25.

³ Берлин Е.М. Законодательное регулирование качества правовых услуг // Право и экономика. – Москва, 2002. – № 5. – С. 23-28.

⁴ Берлин Е.М. Ўша манба. – С. 25.

кўрсатувчи шахсларнинг мазкур жиҳатларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, бугунги кунда амалиётда хизматлар сифатининг муайян гуруҳига хос бўлган кўрсаткичларни эмас, балки хизматларнинг у ёки бу турига нисбатан сифатлар кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш аъёнаси кузатилмоқда. Хусусан, «ГОСТ 28681.3-95. Туристик-саёҳат хизмати кўрсатиш. Туристлар ва саёҳатчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар» ва «ГОСТ 28681.2-95. Туристик-саёҳат хизмати кўрсатиш. Туристик хизматлар. Умумий талаблар» деб номланувчи туристик хизмат бўйича алоҳида давлат стандартлари қабул қилинган ва уларда туристларнинг хавфсизлиги ва ўрнатилган тартибда ҳар бир туристга чет эл давлатига кириш ва чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни тўла-тўқис етказиш ва бошқа ҳолатлар бўйича қатъий талаблар белгиланган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хизматлардан нормал шароитларда фойдаланиш билан бир қаторда, бошқа шароитларда хизмат кўрсатувчи хавфсизлик даражасини ва инсонларнинг соғлиғига зарар етказилмаслигини таъминлашини, керак бўлса, хавфсизликнинг таъминланиши олдиндан кўра билиши лозим. Хизматлар сифатининг хавфсизлигини таъминлаши борасида Франция тажрибаси эътиборга моликдир. Жумладан, истеъмол қилиш масалалари билан шуғулланувчи Вазирлик ҳузурида истеъмолчиларнинг хавфсизлиги бўйича махсус комиссия тузилган, шунингдек 1983 йилнинг 21 январида қабул қилинган Франция Қонунида хизматлар сифатининг хавфсизлиги асосий мезонлардан бири сифатида назарда тутилган¹.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш тизимининг Асосий принциплари»²да ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири сифатида

¹ Жамен С., Лакур Л. Торговое право / Под общ. ред. Клода Лобри. – Москва: Международное отношения, 1993. – С. 170.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш тизимининг Асосий принциплари» // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1992. – № 3. – 4-м.

хавфсизликни муҳофаза қилиш соҳасида истеъмолчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланган. Хизматларни кўрсатиш жараёнининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида республика стандартлаш, ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш ва хизматларни сертификациялашнинг илмий-методик ва техник-иқтисодий асослари асосий йўналишларини шакллантириш зарурлиги ўз ифодасини топган. Бу эса республика-мизда ҳам хизматлар сифатининг хавфсизлигини таъминлаш борасида ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш кўп қиррали вазифалар сифатида намоён бўлмоқда ва мазкур вазифаларни ҳал этиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатидаги реал воқеликни таҳлил этиш ва мавжуд қонунлар, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш такозо этилади. Зеро, сўнгги пайтларда истеъмолчи ва тадбиркор, истеъмолчи ва хусусий корхоналар ўртасидаги муносабатлар уларнинг бир-бирига бўлган ишонч даражасини ҳамда юзага келган ҳуқуқий вазиятни таърифлаб беради. «Ўзстандарт» агентлигининг 2006 йил 12 майдаги 05-15-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБ-ХУТ)»да алоҳида кўрсатиб ўтилган ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати бўйича бугунги кунда кўзга ташланаётган ижтимоий ҳаётдаги нохуш ҳолатлар: маиший электротехник товарларни ишлаб чиқариш ёки уларни таъмирлаш соҳасидаги хизматлар, автомобилларни таъмирлаш бўйича хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматлар, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматларнинг сифати лозим даражада бўлишига халақит берадиган омиллар ортиқча изоҳга муҳтож эмас.

Бу жиҳат эса истеъмолчилар ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлаш жараёнида ўз ечимини кутаётган куйидаги муаммоли масалаларни юзага келтирмоқда:

биринчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ким назорат қилади, назорат

қилиш ваколатига эга бўлган идора ушбу амалиётга чек қўя оладими;

иккинчидан, истеъmolчиларга сифатсиз хизматлар кўрсатиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган қандай қонуний чоралар мавжуд, амалдагиси эса мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда қай даражада самарали;

учинчидан, истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштироки¹ тўлиқ амалга оширилаяптими.

Ўз навбатида шунга ўхшаш ечимталаб масалалар (асосан хизмат кўрсатиш соҳасида) айрим муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда. Масалан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан мулкдорлар тўлаётган ҳақ эвазига хизматларнинг лозим даражада, яъни сифатли кўрсатилмаётганлиги; истеъmolчиларга, жумладан кийим-кечак, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, умумий овқатланиш каби анънавий ёки сервис соҳаларида, чунончи, мураккаб маиший техника, компьютер, шахсий транспорт воситаларига малакали хизмат кўрсатишни қонуний жиҳатдан тартибга солишга эҳтиёжнинг мавжудлиги кабилар шулар жумласидандир.

Бинобарин, истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш ваколатини республикамизда фаолият кўрсатаётган истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига бериш ҳамда бу ҳолатни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш тақозо этилмоқда. Қонунчилик борасида эса мазкур соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уларни бир тизимга солиш (масалан, иқтисодиётнинг муайян соҳаларида истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив ҳужжатларни «бир қолипга тушириш» орқали «Истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш) лозим. Мазкур Қонунда Истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси

¹ *Изоҳ:* Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 414-сонли қарори чиқарилган // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002. – № 22. – 181-м.

ҳамда унинг ташкилий тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, истеъмолчиларнинг савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хизматлар, шунингдек хизматлар кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, сифатсиз хизматлар кўрсатиш сингари ҳолатларнинг олдини олиш каби долзарб масалаларни тартибга солиб турувчи қоидаларни акс эттириш лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, истеъмолчи томонидан товарнинг сотиб олинганлиги ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, шунингдек товар (иш, хизмат)нинг нуқсони натижасида етказилган зарарни ундириб олишда асос сифатида хизмат қиладиган ҳужжат бу – касса чекидир. Касса чеки ҳозирги кунда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишда кенг муомалага киритилиб, асосан ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига мўлжалланган маҳсули, яъни товарларни сотишда дўконларда, супермаркетларда қўлланилмоқда. Фикримизча, товар чеки иқтисодиётнинг барча тармоқларида, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ФК, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, республикада истеъмолчиларга самарали хизмат кўрсатиш борасида намунавий шартномалар ишлаб чиқилса, мантиқан тўғри бўлар эди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга оид нормалар ЎЗР ФКнинг 38-бобида ўз аксини топмаган. Хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга доир пудрат тўғрисидаги қоидаларнинг (ФКнинг 647-моддаси биринчи қисми) субсидиар (қўшимча) равишда қўлланилишини таҳлил қилганда хизматларнинг сифати шартнома шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги хизматларга қўйиладиган талабларга мос келиши кераклигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Аммо, юридик адабиётларда ишларнинг сифати тўғрисидаги бир қатор нормаларни хизматларга нисбатан қўллаш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Жумладан, Б.Д.Завидовнинг фикрича, Фуқаролик кодексининг иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаш муддатларига бағишланган РФ ФКнинг 724-моддаси қоидаларини¹ ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларга тадбиқ этиш мумкин эмас². Мазкур нуқтаи назар фикримизча, баҳсли ҳисобланади. Зеро, бир қатор хизматлар, хусусан шахсий характерга эга бўлган хизматлар нафақат мазкур хизматларни кўрсатиш, яъни ижрочи ва буюртмачи ўзаро ҳамкорлиги жараёнида, балки уни кўрсатиш жараёни тугаганидан кейин ҳам хавфсизликка риоя этиш зарурлигини тақозо қилади. Юридик жиҳатдан *хизматларнинг хавфсизлиги деганда, нафақат уни кўрсатиш технологиясининг хавфсизлигини, балки уни кўрсатиш якунлангач, вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларнинг хавфсизлигини ҳам тушуниш лозим.*

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида телевидение орқали намоёиш қилиниши бошланган телегипноз ва психотерапиялар оммавий сеансларини эшлаш ҳамда уларнинг мазкур хизматлар хавфсизлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаганлигига эътиборни қаратиш керак. Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, ушбу хизматлар унинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан оммавий эмас, балки фақатгина индивидуал бўлиши мумкин. Шу боис, хизматлар хавфсизлиги тушунчасига юқорида берилган таърифни норматив жиҳатдан белгилаш, шунингдек мазкур таърифни хизматларнинг айрим турлари хавфсизлигини таъминлаш муддатлари билан боғлиқ стандартларни чуқур илмий асосга эга ишланмалар негизида ишлаб чиқиш орқали аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиш бўйича давлатлараро Кенгаш томонидан тасдиқланган «ГОСТ 303335-95 / ГОСТ Р 50646-94 «Аҳолига хизматлар

¹ *Изоҳ:* бу ўринда ЎЗР ФКнинг 651-моддаси иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаш муддатларига бағишланганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

² Завидов Б. Д. Договоры посреднических услуг. – Москва, 1997. – С. 16.

кўрсатиш. Атамалар ва тушунчалар»¹ да ҳам хизматлар хавфсизлигига норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йилнинг 11 ноябрида қабул қилиниб, юқори палата – Сенатга маъқуллаш учун юборилган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлар томонидан хизматлар кўрсатишда ҳамда ички ва ташқи савдо муносабатларида туғилиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этиш, хизматларнинг хавфсизлигига доир мажбурий талаблар ўз аксини топган. Бу ҳолат жаҳонда юз бераётган ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз даврида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган товарларнинг дунё бозорига чиқишида маълум бир афзалликлар туғдирса, бошқа томондан эса хизматлар билан бир қаторда, маҳсулотлар ва ишлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ ножоиз хавф мавжуд бўлмаслигининг олдини олишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Сифат тўғрисидаги шартларнинг юридик аҳамиятига баҳо берар эканмиз, ЎзР ФК сифатлар тўғрисидаги шартларни муҳим ҳисобламасликка имконият яратувчи, «мажбуриятларни лозим даражада бажариш» тамойилини назарда тутувчи «захира» вариантни (ФКнинг 236-моддаси) ўзида акс эттирганлигини таъкидлаш жоиз. Фикримизча, сифатлар тўғрисидаги шартларни юридик жиҳатдан таҳлил қилишнинг ўзгариши, шунингдек шартномада ёки норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган сифатларнинг, жумладан хизматлар сифатини баҳолаш мезонларининг тегишли асослари илмий жиҳатдан ишлаб чиқирилиши қатор муаммоли масалаларнинг ҳал этилишига олиб келиши мумкин. «Одатда қўйиладиган талаблар» мезони асосида шартномада сифатлар тўғри-

¹ *Изоҳ:* Мазкур давлатлараро стандарт Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиш бўйича давлатлараро Кенгаш томонидан 1995 йилнинг 26 апрелида 7-сонли баённома билан тасдиқлангандан сўнг, илк маротаба МДХ давлатларида расмий кучга киритилган.

сидаги шартларга оид бўшлиқларни тўлдириш ҳар доим ҳам ўз мақсадига эришиши мумкинлиги ёки йўқлиги, мазкур мезон ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишга оид барча шартномаларга нисбатан универсаллик касб этиши ёхуд этмаслиги (масалан, ўзига хос хизматлар ҳисобланган «илмий тусга эга хизматлар» ёки «бошқарувга оид хизматлар»да) тўғрисидаги масалалар шулар жумласидандир.

Хизматлар сифатини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш йўналишларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунида¹ назарда тутилган сертификатлаштириш жараёнини эътироф этиш мумкин. Мазкур Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, хизматларни сертификатлаштириш *биринчидан*, одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотлар² реализация қилинишини назорат этиб бориш; *иккинчидан*, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ракобат қила олишини таъминлаш; *учинчидан*, мамлакат корхоналари, кўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро микёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш; *тўртинчидан*, истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан химоя қилиш; *ва ниҳоят бешинчидан*, маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Фикримизча, мазкур соҳада ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини янада такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994. – № 2. – 50-м.

² *Изоҳ:* «маҳсулот» ибораси Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни доирасида ўз ичига маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни қамраб олади (мазкур Қонуннинг муқаддимасига қаранг).

а) мавжуд ҳуқуқий базани халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштириш йўналишида¹;

б) хизматлар бозорида кучли рақобатбардош омил сифатида қаралиши мумкин бўлган «хизматларни ихтиёрий тусда сертификатлаштириш»²нинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўналишида. Чунки сертификатланган хизматлар сертификатланмаган хизматларга нисбатан буюртмачининг ишончини ва кутиш эҳтимолини оширади;

в) мажбурий равишда сертификатладиган хизматлар объектларини кенгайтириш ва ҳ.к.

Бугунги кунда республикамизда хизматларнинг алоҳида турларини мажбурий равишда сертификатлаштириш тартиби, муддатларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш вақти келди. Бу ўринда фақатгина туристик хизматларни сертификатлаштириш тартиби ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тадбиқ этилганлигини мисол сифатида келтириб ўтиш жоиз³.

Хизматлар сифати ҳақида сўз борар экан, мазкур тушунча доимий тусга эга бўлмаган ва уни ким кўрсатаётганлигига боғлиқ ҳолда кенг доирада тебраниб турадиган тушунча эканлигини таъкидлаш лозим⁴. Хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари бугунги кунда ходимларни танлаш, ўқитиш масалаларига жиддий эътибор қаратаётганликлари бежиз эмас. Ушбу ҳолатлар

¹ *Изоҳ:* Хизматларни сертификатлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида бутун дунёда ISO-9004-2 «Сифатлар тизимининг элементлари ва сифатлар устидан умумий раҳбарлик. 2 Қисм. Хизматлар бўйича раҳбарий кўрсатмалар» халқаро стандарти қабул қилинган. Биргина Буюк Британия давлатида 1994 йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тахминан 3000 та корхона халқаро стандартлардан бири – ISO-9000 серияси бўйича сертификатланган // *Қаранг:* Круглов М.Г., Шишков Г.М. Управление качеством: Учебное пособие. – Москва, 1999. – С. 95.

² *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ, сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлиши мумкин.

³ Порядок сертификации туристских услуг (Национальная система сертификации Республики Узбекистан) (Утвержден Узгосстандартом, зарегистрирован МЮ 18.03.2000 г., № 911)

⁴ Котлер Ф. Маркетинг, менеджмент. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 544.

эса ФКнинг 704-моддасидаги диспозитив норма (яъни, шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шартлиги)нинг тўғри белгиланганлигини тасдиқлайди. Қонун чиқарувчининг мазкур ёндашуви хизматлар сифатининг ўзгарувчанлиги кўп ҳолларда унинг айнан ким томонидан кўрсатилаётганлигига узвий боғлиқ эканлиги билан асосланади. Бошқача айтганда, хизматларни кўрсатаётган ижрочининг шахси шартноманинг шарти сифатида буюртмачи учун принципиал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда истеъмол бозоридаги хизматларнинг мураккаблиги ва ранг-баранглиги тақдим этилаётган хизматлар сифатига буюртмачи томонидан баҳо беришда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Зеро, буюртмачи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муайян даражада таваккалчиликка асосланади. Шу боис, профессионал хизмат кўрсатувчи истеъмолнинг муайян мақсадига (агарда мажбуриятга оид ҳукукий муносабатларга киришаётган буюртмачи бундай мақсадларни белгиласа) йўналтирилган хизматларни кўрсатишда масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур. Бу ўринда мисол сифатида товарнинг истеъмолнинг аниқ мақсадига мувофиқ келиши конструкциясини келтириш ҳамда мазкур моделни ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид фуқаролик-ҳукукий муносабатларга тадбиқ этиш масаласини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, мамлакатимиз фуқаролик ҳукуқида илк маротаба товарнинг аниқ мақсадлар учун истеъмол қилинишига мувофиқ бўлиши зарурлиги конструкцияси норматив-ҳукукий жихатдан мустаҳкамланган. ФКнинг 402-моддаси иккинчи қисмида олди-сотди шартномаларида товарга нисбатан қўлланиладиган куйидаги қоида ўз аксини топган: «Агар сотиб олувчи шартнома тузиш пайтида сотувчига товарни қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олаётганини хабар қилган бўлса, сотувчи сотиб олувчига ушбу мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт». Мазкур норма эса БМТ томонидан 1980 йилнинг 11 апрелида Вена шаҳрида қабул қилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган «Товарларнинг халқаро олди-

сотди шартномалари тўғрисида»ги Конвенцияда¹ назарда тутилган товар билан боғлиқ қоидаларга мос келади. Агарда бу ўринда хориж тажрибасига назар соладиган бўлса, АҚШ Савдо Кодексида (Uniform Commercial-Code) товар сифати тушунчасидаги мазкур мезон қафолатнинг энг муҳим тури сифатида қуйидагича номланади: «қафолатни алоҳида мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқ» («implied warranty of fitness for particular purpose»)².

Мазкур аналогияни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларининг норматив-ҳуқуқий моделларига қўллашнинг ўринли эканлиги тўғрисидаги нуқтаи назар тўлиқ асосга эга бўлиб, уни хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўллаш лозим. Чунончи, муайян хизмат турининг буюртмачиси ўзининг индивидуал эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал этишда (агарда мазкур ҳолат шартномани тузишда буюртмачи томонидан баён этилган бўлса) ижрочининг ваколатлигига ва профессионаллигига таянади. Дейлик, бугунги кунда мамлакатимизда кундан-кунга сони ошиб бораётган хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорга мурожаат қилган мижоз тиббий хизматларни ундан фойдаланишнинг муайян мақсадини, яъни «мен ўз соғлиғимга зарар етмаган ҳолда, озишим керак», деган мақсадни баён қилганида, у ижрочининг профессионаллигига тўлиқ таянади. Шунингдек, унинг «мен томондан кўрсатиладиган хизмат – бу сиз учун зарур бўлган хизмат», деган тасдиғини кутади. Ёки ўзига хос ахборотни олиш истаги бўлган буюртмачи ижрочига мурожаат қилади ва ижрочидан «мен томондан кўрсатиладиган ахборот хизматлари – бу сизнинг индивидуал эҳтиёжларингизни қондириш учун зарур бўлган хизматлар ҳисобланади», деган фикрни эшитишни хоҳлайди. Бундай ҳолларда ҳам буюртмачи ижрочининг профессионаллигига таянади, ижрочи эса кўрсатилган хизматнинг истеъмол мақсадига мувофиқлиги билан боғлиқ таваккалчилик масъулиятини ўз зиммасига олиши зарур. Аммо мазкур юридик конструкцияни фикримизча, буюртмачи томонидан

¹ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996. – № 9. – ст. 157.

² Uniform Commercial Code. Fourth edition. St. Paul, minn. West publishing CO, 1995. – P. 60-61; Meyer Alfred W., Speidil Richard E. Sales and leases of goods. St. Paul, 1993. – P. 119-121.

истеъмолнинг алоҳида мақсади баён этилган тақдирдагина ҳақ эвазига фақатгина профессионал хизматларни кўрсатиш шартномаларига нисбатан қўллаш мумкин.

3.3. Хизмат кўрсатиш шартномаларида муддатлар билан боғлиқ шартлар

Муддатлар тўғрисидаги шартларнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда ўз аксини топиши мазкур шартномалар субъектлари ҳуқуқларининг вақтида амалга оширилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, айнан муддат орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эътиборли бўладилар ва ўз манфаатларини муайян вақт даврлари чегарасида ҳимоя қилиш имкониятини англаб оладилар¹. Шу боис, бугунги кунда мазкур шартларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузилаётган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида қўлланилишини таҳлил этиш ҳамда тегишли илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб масалалардандир. Айни пайтда мамлакатимизда хўжалик судларида кўрилаётган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан боғлиқ низоларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар аксариятининг келиб чиқиш сабаблари айнан шартнома субъектларининг муддатлар билан боғлиқ шартларга риоя қилмасликларида намоён бўлмоқда. Мазкур ҳолат ҳам бевосита тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузилаётган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, ФКнинг 38-боби хизмат кўрсатиш муддатлари тўғрисидаги шартларга ёки муддатлар билан боғлиқ бошқа шартларга нисбатан тадбиқ этиладиган қоидаларни акс эттирмаган. ФКнинг 708-моддасида белгиланган ҳавола нормаларидан пудрат шартномаси ва маиший пудрат шартномаларидаги муддатлар тўғрисидаги қоидаларнинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилишини тахмин қилиш мумкин,

¹ Ибратова Ф.Б. Фуқаролик ҳуқуқий муддатларнинг аҳамияти, моҳияти ва муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 4-б.

холос. ФКнинг 635-моддасининг («Ишни бажариш муддатлари») биринчи қисми пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари кўрсатилиши, тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкинлигини назарда тутди. Аммо ушбу моддада пудрат шартномасида муддатлар тўғрисидаги муҳим шартларнинг амалда мавжуд бўлиши баён этилмаган.

Умуман олганда, ФКда шартномаларнинг мавжуд шартларини шакллантиришга турча ёндашувлар мавжуд. Айрим ҳолларда конун чиқарувчи шартнома шартларининг амалда мавжуд бўлишини модда номида (масалан, 853, 929-моддаларда) баён этган, бошқа ҳолатларда эса тегишли нормаларнинг таҳриридан ёки шартноманинг ўзига хос хусусиятларидан бу ҳақда хулоса чиқариш мумкин бўлади. Тегишли нормаларнинг таҳрири ёки айниқса, шартноманинг ўзига хос хусусиятлари асосида амалда мавжуд бўлиши лозим бўлган шартлар доирасини аниқлашнинг бундай техникавий-юридик усулларини қўллаш ҳар томонлама қўйилдиган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Назаримизда, бундай ёндашув тахминий асосларга эга ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ФКнинг 635-моддаси биринчи қисмида баён этилган қоидаларда ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари пудрат шартномасида кўрсатилишининг шартлиги аниқ баён этилган, деб бўлмайди.

ФКнинг 708-моддаси талаблари нуқтаи назаридан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан пудрат тўғрисидаги умумий қоидаларнинг субсидиар равишда қўлланилишини инобатга олиб, ФКнинг 635-моддаси биринчи қисмидаги ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари тўғрисидаги қоидалар ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларидаги мавжуд шартларга тааллуқли, деган тахминга келиш мумкин. Аммо ишларни бажариш муддатлари тўғрисидаги пудрат шартномаси қоидалари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига нисбатан қўлланилиши ҳар доим ҳам мақсадга эришади, деб бўлмайди. Буни эса қуйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

биринчидан, ишларни бажариш муддатлари тўғрисидаги пудрат шартномасининг норматив модели шартномавий муносабатларда мустақил субъект ҳисобланган «пудратчи»га йўналтирилган. Хизматларни, айниқса, шахсий характерга эга бўлган хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги мажбуриятларда хизматларни кўрсатиш муддатлари тўғрисидаги шартлар эса мазкур хизматларнинг истъомолчиси бўлган буюртмачи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муайян оралиқ даврлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу боис, хизматларни кўрсатишнинг нафақат бошланғич ва охириги муддатларини, балки ижрочи ва буюртмачи ўзаро ҳамкорлиги даврларининг (масалан, тиббий, таълим бериш, телекоммуникация хизматларини кўрсатишда ва ҳ.к.) «вақтинчалик оралиқ муддатлари»ни асослаш юридик аҳамият касб этади;

иккинчидан, ишларни бажариш муддатлари тўғрисидаги пудрат шартномасининг модели фуқаролик қонунчилигидаги «муддатлар ўтиши тартиби»га асосан вақт даврининг нисбатан кичик бўлган даври – кун билан белгиланади. Пудрат шартномаси бўйича ишларни бажаришда қутилаётган моддий натижага эришиш мақсади одатда, муайян вақт даврининг (асосан, ойлар билан ҳисобланадиган давр) ўтишини тақозо этади.

Ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг ранг-баранглигини инобатга олиб, мазкур хизматларни кўрсатиш бўйича тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар учун йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар билан ўлчанадиган муддатлар, балки ҳатто соатлар билан ўлчанадиган муддатлар ҳам юридик аҳамиятга эга ҳисобланади. Бошқача айтганда, муддатнинг ўтиши маълум юридик факт ҳисобланади, чунки унинг ўтказиб юборилиши натижа-сида қонунда назарда тутилган ҳолларда муайян ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади, бирон-бир ҳуқуқ ва мажбурият олинади, ўзгартирилади ёки йўқотилади¹. Масалан, меҳмонхона хизматларини кўрсатишда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра²,

¹ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. (I қисм). – Тошкент: Адолат, 1996. – 124-б.

² Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 12 январда 389-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини тақдим этиш Қоидалари»нинг 2.4-банди.

меҳмонхоналарда яшаш учун тўлов ягона ҳисоб-китоби соати – жорий куннинг 12 соатлик даврига мувофиқ амалга оширилади. Агарда буюртмачи фуқаро 12 соат учун тўлагандан сўнг ҳам меҳмонхонадан чиқиб кетиши 6 соатга кечиктирилса, у ҳолда ҳар бир соат учун, 6 соатдан 12 соатга кечиктирилган тақдирда, куннинг ярми учун тўлов амалга оширилиши лозим.

Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаларини тақдим этиш жараёнида эса пошилиш ривожда бериладиган буюртмани бажаришда минутлар ҳам юридик аҳамиятга эга. Жумладан, «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари»нинг¹ 53-бандига мувофиқ, шаҳарлараро ва халқаро алоқани сўраётган шахснинг талаби бўйича хизмат кўрсатишнинг буюртма тизими жараёнида буюртма қабул қилинган пайтдан бошлаб 30 минут давомида тақдим этилиши мумкин.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар хизматлар бозорида соғлом рақобат ўсиб бораётганлиги, хизматларнинг қатъий белгиланган вақтга риоя қилган ҳолда тақдим этиш жараёнини чуқур таҳлил этишни тақозо этмоқда. Мазкур давлатларда айрим хизматларни кўрсатиш муддатларида энг кичик вақт бирлиги – секундлар ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, «American airlines» компанияси ички авиалинияларда йўловчилар учун мақбул бўлган хизматларни кўрсатиш жараёнида «буюртмалар ҳақидаги телефон қўнғироқларига буюртмачига 20 секунд мобайнида жавоб бериш қоидасига риоя қилиниши лозим» мазмунидаги хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиққанлиги бунга мисол бўлади². Муддатларни ҳисоблаш даъво муддати ўтишининг бошланиши, тўхтатилиши, узилиши, қўлланилиши, қайси вақтнинг ўтиши билан белгиланишининг аниқ бўлиши суд фаолиятида

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-сон рақам билан рўйхатга олинган «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 11. – 130-м.

² Маркова В.Д. Маркетинг услуг. – Москва, 1996. – С. 17.

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга¹.

Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятларда нафақат соат, балки минут билан белгиланадиган муддатларда хизматларни тақдим этишга оид мазкур тенденция ҳам республикамизда ўсиб бориши табиийдир. Бошқача айтганда, XX асрда «кун билан ўлчанадиган вақт даври» кенг қўлланилган бўлса, том маънода ахборот асри деб номланаётган XXI асрда фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган янада «кичик бўлган вақт ўлчовлари»нинг юридик аҳамиятига, шунингдек ҳақ эвазига кўрсатиладиган турли-туман хизматларни тақдим этишда тузилаётган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда у ёки бу мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга баҳо бериш зарурлиги тўғрисидаги масала долзарб бўлиб бормоқда.

Шу боис, муддатларни ҳисоблашга оид ФКнинг 11-боби коидаларига (масалан, соатлар билан ўлчанадиган вақт даври билан белгиланган муддатнинг бошланиши; соатлар билан ўлчанадиган вақт даври билан белгиланган муддатнинг тамом бўлиши), шунингдек мажбуриятни бажариш муддати тўғрисидаги (ФКнинг 314-моддаси) мажбурият ҳуқуқининг умумий коидаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақозо этилади²;

учинчидан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ҳар доим ҳам хизматлар кўрсатишни тугаллашнинг муддатларини мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар доирасида ҳар доим аниқ белгилаш ва мустаҳкамлаш мумкин эмас. Масалан, тиббий хизматларни кўр-

¹ Раҳмонқулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. I жилд. – Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997. – 294-б.

² *Изоҳ*: Соатлар билан ўлчанадиган муддатларнинг юридик аҳамияти хусусида мисол сифатида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси олтинчи қисмидаги коидани келтириш мумкин. Унга кўра, хизмат кўрсатишни бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун хизмат қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди. *Қаранг*: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. – № 5-6. – 59-м.

сатиш борасида муайян касалликни даволашнинг якуни бўйича охирги муддатларни ҳар доим ҳам белгилашнинг имконияти йўқ. Шунинг учун муайян тиббий-иқтисодий стандартлар у ёки бу касалликни даволаш курсларини ўтказишни талаб этадиган вақт даврларининг тахминий бўлишини назарда тутати. Фикримизча, тиббий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ижрочи шартномани бажаришга киришишга мажбур бўлган, яъни мажбуриятларни бажаришнинг бошланғич муддатларини белгилаш зарур. Зеро, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда муайян ҳаракатларни ижро этишнинг аниқ муддатини белгиламаслик бўйича мажбуриятлар тизими фуқаролик ҳуқуқи учун янгилик бўлиб ҳисобланмайди (ФКнинг 540-моддаси иккинчи қисми, 878-моддаси биринчи қисми ва ҳ.к.).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хизматларни кўрсатиш муддатлари тўғрисидаги шартларни белгилаш усуллари турлича бўлиши ҳақида хулосага келиш мумкин. Жумладан:

1. Муайян вақт даврини (масалан, соатларда) аниқ белгилаш орқали;

2. Хизматларни кўрсатишнинг бошланғич муддатларини, аммо охирги муддатларни тахминий белгилаш орқали. Мажбуриятда уни бажариш муддатлари назарда тутилмаган ёки бундай муддатни аниқлаш учун унда бирон-бир шарт белгиланмаган бўлса, мажбурият вужудга келганидан кейин оқилона муддатда бажарилиши керак¹;

3. Вақт даврини белгилаш жараёнида ижрочи ва буюртмачи ўртасидаги бевосита шахсий алоқанинг муддатларини белгилаш орқали ҳам хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда ифодалаш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлар асосида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш билан боғлиқ мажбуриятлар муҳим шартлардан бири бўлиб, унинг мазмунини пудрат шартномасидаги тегишли уму-

¹ Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қондалар). – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 76-б.

мий қондаларни субсидиар равишда қўллаш орқали тўлдириш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардаги муддатлар билан боғлиқ турли шартларнинг ўзаро боғликлиги масаласини таҳлил этиш ҳам ўринлидир. Бунинг асосий сабаби шундаки, бугунги кунда юридик адабиётларда «шартноманинг амал қилиш муддати» ва «тарафларнинг айрим мажбуриятларни бажариш муддатлари» каби тушунчаларни бир хилда талқин этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Жумладан, М.В.Кротовнинг рус тилида чоп этилган «Фуқаролик ҳуқуқи» номли дарсликнинг 41-боби 2-параграфида баён этган фикр-мулоҳазаларида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича «хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажариш муддати» ва «ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг амал қилиш муддати» тўғрисидаги шартлардан қайси бири муҳим аҳамиятга эга эканлиги ноаниқ бўлиб қолган¹. Зеро, шартноманинг амал қилиш муддати ва шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш муддатлари бир-бирига мос тушмайдиган тушунчалар бўлиб, улар фақатгина бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлиши мумкин. М.И.Брагинский тўғри таъкидлаганидек, шартномани амал қилишининг тугатилиши ўз навбатида, тарафларнинг илгари вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалда эканлигига даҳл қилмайди. Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўз шахсий тақдири мавжуд. Яъни, бу ерда шартнома бекор қилиниши мумкинлигини, аммо илгари вужудга келган мажбуриятларнинг давом этишини назарда тутиш лозим².

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида муддатлар билан боғлиқ шартлар нафақат тарафларнинг ўзаро келишуви билан, балки тегишли қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар (масалан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва ушбу қонун нормаларининг ижросини

¹ Гражданское право. Том 2. Учебник. Издание третье, переработанное и дополненное / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва: «ПБОЮЛ Л.В.Рожников», 2001. – С. 549.

² Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: общие положения. – Москва, 1998. – С. 257.

таъминлаш мақсадида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар) билан белгиланиши мумкин. Шундай экан, шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ҳар доим ҳам тарафларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади, деб таъкидлаш мумкин эмас.

Айрим хизмат турлари бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари билан боғлиқ шартларни (катъий белгиланган муддатда бажаришга нисбатан), агарда уни бажариш муддатларига оид шартларнинг бузилиши оқибатида буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишларини йўқотса, аниқлаштиришга эҳтиёж туғилиши мумкин. Бундай ҳолларда эса, олди-сотди шартномаси бўйича товарни топшириш мажбуриятини бажариш муддатлари ҳақидаги ФКнинг 389-моддаси қоидаларини намуна сифатида таҳлил қилиш ҳамда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда 38-бобда алоҳида нормаларни баён этиш мақсадга мувофиқ.

4-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

4.1. Тиббий хизмат кўрсатиш – тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида

Маълумки, соғлиқ – бу ҳар бир инсонга у туғилиши билан тегишли бўлган бебаҳо бойликдир. Усиз инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида қўлга киритган бошқа бойликларига у ёки бу даражада эгалик қилиши ва фойдаланиши ўзининг мазмунини йўқотади. Шу боис, ҳар қандай соғлиққа дахлдор масала диққатни ўзига жалб қилиши табиий. Ҳар бир инсон ўз соғлиғини йўқотганда унинг лозим даражада бўлишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларга эҳтиёж сезади. Мазкур хатти-ҳаракатлар эса ўз-ўзига ёрдам, тиббий ёрдам ва тиббий хизмат хусусиятига эга ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин. Шу боис, инсон ҳаётига бевосита дахлдор бўлган тиббий хизмат кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизда мустақиллик йилларида тиббий хизматлар кўрсатиш бозор иқтисодиётига хос ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган хизмат мазмунига эга бўлди. Бошқача айтганда, тиббий хизмат кўрсатиш муносабатларида соғлиқ фуқаролик ҳуқуқининг мустақил объекти сифатида намоён бўлса, мақсади бўйича эса бошқа объект, яъни тиббий хизматнинг натижаси сифатида ҳуқуқий майдонга чиқмоқда. Айнан шу сабабли мазкур муносабатларнинг бугунги кунда тартибга солинишини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга. Мазкур муносабатларни тадқиқ этиш жараёнида унинг нафақат тадбиркорлик тавсифига (асосий мақсади – даромад олиш) эга эканлигини, балки унинг инсон ва жамият учун муҳим ва ўзига хос аҳамиятга эга бўлган мақсад – соғлиқ билан боғлиқ бўлган тиббий хизмат кўрсатишда намоён бўлишига эътиборни қаратиш зарур. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-

иктисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Чунончи, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилда қарийб 20 фоизга камайди. Гўдақлар ўлими кўрсаткичи эса янги туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 13 тага тушди ва биргина 2007 йилнинг ўзида 11 фоизга камайди¹.

Маълумки, тиббий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш муаммоларининг ечимини топиш қарийб тўрт минг йиллик даврга эга бўлиб, у нафақат бугун, шу билан бирга келгусида ҳам доимий тарзда тадқиқот объекти бўлиб қолаверади. Жумладан, юридик адабиётларда «Хаммурапи қонунлари»га урғу берилиб, унда «агар врач инсонга бронзали пичок билан оғир кесик қилса ҳамда инсонни даволаса ёки бронзали пичок билан кўзга тушган оқ доғни олиб ташласа, у ҳолда врач 10 кумуш тангани олиши лозим»лиги ҳам таъкидланганлиги баён этилган². Бундан ташқари, жамият ривожланиши натижасида мазкур соҳани фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжининг юзага келиши (яъни, ушбу муносабатларда тарафлар ўртасида шартномавий муносабатларни, истеъмолчига тиббий хизматларнинг кўрсатилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш институтининг вужудга келиши) чуқур тарихий асосга ҳам эга. Жумладан, «XII жадвал қонунлари»нинг VII жадвали 2-бандида «бировнинг аъзосига зарар етказилса ва жабрланувчи билан муросага келинмаса, у ҳолда зарар етказганнинг ўзига худди шундай зарар етказилиши зарур»лиги, 3-бандида эса «агар қўл ёки бармоқ билан соғ одамнинг суяги синдирилса, у ҳолда 300 ась жарима тўланиши лозим»лиги кўрсатиб ўтилган³. Кўриниб турибдики, тиббий хизмат кўрсатиш қадимдан ҳақ эвазига амалга оширилган. Бундан ташқари, жамиятда

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир // Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 211-б.

² Черниловский З.М. Хрестоматия по общей истории государства и права. – Москва: Юристъ. – 1996. – С. 22.

³ Хрестоматия по истории Древнего Рима / Под ред. С.Л. Утченко. – Москва.: Соцэкгиз, – 1962. – С. 68.

доимий равишда «табиблар давлати» тузиш тўғрисидаги ғоялар мавжуд бўлиб келганки, уларни биз бугунги кунда замонавий ривожланган кўринишларда кузатишимиз мумкин. Масалан, Қадимги Римда император саройида маҳаллий ҳокимият назорати остида бўлган сарой архиатрлари хизмат қилган¹.

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида Ўзбекистонда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар² ушбу соҳанинг эркин иқтисодий шароит негизида шаклланишига олиб келганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолият айна пайтда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги (тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, яъни муассасалар шаклида, кооперативлар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқалар) юридик шахслар, шунингдек якка тадбиркорлар томонидан амалга оширилмоқда. Шундай экан, *уларнинг мустақиллиги мезонининг* мавжудлиги ҳуқуқ субъекти тушунчасининг ўзидан келиб чиқиб киритилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, *соғлиқни сақлаш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ташаббускор ҳамда таваккалчилик характерга* эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугун тиббиётдаги салбий оқибатлар натижасида рўй бераётган беморлар ўлими йўллардаги бахтсиз ҳодисалар, саратон касаллиги, ОИТС касаллигидан вафот этаётганларга нисбатан кўп. Хусусан, Канада тиббиёт маълумотлари институтида тиббиётдаги салбий оқибатлар билан боғлиқ статистик маълумотлар таҳлилида кўйидаги рақамлар келтирилганлигини кузатиш

¹ Юқоридаги манба. – С. 68.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1998. – № 10-11. – 204-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. № 37-38. 382-м.; Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги «Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-118-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007. № 10. – 473-м.

мумкин: ҳар 9 нафар ёши катта бемордан биттаси касаллик юктиради; ҳар 9 нафар бемордан биттасига дори нотўғри қўйилади ёки дорини нотўғри миқдорда қуйиш белгиланади; ҳар 20 нафар аёлдан биттасида туғиш жараёнида туғиш йўллариининг жиддий зарарланиши кузатилади; ҳар 229 нафар бемордан биттасида қон компонентлари қўйилиши натижасида бошқа реакциялар ривожланади; ҳар 6667 нафар жарроҳлик операциясини амалга оширган жарроҳ битта бемор организмга хос бўлмаган бошқа аъзолар (жарроҳлик асбоби, дориланган пахта ва бошқалар)ни қолдиради¹.

Тиббий хизматларнинг *хусусий характерга эга* эканлиги эса бугунги кунда шахс эҳтиёжларини (диагностика, касалликларнинг олдини олиш, касалликларни даволаш, косметик нуқсонларни бартараф этиш ва бошқаларни) қаноатлантира олиш қобилиятида намоён бўлаётганлигини таъкидлаш лозим.

Мазкур *хизматларнинг оммавий характерга эга* эканлиги эса қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, аҳоли саломатлиги алоҳида фуқаролар саломатлигидан иборат бўлиб, у давлатнинг, бутун жамиятнинг бойлиги сифатида истиқболи ва ривожланиш имкониятини аниқловчи жараён бўлиб ҳисобланади;

иккинчидан, муайян беморга хизмат кўрсатиш жараёнида нафақат беморнинг ўзига, балки бутун бир жамият учун ҳам таҳдид соладиган ўта хавфли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар аниқланиши мумкин. Бу эса аҳолини мавжуд хавфдан ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус комплекс тадбирлар ўтказишни талаб қилади. Бундай ҳолатда тиббий хизматларни ижтимоий хизматлар тоифасига киритиш мумкин бўлади.

Ижтимоий хизматлар эса С.В.Нагорнаянинг таъкидлашича, мазкур хизматлар қайси соҳада кўрсатилаётган бўлса, ўша соҳага ажратилади. Буларга соғлиқни сақлаш, маданият, таълим, фан соҳалари кириб, уларнинг ўзи умумаҳамиятга эга, ўз навбатида, оммавий хизматлар билан бир каторда туради². Шу сабабли, ижти-

¹ Ошибки врачей стоят канадцам 750 миллионов долларов // Медицинские новости. – 2004. 10 июня.

² Нагорная С.В. Договор об оказании медицинских услуг: Автореф. дис: ... канд. юрид. наук. – Белгород, 2004. – С. 19.

мой хизматларни ажратиш мезонларини аниқлашда уларни кўрсатадиган субъектлар доираси эмас, балки улар амалга оширилаётган, хизмат кўрсатилаётган доира назарда тутилади. Мазкур турдаги хизматларга хос белгилар хусусида, фикримизча, куйидагиларни таъкидлаш ўринлидир: а) улар умумаҳамиятга бўлган фаолиятни таъминлайди; б) улардан фойдаланувчи субъектлар доираси чекланмаган бўлади; в) давлат бошқарув органи ёхуд бошқа субъект томонидан амалга оширилади; г) оммавий мулк билан бир қаторда, хусусий мулкка ҳам асосланган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий хизматлар хусусий, шунингдек оммавий (давлат ва маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасалари) ҳуқуқ субъектлари томонидан кўрсатилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш соҳасида нодавлат ва давлат ижтимоий хизматларини фарқлаш ўринли ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқ бемор (истеъмолчи)га кўрсатилаётган хизматнинг «текин» ёки «ҳақ эвазига» кўрсатилишида намоён бўлиши мумкин. Умумий қоидага кўра, бемор учун тиббий хизматни текинга кўрсатиш, одатда, оммавий ҳуқуқ субъектлари томонидан амалга оширилади.

Бемор учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тиббий хизматларнинг текинга кўрсатилиши келажақда кўрсатилган хизмат учун бюджет манбаларидан пул маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлган хусусий ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш эса амалиётда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари улушининг пасайишига олиб келади. Юқорида таъкидлаб ўтилганларни умумлаштирган ҳолда, тиббий фаолият (шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолият) умумий қоида бўйича хусусий ва алоҳида ҳолларда тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хизматлар «чегараси»да бошқа йўналиш ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар қандай шароитда ҳам тиббий фаолиятга тадбиркорлик фаолияти сифатида қараб бўлмайди. Бу фаолият соғлиқни сақлаш ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг юқори малакали ихтисослаштирилган фаолиятига тегишли бўлиб, уларнинг функцияларини оммавийликдан хусусийликка ўтказиш мумкин эмас (масалан тиббий характердаги мажбурлов

чоралари махсус ихтисослаштирилган рухий шифохоналарда, махсус турдаги ихтисослаштирилган диспансерлар кабиларда амалга оширилади).

Тиббий хизматлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, юқорида таъкидланганидек, номоддий хизматлар тоифасига тегишлидир. Айрим адабиётларда¹ тиббий хизматлар ҳуқуқий категория сифатида хизматларга хос бўлган умумий белгилардан фарқли равишда, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги таъкидланади:

1. Тиббий ёрдам кўрсатишдан кўзланган мақсад беморнинг соғлиғини яхшилаш ва уни соғайтиришдан иборат. Бунда тиббий ёрдам кўрсатишнинг туб моҳияти шифокорлар фаолиятига, тузатиш йўлидаги танловга ва даволашни ўтказишга боғлиқ бўлади;

2. Бемор учун қанчалик муҳим бўлишига қарамасдан, шифокор учун ҳам кўзланган мақсадга эришиш шунчалик муҳим бўлиб, унинг ижобий оқибатини ҳеч қачон кафолатлаш мумкин эмас (зеро, таъсир кўрсатиш объектив ҳодиса бўлиб, бу ўринда зарурий вакцина илмий ишланмасининг йўқлиги, шунингдек бемор организмнинг хусусияти – муайян перепаратларга аллергиянинг борлиги, бошқа касалликлар таъсири сабаб бўлиши мумкин);

3. Тиббий хизматларни кўрсатиш мулкий характерга эга бўлиб, у малакали тиббий ёрдам олиш бўйича инсон талабларини ва давлатнинг аҳоли саломатлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги талабларини қаноатлантириш шаклида муайян иқтисодий самарадорлик яратади;

4. Тиббий хизматлар ижрочининг шахси билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Зеро, унинг сифатли кўрсатилиши кўп жиҳатдан хизмат кўрсатаётган тиббий ходимнинг билим даражаси, қобилияти ва малакаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тиббий хизматларни кўрсатишда аксарият ҳолларда моддий тусдаги натижа мавжуд бўлмайди, лекин у яратилган тақдирда ҳам уни бемор томонидан бошқа шахсга бериб бўлмайди.

¹ Регулирование предпринимательской деятельности в системах здравоохранения европейских стран / Под ред. Солтман Р.Б., Буссе Р., Моссиалос Э. / Пер. с англ. – Москва, 2002. – С. 5, 29.

Шу билан бирга, айрим манбаларда¹ жарроҳлик операцияси ўтказиш – бу пудрат ишларига кириши (зеро, унда моддий тусдаги натижа назарда тутилади), тиббий хизматнинг маслаҳат кўриниши эса ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга тегишли бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар ҳам юритилган. Фикримизча, тиббий хизматлар мазкур турларининг бундай равишда таққосланиши асоссиздир. Чунки, жарроҳлик операциясини амалга ошириш ҳам тиббий хизматларнинг бутун бир комплекс йиғиндисидан ташкил топган. Бундан ташқари, моддий тусдаги натижанинг вужудга келиши фақатгина хизматларни кўрсатиш воситаси ва яқуни бўлиб, ундан кўзланган мақсад бирор нарсага эгалик қилиш эмас, балки беморнинг соғлиғини тиклаш ва уни бир хил маромда саклашдан иборат. Фикримизча, ушбу ҳолатда агар тиббий хизмат кўрсатиш жараёнини алоҳида босқичларга ажратишнинг объектив имконияти (масалан, оғиз бўшлиғи яллиғланишини текшириш, тиш протезини тайёрлаш ва уни ўрнатиш билан боғлиқ муносабатларда) мавжуд бўлса, у ҳолда мазкур муносабатларни аралаш турдаги муносабатлар сифатида таснифлашга йўл қўйилиши мумкин. Бунда тиббий текширишларни олиб бориш хизмат кўрсатиш, протез тайёрлаш эса иш ҳисобланади. Айни пайтда бундай протезни ўрнатиш, гарчи юқорида айтилган барча талабларни қаноатлантирса ҳамда ўзига хос моддийлик характериға эга бўлса ҳам, хизматларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, у натижа бўлиши мумкинлигидан бегоналаштирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Тиббий хизматларни муайян натижаға эга бўлиши ёки эга бўлмаслигига кўра алоҳида ҳаракатларға ажратиш имконияти бўлмаганда устунлик, моддий натижанинг йўқлигига берилиши лозим.

Шундай қилиб, хизматларнинг аниқланган умумий белгилари, мулк билан боғлиқ бўлган хусусиятлари тиббий хизматларда ҳам намоён бўлишини инобатға олиб, тиббий хизматларни фуқаролик ҳуқуқининг объектлари қаторига киритиш мумкин. Шу билан бирга, аниқланган белгиларни тиббий хизматлар учун етарли деб ҳам бўлмайди. Зеро, тиббий хизматларнинг ўзига хос

¹ Терещенко Л.К. Услуги: государственные, публичные, социальные // Журнал российского права. – Москва, 2004. – № 10. – С. 17.

жихатларини кўриб чиқиш тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар тузилиши кўриб чиқилгандан ҳамда унинг хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги ўрни тўғрисидаги масала ҳал қилингандан кейин ўз мақсадига эришиши мумкин. Бундан ташқари, тиббий хизматлар кўрсатиладиган соҳада шундай муносабатлар (хусусан, одам танаси аъзолари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш, клонлаштириш, ген инженериясидан фойдаланиш имкониятларини белгилаш, тажрибаларни ўтказиш, туғилмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жинсни ўзгартириш ва бошқалар) борки, улар ҳанузгача ўзининг ҳуқуқий асосига эга эмас. Мазкур масалаларни ҳал этиш учун бир қатор қонунларни (масалан, «Одам танаси аъзолари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш тўғрисида»ги, «Тиббий суғурталаш тўғрисида»ги кабиларни) қабул қилиш, шунингдек амалдаги бир қатор қонунларга (жумладан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунларга) тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам тақозо этилади.

Бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки ривожланган хорижий давлатларда ҳам миждоз, касал – бу истеъмолчи, тиббий муассаса, врач (тадбиркорлик субъектчилигидан қатъий назар) – ижрочи мақомига эга бўлади. Айниқса, ушбу соҳада фуқаролик-ҳуқуқий иборалар: битим, ҳақ эвазига тузиладиган шартнома, мажбурият, зарар каби тушунчалар қўлланилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари иштирок этадиган тиббий хизматлар бозори бугунги кунда иқтисодий муносабатларнинг алоҳида доираси бўлиб, унинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиш зарур: а) субъектларнинг махсус таркиби; б) ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган алоҳида объектлар; в) ҳуқуқий муносабатларни туғдирадиган юридик фактлар (мураккаб юридик таркиб); г) ҳуқуқий муносабатларнинг ўзи. Мазкур таркибий қисмлар ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Фикримизча, бунга сабаб бўлувчи қуйидаги омилларни санаб ўтиш жоиз:

биринчидан, бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган «тиббий ёрдам» ва «тиббий хизмат» тушунчаларининг мазмуни

бир-бирига мос келмайди. Хусусан, тиббий ёрдам бу кенг тушунча, аммо унинг мазмунини хизматлар ташкил этади. Тиббий хизматлар – бу ҳақ эвазига ижрочи томонидан кўрсатиладиган зарур касбий ҳаракатлар мажмуи. Тиббий хизматлар ашёвий натижага ҳам эга бўлиши мумкин, шунинг учун мазкур соҳада кўрсатиладиган хизматларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда (моддий хизматлар) уларни ҳукукий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур бўлади. Айрим ҳолларда тиббий хизматларнинг мазмуни сифатида тиббий характерга эга бўлмаган ҳаракатлар ҳам қатнашиши мумкин ва улар тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг ягона мазмунини ташкил этади. Шу боисдан, тиббий хизматларни асосий ва қўшимча асослар бўйича ҳукукий жиҳатдан таснифлаш мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳақ эвазига тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича фаолият айрим ҳолларда фойда (даромад) олишга қаратилмаган ва улар «тадбиркорлик фаолияти» қонуний тушунчаси доирасидан четга чиқади. Бу эса мазкур муносабатларни алоҳида ҳукукий тартибга солишни талаб этади. Бошқача айтганда, қонунда тиббий фаолиятга нисбатан таваккалчиликнинг шарт-шароитларини ифода этиш лозим;

учинчидан, маълумки, тадбиркорлик субъектлари томонидан тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари сифатида ҳар доим фуқаролик-ҳукукий шартномалар қатнашади. Улар ўз табиати бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек пудрат шартномаси элементларини ўз ичига олган аралаш шартнома бўлиши мумкин. Фикримизча, ушбу шартноманинг мажбурий ёзма шаклини мустаҳкамлаб қўйиш зарурдир;

тўртинчидан, кўпгина ҳолларда тиббий хизматларни кўрсатувчи ижрочининг ҳаракатларини бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш сифатида баҳолаш мумкин. Шу боис, ФКнинг 38-боби айрим қондаларини (масалан, 707-модда нормалари) тиббий хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга қўллаш асосга эга эмас ва бу жиҳат қўшимча қонуний тартибга солишни (тушунчаси, муҳим шартлари ва х.к.) тақозо этади. Тиббий хизматларни (хусусан, унинг алоҳида тур-

лари бўйича) кўрсатиш бўйича намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш лозим;

бешинчидан, бугунги кунда олий ва ўрта махсус тиббий маълумотга эга бўлган мутахассисларга уларнинг мазкур соҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун алоҳида сертификатлар бериш, шунингдек тиббий хизматларнинг ўзини ҳамда тиббий хизматлар бозорида тиббий фаолиятни амалга оширувчи субъектларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш лозим. Бундан ташқари, барча тиббий хизматлар уларни амалга ошириш тартиби, ҳажми ва сифатига қўйиладиган минимал талабларга (муайян муддатга қабул қилинадиган стандартларга) эга бўлиши зарур. Мазкур талаблардан четга чиққанда врач ҳаракати тиббиётнинг одатдаги қоидалари ҳамда ўзининг касбий билимига асосланиши мумкин;

олтинчидан, бугунги кунда оммавий ва хусусий мулкка асосланган тиббий муассасалар томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг турларини қонун даражасида мустаҳкамлаш вақти келди. Улар томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган тиббий хизматлар натижасида олинган даромадларнинг уларга хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлишини белгилаш лозим;

еттинчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан тиббий хизматларни кўрсатиш соҳасидаги айрим ҳаракатлар (ҳаракатлар стандартлари)нинг амалиётда қўлланилишини иш муомаласи одатлари сифатида тан олиш мумкин;

саккизинчидан, хизматлар – бу аниқ фойдали мақсадга эришишга йўналтирилган муайян ҳаракатни содир этишдир. Тиббий хизматни кўрсатишдан сўнг натижанинг вужудга келиши унинг ҳуқуқий мазмунини ташкил этмайди. Тиббий хизмат қаратилган инсон соғлиғи фойдали мақсад ҳисобланади. Шу боис, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида соғлиқни уни эгасининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган организмнинг нормал фаолияти сифатида белгилаш мумкин бўлади. Зеро, айрим ҳолларда инсон соғлиғи тиббий хизматнинг натижаси сифатида намоён бўлиши мумкин;

тўққизинчидан, тиббий хизматларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини шакллантиришда фуқаролик-

хуқуқий характердаги муносабатларга урғу берилиши лозим. Бу ўринда вазирликларнинг норматив ҳужжатларидан ҳар томонлама мукамал (ҳавола нормалари нисбатан кам) бўлган қонунлар мажмуасини, шу жумладан тиббий хизматлар бозорида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиб турувчи ягона қонунни қабул қилиш зарур.

4.2. Оммавий ахборот воситалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар

Маълумки, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, оммавий ахборот воситалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар энг аввало, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги билан долзарбдир. Ва айнан мазкур вазифани бажариш мақсадида, мамлакатимизда мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ахборот соҳасини жадал ва изчил ривожлантириш учун зарур қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Замонавий талаб ва стандартлар эътиборга олинган ҳолда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, ахборот соҳасида жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техник шароитлар яратилди. Хусусан, айни пайтда республикада Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа қатор жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатаётганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Шунингдек, 1991 йилда республикада 300 дан ортиқ газета чоп этилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 700 га яқинни ташкил этаётганлиги, журналлар сони

60 тадан 200 дан ортиқга, нашриётлар сони 14 тадан 75 тага етганлиги¹ ҳам давлатимизда бу соҳада тегишли зарур шарт-шароитлар, қонуний кафолатлар яратилганлигидан далолат беради.

Ушбу соҳада бозор муносабатлари ва соғлом рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, матбуот ва ахборот эркинлигининг муҳим кафолати ҳамда босма нашрлар ва ахборот агентликлари мустақил ривожланишининг зарур шарти сифатида уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш оммавий ахборот воситалари соҳасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунинг учун эса, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши уларнинг моддий-техника базасини юксак замонавий талабларга жавоб берадиган даражада модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида мазкур соҳада хизматлар кўрсатиш тармоғининг бугунги кунда бозор мезонларига қанчалик мос келишини таҳлил қилиш ва келгусидаги истиқболли йўналишларни таҳлил этишга қаратилмоғи зарур. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим: матбуот эркинлигининг кафолати – ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қилади².

Дарҳақиқат, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай оладиган оммавий ахборот воситаларигина мустақил ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин. Бунинг учун уларда хизматлар ва уларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг 2008 йил бўйича ҳисоботидан. *Манба*: Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2008. – 75-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 20-21-б.

кўрсатиш маданиятини юқори поғонага кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларида хизматлар кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш мақсадида тегишли ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар ЎЗР ФК (1997), «Реклама тўғрисида»ги (1998), «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (1999), «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги (2002), «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги (2003), янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (2007) қонунлар билан тартибга солиниб келинмоқда. Хусусан, Фуқаролик кодексида хизматларнинг ҳуқуқий мақоми, уни кўрсатишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш ва унга амал қилиш, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда оммавий ахборот воситалари томонидан ахборотни тарқатиш, «Реклама тўғрисида»ги Қонунда ижтимоий рекламали ахборот, телевидение ва радиодаги реклама, босма оммавий ахборот воситаларидаги реклама, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунда телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунда эса ахборот билан таъминлашга доир ахборот ва хизматлар рўйхатларини, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари ҳақидаги маълумотларни ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур қонунлар эса оммавий ахборот воситаларида ахборот хизмати, реклама хизмати, телекоммуникация хизмати каби аънанавий хизматлар билан бир қаторда консалтинг, маркетинг каби истиқболли хизмат турларининг вужудга келишига асос яратди. Мазкур хизматларнинг оммавий ахборот воситаларида кўрсатилишининг йўлга қўйилиши, уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишларига муҳим замин яратмоқда.

Маълумки, бугунги кунда биз ахборот хизматисиз ўтаётган ҳеч бир кунимизни тасаввур эта олмаймиз. Чунки, ахборот инсоннинг ўзини ўзи англашида муҳим аҳамият касб этади, ўзи яшаётган мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида, «ахборот асри» деб номланаётган ХХI асрда кечаётган гло-

баллашув жараёнлари билан ҳамнафас бўлиб яшашда замонавий ахборот хизматларидан кенг фойдаланиш тақозо этилади. Бугунги кунда хизматлар бозорида оммавий ахборот воситалари томонидан ахборот хизматларининг кўрсатилиши, аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжни ёхуд ахборот хизмати буюртмачисининг талабларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот хизматлари бозори субъекти эса «Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғининг ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш, тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи юридик ва (ёки) жисмоний шахс бўлиши мумкин¹. Ахборот хизматлари бозори бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида тез ривожланаётган соҳа эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо, бугунги кунда Интернет хизматларини ҳуқуқий тартибга солиш мумкинми, деган савол долзарб аҳамият касб этади. А.Муҳаммадиевнинг фикрича, Интернет виртуал муҳитининг хусусиятларини ўрганиш, унда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тизимида ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш учун бу муҳитни ахборот соҳаси модели бўйича қисмларга ажратиш ва виртуал ахборот муҳитини тузиш лозим². Бундан ташқари, амалиётда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг ҳамма нормаларини ҳам Интернетнинг оммавий ахборот воситаси сифатидаги фаолиятига тадбиқ этиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. – № 25-26. – 265-м.

² Муҳаммадиев А. Интернетнинг ҳуқуқий аспекти // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003. – № 2. – 63 б.

бўлмайдиган¹. В.О.Калятин фикрича, Интернет хизматидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга эришиш давлатларнинг ўзаро келишуви асосида куйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим: *биринчидан*, Интернет тармоғидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича масалани аниқлаш ҳақида халқаро келишувни тузиш; *иккинчидан*, моддий қонунчиликни унификация қилиш орқали муаммони қисман ҳал этиш; *учинчидан*, Интернетдан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган турли ҳолатларга нисбатан ҳуқуқни қўллашни аниқлаб берувчи халқаро келишувни имзолаш; *тўртинчидан*, Интернет учун махсус халқаро ҳуқуқий режимни ташкил этиш². Муайян давлат ҳудудида эса бу масалани фикримизча, алоҳида махсус қонун, яъни «Интернет хизматлари кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиш орқали тартибга солиш мумкин. Бундан ташқари, ахборот хизматлари ҳақида ЎЗР ФКнинг 38-бобида сўз юритилган бўлса-да, унга ягона таъриф ишлаб чиқилмаган. Назаримизда *ахборот хизматлари деганда субъектнинг фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган ҳаракатини тушуниш зарур*. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ахборот хизматлари соҳасида шартнома муносабатлари ахборотнинг фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларига боғлиқ³.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, матбуот ва ахборот эркинлигининг муҳим кафолати ҳамда босма нашрлар ва ахборот агентликлари мустақил ривожланишининг зарур шарти сифатида уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш босма оммавий ахборот воситалари соҳасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг

¹ Абдуллаев Ж. Оммавий ахборот воситаларига тушунчасига оид айрим назарий-ҳуқуқий масалалар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2006. – № 1. – 70 б.

² Калятин В.О. Проблемы юрисдикции в Интернете // Законодательства. – Москва, 2001. – № 5. – С. 42.

³ Северин В.А. Правовое регулирование информационных отношений // Вестник Московского университета. Сер. 11. Право. – Москва, 2000. – № 5. – С. 29.

муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони¹ долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унга асосан мамлакатимизда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Фонднинг асосий вазибаларидан бири сифатида босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлашнинг белгиланганлиги мазкур соҳада ахборот хизматларини кўрсатиш маданиятини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди. Ўтган йиллар мобайнида Фонднинг замонавий талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳаққоний ва турли хилдаги ахборот материалларини шакллантириш, сақлаш, тез ва кенг тарқатишни таъминловчи мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларида ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш борасидаги лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги самарали фаолияти натижаси ўлароқ, ушбу соҳада соғлом рақобат муҳити изчил ривожланмоқда. Албатта, юқоридаги ижобий ютуқлар билан бир қаторда, фикримизча, бугунги кунда жамиятнинг ахборот хизматларига бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, мазкур хизмат турини миқдор, сифат жиҳатдан самарали кўрсатишнинг методологиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ахборот асри деб номланувчи XXI асрда ахборот хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятнинг глобалъ фаолиятга айланишига, мамлакат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3680-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005. – № 11. – 393-м.

ички ахборот бозорининг жаҳон ахборот бозори билан янада интеграциялашувига, ахборот хизматларининг мамлакатимизнинг чекка худудларига қадар етиб боришига олиб келади.

Реклама хизмати борасида оммавий ахборот воситалари бутун дунёда етакчи реклама тарқатувчилардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида реклама хизмати ахборот хизмати билан ҳамма вақт боғлиқ бўлиб, рекламанинг мазмун-моҳиятига кўра, ахборот тарқатишининг шакли сифатида ҳам баҳо бериш мумкин бўлади. Чунончи, муайян оммавий ахборот воситаларининг ахборот хизматларини кўрсатиш бўйича нуқтаи назари ўзгарса, бу реклама хизматини кўрсатиш ҳолатига ҳам таъсир қилади. Бундан ташқари, «реклама хизмати» тушунчасида хизмат сўзи бошқа шахсга фойда келтирадиган битта шахс ҳаракатига нисбатан қўлланилади. Хизматларнинг натижаси одатда, ғоявий, номоддий кўринишда бўлади¹. Б.Тошевнинг фикрича, рекламанинг яна бир хусусияти шундаки, у ахборотлар бозорини ҳам вужудга келтиради. Тадбиркорликка асосланган субъектлар товар ишлаб чиқариш (иш, хизмат кўрсатиш) ва айирбошлаш учун рақобат олиб борсалар, бир вақтнинг ўзида ахборот олиш ва уни тезда тарқатиш, яъни ахборотлар бозорини эгаллаш учун курашадилар². Оммавий ахборот воситаларида реклама хизматини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунилари ҳамда «Рекламани жойлаштириш тўғрисида»ги Низом³ каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунига шарҳ / И.Б.Зокиров, М.Х.Рустамбоев, О.Оқжолов ва бошқ.; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси. – Т.: Шарк, 2008. – Б. 49.

² Тошев Б. Рекламанинг ҳуқуқий табиати ва аҳамияти // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. – № 3. – 21 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 6 апрелда 1024-сон билан рўйхатга олинган «Рекламани жойлаштириш тўғрисида»ги низом // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. – 2001. – № 7.

солиниб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқий база ўтган мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишларига кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, улар томонидан юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантиришга, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятларида реклама хизматларини кўрсатишда асосий эътиборни буюртмачиларнинг талабларини қондиришга эмас, балки жамият эҳтиёжларига тўғри келишига қаратишлари зарур ҳисобланади. Бунинг учун «Реклама тўғрисида»ги қонунда белгиланган қуйидаги жиҳатларга тўхталиб ўтиш жоиздир:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил йил 10 апрелдаги «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ, реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламани ахборотни жойлаштириши шарт ва бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламани ахборотни бепул жойлаштиради;

иккинчидан, босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил белгилайди. Обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт.

Шунингдек, айти пайтда республикамизда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан тақдим этилаётган хизматларни оммавий ахборот воситалари томонидан реклама қилиш газета, журнал, радио, телевидение, Интернет тармоғи ва почта орқали амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир тури томонидан реклама хизматини тақдим этишнинг ўзига хос ижобий ва салбий ютуқлари мавжудлигига эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, ижобий ютуқларга: а) рекламанинг истеъмолчиларга тез етиб бориши (масалан, газета, радио, телевидение, Интернет

воситалари орқали); б) хизматни арзон нархларда кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги (хусусан, газета, радиода); в) натижанинг тез намоён бўлиши (телевидение, Интернет, почта воситалари орқали) кабиларни киритиш мумкин. Камчиликларни эса *биринчидан*, реклама хизматларига харажатларнинг кўплиги (телевидение, журнал, почта воситалари орқали); *иккинчидан*, ушбу хизматлар истеъмолчилари доирасининг ўзига хос хусусиятга, яъни ҳамма ҳам фойдаланиш имкониятининг йўқлиги (масалан, Интернет тармоғида); *учинчидан*, реклама хизмати кўрсатишдан кўзланган натижага ўз вақтида эришиш имкониятининг йўқлиги (журнал, почта воситалари орқали) кабиларга ажратиш мумкин.

Бундан ташқари, бугунги кунда ахборот хизматларининг тобора кенгайиб бораётган турлари, кўламлари ва ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, ахборотларнинг тезкорлиги, қулайлиги ва ишончлилигини, ахборот инфратузилмасини ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлаш оммавий ахборот воситаларида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш соҳасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Зеро, телекоммуникация тармоқлари инфратузилмасининг энг муҳим элементи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи ахборотни тарқатишнинг энг макбул муҳити ҳисобланади. Шу боис, оммавий ахборот воситаларида телекоммуникация хизматлари қанчалик сифатли кўрсатилса, ахборот хизматлари ҳам шунчалик сифатли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури» оммавий ахборот воситалари томонидан кўрсатилаётган телекоммуникация хизматларининг жаҳон телекоммуникация ва ахборот тармоғига интеграциялашувини таъминлашда, уларнинг сифатли кўрсатилишида долзарб аҳамиятга эгадир. Жумладан, радиоэшиттириш ва телевидение дастурларини узатиш, тарқатиш, ташкил қилиш ва шакллантириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бозор иқтисодиёти шароитига мос тарзда янгича мазмун-моҳият касб этиб бораётганлиги ёхуд телеком-

муникация технологияларини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар 2006 йилда мамлакатимизнинг 220 та чекка ва олис аҳоли пунктларини телерадио тўлқинлари билан қамраб олиш имконини берган¹.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кенгайтириш, уларда консалтинг, маркетинг каби истиқболли хизмат турларини ҳам ривожлантириш тақозо этилмоқда. Чунки, оммавий ахборот воситалари томонидан кўрсатилаётган реклама, телекоммуникация, ахборот хизматларининг айнан бозор иқтисодиёти шароитида консалтинг, маркетинг хизматлари билан узвий боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

4.3. Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий модели ҳақида

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари, энг аввало унинг мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар доирасида мавжуд бўлиши, шунингдек уни кўрсатиш учун шартнома мавжуд бўлиши зарурлигида намоён бўлади. Баъзи юридик адабиётларда таъкидланишича, «хизмат»нинг умумий мазмун-моҳиятининг тарихан шаклланиши шартнома кўринишидаги шахсий ижара (найм)нинг ривожланиши билан биргаликда юзага келган.

Бунда юридик хусусиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, яъни топшириқ шартномаси кўп асрлар давомида шахсий ижара (найм) шартномасидан алоҳида, мустақил ривожланган². Д.И. Степановнинг фикрича, ҳозирги кундагина «хизматлар» фаолиятни амалга ошириш бўйича мажбурият

¹ Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир // Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 176-177-б.

² Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. – Москва: Статут, 2005. – С. 33-34.

объектларининг гурухларига бирлаштирилган тушунчалар билан бир қаторда намоён бўлмоқда. Ва бу ўринда, хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар ва мажбуриятларнинг бир гуруҳга дастлабки равишда бирлашуви юзага келди¹.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида шахсий ижара шартномасига оид нормалар мавжуд эмас, шунингдек ФКнинг 38-бобида мустақкамланган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси шахсий ижаранинг айнан давоми бўлиб ҳам ҳисобланмайди. Зеро, хизмат кўрсатиш шартномаси предмети, тузилиши жихатидан ҳам ундан фарқ қилади. Шу боис, мазкур шартноманинг намунавий модели қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритиш ўринлидир. Шартнома шартларини қайта кўриб чиқиш нафақат юридик адабиётларда, балки иқтисодий адабиётларда ҳам асосий муаммолардан ҳисобланади².

Бундан ташқари, хорижий адабиётларда ҳам шартномада шартлар тўлиқ ўз аксини топмаганда, келгусида амалиётда қайта кўриб чиқилишига эҳтиёж сезиши мумкинлиги ёки шартнома шартларини келгусида ўзгартирмаслик ҳақидаги қоида ўз ифодасини топган бўлса-да, аммо, у келгусида мавжуд талабларга жавоб бермаслиги³, шунингдек шартнома тарафларининг ўз хоши-истакларини ифода этувчи шартларни аниқ белгилай олмаслиги, келгусида юз бериши мумкин бўлган вазиятларга жавоб берадиган шартларни олдиндан назарда тутмаслиги⁴ билан боғ-

¹ Степанов Д.И. Ўша манба – С. 251-252.

² Tirole, Jean. Incomplete Contracts: Where Do We Stand? // *Econometrica*, 1999. – P. 741.

³ Patrick W. Schmitz. Should contractual clauses that forbid renegotiation always be enforced? // *The Journal of Law, Economics & Organization*, Vol. 21, № 2, 2005. – P. 323. *Изоҳ:* Ушбу олим ўз навбатида мазкур муаммо Chung, Tai-Yeong. (Манба: Chung, Tai-Yeong. Incomplete Contracts, Specific Investments, and Risk Sharing // *Review of Economic Studies*, 1991. – P. 42.), Edlin, Aaron S., and Stefan Reichelstein (Манба: Edlin, Aaron S., and Stefan Reichelstein. Holdups, Standard Breach Remedies and Optimal Investment // *American Economic Review*, 1996. – P. 478–501.), Fudenberg, Drew, and Jean Tirole (Манба: Fudenberg, Drew, and Jean Tirole. Moral Hazard and Renegotiation in Agency Contracts // *Econometrica* 1990. – P. 319.), De Fraja, Gianni (Манба: De Fraja, Gianni. After You Sir. Hold-up, Direct Externalities, and Sequential Investment // *Games and Economic Behavior*, 1999. – P. 22–39.) каби олимлар томонидан ҳам ўз вақтида бидирганликларини таъкидлаб ўтади.

⁴ Steven Shavell. On the writing and interpretation of contracts // *The Journal of Law, Economics & Organization*, Vol. 22, № 2, 2006. – P. 289.

лик муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни кузатиш мумкин. Шу сабабли, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартнома каби хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шакли, мазмун-моҳияти қанчалик ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, айниқса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида у шунчалик кенг қўлланилади.

Маълумки, юқоридаги параграфларда таъкидлаб ўтганимиздек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган, консенсуал, икки томонлама ва оммавий шартномаларга хос бўлган белгиларга эга. Аммо мазкур шартноманинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлса, унинг бошқа ўзига хос жиҳатларини ҳам учратиш мумкин. Ушбу ўзига хос жиҳатлар эса хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг тузилиши ҳар доим маълум ҳаракатларни (ёки фаолиятни) кўрсатиш жараёнининг мажбурий-ҳуқуқий характерга эга эканлигини белгилашда, унинг сифатини аниқлаш муаммоси юзага келишида ёки аксинча, ушбу муаммоларни бартараф этишда, фойдаланишда ёхуд олди-сотди шартномаси ёйинки пудрат шартномаларининг¹

¹ *Изоҳ:* Маълумки, энергия таъминоти шартномаси олди-сотди шартномаси таркибига киритилган. Бу ўринда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, туташтирилган тармоқ орқали иссиқлик энергияси билан таъминлаш муносабатларига нисбатан «Энергия таъминоти»га оид ФКнинг тегишли параграфи қоидалари қўлланади (ФКнинг 478-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, энергия таъминоти шартномаси олди-сотди шартномасининг бир тури сифатида тартибга солувчи ФКнинг 468-477-моддалари нормалари агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан қўлланади (ФКнинг 478-моддаси иккинчи қисми).

Кодекснинг ушбу қоидаларидан кўришиб турибдики, қонун чиқарувчи олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий тузилишидан фойдаланиб, мазкур муносабатларни тартибга солиш йўлидан борган. Аммо бу ўринда пазаримизда, мазкур муносабатлар бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан ҳам тартибга солинади. Хусусан, пудрат шартномаси (табiiй ресурсларни казиб чиқариш, уларни дастлабки қайта ишлаш ва маҳсулот тармоғи бўйича ташиш йўли билан етказиш юзасидан ҳаракатлар) ёки ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси нормалари ҳам вужудга келиши мумкин. Шу боисдан, ҳам фикримизча энергия таъминоти билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни олди-сотди шартномаси нормалари билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

хукукий тузилишига таъсир этишида (айниқса, мазкур шартномалар билан боғлиқ эканлигида) намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг алоҳида ўзига хос хусусияти хизмат кўрсатиш жараёнини ҳукукий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган юридик нормалар фуқаролик қонунчилигида номлари ўз аксини топган бошқа ўхшаш шартномалар билан тартибга солинмаган муносабатларни қамраб олишидадир. Ва айнан мазкур хусусият фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида хизматларнинг юридик конструкцияси учун универсал хусусият эканлиги ҳақида сўз юритишга имкён беради.

Маълумки, хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларнинг юзага келишига ҳукукий асос ФҚда берилган таърифнинг мазмун-моҳиятига кўра (ФҚнинг 102-моддаси, 353-моддасининг биринчи қисми), икки ёки кўп томонлама¹ битимни акс эттирувчи фуқаролик-ҳукукий шартнома, яъни икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар аслида унда иштирок этувчи шахсларнинг (буюртмачи ва ижрочи) эркин интилишини унификациялаш йўли билан эришиладиган келишув асосида юзага келишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу боис, мазкур

¹ *Изоҳ:* Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шартномаларни нафақат бир томонлама, балки кўп томонлама битимлар (ФҚнинг 102, 353-моддалари) сифатида ҳам аниқлаштириш, уларни ўрганиш масаласи бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи назарияси олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунончи, хусусий ҳуқуқнинг анъанавий таълимоти шартномани фақат икки томонлама битим сифатида қараши нуктаи-назаридан, фикримизча уларнинг *кўп томонлама бўлиши мумкинлигига оид хусусияти* ҳақида сўз юритиш баҳсли масалани юзага келтириши мумкин. Чунки, битимларнинг бир томонлама ёки икки томонлама битимларга тақсимланиши, уларда иштирок этувчи тарафларнинг сонига қараб эмас, балки ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бўлиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Кўп томонлама битимлар (шартномалар) эса мазкур юридик конструкция мазмун-моҳияти жиҳатидан эса, ўз ечимини қутаётган, тегишли умумий қондаларни ишлаб чиқишни тақозо этаётган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан, ўз навбатида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар ҳақида сўз юритганда, фақатгина икки томонлама эканлигини ҳисобга олиш, шу билан бирга улар кўп томонлама ҳам бўлиши мумкинлигини инкор этмаслик лозим.

шартноманинг муҳим аҳамиятга эга бўлган барча шартларини келишишга эришиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (ФКнинг 354-моддаси бешинчи-еттинчи қисмлари). Шу нуқтаи назардан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг мазмунини ташкил этувчи шартларни ўрганиш мазкур шартноманинг ўзига хослигини аниқлашда принципиал аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг намунавий моделини ўрганишда энг аввало, унинг амалдаги Фуқаролик кодексида қай даражада ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлигини эътиборга олиш лозим. Чунки, ФКда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига бағишланган моддалар сони (703-708-моддалар) анча кам, яъни бор-йўғи олти моддани ташкил қилади, уларнинг иккитаси (703-модданинг иккинчи қисми ва 708-модда қоидалари) ҳаволаки (юридик-техник) нормалардан ташкил топган. ФКнинг 38-бобидаги мазкур қоидалар билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ тартибга солинган деб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай шартномада тарафлар томонидан келишилган ва мустаҳкамланадиган шартларнинг йиғиндиси шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади¹. Шартнома шартлари эса ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни қайд қилиш усулини намоён этади². Ва шу сабабли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг мазмунини кўриб чиқишнинг назарий ва амалий аҳамиятини шартноманинг муҳим шартлари ташкил этади. Агар уларнинг биронтаси бўлмаса, шартнома ҳам йўқ, бошқача айтганда, шартнома тузилмаган, деб ҳисобланади. Ҳ.Р.Раҳмонкулов таъкидлаганидек, ҳар қандай шартнома мазмунининг тўлақонлиги кўп жиҳатдан унинг шартлари қанчалик қонуний ва аниқлигига, шунингдек ушбу шартларни қай даражада бажаришга боғлиқ ҳисобланади³. ФКнинг 364-моддаси иккинчи қисмига муво-

¹ Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 237-б.

² Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. – Москва: Статут, 1997. – С. 238.

³ Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 237-б.

фик эса, шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Демак, ҳар қандай хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома энг аввало, унинг предметини аниқлашга оид талабларга жавоб бериши учун унда *қандайдир хизматлар кўрсатишга қаратилган кўрсатма бўлиши* лозим. Чунки, мазкур муҳим шарт ушбу шартноманинг белгиларини «тасвирловчи» омил сифатида намоён бўлади, бир сўз билан айтганда, усиз хизмат кўрсатиш шартномасининг мавжудлиги ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди.

Шунингдек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган битимлар тоифасига кирганлиги боис, *баҳо ҳақидаги шартни мазкур тоифадаги шартнома учун муҳим шартлардан бири сифатида тан олиш* мақсадга мувофиқ. ЎЗР ФКда назарда тутилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг норматив-ҳуқуқий модели (38-боб) ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан илк бор ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур шартноманинг номидан кўриниб турибдики, у хизматларни текинга кўрсатишга қаратилган муносабатларга тадбиқ этилмайди. Аммо фуқаролик муомаласида хизмат кўрсатишга қаратилган айрим шартномалар текинга ҳам тузилиши мумкин¹. Хизмат кўрсатиш шартномаларининг норматив-ҳуқуқий модели қандай бўлиши кераклиги масаласини тадқиқ этган Е.Д.Шешенин мазкур шартноманинг текинга тузилишини тартибга солиб турувчи моделини ҳам ФКнинг хизмат кўрсатиш шартномасини тартибга солиб турувчи боби лойиҳасида ифодалаш зарурлигини тақлиф этган². М.В.Кротов эса текинга кўрсатиладиган хизматлар товар бўлиб ҳисобланмайди ва шу боисдан ҳам у

¹ *Изоҳ*. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида «хомийлик (хомийлик фаолияти)»ка берилган тушунчада юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатишда ифодаланадиган ихтиёрий бсғараз ёрдами (фаолияти) ҳам қамраб олинганлигини кузатиш мумкин.

² Шешенин Е.Д. О нормативном регулировании отношений по оказанию услуг // Актуальные проблемы гражданского права. – Свердловск, 1986. – С. 93.

фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинмайди, деб ҳисоблайди¹. Текинга кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ муносабатларнинг қулай фуқаролик-ҳуқуқий модели борасида Д.В.Мурзин агарда текинга кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ мажбуриятлар амалда бўлиш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда уни ҳуқуқий тартибга солиш айнан ҳады шартномаси доирасида амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди². Шу билан бирга у ҳады шартномасининг предмети ғоят пухталиқ билан ёзилганлигини, бу борада аналогияга ёки кенг шарҳлашга ўрин йўқлигини тан олади³. А.Л.Маковский эса фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги аксарият шартномалар «ҳақ эвазига тузилиши» характерига эга эканлигини таъкидлаб, ҳады олувчи учун муайян ишларни бажариш ёки унга муайян хизматларни кўрсатишга оид ҳады қилувчининг мажбурияти сифатида бошқа текинга тузиладиган шартномалар сингари мазкур шартномаларни тузиш имкониятини ҳам инкор этмайди. Унинг фикрича, фуқароларнинг бири-бирига ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишига оид хизматлар доирасининг ўзига хос хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга эмас, шу боисдан ҳам текинга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ муаммога баҳо беришга асос йўқ. У томондан ушбу шартномалар бўйича муносабатларни 32-боб⁴ қоидалари билан бир қаторда, зарур ҳолларда ФКнинг тегишли ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларга оид қоидаларини аналогик тарзда қўллаш орқали тартибга солишни таклиф этади⁵.

Албатта, А.Л.Маковский томонидан таклиф этилган юридик новелладан ҳады қилувчи – хизмат кўрсатувчилар ва ҳады олувчи

¹ Кротов М.В. Обязательства по оказанию услуг в советском гражданском праве. – Ленинград, 1990. – С. 56.

² Мурзин Д.В. Моделирование безвозмездного обязательства по оказанию услуг // Цивилистические записки: Сб. науч. трудов. Вып. 2. – Москва, 2002. – С. 375.

³ Мурзин Д.В. Ўша манба. – С. 375.

⁴ *Изоҳ*: бу ўринда «Ҳады» деб номланувчи 32-боб назарда тутилмоқда.

⁵ Маковский А.Л. Дарение (глава 32) // Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. – Москва, 1996. – С. 303.

– хизматдан фойдаланувчилар сифатида фуқаролар қатнашган ҳолларда фойдаланиш мумкин. Аммо мазкур юридик конструкцияни ЎЗР ФКнинг 505-моддасида назарда тутилган чекловларга мувофиқ, тижоратчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда қўллаш мумкин эмас. Бундан ташқари, профессионал хизмат кўрсатувчилар томонидан текинга хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг модели муайян асосларга таяниши, бошқача айтганда, мазкур моделнинг мавжудлиги фақат қонун билан белгиланган умумий қоидалардан ташқарида юзага келадиган муносабатларда назарда тутилиши лозим. Зеро, бундай ҳолатларни айни пайтда ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кўчирма нусхаларини беришга доир хизматлар рўйхатга олиш маркази томонидан бепул кўрсатилади.

Маълумки, ҳар хил хизмат турларини кўрсатиш соҳасида баҳоларни тартибга солишда қонун ҳужжатлари мажмуи жуда ҳам кўп. ЎЗР ФКнинг 356-моддаси иккинчи қисми қоидалари мазмун-моҳиятидан тартибга солинадиган баҳоларни қўллаш шакллари ҳам «тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари»га тааллуқли эканлигини кузатиш мумкин. Бунга мисол сифатида эса «Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси»¹ ёки “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномани² ёхуд Ўзбе-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 52. – 523-м.

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 5 ноябрда 1867-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008. – № 44-45. – 450-м.

кистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 31 январдаги «Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида»ги БА/30-01-21-/2005/20-/17-30/115-КХ-/18/452-сонли йўриқномавий хатини келтириб ўтиш жоиз. Бугунги кунда республикада юқоридаги каби баҳоларни тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар кўп. Шу боис, назаримизда, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги бундай ҳолатни миллий хусусиятлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур. Ушбу жараённи хорижий давлатлар тарихида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, М.И.Кулагиннинг асарида Франция давлатида 1945 йилдан 1978 йилгача бўлган давр мобайнида баҳони тартибга солиш соҳасида 26,5 мингта қарор чиқарилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд¹. Айрим давлатларда баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш бўйича махсус қонунлар ҳам қабул қилинган. Жумладан, Австрияда «Баҳолар тўғрисида»ги Қонун (1945 й.), Данияда «Баҳолар ва даромадлар тўғрисида»ги (1974 й.) ва «Рақобат тўғрисида»ги қонунлар (1989 й.), Норвегияда «Баҳолар, даромадлар ва чекланган рақобат устидан назорат тўғрисида»ги Қонун (1953 й.) қабул қилинган². Мамлакатимизда баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги раҳбарий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони³ дир.

Хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда баҳоларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

¹ Кулагин М.И. Предпринимательство и право: опыт Запада. – Москва, 1992. – С. 21.

² Солнцев В. Государственное регулирование цен и контроль за их применением // Экономист, 1996. № 9. С. 33.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-339-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. – № 4. – 195-м.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши *биринчидан*, баҳони тартибга солиш соҳасидаги турли давлат органларининг ваколатларини аниқлаш имкониятини яратади; *иккинчидан*, баҳо билан боғлиқ соҳада шартномалар эркинлигини амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий қафолатларни таъминлаш орқали белгиланадиган ва тартибга солинадиган баҳоларни қўллаш соҳаси ва асослари аниқ белгиланади; *учинчидан*, муайян ҳуқуқбузарликлар учун тегишли санкцияларнинг самарали механизми назарда тутилади; *тўртинчидан*, баҳолар ва тарифларни давлат томонидан тартибга солиш услублари ҳамда баҳоларни шакллантириш ва улар даражасига таъсир кўрсатиш шакллари норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасида мустаҳкамланади.

Бу эса айрим олимлар томонидан товарлар, ишлар, хизматларга баҳоларнинг ўрнатилиши ва қўлланилиши ҳам давлат томонидан тартибга солиб борилмоғи лозим¹лигига оид билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, «қонунда ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таъкидлаб ўтилган муҳим ёки лозим сифатида қараладиган шартлар»² муҳим ҳисобланади.

Муҳим ва лозим шартлар сифатида тегишли шартноманинг табиатини акс эттирувчи шартларни ҳисоблаш зарур, чунки улардан исталган бири бўлмаса, ўзаро келишув ҳам тарафларга ушбу муносабатларда уларни аниқ мажбуриятга айлантириши мумкин бўлган сифатни бера олмайди»³.

¹ Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик / Таҳририят хайъати: Ҳ.Раҳмонқулов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Тошкент: «Консаудитинформ», 2002. – 350-б.

² *Изоҳ*: Мазкур шартлар мазмун-моҳияти ҳақида ФКнинг 364-моддаси биринчи қисми қоидалари (агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади) бўлса-да, аммо кейинги йилларда қабул қилинаётган қонунларда (масалан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва х.к.) ушбу шартлар гуруҳига тўғридан тўғри кўрсатмалар белгилаб қўйилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

³ Иоффе О.С. Советское гражданское право: Курс лекций. Отдельные виды обязательств. – Ленинград: Издательство ЛГУ, 1961. – С. 28.

Мухим шартлар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши мумкин.

Масалан, ФКнинг 929-моддасида суғурта шартномасининг муҳим шартлари ҳақида сўз борса, 853-моддада эса мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, *муддатларни белгилашга* доир шарт ҳам аксарият хизмат кўрсатиш шартномаларида муҳим ҳисобланиб, унинг ФКда белгиланган айрим хизмат кўрсатиш шартномаларида намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Хусусан, муддат ҳақидаги шарт ФКнинг 929-моддаси талабларига мувофиқ, мулкий ҳамда шахсий суғурта шартномаларида белгиланиши лозим бўлган муҳим қоидалар қаторига киради. Бошқа ҳолларда эса муддат бир тарафнинг хоҳиши бўйича шу муносабат юзасидан келишувга эришилгандагина муҳим шарт бўлиши мумкин.

Айрим хизмат кўрсатиш шартномаларида (айниқса, узок муддатга тузиладиган шартномаларда) бошланғич ва охири муддатлар, баъзи ҳолларда эса тарафларнинг келишуви бўйича шартномада оралиқ муддатлар, яъни фаолиятнинг алоҳида босқичларини яқунлаш муддатлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Бундай ҳолларда тарафлар келишувида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, хизмат ижрочиси бошланғич ва охири муддатлар бузилиши бўйича қандай жавобгар бўлса, оралиқ муддатни бузганлиги учун ҳам шундай жавобгар бўлади.

Бироқ, ижрочи томонидан муддат ўтказиб юборилиши оқибатида буюртмачи учун манфаат йўқолган ҳамда хизмат кўрсатишнинг охири муддати бузилган тақдирдагина, буюртмачи ижро этилган хизматни қабул қилишдан воз кечишни хабар қилишга ҳақли (ФКнинг 708-моддаси, 635-модданинг иккинчи-тўртинчи қисмлари, 337-модданинг иккинчи қисми).

Мазкур қоидалар фикримизча, умумий қоидалар бўйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига бошланғич муддатни, яъни ижрочи хизмат кўрсатишга киришишга лозим бўлган

муддатни шартномага киритиш лозимлигига доир мажбуриятни келтириб чиқармайди¹.

Бошқача айтганда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида муддатларга доир шартларни белгилашда кўрсатиладиган хизматларнинг *бир марталик ва бир пайтда бўлиши* ҳамда *узоқ муддатли ва абонемент хизматлар* (масалан, умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этишда²) учун алоҳида аҳамият касб этишини эътиборга олиш зарур.

Яъни, хизматларнинг бир марталик ва бир пайтда кўрсатилиши лозим бўлган шартномаларда нафақат охириги муддатни (оралиқ муддатни), ҳатто бошланғич муддатни ҳам киритиш ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, бу ўринда муддат билан боғлиқ қондалар фақатгина узоқ муддатли ва абонемент хизматлари учунгина аҳамиятлидир.

Муҳим шартлар қаторига *тарафлардан бирининг таклифига кўра, келишиб олинishi лозим бўлган шартларни* ҳам киритиш мумкин. Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, шундай шартлар борки,

¹ *Изоҳ:* Маълумки, пудрат шартномасининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан фаркли жиҳати пудрат шартномаси бўйича пудратчи нафақат муайян ишни бажариши, балки унинг натижасини буюртмачига топшириши лозимлигида намоён бўлади. Шу боисдан ҳам пудратга доир ишларни бажариш учун бошланғич ҳамда охириги муддатларни, айрим ҳолларда оралиқ муддатларни ҳам белгилаш зарур ҳисобланади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича эса ижрочи моддий натижага эга бўлмаган муайян ҳаракатни ёки муайян фаолиятни амалга оширишга мажбур. Фуқаролик Кодекси бўйича хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажариш жойи ва муддатлари ҳақида махсус қондалар ўз аксини топмаган. Зеро, мазкур қондалар шартномада муайян хизматни «тасвирлаш» орқали аниқлаштирилган ҳолда баён этилиши мумкин. Аммо амалиётда предмети ҳам ишни бажариш, ҳам муайян хизматни кўрсатиш ҳисобланган шартномалар тузилиши мумкин. Масалан, буюртмачи объектларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган ижрочи томонидан қурилиш техникаси воситадан фойдаланган ҳолда муайян ишни бажариш ҳамда муайян хизматни кўрсатишда буюртмачи томонидан ўз ҳисобидан техника воситаларини етказиб бериш мажбурияти шартномада назарда тутилган бўлса, мазкур муносабатларда бошланғич ҳамда охириги муддатларни белгилашга зарурият йўқ деб ҳисоблаш мумкин бўлади (яъни, бу борада ФКнинг 635-моддаси қондаларини қўллашга эҳтиёж қолмайди).

² *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-сон билан рўйхатга олинган «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қондалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 11. – 130-м.

уларсиз ҳам шартномани тузилган деб эътироф этиш мумкин, ammo муайян ҳолларда бошқа тарафнинг розилиги билан шартномага киритиш зарурати пайдо бўлган шартлар ҳам муҳим шартларга айланади¹. Ҳақиқатан ҳам мазкур шартлар бўйича келишувга эришилмаганда шартнома тузилган деб эътироф этилмайди. Масалан, ихтиёрий тиббий суғурта шартномасини тузган шахснинг таклифи бўйича унга муайян тиббий хизматлар белгиланган муассасада кўрсатилиши лозимлиги ҳақидаги шарт шартномада мустақамланиши мумкин. Шартноманинг бундай муҳим шартни бажарилмаганда эса, у бошқа тараф томонидан шартнома бузилганда бекор қилиниши мумкин (ФКнинг 382-моддаси).

Шартномани тузилган деб ҳисоблаш учун етарли ҳисобланадиган келишувга эришишнинг муҳим шартларидан ташқари, фуқаролик ҳуқуқи назариясида шартномада бошқа шартларни белгилаш ҳам таклиф этилган. Хусусан, айрим адабиётларда *одатдаги* (*ёки одатда учрайдиган*) шартлар ва *тасодифий* (*ўзига хос*) шартлар тегишли гуруҳга ажратилади². Шу билан бирга, баъзи юридик адабиётларда эса шартноманинг муҳим шартларидан ташқари бошқа шартларга ўрин йўқлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилган³.

Мазкур нуқтаи назарларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосага келиш мумкин: фикримизча, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида «*одатдаги*» деб номланадиган шартларни ажратиш зарурлигини назарда тутувчи фикр-мулоҳазаларга қўшилса бўлади, чунки айрим ҳолларда бу каби шартлар мазмун-моҳиятида қонун нормалари (императив ёки диспозитив қоидалар, агарда диспозитив шартнома қоидалари билан ўзгармаган бўлса)

¹ Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 240-б.

² Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. (I қисм). – Тошкент: Адолат, 1996. – 286-287-б; Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 240-241-б; Иоффе О.С. Обязательственное право. – Москва: Юридическая литература, 1975. – С. 29-30.

³ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. – Москва: Статут, 1997. – С. 243; Витрянский В.В. Существенные условия в отечественной цивилистике и правоприменительной практике // Вестник ВАС РФ. – Москва, 2002. – № 5. – С. 134.

намоён бўлади, бошқа ҳолларда эса бундай шартларни шартноманинг муҳим шартлари каторига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шартноманинг юқорида таъкидлаб ўтилган муҳим шартларга тегишли бўлмаган иккинчи гуруҳи, яъни «*тасодифий ёки ўзига хос*» шартларга ҳам муҳим бўлмаган шартлар сифатида қараш мумкин эмас. Чунки тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, ушбу шартлар шартномага киритиладиган бўлса, унда улар ҳам муҳим шартлар мақомига эга бўлиши мумкин. Мазкур шартлар фақатгина фуқаролик ҳуқуқи назариясида ажратилиб, қонун чиқарувчи шартноманинг бундай шартларга эътибор қаратмайди. Бироқ фикримизча, бу жиҳат уларнинг умуман мавжуд эмаслигини билдирмайди. Чунончи, маслаҳат хизматларини кўрсатиш шартномасида, буюртмачи маслаҳат берилгандан кейин ўзининг кутаётган натижасига эришса, ўз ҳамкасбларига айнан мазкур маслаҳатни берган мутахассиснинг хизматини тавсия этиш мажбуриятини олишини назарда тутувчи ўзига хос шартлар кўрсатилиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш шартномаларида ҳам тасофидий шартларни киритишда тарафларнинг нуқтани назарлари бирлашади, бундай шартлар эвазига шартнома тарафлари жавобгарликларининг кўшимча шаклларини мустаҳкамлаш ва муайян таваккалчиликларни қайта тақсимлаш имконияти юзага келади. Шу билан бирга, мазкур шартнома моделини баён этишда ушбу шартларни яқуний тарзда «тасвирлаш»нинг имконияти ҳам мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан тузиладиган хизмат кўрсатиш шартномаларининг барча шартларини шакллантириш манбаларига қараб уларни расмий (қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқувчи) ва муайян қоидаларни ҳосил қилувчига (тарафлар томонидан ўзаро келишувга мувофиқ белгиланадиган) ажратиш мумкин. Мазкур таснифлаш доирасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси предмети ҳақидаги шартни расмий (бевосита қонун талабларидан келиб чиқувчи) шарт деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг анъанавий шартлари мажмуидан келиб чиққан ҳолда, ФК кўрсатилган хизматта ҳақ тўлаш тартиби ҳақидаги шартни ва учинчи шахсларни

хизматни бажаришга жалб қилиш мумкинлиги ҳақидаги шартни диспозитив тарзда тартибга солади. Ушбу қоидага мос равишда кўрсатилган ҳолатлар ФКда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалардан фарқли равишда шартномада бошқа тарзда белгиланган бўлса-да, уларни ҳам расмий (қонуний) шартлар, шартноманинг бошқа барча шартларини муайян қоидаларни ҳосил қилувчи (яъни, тарафлар томонидан ўзаро келишувга белгиланадиган) шартларга тегишли деб ҳисоблаш мумкин. Чунончи, ФКнинг 705-моддаси биринчи қисмида буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шартлигига оид қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ўринда, ФКнинг 38-бобида хизматга ҳақ тўлаш тартибига оид ҳеч қандай тўлдирувчи қоидалар бўлмаса-да, бу ҳолатда ФКнинг 708-моддасига асосланиб, 638-модда (662-модда) нормаларини қўллаш мумкин. Бундан эса, агарда тарафлар келишувидея бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, хизматларга тегишли қонун нормасини аналогик тарзда қўллаш орқали ҳақ тўланиши керак, деган хулоса келиб чиқади.

ФК агарда шартномада назарда тутилган бўлса, *ижрочи шартномани бажариш учун учинчи шахсларни жалб қилиши* мумкинлиги ҳақидаги анъанавий нормани ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси конструкциясида мустаҳкамлаб қўйган (ФКнинг 704-моддаси). Аммо мазкур масалани буюртмачи билан олдиндан келишган ҳолда амалга ошириш мумкин. Қонун чиқарувчи хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятни шахсий характерга эга мажбурият сифатида назарда тутмаслиги боис, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича буюртмачининг ҳуқуқлари ижрочининг розилигисиз бошқа шахсларга эркин ўтказилиши мумкин¹. Хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятда кредиторларни алмаштириш эркинлиги

¹ *Изоҳ:* Назаримизда хизмат буюртмачисининг шахси умумий қоидалар бўйича ижрочига ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги лозим. Чунки, агарда айнан маълум шахсга қаратилган бўлмаса, мажбурият юклатилган шахсга хизматни кимга бажаришнинг умуман фарқи йўқ. Аксинча, буюртмачи учун хизмат ижрочисининг шахси муҳим бўлиши мумкин, чунки буюртмачи хизматлар ижроси шахсини эътиборга олган ҳолда, мазкур ижрочи билан шартномани тузмаслиги ҳам мумкин.

қонун ёки шартнома асосида чегараланган бўлиши мумкинлигини (ФКнинг 313-моддаси иккинчи қисми).

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг муайян қоидаларни ҳосил қилувчи (тарафлар томонидан ўзаро келишувга мувофиқ белгиланадиган) шартлари борасида сўз юритилганда, *хизматлар сифати тўғрисидаги шартга* эътиборни қаратиш лозим. Чунки, мазкур шарт шартнома мазмунига киритилган бўлса, у одатда тасодифий шартларга тегишли бўлганлиги боис, хизмат кўрсатиш шартномасининг муҳим шартларига қараганда, декларатив ҳисобланади. Аммо амалиётда бугунги кунда профессионал хизмат кўрсатувчилар томонидан кўрсатилаётган хизматларда буюртмачи томонидан шартномада хизмат сифати ҳақидаги шартни белгилашни талаб қилиш ҳоллари учраётганлиги сабабли, мазкур шартни ҳам ҳақиқатда муҳим шарт сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. ФКнинг 38-бобида хизмат сифати масалалари умуман тартибга солилмаганлигини кузатиш ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар асосида бунинг сабабларини изоҳлаш мумкин. Аммо аналогик равишда қўлланиладиган мазкур қоидалар (ФКнинг 647-моддаси) фикримизча, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий тенденциясига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки, хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик фаолияти субъектлари профессионал мақомга эга бўлмоқда. Ўз навбатида, улар учун томонидан ҳам профессионал бўлмаган хизмат кўрсатувчилар учун хизматларнинг сифатига доир ягона талабларни белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, бозор иқтисодиётининг табиий қонуниятларидан бири – соғлом рақобатнинг мавжудлиги шароитида профессионал хизмат кўрсатувчилар учун хизматлар сифатининг юқори мезонларини тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш лозим.

Умуман, профессионал ижрочиларга қўйиладиган талабларни «юқори босқич»га кўтариш вақти келди. Хусусан, профессионал ижрочи агарда шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятни мустақил равишда ташкил этиши, хизмат кўрсатиш учун зарур материалларни, воситаларни, машина ва ускуналарни ўзи тақдим этиши лозим. Бунда у тақдим этилган материаллар, ускуналарнинг лозим дара-

жадаги *сифати* юзасидан жавобгарликни ўз бўйнига олиши зарур. Амалиётда хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятни бажариш мақсадида материал ва ускуналарнинг у ёки бу тараф томонидан тақдим қилиниши билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган вазиятларда мазкур мол-мулкларнинг тасодифий нобуд бўлиши хавфи кимга юклатилади, деган ҳақли савол туғилиши ҳам мумкин. ФКнинг 175-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган умумий тамойилларга кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ижро этиш учун муайян мол-мулкни тақдим қилган ижрочи, агар ФКда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унинг тасодифий нобуд бўлиши ёки тасодифий бузилиш хавфини ўз зиммасига олиши лозим. Шунингдек, буюртмачи томонидан ижрочиغا берилган мол-мулкни тасодифий нобуд қилишнинг хавфи ҳам қўшилишини (яъни, агар тарафлар келишувига мувофиқ, материаллар, машиналар, ускуналар буюртмачи томонидан тақдим этилса, ижрочи уларнинг сақланиши бўйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бажарилиши учун унинг тасарруфида турган бошқа мол-мулкларга тенг миқдорда жавобгарликни олишини (ФКнинг 708, 641-моддалари) инкор этмаслик лозим. Агарда хизматни бажариш учун бирон-бир материал талаб қилинса ва у тарафларнинг келишувига кўра, буюртмачи томонидан тақдим қилинса¹, ижрочи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш тугаганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдиғини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт (ФКнинг 708, 640-моддалари).

Шунингдек, ФК ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси шаклига нисбатан бирон-бир алоҳида қондан иборат бўлмайдиган. Аммо бунда, ФКнинг 107, 108, 366-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган умумий қоидаларни қўллаш мумкин. Фикримизча, мазкур

¹ *Изоҳ:* Истеъмол хизматларини кўрсатаётганда ижрочи буюртмачидан материалларни қабул қилишда шартномада буюртмачига бериладиган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви бўйича белгиланадиган баҳоси кўрсатилиши керак. (ФКнинг 708, 661-моддалари).

шартномани тузишда шартнома предметини аниқлашнинг ўзи кифоя қилади ва шакл муҳим аҳамиятга эга эмас.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида белгиланган мажбуриятларни бажармаслик хавфини тарафлар ўртасида тақсимлашга ФК анъанавий равишда ёндашади ва агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, хизматлар номоддий натижасини олмаслик хавфи ижрочига тўланадиган пул маблағларини олмаслик хавфига қарама-қарши қўйилишини назарда тутади. Хизматларга ҳақ тўлашнинг бошқача тартибида (масалан, буюртмачи томонидан ҳақни тўлик ёки қисман олдиндан тўлаб қўйиш ҳолатларида) буюртмачи хавфи (у томондан хизмат кўрсатиш тугагунга қадар тўланган аванс ҳолатларига қараганда) ижрочи таваккалчилигига қараганда анча юқори бўлади. Албатта, мазкур қонданинг мазмун-моҳияти тушунарли бўлиб, хизматларни кўрсатувчи ижрочи келишилган ҳақнинг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Буюртмачи эса лозим даражадаги хизмат ижросини олмагандан сўнг, ижрочидан муайян ҳаракатни ёки муайян фаолиятни натура тарзида бажаришни ёки пулни қайтаришни талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, хизматга ҳақ тўлашнинг аванс кўринишида буюртмачи ижрони талаб қилишдаги юқори ҳаражатлар билан боғлиқ катта хавфга дуч келиши мумкин.

Фуқаролик Кодекси ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг хизматни топшириш тартиби ҳақидаги шартни, шунингдек назарда тутилаётган ижобий натижаларга эришилганлигини тасдиқловчи асосларни назарда тутмайди. Мазкур шартнома турига субсидиар равишда пудрат шартномаси, аниқроғи, маиший пудрат ҳақидаги умумий қоидаларни қўллаш мумкин (ФКнинг 631-655, 656-665-моддалари), лекин кўрсатилган нормалар пудрат ишларининг натижасини топшириш тартибини тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олмайди. Қурилиш пудрати учун ишларни топшириш тартиби (ФКнинг 680-моддаси) назарда тутилган бўлса-да, мазкур қондани хизматга тадбиқ этиб бўлмайди. Шу боисдан, мазкур масалани ФКнинг 38-бобида диспозитив норма тарзида баён этиш орқали ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу қонданинг фуқаролик қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилмаганлиги амалиётда хизмат кўр-

сатиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажаришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқоридаги фикр-мулоҳозалар ЎзР ФКда фақатгина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш намунавий шартномасининг модели қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги принципиал ҳолатларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бундай конструкциянинг қандай ишлаётганлигини эса, хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик масалаларини ёхуд мазкур шартномаларни бир томонлама бекор қилишда вужудга келадиган муаммоларни кўриб чиқишда аниқлаш мумкин.

5-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ АСОСЛАРИ

5.1. Хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан, шунингдек, жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим принципларидан бири қонуннинг устунлиги ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади¹.

Бозор механизмининг энг асосий хусусиятларидан бири барча хўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш² ҳисобланади. Тадбиркорлар (фуқаролар, юридик шахслар), қоида тариқасида, ўз мажбуриятларини онгли ва ихтиёрий равишда бажаришдан манфаатдордирлар. Бозор иқтисодиёти шароитларида бундай манфаатдорликка сабаб шундаки, тадбиркорлар амалга ошираётган фаолият таваққалчилик ва ўзларининг мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилади, буткул ўзлари олаётган даромадларга боғлиқ бўлади³.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликлари билан боғлиқ масаланинг у ёки бу жиҳатлари фуқаровий-ҳуқуқий

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 321-б.

² Каримов И. А. Ўша манба. – 321-б.

³ Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 138-б.

жавобгарликнинг умумий мазмун-моҳияти¹, шунингдек юридик жавобгарликнинг бошқа турлари, яъни маъмурий, жиноий жавобгарлик² нуқтаи назаридан ўрганилган. Лекин, айнан тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари талабларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи ягона йўналиш сифатида тадқиқ этилмаган. Бозор муносабатларини тартибга солишда ва бу соҳага доир шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда эса фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик асосий восита ҳисобланади³. Бинобарин, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий мақсади, аҳамияти шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида ёхуд ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни мулкӣ муносабатларнинг иштирокчиларидан ундиришдан иборат. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликдан фарқланади⁴. Р.Ж.Рўзиев тўғри таъкидлаганидек, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим

¹ Раҳманкулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. – Ташкент: Фан, 1989.; Гражданское право: Учебник. В 2-х т. Т. 1 / Под ред. Е.А. Суханова. – Москва: БЕК, 1993. – С. 172-173; Гражданское право: Учебник Часть 1 / Под ред. Ю.К. Толстого, А.П.Сергеева. – Москва: ТЕИС, 1996. – С. 480-481; Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. (I қисм). – Тошкент: Адолат, 1996. – 265-269-б; Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: (қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти масалалари) / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов. – Тошкент: Тошкент Давлат юридик институти, 2004.; Бельх В.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в России: Монография. – Москва: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – С. 374-502; Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 138-205-б.

² Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Маҳсус қисм): Дарслик /Таҳририят ҳайъати: Ш.Рўзиназаров, А.Саидов, К.Рашидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Тошкент: «Консаудитинформ», 2002. – 444 б.

³ Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фанлар доктори ... дис. автореферати. – Тошкент, 2002. – 8-б.

⁴ Худайбердиева А.Н. Гражданско-правовая ответственность за нарушение договорных обязательств // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари / Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонкулов. 2 қисм. II қисм. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2003. – 127-б.

даражада бажармаганлик учун жавобгарлик фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури ҳисобланади¹.

Маълумки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини бузганлик учун белгиланадиган жавобгарлик турлари ҳар бир хизмат турларидан келиб чиқиб, турлича белгиланиши мумкин². Мазкур ҳолат эса ўз навбатида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий асослари тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликларини аниқлашда қанчалик долзарб аҳамиятга эгаллигини таҳлил қилиш ўринлидир эканлигини англатади. Чунончи, юридик адабиётларда таъкидланишича³, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг юзага келиши учун қуйидаги ҳолатлар келиб чиққан бўлиши талаб этилади: а) қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; б) зарарнинг мавжудлиги; в) қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиққан зарар ўртасида сабабли боғланиш бўлиши; г) қарздорнинг (ёки зарар етказувчининг) айби мавжудлиги.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқида юридик жавоб-

¹ Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореферат дис. ... докт. юрид. наук. – Тошкент, 2002. – С. 39.

² Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. ... дис. Автореф. – Тошкент, 2007. – 14-б.

³ Костин А. А., Яфаев А. И. Обязательства из причинения вреда. Гражданское и торговое право капиталистических государств. – Москва, 1993. – С. 429; Гражданское право. Ч. 2. / Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – Москва, 1997. – С. 699-704; Медведева Т. М. Возмещение вреда, причиненного правоохранительными органами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1984. – С. 14; Деревяго В. М. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный незаконными действиями государственных организаций, а также должностных лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1985. – С. 11–12; Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1999. – № 6. – 75–76-б.; Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. Мах-сус қисм. – Тошкент, 1988. – 202-б.; Беленков Р. Гражданское право. – Москва, 1999. – Ч. 2. – С. 138–140. Худайбердиева А.Н. Гражданско-правовая ответственность за нарушение договорных обязательств // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари / Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонкулов. 2 қисми. II қисм. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2003. – 130-б.

гарлик шакллари бир-биридан ажратиш борасида ягона конструкция йўқ, етказилган зарар учун жавобгарлик асослари ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари бир-биридан фарқ қилади¹. О.Оқюлов фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асосларининг таркибий қисми сифатида жавобгарлик субъектининг мавжуд бўлиши лозимлигини таъкидлайди². Бундан ташқари, шартномавий жавобгарлик мулкий характерга эга эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ҳам кузатиш мумкин³.

Назаримизда, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазкур асосларини нафақат ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига, балки умуман, ҳар қандай шартномалар бўйича жавобгарликнинг вужудга келишига нисбатан қўллаш мумкин эмас. Чунончи, *қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик* билан боғлиқ асос фақат деликт жавобгарлик учун асос бўлиши лозим, шартномавий жавобгарлик учун мазкур асосни қўллаш нотўғри ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳуқуқ нормаларини бузиш ҳисобланади. ФКнинг 236-моддаси талабларига мувофиқ, ҳар қандай мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шартнома мажбуриятларини бузган қарздор хулқ-атворининг ҳуқуққа хилофлигига эътиборни қаратиш, назаримизда, шартнома шартлари ҳеч қандай нормалар ёки иш муомаласи одатлари ёхуд одатда қўйиладиган талаблар билан тартибга солинмаганлик ҳолларида ўз натижасини бериши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларида

¹ Оқюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Тошкент, 2000. – С. 37.

² Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1999. – № 6. – 75–76-б.

³ Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. докт. ... дис. авторефер. – Тошкент, 2002. – 16-б.; Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореферат дис. ... докт. юрид. наук. – Тошкент, 2002. – С. 39.

шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи мураккаб хусусиятга эга. Чунончи, буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузилган ҳақ эвазига юридик хизматларни кўрсатиш шартномасига мувофиқ ижрочи қайтадан ташкил этилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатни бажариши лозим, аммо ижрочи буюртмачининг айби билан, яъни зарур бўлган барча ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида ўз мажбуриятларини лозим даражада бажара олмади. Бунда ФКнинг 705-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқий оқибат, яъни ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда, буюртмачи ижрочига унинг ҳаракатларини тўлаши шартлиги вужудга келади. Оқибатда шартномада мажбуриятлар бажарилиши кечиктирилганлиги учун ҳар бир кунга неустойка миқдорини белгилашга оид кўшимча келишув ёки шартномада алоҳида банд сифатида ифодалаш зарурлиги тўғрисидаги пайдо бўлиши мумкин.

Ёки дейлик, бугунги кунда турли ўқув марказлари кўпайиб бораётганлигини инобатга олиб, улар томонидан кўрсатилаётган маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ низоли вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, ўз зиммасига мажбуриятни лозим даражада бажаришни олган профессионал хизмат кўрсатувчининг ҳаракатлари айрим ҳолларда буюртмачи учун турли салбий оқибатларни, масалан солиққа оид санкцияларнинг қўлланилишига олиб келиши мумкин. Жумладан, бухгалтерия ҳужжатларини тўғри тўлдириш бўйича таҳсил олаётган буюртмачи ўқув марказида мутахассисдан эмас, балки унинг ёрдамчисидан кутилаётган натижани олмаслиги натижасида ўзининг профессионал фаолиятида бухгалтерияга оид ҳужжатларни нотўғри тўлдирди. Бухгалтернинг ўз фаолиятини лозим даражада амалга оширмаганлиги сабабли, солиққа тортилиши натижасида корхонага етказилган зарарнинг тўлиқ ҳажмда ўқув маркази ёки унинг мутахассиси томонидан қопланиши қанчалик тўғри ҳисобланади? Номоддий натижага эга бўлган хизматларни, шу жумладан, маслаҳат хизматларини лозим даражада кўрсатмаслик ҳолларида етказилган зарар, қонда тариқасида, шартномавий жавобгарлик тарти-

бида қопланиши лозим¹. Назаримизда, хизмат кўрсатишда шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплаш, умумий қоида бўйича шартномада белгиланиши ва муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланиши керак (ФКнинг 364-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, шартномада ижрочининг жавобгарлигига оид чоралар белгиланмаган бўлса, ФКнинг 14-моддасида назарда тутилган қоидалар, яъни шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг умумий қоидалари қўлланилиши зарур.

Зарарнинг мавжудлигини хизмат кўрсатиш шартномаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда аниқлаш ҳам долзарб аҳамиятга эга. К.В. Намнинг фикрича, шартномани бузиш натижасида етказилган зарарни иккига: мажбуриятларни умуман бажармаганлик натижасида етказилган зарар ва қарздор томонидан бажаришни кечиктирганликда юзага келадиган зарарга бўлиш мумкин². Мазкур нуқта назар ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш шартномаларида ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Чунончи, автомашинага сервис хизматини кўрсатишда, яъни уни таъмирлашда мазкур юқоридаги икки ҳолатни яққол кузатиш, шунингдек, хизмат кўрсатишга оид шартномавий мажбуриятларда юқорида таъкидлаб ўтилган зарар турларини аниқлаш профессионал ижрочига талаб қўйиш ёки талаб қўймасликда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бугунги кунда айрим тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан хизматларнинг муайян турларини тақдим этиш бўйича реклама қилишда (яъни, реклама хизматларини кўрсатишда) арзон баҳо (камайтирилган нарх) таклиф этилади. Мурожаат қилган буюртмачига эса арзон баҳони реклама қилиш вақти тугаганлиги ёки очикдан-очик мазкур реклама истеъмолчиларни жалб этиш мақсадида эканлигига оид турли-туман баҳоналар билан улар дастлабки шартлардан бош тортиш ҳолларининг амалиётда

¹ Кратенко М.В. Договор об оказании юридической помощи в современном гражданском законодательстве. – Москва, 2006. – С. 228 - 229.

² Нам К.В. Убытки и неустойка как формы договорной ответственности // В кн. Актуальные проблемы гражданского права / Под ред. М.И.Брагинского. – Москва: Статут, 1999. – С. 333.

учраётганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Бу ҳолларда истеъмолчига зарар, айниқса, маънавий зарар етказиладими ёки йўқми, деган масала вужудга келади. Зарарни ундиришнинг муаммоларидан яна бири кредиторнинг нафақат қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарнинг мавжудлиги, балки унинг миқдорини исботлаши зарурияти масаласидир¹. Мазкур фикр ҳам ФКнинг 706-моддаси биринчи қисми қоидаларини (ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.) ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда ўз аҳамиятига эга. Чунки, бу жиҳат ижрочи томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарнинг миқдорини исботлаш зарурияти ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмаслигига оид қонуннинг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Айрим юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, бозор иқтисодиёти шароитида зарарни қоплаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик сабабли зарар етказишда айбдор бўлган шахслар зиммасига амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва миқдорда моддий жавобгарлик юклатилади. Бундай қоида шартнома томонлари учун муҳим огоҳлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади².

Қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиққан зарар ўртасида сабабли боғланиш бўлишига оид асос шартномавий жавобгарлик етказилган зарарни қоплаш ҳақида сўз юритилгандагина ўз аҳамиятига эга бўлиши мумкин. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартларини бузганлик учун неустойка (пеня) назарда тутилганлигини ҳисобга

¹ Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди. 2003. – 139-б.

² Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик / Таҳририят ҳайъати: Ҳ.Раҳмонқулов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниязов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Тошкент: «Консаудитинформ», 2002. – 494-б.

олган ҳолда судлар томонидан истеъмоличиларга етказилган зарарни аниқлашда, неустойка миқдорини камайтиришда инобатга олиниши мумкинлигини таъкидлаш жоиз.

Айбнинг мавжудлиги белгиси ҳам қарздорни шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликка тортишда зарур шарт ҳисобланади. Мазкур белги нафақат амалдаги ФКда (333-модда), балки Рим ҳуқуқида ҳам мавжуд бўлган¹. Аммо фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазкур асоси ҳам хизматларнинг турларига қараб қўлланилиши мумкин. Хусусан, агар объектларни қўриқлаш шартномаси бўйича тарафларнинг талаби етказилган зарарни ундиришга қаратилган бўлса, қарздор фақат айбли деб топилган ҳоллардагина мулкӣ жавобгарликка тортилади. Баъзи ҳолларда қарздор ўзининг айби учунгина эмас, балки бошқа шахснинг ҳаракати учун ҳам жавобгар деб топилиши мумкин. Масалан, ФКнинг 334-моддасига мувофиқ, учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздор жавобгар ҳисобланади. Ўрни, қарздор учинчи шахснинг айби орқали олган мажбурияти бажарилмаганлиги учун кредитор олдида жавобгар деб топилади. Чунинчи, объектларни қўриқлаш шартномаси бўйича томонлардан бири – хўжалик органи юқори турувчи органнинг айби билан шартнома шартларига мувофиқ, ўз вақтида Қўриқлаш хизматига пул тўламаса ёки тегишли банкдаги ҳисоб-варағига пул ўтказмаса ёхуд Қўриқлаш хизмати олган мажбуриятларини ходимларнинг айби билан бажарилмаса, мулкӣ жавобгарликка тортилиши мумкин². Айрим хизмат турларида, масалан алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бузганлик учун алоқа операторига тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида истеъмоличилар олдида айбнинг мавжудлигидан қатъий назар, жавобгарлик юкланиши лозим³. Юридик адабиётларда таъкидлаб ўтилганидек,

¹ Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов. – Тошкент: «Консаудитинформ», 2002. – 97-б.

² Нарматов Н.С. «Қўриқлаш» хизмати фаолиятининг фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиниши: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 109-б.

³ Юшкевич А.В. Гражданско-правовое регулирование деятельности по оказанию услуг связи: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – С. 14.

агарда ижрочи хизматларни ўзининг тадбиркорлик фаолияти сифатида кўрсатса, у мажбуриятларни бузганлик учун айбидан катъий назар жавобгарликка тортилиши лозим¹. Хорижий тажрибага назар соладиган бўлсак, англо-америка ҳукукий тизимида ҳам айб шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг асосий элементи бўлиб ҳисобланмаслигини кузатиш мумкин². Бинобарин, профессионал ижрочи башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олсагина, жавобгарликдан озод этилиши лозим (ФКнинг 333-моддаси учинчи қисми).

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигини аниқлаш фуқаролик-ҳукукий шартномаларнинг бошқа турларига қараганда мураккаб ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби хизматларнинг моддий тусга эга эмаслиги ҳамда уларни кўздан кечириш имконияти йўқлигидир. Тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган профессионал хизмат кўрсатувчилар учун хизматлар сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш орқали жавобгарлик мезонларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади. Буни айниқса, тиббий хизматларда яққол кузатиш мумкин. Зеро, халқаро ҳужжатларда, хусусан, халқаро тижорат шартномалари принципларида (масалан, УНИДРУА принципларида)³ ушбу мезонлар мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, УНИДРУА принципларининг 7.1.1-моддасида мажбуриятларни

¹ Публичные услуги и право: науч.-практ. пособие / Под ред. Ю.А.Тихомирова. – Москва: Норма, 2007. – С. 381.

² Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. – Москва, 1991. – С. 42.

³ Принципы международных коммерческих договоров (Принципы УНИДРУА). Документ разработан и принят Советом Международным институтом унификации частного права (УНИДРУА) в 2004 году // ЮРИДИЧЕСКАЯ РОССИЯ-образовательный правовой портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://law.edu.ru/свободный>. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

бажармаганлик деганда, шартнома бўйича ҳар қандай тарафнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги тушунилиши ҳамда бунда лозим даражада бажармаганлик ва бажаришни кечиктирганлик ҳам қамраб олинishiга оид қоида¹ мавжуд.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш мажбуриятларида жавобгарлик қуйидаги ҳолларда: 1) шартнома муайян шахслар (жисмоний, юридик шахслар) ўртасида қонун талабларига мувофиқ тузилган бўлса; 2) шартнома моҳиятини ташкил этувчи муайян шартларни бузганлик учун шакллар ва ҳажмлар кўрсатилган ҳолда жавобгарлик назарда тутилган бўлса; 3) жавобгарлик шартномада кўрсатилган шартларни бузганлик (бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик) учун юзага келган бўлса, шартномавий жавобгарлик деб эътироф этилади². Шу боис, тadbиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш шартномаларида жавобгарлик мезонларини аниқлашда юқорида таъкидлаб ўтилган талабларга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, хизмат кўрсатиш жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилиши, шунингдек кўрсатилган хизматдаги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқарок муддат белгиланмаган бўлса, истеъмомчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек хизмат кўрсатишни бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмомчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди. Бундан кўриниб турибдики, неустойка хизмат кўрсатиш шартномаларида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шакли

¹ Принципы международных коммерческих договоров (Принципы УНИ-ДРУА), пер. с англ. А.С.Комарова. – Москва: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. – С. 179.

² Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – 140-б.

сифатида қўлланилиши лозим. Истеъмолга оид шартномаларда неустойканинг қўлланилиши мантиқан тўғри ҳисобланиб, бу борада мазкур тартибнинг англо-америка ҳуқуқ тизимида ўз аксини топмаганлиги муайян ноаникликларга олиб келиши мумкин¹. Айрим манбаларда эса, «АҚШ ва Американинг баъзи олимлари кредиторнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни унга етказилган зарарни қоплаш орқалигина амалга оширилишини жавобгарлик чораси сифатида белгиланиши лозим»² лигига оид фикр-мулоҳазалари ўз аксини топганлигини кузатиш мумкин². Аммо фикримизча, мазкур жараёни қарздор ҳолатида қандай қилиб тушуниш ёки ифодалаш муаммо ҳисобланади. Бундан ташқари, агар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни таҳлил қилиб кўрсак, Қонунда назарда тутилган неустойка (пеня) тўлаш ҳақидаги талабларгина эмас, балки бошқа талаблар ҳам истеъмолчининг хоҳишига биноан қондирилиши лозимлиги ҳақида ҳулоса келиб чиқади»³.

Назаримизда, неустойка хизмат кўрсатиш соҳасида шартномавий мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида унинг миқдорини ҳар бир хизмат турлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилашнинг иложи йўқ, бунинг ягона йўли тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, уни шартномада белгилашдир. Аммо Д.И.Бабаев ҳозирча истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда неустойка белгилаб қўйилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доираси унчалик кенг эмас, бундай шартномаларнинг кўпчилиги оммавий, қўшилиш шартно-

¹ Романец Ю.В. Гражданско-правовые средства охраны интересов потребителей в отношениях с предприятиями: Автореф. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1993. – С. 21.

² *Изоҳ*: мазкур масала бўйича цитаталарни куйидаги адабиётларда кўриш мумкин: Бельх В.С. Качество товаров в английском договоре купли-продажи. – Москва, 1991. – С. 46-47; Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. – Москва: Юрид. лит., 1991. – С. 28-39.

³ Турдиев Ш. Истеъмолчининг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик ва етказилган зарарни ундириш // *Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари / Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмоиқулов. 2 қисм. II қисм.* – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2003. – 60-б.

малари бўлганлиги сабабли истеъмомчи унинг шартларини шакл-лантиришда иштирок этиш имконига эга эмас, бинобарин, бундай ҳолатда шартномавий неустойкаларни қўллаш имконияти чекланган, демак, муаммони қонуний неустойкалар доирасини кенгайтириш орқали ҳал этиш мумкин¹, деган хулосага келади. Фикри-мизча, фуқаролик ҳуқуқининг объектлари орасида биргина хизматларнинг турли-туманлиги ҳамда уларнинг ҳар-бирига алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш имконияти йўқлиги боис, унинг мазкур нуктаи назарига қўшилиб бўлмайди. Албатта, бу ўринда универсал аҳамиятга эга бўлган нормани белгилаш мумкиндир, аммо бозор иқтисодиётининг объектив қонунияти ҳисобланган шартномалар тузиш ва унга амал қилиш маданияти қоидаларига муаллифнинг фикри қанчалик тўғри келишини ўйлаб кўриш керак. Бундан ташқари, республикамиз хўжалик судлари томонидан хизмат кўрсатиш шартномалари талабларини бузганлик билан боғлиқ низолар юзасидан чиқарилаётган айрим ҳал қилув қарорларида шартномаларнинг неустойка билан боғлиқ шартларига эътибор қаратилмаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан даъвогар – «SA-ADVOKATE» ҳуқуқий маслаҳатхонаси, жавобгар – «Тошкент фахрийлари» шўъба ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобидан тузилган хизмат кўрсатиш шартномаси талаблари тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли 450 000 минг сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқишда неустойка билан боғлиқ шарт ижроси назарда тутилмаган². Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарори³ 2-бандида шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланиши,

¹ Бабаев Д.И. Истеъмомчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. Автореф. – Тошкент, 2005. – 19-6.

² Тошкент шаҳар хўжалик Суди архив материалларидан. – Тошкент, 2007.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Ахборотномаси, 2007. – № 11.

бунда судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги назарда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигини аниқлаш фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг бошқа турларига қараганда мураккаб ҳисобланиб, профессионал хизмат кўрсатувчилар учун хизматлар сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш орқали жавобгарлик мезонларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади. Чунончи, амалдаги хизмат кўрсатиш қоидаларини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатлари мазмунига эътиборни қаратадиган бўлсак, уларнинг аксариятида мазкур масалалар лозим даражада тартибга солинмаганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш Қоидалари»нинг 8-параграфи томонларнинг жавобгарлиги масаласига бағишланган. Мазкур жавобгарликнинг қайси ҳолларда юзага келиши мумкинлигини аниқлаш, энг асосийси, қайд этилган норматив ҳужжат талабларини «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқлаштириш зарурияти вужудга келган¹. «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматини тақдим этиш Қоидалари»да эса ижрочининг жавобгарлиги асослари, тартиби каби муҳим қоидалар ўз аксини топмаган. Амалдаги қонунларда мавжуд бўлган ҳавола нормалари ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинаётган қонуности ҳужжатларида ҳам (масалан, «Ўзбекистон Республикасида уй

¹ *Изоҳ:* Мазкур ҳолат бошқа хизмат турларини кўрсатишни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларига ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1995. – № 10. – 40-м.

хайвонлари эгаларига ветеринар хизматларини кўрсатиш Қоидалари»да) тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган профессионал ижрочиларнинг жавобгарликларига оид ҳавола нормалар мавжуд. Бу эса амалиётда муайян тушунмовчиликларга олиб келиши табиий. Назаримизда, ҳар бир хизмат тури бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатда хизмат турининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, жавобгарлик қайси ҳолларда юзага келиши, жавобгарликка жалб қилиш тартиби, энг муҳими, бу турдаги хизматларни кўрсатиш шартномаларида қайси ҳаракатларни баён этиш зарурлиги мақсадга мувофиқдир.

Айрим юридик манбаларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича тарафларнинг жавобгарликлари хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги махсус ҳужжатлар, шунингдек ФКнинг умумий қоидалари ҳамда пудрат ҳақидаги нормалар билан аниқланишига¹ оид фикр-мулоҳазаларни ҳам учратиш мумкин. Пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар аналогик равишда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилиши тўғрисида ФКнинг 708-моддасида таъкидлаб ўтилган бўлса-да, тарафлар жавобгарликларига оид қоидаларни қўллаш масаласи бу ўринда баҳсли ҳисобланади. Хусусан, ФКнинг 641-моддасида буюртмачи берган мол-мулкнинг сақланмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги, 650-моддада эса ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги масалалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо назаримизда, бунда масалага пудрат шартномасининг предмети (хизмат кўрсатиш шартномасидан фарqli ўларoқ) ҳисобланган ишнинг натижасини топшириш нуктаи назаридан ёндашилган ва ушбу қоидаларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига тадбиқ этиш қанчалик тўғрилиги масаласи юзага келади.

Фикримизча, ФКнинг 38-бобида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи жавобгарлигини белгилашга оид умумий қоидани назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Бу борада Т.А.Мўминов томонидан илгари сурилган таклиф эътиборга

¹ Гражданское право: Учебник /Под ред. С.П. Гришаева. – Москва: Юристъ, 1999. – С.309.

молик. Чунончи, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги ФКнинг 706-моддаси иккинчи бандида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганидан кучайтирилган жавобгарликнинг чегараси куйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:

– ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда, у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортик бўлиши мумкин эмас¹.

Аммо мазкур тақлиф ҳам фақат жавобгарлик чегарасини аниқлашда ўз аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Аммо, профессионал хизмат кўрсатувчилар ҳамда профессионал бўлмаган ижрочилар учун жавобгарлик бир хилда бўлиб қолганлиги нотўғридир. Шу боис, фикримизча ФКнинг 706-моддаси иккинчи қисмига мазкур ўзгартишларни киритишда ижрочининг тадбиркорлик фаолияти субъекти эканлигини, яъни профессионал хизмат кўрсатувчилар нуқтаи назаридан белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, ФКнинг 708-моддасида («Пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланади») ҳам «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ҳавола нормани ифода этиш зарур. Бунда Хитой Халқ Республикасининг қонунчилик тажрибасидан² фойдаланиш мумкин.

¹ Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Тошкент, 2007. – 17-б.

² Хитой халқ Республикасининг 1999 йил 15 мартдаги «Шартномалар тўғрисида»ги Қонуни. *Манба*: Хитой халқ Республикасини РФдаги элчихонаси Савдо-иқтисодий масалалар бўйича Маслаҳатчиси Девонхонаси, Хитой бўйича АБИРУС лойиҳасининг ахборот портали // "ABIRUS" Project © All rights reserved.

5.2. Хизмат кўрсатиш шартномаларининг бир томонлама бекор қилиниши

Тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини бир томонлама бекор қилиш билан боғлиқ масалалар ўзига хос хусусиятларга эга. Шундан келиб чиқиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бир томонлама бекор қилиш бўйича ФКнинг 707-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий тартибга баҳо бериш ҳамда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи ҳуқуқий тартиб буюртмачи томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишга тааллуқли, яъни буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шarti билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно (707-модданинг биринчи қисми).

Иккинчи ҳуқуқий тартиб эса ижрочининг шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини белгилайди (707-модданинг иккинчи қисми).

Қонун чиқарувчи сабабларни изоҳламаган ҳолда, тарафларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини бир томонлама бекор қилишга имконият яратганлиги ўз навбатида қуйидаги саволнинг ҳақли равишда туғилишига олиб келади: қонун чиқарувчининг мазкур ёндашуви қанчалик тўғри, қоидалар қандай асосларни инобатга олган ҳолда баён этилган? Фикримизча, ушбу масалага оид иқтисодий нуқтаи назардан, хизматларнинг истемол қиймати сифатида ўзига хос жиҳатларини инобатга олмасдан ҳамда шартномани бекор қилишнинг сабаблари баён этилмаган ҳолда буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги мажбуриятга оид муносабатларни бекор қилиш мумкинлиги баҳслидир. Назаримизда, ҳар қандай асослар бўйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш фуқаролик муомаласининг барқарорлигига мос келмайди ва фақатгина бир томоннинг манфаати учун хизмат қилиши мумкин.

Шу боис, мазкур масалани ФКнинг 382 ҳамда 707-моддалари мазмунининг ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, қонун чиқарувчи 707-моддада тарафлардан бирининг талаби бўйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини бекор қилиш асосларини белгилаган бўлса, 382-моддада эса тарафлардан бирининг талаби билан шартномани бекор қилиш, бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиши тушунчаларини баён этган. Фикримизча, қонун чиқарувчи маъно-мазмунни ўхшаш бўлган мазкур тушунчаларни қўллаш билан бир қаторда, уларнинг 382-моддада назарда тутилган мазмунида фарқли жиҳатларни акс эттирмаган¹. Шунингдек, бу борада қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасини аниқлаш мақсадида қуйидаги масалаларни асослаш фойдадан холи эмас:

1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини (ижрочи ёки буюртмачи томонидан) бир томонлама бекор қилишга олиб келадиган ҳуқуқий асослар ФКда ўз аксини топмаганлиги асосланганми? Мазкур тартиб хизмат кўрсатиш ҳақидаги мажбуриятларнинг қандайдир муҳим хусусияти билан боғланганми? Фикримизча, ФКнинг 707-моддаси шартнома ҳуқуқининг ўз асосига эга бўлмаган, яъни шартномани бажаришдан бош тортишнинг ҳуқуқий асосларига етарлича муносабат билдирилмаган қоида ҳисобланади. 382-модданинг мазмунан йўналтирилганлик хусусияти ҳам шартномани бир томонлама бекор қилишнинг қонун ёхуд тарафларнинг келишуви орқали йўл қўйиладиган ҳолатлари билан ўзаро алоқадорликда бўлиши мумкинлигини англатади;

2. Шартномани бир томонлама бекор қилиш билан боғлиқ муайян белгиланган жараён йўқлиги, фикримизча, мазкур ҳуқуқни амалга оширишда турли хил тушунмовчиликларга олиб кели-

¹ *Изоҳ:* Россиялик цивилист олимлар М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийларнинг шартнома ҳуқуқининг умумий қоидаларига бағишланган фундаментал асарларида «шартномани бажаришдан бош тортиш», «тарафларнинг бири томонидан ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олган ҳолда, шартномани бекор қилиш имконияти», «шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқининг етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаб билан биргаликда амалга оширилиши» каби сўз бирикмаларини қўллаганликларини кузатиш мумкин (*қаранг:* Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: общие положения. – Москва, 1998. – С. 353-355).

ши мумкин. Шу сабабли, куйидаги масалага аниқлик киритиш зарур: шартномани бекор қилиш, фақат шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бошлангунга қадар амалга оширилиши мумкинми ёки ундан кейинми? Мазкур масаланинг долзарблиги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг аксарият турлари (масалан, телефон орқали алоқа хизматини кўрсатишда) ўзида мажбуриятларнинг муддатсиз эканлиги ифодаланганлигида намоён бўлади. Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш фақат шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бошлангунга қадар амалга оширилиши мумкин»¹. Мазкур нуқтаи-назарга қарама-қарши равишда М.В.Кротовнинг таъкидлашича, тарафлар, яъни ижрочи ҳам, худди шунингдек буюртмачи ҳам ҳар қандай даврда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан воз кечишга ҳақли². Ушбу фикрни тасдиқлаган ҳолда, О.Н.Садиков РФ ФКнинг 782-моддасига ёзган шарҳида ушбу моддада тарафларнинг шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин бўлган вақт ҳақида сўз юритилмас экан, хизматлар кўрсатилгунга қадар ҳам, худди шунингдек уни кўрсатиш тугаллангунга қадар бўлган ҳар қандай вақтда бош тортиш мумкинлигини таъкидлайди³. Назаримизда, ЎЗР ФКнинг 707-моддасидаги қоидалар мазмунида *шартномада белгиланган хизматларни кўрсатиш муддатига қадар*, деган нормани белгилаш зарур;

3. Шартномани бир томонлама бекор қилиш туфайли тарафлар зиммасида вужудга келадиган «муайян мажбуриятлар»ни тақсимлаш ҳам иккиланишларни туғдиради. Жумладан, ФКнинг 707-моддаси мазмунидан қонун чиқарувчи буюртмачи манфаатлари йўлида ғамхўрликни ифода этганлигини англаш мумкин. Чунончи, буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шarti билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли бўлса, бунга қарама-

¹ Кабатов В.А. Возмездное оказание услуг (глава 39) // Гражданский кодекс. Ч. II. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. – Москва, 1996. – С. 396.

² Гражданский право: Учебник. / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва, 1998. Ч. 2. – С. 546-547.

³ Садиков О.Н. Комментарий к Гражданскому праву (постатейный). Гл. 39. Возмездное оказание услуг / Справочно-информационная система «Гарант».

карши тарзда ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Буюртмачига нисбатан қонун чиқарувчи томонидан белгиланган бундай ғамхўрлик фикримизча, фуқаролик муомаласининг профессионал иштирокчиси катнашган тақдирда, ижрочи ва буюртмачи иқтисодий манфаатларининг номуаносиблигига олиб қилиши мумкин;

4. ФКнинг 707-моддасидаги қоидаларнинг диспозитив характерга, (ФКнинг «Буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича муқобил мажбуриятларни бажармаслиги» деб номланадиган 644-моддасидан фарқли ўларок), бундан ташқари ўзининг тушунтиришига эга эмаслигига эътиборни қаратиш зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ФКнинг 707-моддаси мазмуни муайян ноаниқликларни келтириб чиқаради. Жумладан, ушбу модда барча ҳолларда ҳам тарафларнинг ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бузганликка боғлиқ бўлмаган ҳолатда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳолларига тадбиқ этилишини назарда тутмайди. Бинобарин, моддада қайси муддатлар давомида тарафлар шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар ўз аксини топмаган.

Шу боис, шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида вужудга келадиган «муайян мажбуриятларни тақсимлаш мажбурияти» ҳам тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Ўз навбатида, 707-модданинг иккинчи қисми қоидаларини оммавий шартномаларга (ФКнинг 358-моддаси) нисбатан қўллаш ҳам баҳсли ҳисобланади. Чунончи, ФКнинг 358-моддаси учинчи қисмида ижрочининг истеъмолчига хизматлар кўрсатиш имконияти бўла туриб, оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмаслиги ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартноманинг оммавий шартнома сифатида тан олинishi 707-моддадаги қоидалар (яъни, ижрочи томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бир томонлама бекор қилишга оид нормалар)га номувофикдир. Бу эса

хукукни қўллаш амалиётида турли хил мураккабликларга ва низоли баҳсларга олиб келиши мумкин. Масалан, оммавий шартнома ҳисобланган пулли тиббий хизматни кўрсатиш тўғрисидаги шартномани профессионал ижрочи томонидан тузишнинг мажбурийлиги, 707-модданинг иккинчи қисми коидалари асосида эса уни бир томонлама бекор қилиш мумкинлиги муаммоли ҳолатни келтириб чиқаради. Шу боис, ФКнинг 707-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, мазкур модданинг биринчи қисмида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган буюртмачига нисбатан ҳукуқий тартибни кучайтиришга (дейлик, ижрочиға етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини юклашга) қаратилган коидаларни ифодалаш зарур.

Иккинчидан, ижрочи томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бир томонлама бекор қилишнинг ҳукуқий тартибига (ФКнинг 707-моддаси иккинчи қисми) ҳам аниқлик киритиш лозим. Бунинг учун:

а) хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатишга бағишланган нормаларда шартномани бир томонлама бекор қилиш вақтинан аниқлаштириш мақсадга мувофиқ;

б) ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишдаги оммавий шартномаларни бир томонлама бекор қилишга, уни бажаришнинг имконияти ўз асосига эга бўлмаган тақдирда, йўл қўйилмаслигини белгилаб қўйиш зарур.

Учинчидан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ муаммолар қаторида шартнома бўйича хизматни бажара олмаслик мезонига, шунингдек у билан боғлиқ оқибатларга (ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисми) ҳукуқий баҳо бериш лозим. Чунончи, мазкур модда хизматни бажара олмаслик ҳолларида вужудга келадиган оқибатларни тарафлар ўртасида уларнинг айбини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш зарурлигини назарда тутати. Хусусан, буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак (ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисми).

Бундан ташқари, ФКнинг 705-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган хизматларга ҳақ тўлаш тўлиқ ҳажмда ўзида қарзни эмас, балки мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликни ифодалайди, деган хулосани чиқариш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда айрим муаммоли масалаларга жавоб излаш ҳам ўринлидир. *Биринчидан*, фикримизча, 705-модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар юридик йўналиши жиҳатидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтига тааллуқли бўлиб, нима сабабдан «Хизматларга ҳақ тўлаш» деб номланадиган моддага киритилишининг асоси аниқ эмас; *иккинчидан*, «ҳақ тўлаш» жумласи ўзида юридик мазмун-моҳияти жиҳатидан қарзни эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чорасини акс эттиради.

Бундан ташқари, ФКнинг 705-моддаси иккинчи қисмидаги қоидалар (ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда, буюртмачи ижрочиға унинг ҳаражатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади) ҳам муайян даражада тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Жумладан, агарда «ижрочи» ролида асосий белгиси таваккалчиликдан иборат бўлган тадбиркорлик фаолиятини¹ амалга ошираётган субъект иштирок этса, қандай қилиб мазкур таваккалчилик оқибатларини қайта тақсимлаш, дейлик жисмоний шахс бўлган – буюртмачи ўртасида тақсимлаш мумкин? Фикримизча, ушбу муносабатларга нисбатан юқорида таъкидлаб ўтилган нормани қўллаш нотўғри ҳисобланади. Бу ҳолни Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатида кўрилган ишлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразм вилоят адлия бошқармаси «Хонқа-савдогар» масъулияти чекланган жамияти манфаатида вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Холис-Таҳлил»

¹ *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни-нинг 3-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) деганда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият тушунилади // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000.–№ 5-б.–140-м.

аудиторлик фирмасидан 2822000 сўм етказилган зарарни, шунингдек 2001-2002 йилларда аудиторлик хизмати учун тўланган 400000 сўмни ундириб беришни сўраган ва Хоразм вилоят хўжалик судининг 2004 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган. Апелляция инстанциясининг 2004 йил 3 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2005 йил 14 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган. Апелляция инстанциясининг 2005 йил 28 апрелдаги қарори ва кассация инстанциясининг 2005 йил 1 августдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган. Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протестда эса суд қарорларини ўзгартириш масаласи кўйилган.

Раёсат судьянинг маърузасини, жавобгар вакилининг тушунтиришини, Бош прокурор ўринбосарининг протестни қувватлаши ҳақидаги фикрини эшитиб, протест важларини муҳокама қилиб, кўйдаги асосларга кўра протестни қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди: *биринчидан*, судлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосланиб, жавобгар аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларини нотўғри тuzганлиги оқибатида даъвогар – «Хонқа-савдогар» МЧЖга зарар етказилган деб ҳисоблаб, жавобгардан 2822000 сўм зарар, 400000 сўм аудиторлик хизмат ҳақини ундириш тўғрисида қарор қабул қилишган. *Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандида солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилган текширишда аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, ушбу аудиторлик хулосаси олдиндан нотўғри деб ҳисобланиши, аудиторлик ташкилоти, шунингдек айбдор бўлган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши, бунда солиқ органлари тегишли аудиторлик ташкилотлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларининг бузилиши ҳолатлари аниқ-

ланганлиги тўғрисида ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилишлари шартлиги белгиланган. Аммо солиқ органи томонидан бу тўғрида Молия вазирлигига хабарнома юборилмаган. *Учинчидан*, Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддасида белгиланган исботлаш мажбуриятига кўра зарар ундиришни талаб қилган шахс унинг нимадан иборат эканлигини кўрсатиб, асослантириши лозим бўлса-да, бу ҳисоб-ки-тобда зарар асослантириб берилмаган. Демак, судлар ушбу икки текширувнинг ўтказилиши тартибига, шунингдек текширувлар қайси фаолиятни камраб олганлигига ҳамда буюртмачи аудиторнинг олдига қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, аудиторлик фирмасининг ўтказган текшируви натижалари билан даъвода ундириш сўралган зарарнинг келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланишга баҳо бериши лозим эди.

Юқоридагиларга кўра, Раёсат Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2005 йил 14 февралдаги ҳал қилув қарори, апелляция инстанциясининг 2005 йил 28 апрелдаги қарори ва Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2005 йил 1 августдаги қарорини ўзгартириб, жавобгар – «Холис-Таҳлил» аудиторлик фирмасидан даъвогар – «Хонқа-савдогар» МЧЖ фойдасига 371,7 минг сўм ундириш, даъвонинг қолган қисмини рад қилиш, суд қарорларининг қолган қисмини ўзгартириш қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган¹.

Хўжалик суди амалиётдан келтирилган ушбу мисол фикризмизча, мажбуриятларни бажариш имкони йўқлигининг бир кўриниши сифатида илмий адабиётларда бугунги кунда «жисмоний жиҳатдан бажаришнинг имконияти йўқлиги»², деб номланаётган жумлани шарҳлашга хизмат қилади. Мазкур юридик конструкциянинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда хизматнинг кўрсатилмаганлик ҳолларида (масалан, хизматларнинг таъсир объекти ўз аксини топмаган ҳолларда) ўз ўрнига

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 2006 йил 27 апрелдаги 36-сонли Қароридан кўчирма // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси, 2007. – № 6.

² Будман Ш.И., Павлодский Е. Невозможность исполнения обязательств в современном договорном праве // Проблемы современного гражданского права: Сборник статей / Отв. ред. В.Н.Литовкин, В.А.Рахмилович. – Москва, 2000. – С. 230.

эга бўлиши мумкин. Ш.И.Будман ва Е.Павлодскийларнинг фикрича, «мажбуриятларни бажаришнинг жисмонан имконияти йўқлиги»нинг вужудга келиши ўз навбатида, мажбуриятларни бажариш қарздорнинг аниқ шахсига боғлиқ бўлган ҳолларда (масалан, шартномада концерт кўювчининг шахси кўрсатилган ҳолатда) ҳам кўзга ташланиши мумкин¹.

Бундан ташқари, ФКнинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солувчи 38-боби қоидаларида оператив таъсир кўрсатиш чораларига бағишланган нормалар ўз аксини топмаган. Аммо шу билан бирга, айрим чораларнинг «Истеъ-молчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда фуқаролик муомаласида хизматларнинг айрим турларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топганлиги таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шунингдек, ФКнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни (юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тартибга солишга қаратилган махсус қоидалардан ташқари) тартибга солишга қаратилган қоидаларида мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик оқибатларига оператив таъсир кўрсатишнинг самарали чораларини қўллашни назарда тутувчи нормаларнинг анча эканлигига эътиборни қаратиш зарур. Жумладан, пудрат тўғрисидаги умумий қоидаларда оператив таъсир кўрсатишнинг қуйидаги чораларига оид нормаларни учратиш мумкин: 636-модданинг олтинчи қисмида (буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, унинг шартномадан бош тортиши); 642-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида (агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачининг шартномадан бош тортиши; агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилаш-

¹ Будман Ш.И., Павлодский Е. Ўша манба. – С. 234.

га ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, унинг пудрат шартномасидан бош тортиши); 643-модданинг учинчи қисмида (агар буюртмачи пудратчининг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан, оқилона муддатда яроксиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроклилиги ёки пишиқлигини хавф остига кўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортиши); 644-модданинг биринчи қисмида (буюртмачи пудрат шартномаси бўйича ўзининг муқобил мажбуриятларини бажармаганлиги, хусусан, материал, ускуналар, техник ҳужжатларни ёки қайта ишланиши (ишлов берилиши) керак бўлган ашёни бермаганлиги пудратчининг шартномани бажаришига тўсқинлик қилган ҳолларда пудратчининг ишга киришмаслиги, бошланган ишни эса тўхтатиб қўйиши); 646-модданинг олтинчи қисмида (буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиганида, пудратчининг иш натижасини сотиб юбориши); 650-моддада¹ (ишнинг сифати лозим даражада бўлмаган тақдирда, буюртмачи томонидан қуйидаги оператив таъсир чораларининг қўлланилиши: камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этиш; иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтириш; камчиликларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилиш) ана шундай нормалар ўз ифодасини топган.

Бир қарашда пудрат шартномасининг алоҳида турларига нисбатан оператив таъсир кўрсатиш чоралари аниқ кўрсатилмагандек туюлса-да, аммо пудрат шартномасининг ФҚда белгиланган мазкур норматив модели бугунги кунда юқорида санаб

¹ *Изоҳ:* Қонун чиқарувчи мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун оператив таъсир кўрсатиш чораларини белгилаган Фуқаролик кодексининг мазкур 650-моддасини «Ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги» деб номлаган. Аммо фикримизча, қонун чиқарувчи ушбу моддани номлашда оператив таъсир чоралари билан бир қаторда, унда икки ҳолат бўйича етказилган зарарни қоплаш зарурлигини инобатга олган (ФҚнинг 650-моддаси иккинчи-учинчи қисмлари).

Ўтилган оператив таъсир чоралари орқали тарафлар зиммасидаги муҳим мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини таъминлаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоздир.

Юқорида қайд этилганидек, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг норматив модели (ФКнинг 38-боби) бундай таъсир кўрсатиш чораларини назарда тутмайди. Шунингдек, пудрат тўғрисидаги нормаларнинг субсидиар равишда қўлланилиши ҳам мазкур бўшлиқни тўлдирмайди. Чунончи, уларни қўллаш аксарият ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси предметининг ўзига хос хусусиятларига мос келмайди.

Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ хизматларнинг буюртмачиси пудрат шартномасидаги буюртмачи ёки олди-сотди шартномасидаги сотиб олувчига қараганда пастроқ ҳолатда эканлигини ҳис қилишига олиб келади. Бундан ташқари, ФКда мазкур чораларнинг белгиланмаганлиги тарафларнинг шартномада бундай чораларни белгилашига ва энг асосийси, мазкур шартномаларни тузишни таклиф этаётган ижрочилар томонидан шартнома лойиҳаларида «уддабуронлик» билан ўзининг тадбиркорлик хавфини минималлаштиришга қаратилган қоидаларнинг баён этилишига сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, узоқ давом этадиган шартномавий муносабатларда хизматлар кўрсатилишининг тўхталиши ўзининг табиати бўйича мазкур шартномаларда оператив таъсир кўрсатиш чораларининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу боис, оператив таъсир кўрсатиш чораларининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш мақсадида хизматларнинг айрим турларини кўрсатиш бўйича қабул қилинган Қоидаларда ўз аксини топганлиги бежиз эмас. Бундай чораларнинг мажмуи эса кўрсатиладиган хизматнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли-тумандир. Масалан, «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаш-

тирилган тиббий ёрдам кўрсатиш Қоидалари»нинг¹ 25-бандига мувофиқ, тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тузилган шартномага кўра хизматларни бажариш муддатлари ва сифати бўйича мажбуриятлар Марказ томонидан бажарилмаган тақдирда мижоз ўз танловига кўра, хизматлар кўрсатишнинг янги муддатини белгилаш; хизматларнинг бошқа мутахассислар томонидан бажарилишини; шартномани бекор қилиш ва кўрилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш каби оператив таъсир чораларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётини ижобий баҳолаш лозим. Шу билан бирга, тарафларнинг нисбатан муҳим бўлган мажбуриятларини таъминлашга қаратилган оператив таъсир кўрсатиш чораларини ФКда ҳам ифодалаш зарур. Бундан ташқари, илмий ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида оператив таъсир кўрсатиш чораларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига нисбатан таснифланишини ишлаб чиқиш ҳам лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хизматларнинг сифатига оид шартлар ўзига хос бўлиб, улар хизматларнинг истеъмол киймати сифатидаги хусусиятларини белгилаб беради. Бу ўринда хизматлар сифатининг лозим даражада бўлиши билан боғлиқ муаммонинг долзарблиги фикримизча, *биринчидан*, мазкур шартномалар бўйича хизматларни сифатли бажариш масалаларига баҳо бериш бўйича суд амалиётида тажрибанинг йўқлиги; *иккинчидан*, хизматлар кўрсатиш жараёнида буюртмачи томонидан хизматларнинг сифати лозим даражада бўлмаган тақдирда қўлланиладиган оператив таъсир чораларини назарда тутувчи нормаларнинг ФКнинг 38-бобида ўз аксини топмаганлигида ифодалангани. Мазкур масала тадқиқот ишининг олдинги параграфларида кўтарилган бўлса-да, унга яна бир бор ушбу параграф мавзуси нуктаи назаридан эътиборни қаратиш лозим. Бунинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 8 июндаги 264-сонли Қарор тасдиқланган «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 22-23. – 265-м.

учун эса Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатида 2006 йилнинг 27 апрелида кўрилган 31-сонли¹ иш мазмунига тўх-талиб ўтиш жоиз. Жумладан, даъвогар – «Баҳридил Саттор-АРС» масъулияти чекланган жамияти ҳўжалик судига даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгар – «Сувоқава» очиқ акциядорлик жамиятидан кўп қаватли уйларни тураржой майдонидаги биноларга техник-тармоқ ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш шартномасига асосан бажарилган ишлар учун 9393783 сўм асосий қарз ва 4696892 сўм пеня, жами 14094675 сўм ундиришни сўраган. Фарғона вилоят ҳўжалик судининг 2005 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. Шу суд апелляция инстанциясининг 2005 йил 14 сентябрдаги қарори ҳамда Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 2005 йил 21 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбориш масаласи қўйилган. Раёсат иш бўйича судьянинг маърузасини, даъвогар вакилининг тушунтиришларини, Бош прокурор ўринбосарининг протестни қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ва протестда келтирилган вазларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан протестни қисман қаноатлантириб, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим деб ҳисоблаган: ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, 15-0402/2695-сонли ҳўжалик иши юзасидан Фарғона вилоят ҳўжалик судининг 2004 йил 5 июлдаги ҳал қилув қарори билан «Баҳридил Саттор-АРС» масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар – «Сувоқава» АЖга нисбатан мажбурий равишда шартнома туздириш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида 2004 йил учун шартнома мажбурий тартибда туздирилган. Шартноманинг 1.1. ва 7.3 бандларида даъвогар 65 та кўп қаватли уйларнинг тураржой майдонидаги биноларга техник-тармоқ ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш, жавобгарга эса ушбу хизматлар учун 9393783,8 сўм ҳақ тўлаш мажбурияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди Ахборотномаси, 2007. – № 6.

юклатилган. Жавобгар томонидан қарз суммаси тўланмаганлиги сабабли даъвогар хўжалик судига мурожаат қилган.

Раёсат эса судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаси бузилган ҳолда ушбу иш кўрилганлиги боис, низо бўйича қабул қилинган Фарғона вилоят хўжалик судининг 2005 йил 7 сентябрдаги ҳал қилув қарори, апелляция инстанциясининг 2005 йил 14 сентябрдаги ва Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2005 йил 21 ноябрдаги қарорларини бекор қилиб, даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Мазкур иш мазмунидан кўриниб турибдики, Фарғона вилоят хўжалик суди, шу суд апелляция инстанцияси, Олий хўжалик суди кассация инстанцияси ФКнинг 705-моддаси иккинчи қисми асосида жавобгар кўрсатилган хизмат учун ҳақни тўлаши лозимлигига эътиборни қаратишган. Аммо ҳақни тўлаш пайтида кўрсатилган хизматнинг сифати билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилмаган. Назаримизда судлар шартноманинг предмети бўлган хизматлар номоддий характерга эга бўлганлиги боис, мазкур хизматларга ҳақ тўлаш унинг сифатига боғлиқ эмас, деган хулосага келишган.

ФКнинг 38-бобида буюртмачи томонидан оператив таъсир кўрсатиш чораларини шакллантириш зарурлигини белгилаб берувчи нормаларнинг ўз аксини топмаганлиги буюртмачига сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатилаётганда унинг салбий оқибатларини олдини олиш, тўхтатиш имкониятини бермайди. Зеро, кўрсатилган хизматлар учун буюртмачи ҳар доим бу хизматлар лозим даражада кўрсатилсагина ҳақ тўлайди. Ушбу ҳолатлар таҳлили эса ФКнинг 38-бобини хизматлар сифати ҳақидаги мажбуриятларни лозим даражада бажаришни таъминлашга қаратилган чораларни назарда тутувчи қоидалар билан тўлдириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазанинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бу ўринда, оператив таъсир кўрсатиш чоралари лозим даражада бажариш, шунингдек ижрочи томонидан хизматларнинг ўз вақтида кўрсатилиши; буюртмачи томонидан хизматларнинг ўз вақтида қабул қилиниши; кўрсатилган хизматлар учун буюртмачи томонидан ҳақнинг ўз вақтида тўланиши (ушбу мажбурият айниқса, тарафлар ўртасида узоқ вақт давом этадиган муносабатларда муҳим аҳамият эга) каби мажбуриятлар билан таъминланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

- 1.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
- 1.5. Каримов И. А. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2004. – 398 б.
- 1.13. Каримов И.А.Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
- 1.15. Каримов. И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва хал-

кимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

1.16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2008.– 368 б.

1.17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият, 2008. – 102 б.

1.19. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби / Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009. – 14 февраль.

1.20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

II. Халқаро аҳамиятга эга бўлган универсал ҳамда минтақавий характердаги ҳужжатлар

2.1. Межгосударственный стандарт ГОСТ 30335-95 / ГОСТ Р 50646-94 «Услуги населению. Термины и определения». Издание официальное. Принят Межгосударственным Советом по стандартизации, метрологии и сертификации (протокол № 7 от 26 апреля 1995 г.) – Москва.: ИПК Издательство стандартов. – 2001. – 6 с.

2.2. Соглашение о создании транснациональной финансово-промышленной группы по обеспечению эксплуатации и ремонта авиационной техники гражданской авиации государств – участников Содружества Независимых Государств. – Москва. 18 октября 1996 г. Вступление в силу для Республики Узбекистан с 18 октября 1996 года в соответствии со статьей 14. // Предпринимательское право: Портал правовой поддержки предпринимательской деятельности [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.businesspravo.ru/ / свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

2.3. Генеральное соглашение о торговле услугами (General Agreement of Trade in services. / Всемирная торговая организация,

Уругвайский раунд многосторонних торговых переговоров. – Марракеш. 15 апреля 1994 г. // International Legal Materials. 1994. Volume XXII, № 1. January. // Мировая экономика: новости, статьи, статистика [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.ejreport.ru/ свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

2.4. Международный Стандарт ISO 9004-1-94. «Контроль качества (TQM). Управление качеством и элементы системы качества». Принят Международным организациям по стандартизации (International organization for standardization organization internationals de normalization). // "Интернет и Право" [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.internet-law.ru/ свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

2.5. Принципы международных коммерческих договоров (Принципы УНИДРУА). Документ разработан и принят Советом Международным институтом унификации частного права (УНИДРУА) в 2004 году // ЮРИДИЧЕСКАЯ РОССИЯ-образовательный правовой портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://law.edu.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

III. Қонун ҳужжатлари:

3.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. 2005. – 527 б.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – № 3. – 159-м.

3.4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – № 9. – 335-м.

3.5. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – № 2. – 50-м.

3.6. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Концессиялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – № 9. – 185-м.

3.7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1996. – № 5-6. – 59-м.

3.8. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1996. № 9. – 128-м.

3.9. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 54-м.

3.10. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. № 4-5. – 124-м.

3.11. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. № 9. – 225-м.

3.12. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. № 9. – 170-м.

3.13. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 208-м.

3.14. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 219-м.

3.15. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 227-м.

3.16. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 140-м.

3.17. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. 142-м.

3.18. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги янги таҳрирдаги «Ташки иктисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 148-м.

3.19. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 149-м.

3.20. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 147-м.

3.21. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. – № 7-8. – 210-м.

3.22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-П-сон Қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – № 11-12. – 222-м.

3.23. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – № 1-2. – 6-м.

3.24. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – № 1-2. – 12-м.

3.25. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2005. – № 1. – 16-м.

3.26. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2006. – № 4. – 158-м.

3.27. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майдаги «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2006. – № 5. – 216-м.

3.28. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2006. – № 9. – 493-м.

3.29. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. – № 5. 218-м.

3.30. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. – № 12. – 1-илова.

3.31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–339-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – № 4. – 195-м.

3.32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида»ги ПФ–1843-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 271-м.

3.33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий

ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-1938-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 3. – 43-м.

3.34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 10-11. – 204-м.

3.35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-3590-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2005. – № 3-4. – 131-м.

3.36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2005. – № 6. – 215-м.

3.37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 23-24. – 168-м.

3.38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3622-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2005. – № 6. – 216-м.

3.39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 37-38. – 285-м.

3.40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қискартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. – № 40. – 303-м.

3.41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ-237-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. № 49-50. – 368-м.

3.42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. – № 20-21. – 174-м.

3.43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги ПҚ-615-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 15. – 155-м.

3.44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. № 21. – 213-м.

3.45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 37-38. – 382-м.

3.46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш тизимининг Асосий

принциплари» // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 1992. – № 3. – 4-м.

3.47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 1995. – № 10. – 40-м.

3.48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 446-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 1997. – № 9. – 32-м.

3.49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 августдаги «Маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари ва провайдерларига мақсадли имтиёзлар ва преференциялар бериш тўғрисида»ги 296-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 2002. – № 8. – 48-м.

3.50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2002. – № 22. – 181-м.

3.51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 230-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 9-10. – 78-м.

3.52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 17. – 143-м.

3.53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори билан тасдиқланган «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташҳис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя

қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 22-23.–265-м.

3.54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги «Мақтабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 225-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 43. – 431-м.

3.55. Правила предоставления услуг телеграфной связи Республики Узбекистан (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 8 апреля 1996 года, N 233). // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.56. Правила оказания ветеринарных услуг владельцам животных в Республике Узбекистан (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 17 августа 1997 года, № 358). // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.57. Правила предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 12 января 1998 года, № 389). // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.58. Правила предоставления и пользования услугами телефонной связи с таксофонов (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 11 июля 1998 года, № 445). // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.59. Правила предоставления коммунальных услуг по вывозу твердых и жидких бытовых отходов (Зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 20 февраля 1999 года, № 647). // Министерство юстиции Республики

Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.60. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 августдаги 795-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.61. Порядок сертификации туристских услуг (Национальная система сертификации Республики Узбекистан) (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 18 марта 2000 года, № 911) // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.62. Правила оказания услуг почтовой связи (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 16 июля 2003 года, № 1256) // Министерство юстиции Республики Узбекистан [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz.свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

3.63. Ўзбекистон Республикаси иктисодий фаолият турлари таснифлагичи 1 ред. (ИФУТ 1 ред.) – Тошкент.: Ўзстандарт. – 2004. – 187-б.

3.64. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-сон билан рўйхатга олинган «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 11. – 130-м.

3.65. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 сентябрда 1415-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. № 38. – 432-м.

3.66. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 5 октябрда 1417-рақам билан рўйхатга олинган «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан, Интернет хизматларини кўрсатиш Қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. № 40-41. – 441-м.

3.67. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ). Расмий нашр. – Тошкент.: Ўзстандарт. – 2006. – 127-б.

3.68. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 февралда 1659-рақам билан рўйхатга олинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини саклаш учун жавобгарлик тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 9-10. – 90-м.

3.69. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатга олинган «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тийёрлаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 46-47. – 480-м.

3.70. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 3 январда 1756-сон билан рўйхатга олинган «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги Вактинчалик низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – № 1-2. – 3-м.

3.71. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатга олинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – № 34. – 337-м.

3.72. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 6 февралда 1900-сон билан рўйхатга олинган «Мобиль алоқа

IV. Хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари:

4.1. Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательные акты: /Под ред., со вступит. сл., О. А. Жидкова; Сост. В. И. Лафитский; пер. с англ. Т. В. Апаровой и др. – Москва.: Издат. группа «Прогресс», «Универс». – 1993. – 766 с.

4.2. Новый кодекс Японии /Под общ. ред. Тэцуо Сато, В.С.Позднякова; ред. Н. Г. Семилютина; пер. с англ. А. А. Лыхо. – Москва.: Микап. – 1993. – 252 с.

4.3. Закон Великобритании от 1949 года «О регистрации прав на дизайн» (Registered Designs Act 1949) / Office of Public Sector Information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.opsi.gov.uk/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз.англ.

4.4. Закон Великобритании от 1977 года «О несправедливых условиях в контрактах» (Unfair Contract Terms Act 1977) / Office of Public Sector Information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.opsi.gov.uk/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз.англ.

4.5. Закон Великобритании от 1980 года «О конкуренции» (Competition Act 1980) Office of Public Sector Information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.opsi.gov.uk/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз.англ.

4.6. Закон Великобритании от 1982 года «О поставке товаров и оказании услуг» (Supply of Goods and Services Act 1982) Office of Public Sector Information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.opsi.gov.uk/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз.англ.

4.7. Статут Великобритании № 6 от 2006 года «Положения о контрактах на коммунальные услуги» (Statutory Instrument 2006 No. 6 «The Utilities Contracts Regulations») Office of Public Sector Information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.opsi.gov.uk/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз.англ.

4.8. Гражданское уложение Германии = Deutsches Bürgerliches Gesetzbuch mit Einführungsgesetz / под ред. А.Л. Маковского. – Москва.: Волтерс Клувер, 2006. – 816 с.

4.9. Закон Германии от 1 августа 1997 года «Об информационных и коммуникационных услугах» //Безопасность инфор-

мационных технологий: Авторский сайт к.т.н. Домарева Валерия Валентиновича [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.securigty.ukrnet.net .свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус., укр.

4.10. Закон Китая «О договорах часть» (принят 15.03.1999 г. на Второй сессии Девятого созыва Всекитайского Собрания Народных Представителей КНР, вступает в силу с 01.10.1999 года) // Законы КНР, законодательство и право Китая [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.uglc.net/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.11. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая // Роскодекс: Российское законодательство [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.roskodeks.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.12. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть вторая) // Роскодекс: Российское законодательство [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.roskodeks.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.13. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть третья) // Роскодекс: Российское законодательство/ [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.roskodeks.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.14. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть четвертая) // Роскодекс: Российское законодательство/ [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.roskodeks.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.15. Закон Российской Федерации от 7 февраля 1992 года № 2300-1 «О защите прав потребителей» [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.roskodeks.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.16. Гражданский Кодекс Республики Казахстан от 27.12.1994г. (общая часть) // Юридическая защита от мошенничества: Законодательство Республики Казахстан [Электронный ресурс]: Режим доступа: antifraud.narod.ru/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.17. Гражданский Кодекс Республики Казахстан от 01.07.1999г. (особенная часть) //Юридическая защита от мошенничества: Законодательство Республики Казахстан [Электронный

ресурс]: Режим доступа: www.antifraud.narod.ru/, свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.18. Закон Республики Казахстан от 5 июня 1991 года № 640-ХП «О защите прав потребителей» //ПАРАГРАФ on-line: Законодательство [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.base.zakon.kz/, свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.19. Гражданский Кодекс Республики Молдовы // Registrul de stat al aktelor al Republicii Moldova [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/, свободный. – Загл. с экрана. – Яз. молд.

4.20. Закон Республики Молдовы от 13 марта 2003 года № 105-XV «О защите прав потребителей.» / [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/, свободный. – Загл. с экрана. – Яз. молд.

4.21. Гражданский Кодекс Азербайджанской Республики / Азербайджанский юридический портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/, свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

4.22. Постановления Пленума Верховного Суда РФ от 29 сентября 1994 г. № 7 «О практике рассмотрения судами дел о защите прав потребителей» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлениями Пленума от 25 апреля 1995 г. № 6, от 25 октября 1996 г. № 10, от 17 января 1997 г. № 2). Человек @закон: информационно-правовой сервис [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.zakon.kuban.ru/, свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

У. Махсус адабиётлар:

5.1. Алексеев С. С. Общая теория права: Учебник. Т. 2. – Москва.: Юрид. лит, 1982. – 359 с.

5.2. Амирханова И.В. Гражданско-правовое обеспечение развития предпринимательства в Республике Казахстан. – Алматы.: Казак университеті, 2003. – 369 с.

5.3. Афоризмы о юриспруденции / Авт.-сост. А.Б.Ванян. – Москва.: Узорочье, 1999. – 524 с.

5.4. Баринов Н.А. Имущественные потребности и гражданское право. – Саратов: Саратовский университет, 1987. – С. 132-133.

- 5.5. Беленков Р. Гражданское право (конспект лекций). – Москва.: ПРИОР, 1998–1999.
- Ч.1. – 1998. – 144 с.
- Ч.2. – 1999. – 152 с.
- 5.6. Белых В.С. Качество товаров в английском договоре купли-продажи. – Москва.: МП «Глобус», Изд-во стандартов, 1991.
- 5.7. Белых В.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в России: монография. – Москва.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 432 с.
- 5.8. Большой энциклопедический словарь: В 2-х т. / Гл.ред. А.М.Прохоров. — М.: Советская энциклопедия, 1991. Т. 1. – 863 с.
- 5.9. Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – Москва.: Статут, 1999. – 254 с.
- 5.10. Брагинский М.И. Общее учение о хозяйственных договорах. – Минск.: Наука и техника, 1967. – 259 с.
- 5.11. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг: Изд. доп., испр. – Москва.: Статут, 2002. – 700 с.
- 5.12. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: общие положения. – Москва.: Статут, 1998. – 624 с.
- 5.13. Братусь С. Н. Субъекты гражданского права. – Москва.: Госюриздат, 1950. – 368 с.
- 5.14. Гражданское право: В 2 ч.: Учебник / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – Москва.: ТЕИС, 1996–1997.
- Ч. I. – 1996. – 444 с.
- Ч.2. – 1997. – 454 с.
- 5.15. Гражданское право. Том 2. Учебник. Издание третье, переработанное и дополненное / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – Москва.: «ПБОЮЛ Л.В.Рожников», 2001.–736 с.
- 5.16. Гражданское право. Учебник 2-е изд., перераб. и доп. Ч. 1 / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого – Москва.: Проспект, 1997. – 600 с.
- 5.17. Гражданское право. Учебник. Ч. 2 / отв. ред. Сергеев А.П., Толстой Ю.К. – Москва.: Проспект, 1998. – 784 с.
- 5.18. Гражданское право. Учебник. Ч. 3 / Отв. ред. Сергеев А.П., Толстой Ю.К. – Москва.: Проспект, 1999. – 592 с.

5.19. Гражданское право. Учебник / Под ред. С.П. Гришаева. – М.: Юристъ, – 1999. – 484.

5.20. Гражданское прав. В 2-х томах. Учебник под ред. Суханова Е.А. Т. 1. – М.: БЕК, – 1993. – 384 с.

5.21. Гражданское право: В 2 т. Т. 1. Учебник / Отв. ред. проф. Е.А. Суханова. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва.: Издательство БЕК, – 2000. – 816 с.

5.22. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртлирининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун /Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, У.Чориёров. //Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев.-Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, – 2000. – 528.

5.23. Дашков Л. П., Брызгалин А. В. Коммерческий договор: от заключения до исполнения. – Москва.: Маркетинг, 1995.–324 с.

5.24. Дернбург Г. Пандекты. Обязательственное право. 2-е изд. / Пер. под. руков. и ред. П.Соколовского. – Москва.: Университетская типография, 1904. Т. 3. – 490 с.

5.25. Ефимова Е.Г. Россия на мировом рынке услуг // Россия и международная торговая система. Коллективная монография. / Под ред. Э.ВанДузера, С.Ф.Сутырина, В.И.Капусткина. – Санкт-Петербург: Издательство «Петрополис», 2000. – 456 с.

5.26. Жамен С., Лакур Л. Торговое право: Пер. с фр. / Под общ. ред. Клода Лобри. – Москва.: Международные отношения, 1993. – 256 с.

5.27. Завидов Б. Д. Договорное право России. – Москва.: Лига Разум, 1998. – 527 с.

5.28. Завидов Б.Д. Договоры посреднических услуг. – Москва.: ФБК-Пресс, 1997. – 96 с.

5.29. Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент.: Адолат, 1996. – 296 б.

5.30. Ибратов Б. Служба быта и права потребителя. – Тошкент.: Узбекистон, 1992. – 94 с.

5.31. Ива Пухан., Мирьяна Поленак-Акимовская. Римское право: Базовый учебник. – Москва.: Зерцало, 1999. – 620 с.

5.32. Иванов В.В. Общие вопросы теории договора. – Москва.: Эдиториал УРСС. 2000. – 160 с.

5.33. Иеринг Р. Цель в праве. Т. 1. – СПб., 1881. – 210 с.

5.34. Иоффе О.С. Обязательственное право. – Москва.: Юридическая литература, 1975. – 880 с.

5.35. Иоффе О.С. Советское гражданское право. В 3-х томах. Т.2. – Ленинград.: Издательство Ленинградского университета, 1961. – 532 с.

5.36. Кабатов В.А. Возмездное оказание услуг (глава 39) // Гражданский кодекс. Ч. II. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. – Москва.: МЦФЭР, 1996. – 704 с.

5.37. Казанцев М.Ф. Договорное регулирование: Цивилистическая концепция. – Екатеринбург.: УрО РАН, 2005. – 452 с.

5.38. Калмыков Ю.Х. Правовое регулирование хозяйственных отношений: Вопросы гражданского законодательства. – Саратов.: Изд-во Саратовского ун-та, 1982. – 204 с.

5.39. Кашанина Т.В. Корпоративное право. – Москва.: Инфра-М, 1999. – 815 с.

5.40. Кашанина Т.В. Предпринимательство: правовые основы. – Москва.: Юридическая литература, 1994. – 176 с.

5.41. Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. – Москва.: Юридическая литература, 1991. – 208 с.

5.42. Костин А. А., Яфаев А. И. Обязательства из причинения вреда: Гражданское и торговое право капиталистических государств. – Москва.: Юридическая литература, 1993. – 176 с.

5.43. Котлер Ф. Маркетинг, менеджмент. – Санкт-Петербург.: Питер Ком, 1998. – 896 с.

5.44. Котлер Ф. Основы маркетинга. – Москва.: Бизнес-Книга, 1995. – 702 с.

5.45. Красавчиков О. А. Возмещение вреда, причиненного источником повышенной опасности. – Москва.: Юридическая литература, 1966. – 186 с.

5.46. Кратенко М.В. Договор об оказании юридической помощи в современном гражданском законодательстве. – Москва.: Статус, 2006. – 316 с.

5.47. Круглов М.Г., Шишков Г.М. Управление качеством. Учебное пособие. – М.: МГТУ «СТАНКИН», 1999. – 234 с.

- 5.48. Кулагин М. Предпринимательство и право: Опыт Запада / Предисл. и науч. ред. Е. А. Суханова.— Москва.: Дело, 1992. — 144 с.
- 5.49. Лаптев В. В. Предпринимательское право: понятие и субъекты. — Москва.: ТЕИС, 1997. — 276 с.
- 5.50. Леруа М. Старое и новое право. К столетию Кодекса Наполеона: /Пер. с фр. Ю. Стеклова. — Санкт-Петербург: Издание Н. Глаголева, 1907. — 105 с.
- 5.51. Лукьянцев А.А. Применение гражданско-правовой ответственности при осуществлении предпринимательской деятельности: теория и практика. — Ростов-на-Дону: Изд-во РГУ, 2005. — 512 с.
- 5.52. Маковский А.Л. Дарение (глава 32) // Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель / Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. — Москва.: 1996. — С. 303.
- 5.53. Малейн Н. С. Возмещение вреда, причиненного личности. — Москва.: Юридическая литература, 1965. — 28 с.
- 5.54. Мансуров С.М., Шодмонов Э.Ш. Бозор инфратузил-маси. — Тошкент.: ТДЮИ., 2003. — 38 б.
- 5.55. Маркова В. Д. Маркетинг услуг. — Москва.: Финансы и статистика, 1996. 436 с.
- 5.56. Маркова М. Г. Ответственность органов внутренних дел за вред, причиненный неправильными служебными действиями их работников: Учеб. пособие. — Москва.: МФЮЗО, 1980. — 48 с.
- 5.57. Матвеев Г. К. Основания гражданско-правовой ответственности. — Москва.: Юридическая литература, 1970. — 214 с.
- 5.58. Международная торговля услугами. — Москва.: Экономика, 2003. — 315 с.
- 5.59. Международные экономические отношения: Учебник / Под общ. ред. В.Е. Рыбалкина. — М.: Дипломатическая академия при МИД РФ, 1997. — 384 с.
- 5.60. Мусаев Қ. М., Эрдонаев А.Х., Кудратов М.Ш. Инглизча-ўзбекча луғат: Иқтисодиёт. Молия. Банк. Тижорат: Беш жилдлик. II жилд. /Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. — Тошкент.: Ўқитувчи, 1998. — 640 б.

5.61. Мюллер В. К. Англо-русский словарь. 17-е изд. – Москва.: Русский язык, изд.17-е исправленное и дополненное, 1977. – 888 с.

5.62. Нарматов Н.С. «Кўриклаш» хизмати фаолиятининг фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиниши: Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 109 б.

5.63. Научно-практический комментарий к части первой Гражданского кодекса Российской Федерации: Для предпринимателей /Авт. колл.: М. И. Брагинский (рук.), В.В. Витрянский, В. И. Звеков и др.; Под общ. ред. В. Д. Карповича. -2-е изд., перераб. и доп. – Москва.: Спарк, 1999. – 736 с.

5.64. Ортиқов А. Иқтисодий-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. – 168 б.

5.65. Основы рыночной экономики: Терминологический словарь / Сост. и отв. ред. В.М.Кузнецов. – Москва.: Изд-во МАИ, Вузовская книга, 1998. – 112 с.

5.66. Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – Москва.: Статут, 1998. – 353 с.

5.67. Публичные услуги и право: науч.-практ. пособие / под ред. Ю.А.Тихомирова. – Москва.: Норма, 2007. – 416 с.

5.68. Рахмилович В.А. Избранное. – Москва.: ЗАО Юстицинформ, 2005. – 320 с.

5.69. Рахмонкулов Х. Р. Правовые формы регулирования имущественных отношений социалистических хозяйственных организации. – Тошкент.: Фан, 1976. – 279 с.

5.70. Раҳмонкулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 503 б.

5.71. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. И.И.Насриев. – Т.: «O‘zbekiston» нашриёти, 2008. – 200 б.

5.72. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. И.И.Насриев. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 175 б.

5.73. Рахманкулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. – Ташкент.: Фан, 1989. – 278 с.

5.74. Раҳмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). / Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлири «Хусусий ҳуқуқ» йўналиши магистратура талабалари учун. – Тошкент.: ТДҶОИ, 2005. – 336 б.

5.75. Раҳмонкулов М. Х. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. – Ташкент.: Узбекистан, 1994. – 180 с.

5.76. Регулирование предпринимательской деятельности в системах здравоохранения европейских стран / Под ред. Солтман Р.Б., Буссе Р., Моссиалос Э. / Пер. с англ. – Москва.: Весь мир, 2002. – 272 с.

5.77. Решетникова Е. Г. Сфера услуг: планирование, проблемы, перспективы. – Саратов.: 1998. – 256 с.

5.78. Розенберг Д. М. Бизнес и менеджмент. Терминологический словарь. Пер с англ. – Москва.: Инфра-М, 1997. – 464 с.

5.79. Российский статистический ежегодник. стат. сб. Офиц. Изд. М.: Госкомстат России, - М.: Логос, 1996. – 1200 с.

5.80. Россия и международная торговая система / Под ред. Э.Вандузера, С.Ф.Сутырина, В.И.Капусткина. – СПб., Петрополис, 2000. – 456 с.

5.81. Рўзиназаров Ш. Н. Бозор шароитида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми. – Тошкент.: Адолат, 1997. – 343 б.

5.82. Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: (қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти масалалари) / Масъул муҳаррир: Х.Раҳмонкулов. – Тошкент.: Тошкент Давлат юридик институти, 2004. – 310 б.

5.83. Садиқов О.Н. Комментарий к Гражданскому праву (постатейный). – Москва.: Инфра-М, 2006. – 1062 с.

5.84. Саид-Ғазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. // Масъул муҳаррир: проф. И.Б.Зокиров. – Тошкент.: ТДҶОИ., 2005. – 136 б.

5.85. Санникова Л.В. Обязательство об оказании услуг в российском гражданском праве /Л.В.Санникова; Российская акад. наук. Ин-т государства и права. – Москва.: Волтерс Клувер, 2007. – 120 с.

5.86. Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.

5.87. Саказ Вагацума, Тори Ариидзуми. Гражданское право Японии: В 2 кн. – Москва.: Прогресс, 1983. Кн. 2. – 312 с.

5.88. Салмонд и Вильямс. Основы договорного право. – Москва.: Изд-во иностранная литература, 1955. – 704 с.

5.89. Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди. 2003. – 251 б.

5.90. Словарь иностранных слов и выражений / Авт.–сост. Е.С.Зенович. Москва.: Олимп; ООО «Фирма «Издательство АСТ», 1998. –608 с.

5.91. Советское гражданское право. Учебник. Ч.1. / Под. ред. В. А. Рясенцева – Москва.: Юрид. лит., 1986. – 558 с.

5.92. Советское гражданское право. Учебник. Т.1. / Под. ред. Д. М. Генкина – Москва.: Госюриздат, 1950. – 496 с.

5.93. Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. – Москва.: Статут, 2005. – 349 с.

5.94. Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Махсус қисм): Дарслик /Таҳририят хайъати: Ш.Рўзиназаров, А.Саидов, К.Рашидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Тошкент.: «Консаудитинформ», 2002. – 444 б.

5.95. Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик / Таҳририят хайъати: Ҳ.Раҳмонқулов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Тошкент.: «Консаудитинформ», 2002. – 672 б.

5.96. Тихомиров Ю.А. Теория компетенции. – Москва.: Юринформцентр, 2001. – 355 с.

5.97. Толковый словарь русского языка. 80000 слов и фразеологических выражений / Сост. С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведова. 2-е изд. испр. и дополн. – Москва.: АЗЪ, 1995. – 928 с.

5.98. Топорнин Б.Н. Европейское право: Учебник. – Москва.: Юристь, 1998. – 455 с.

5.99. Уткин Э.А. Цены. Ценообразование. Ценовая политика. – Москва.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Изд-во ЭКМОС, 1998. – 244 с.

5.100. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз – Шаршара. Таҳрир хайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. – Тошкент.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 704 б.

5.101. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни мониторинги / Масъул муҳаррир Ф.Ҳ. Отахонов. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006. – 318 б.

5.102. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни мониторинги / Масъул муҳаррир Ш.Х.Файзиев. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2008. – 364 б.

5.103. Ўзбекистон Республикасининг фукаролик ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Ҳ. Р. Раҳмонқулов, И. Б. Зокировларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент.: Адолат, 1999. – 559 б.

5.104. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунга шарҳ / И.Б.Зокиров, М.Х.Рустамбоев, О.Окюлов ва бошқ.; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 49.

5.105. Фартхдинов Я.Ф. Законодательство и судебная практика по некоторым видам бытового обслуживания /Науч. ред. М. И. Никитина. – Казань.: Изд-во Казанского университета, 1983. – 112 с.

5.106. Флейшиц Е. А. Ответственность государственных органов за имущественный вред, причиненный должностными лицами. – Москва.: Госюриздат, 1948. – 304 с.

5.107. Ҳайдаров Я., Саидкулов Э. Бозор тили лугати. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиши давлат концерни, 1999. – 246 б.

5.108. Хрестоматия по истории Древнего Рима / Под ред. С.Л. Утченко. – Москва.: Соцэкгиз, 1962. – 675 с.

5.109. Черниловский З.М Хрестоматия по общей истории государства и права. – Москва.: Фирма Гардарика, 1996. – 413 с.

5.110. Шаблова Е. Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург.: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2004. – 355 с.

5.111. Шайкенов Н. А. Правовое обеспечение интересов личности. – Свердловск: УГУ, 1990. – 199 с.

5.112. Шерстобитов А.Е. Гражданско-правовое регулирование договорных отношений в сфере обслуживания. – Москва.: Издательство МГУ, 1987. – 100 с.

5.113. Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов. – Тошкент.: «Консаудитин-форм», 2002. – 128 б.

5.114. Юнусов Ҳ.М. «Европа Иттифоқи ҳуқуқи» (Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи): Дарслик. – Тошкент.: «Янги аср авлоди», 2007. 640 б.

VI. Хорижий давлатларда чоп этилган адабиётлар:

6.1. Abraham L. Wickelgren. The Inefficiency of Contractually-Based Liability with Rational Consumers // The Journal of Law, Economics, & Organization, Vol. 22, № 1, 2005. – P. 168-183.

6.2. Che, Yeon-Koo, and Donald B. Hausch. Cooperative Investments and the Value of Contracting // American Economic Review, 1999. – P. 25-47.

6.3. Hart, Oliver D., and John Moore. Incomplete Contracts and Renegotiation //Econometrica, 1988. – P. 85-755.

6.4. Ma, Ching-To Albert. Renegotiation and Optimality in Agency Contracts // Review of Economic Studies, 1994. – P. 29-109.

6.5. Mary A. Glyndon, Michael W. Gordon, Christopher Ozawkie. Comparative Legal Traditions. Texts, Materials and Cases on the Civil and Common Law Traditions, With Special Reference to French, German, English and European law 53 2nd ed. (St. Poul., Minn.: West Publishing Co., 1994).

6.6. Maskin, Eric, and Jean Tirole. Unforeseen Contingencies and Incomplete Contracts // Review of Economic Studies, 1999. – P. 83-114.

6.7. Meyer Alfred W., Speedily Richard E. Sales and leases of goods. St. Paul, 1993. – P. 119-121.

6.8. Patrick W. Schmitz. Should contractual clauses that forbid renegotiation always be enforced? // The Journal of Law, Economics & Organization, Vol. 21, № 2, 2005. – P. 315-329.

6.9. Steven Shavell. On the writing and interpretation of contracts // The Journal of Law, Economics & Organization, Vol. 22, № 2, 2006. – P. 289-314.

6.10. Tirole, Jean. Incomplete Contracts: Where Do We Stand? // Econometrica, 1999. – P. 81-741.

6.11. Trebilcock D. The Limits of Freedom of Contract. N.Y., 1993. – P. 27.

6.12. Uniform Commercial Code. Fourth edition. St. Paul, mien. West publishing CO, 1995. – P. 60-61.

VII. Журнал, газета ва илмий тўпламлардаги мақолалар:

7.1. Абдуллаев Ж. Оммавий ахборот воситаларига тушунчасига оид айрим назарий-ҳуқуқий масалалар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2006. – № 1. – Б. 69-71.

7.2. Азизов Х. Хусусий мулк ҳуқуқининг ривожланиши // Ҳуқуқ – Право. – Тошкент, 1998. – № 1. – Б. 72-78.

7.3. Берлин Е.М. Законодательное регулирование качества правовых услуг // Право и экономика. – Москва, 2002. – № 5. – С. 23-28.

7.4. Борисов Б.А. Юридическая консультация // Предприниматель – инноватор. – Москва, 1997. – № 10. – С. 51-52.

7.5. Будман Ш.И., Павлодский Е. Невозможность исполнения обязательств в современном договорном праве // Проблемы современного гражданского права. Сборник научных трудов памяти С. Н. Братуся. Отв. ред. В.Н. Литовкин, В. А. Рахмилович. – Москва, 2000. – С. 223-235.

7.6. Витрянский В.В. Существенные условия договора в отечественной цивилистике и правоприменительной практике. (Начало) // Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации. – Москва.: ЮРИТ-Вестник, 2002, № 5. – С. 132-142.

7.7. Грибанов В. П., Ем В. С. Гражданско-правовые обязанности: содержание и факторы, его определяющие // Вестник Московского университета. Сер. 11. Право. – Москва, 1984. – № 6. – С. 3-10.

7.8. Григоренко С. Проблемы гражданско-правового статуса индивидуального предпринимателя // Хозяйство и право. – Москва, 1999. – № 6. – С. 18-26.

7.9. Ибратов Б. Тадбиркорликнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. – № 8. – Б. 39–43.

7.10. Калмыков Ю.Х. К понятию обязательства по оказанию услуг в гражданском праве // Избранное. Труды. Статьи. Выступления / Сост. О.М.Козырь, О.Ю.Шиловост. – Москва.: Исследовательский центр частного права, 1998. – С. 29-34.

7.11. Калятин В.О. Проблемы юрисдикции в Интернете // Законодательства. – Москва, 2001. – № 5. – С. 33-42.

7.12. Козлова Н.В. Договор возмездного оказания правовых услуг // Законодательство. – Москва, 2002. – № 3. – С. 40-45.

7.13. Красавчиков О. А. Сущность юридического лица // Советское государство и право. – Москва, 1976. – № 6. – С. 48–52.

7.14. Красавчиков О. А. Сфера обслуживания: гражданско-правовой аспект // Гражданское право и сфера обслуживания. Межвузовский сборник научных трудов. – Свердловск: Изд-во Свердл. юрид. ин-та, 1984. – С. 5-29.

7.15. Красавчиков О.А. Система отдельных видов обязательств // Советская юстиция. – Москва, 1960. – № 5. – С. 41-43.

7.16. Маковский А. Об унификации гражданского законодательства на едином экономическом пространстве (советский и постсоветский опыт) // Журнал ЮРИСТ. – Москва, 2006. – № 9.

7.17. Михальски Т. Услуги как стратегический выбор глобально действующих предприятий // Проблемы теории и практики управления. – Москва, 1998. – № 3. – 96-100 с.

7.18. Мурзин Д.В. Моделирование безвозмездного обязательства по оказанию услуг // Цивилистические записки: Межвуз. сб. науч. трудов. – Москва, 2002. Вып. 2. – С. 359-377.

7.19. Муҳаммадиев А. Интернетнинг ҳуқуқий аспекти // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003. – № 2. – Б. 62-63.

7.20. Нам К.В. Убытки и неустойка как формы договорной ответственности. // В кн. Актуальные проблемы гражданского права / Под ред. М.И.Брагинского. – Москва.: Статут, 1999. – С. 333-379.

7.21. Насибян Ю. Защита прав потребителей в сфере услуг // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари / Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. 2 қисми. II қисм. – Тошкент.: ТДЮИ, 2003. – С. 16-21.

7.22. Окюлов О. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш: илмий-концептуал ғоя ва йўналишлар // «Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006. – Б. 224-227.

7.23. Окюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1999. – № 6. – Б. 75-76.

7.24. Окюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий институционал тузилмалар эволюцияси (тадрижий ривож) муаммолари // «Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари – Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2004. – Б. 8-12.

7.25. Отахонов Ф. Фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиш тушунчаси ва моҳияти // «Ўзбекистон ФКга 10 йил: тажриба ва ривожланиш истикболлари». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2007 йил 27-28 ноябрь. – Тошкент, 2008. – Б. 196-201.

7.26. Отахонов Ф. Х. Иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришда юридик хизматнинг роли // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2000. – № 7. – Б. 70-72.

7.27. Отахонов Ф.Ҳ. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш масалалари // Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент.: ТДЮИ., 2003. – Б. 45-55.

7.28. Ошибки врачей стоят канадцам 750 миллионов долларов // Медицинские новости. 2004. 10 июня.

7.29. Раимқулов Н. Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўй-хатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик

учун жавобгарлик масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Ахборотномаси. – Тошкент, 2006. – № 6. – Б. 41-43.

7.30. Раҳманкулов М.Х. Гражданско-правовой договор, проблемы свободы и необходимости в условиях переходной экономики // Право и рынок: Теоретические проблемы развития. – Тошкент, 1994. – № 3. – С. 134–138.

7.31. Раҳманкулов Х.Р. Основные направления развития гражданского законодательства Республики Узбекистан // «Ўзбекистон ФКга 10 йил: тажриба ва ривожланиш истикболлари». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2007 йил 27-28 ноябрь. – Тошкент, 2008. – Б. 5-10.

7.32. Руженцев Н. Стандартизация в сфере услуг // Стандарты и качество. – Москва, 2001. – № 9. – С. 33.

7.33. Рўзиёв Р. Хўжалик шартномаси тушунчаси ва мазмуни // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. – № 4. – Б. 15–20.

7.34. Рўзиназаров Ш. Н. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2000. – № 7. – Б. 61-64. 6.34. Рўзиназаров Ш.Н. ФК: цивилистик тафаккур маҳсули // «Ўзбекистон ФКга 10 йил: тажриба ва ривожланиш истикболлари». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2007 йил 27-28 ноябрь. – Тошкент, 2008. – Б. 106-117.

7.35. Северин В.А. Правовое регулирование информационных отношений // Вестник Московского университета. Сер. 11. Право. – Москва, 2000. – № 5. – С. 21-36.

7.36. Синдаров К. Тадбиркорлик фаолиятининг ютуғи // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. – № 6. – Б. 18-20.

7.37. Солнцев В. Государственное регулирование цен и контроль за их применением // Экономист. – Москва, 1996. – № 9. – С. 32-37.

7.38. Степанов Д. Услуги как объект гражданских прав // Рос. юстиция. – Москва, 2000. – № 2. – С. 16–18.

7.39. Степанов Д.И. Зарождение и развитие услуг в римском частном праве // Журнал Российского права. – Москва, 2001. № 3. – С. 148-160.

7.40. Таджиханов У., Саидов А. Жамият ҳуқуқий маданияти назариясининг долзарб муаммолари // Ҳуқуқ-Право. – Тошкент, 1998. – № 1. – Б. 14–24.

7.41. Талапина Э., Тихомиров Ю. Публичные функции в экономике // Право и экономика. – Москва, 2002. № 6. – С. 3-9.

7.42. Терещенко Л.К. Услуги: государственные, публичные, социальные // Журнал Российского права. – Москва, 2004. – № 10. – С. 16-20.

7.43. Тиунов О.И. Влияние международно-правовых норм на законодательство стран СНГ // Закон: стабильность и динамика (Материалы заседания Международной школы-практикума молодых ученых-юристов, Москва, 1-3 июня 2006 г. / Отв. Ред. Т.Я.Хабриева. – Москва.: Юридическая фирма КОНТРАКТ, 2007. – С. 15-20.

7.44. Тошев Б. Рекламанинг ҳуқуқий табиати ва аҳамияти // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. – № 3. – Б. 21-23.

7.45. Турдиев Ш. Истеъмолчининг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик ва етказилган зарарни ундириш // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимларнинг кафедрал ўқишлари / Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. 2 қисми. II қисм. – Тошкент.: Тошкент давлат юридик институти, 2003. – Б. 55-60.

7.46. Файзиев Ш. Қонунчилик ҳужжатлари экспертизасини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари // «Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006. – Б. 20-27.

7.47. Флейшиц Е. А. Соотношение правосубъектности и субъективных прав // Вопросы общей теории советского права. – Москва.: Госюриздат, 1960. – С. 28–45.

7.48. Холбоев С. «Банкротлик тўғрисида»ги қонунни амалга тадбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. – № 8. – Б. 30–34.

7.49. Хохлов С.А. Концептуальные основа части второй Гражданского кодекса // Гражданский кодекс России. Проб-

лемы. Теория. Практика. сборник посвященный памяти С.А.Хохлова. /Отв. ред. А.Л.Маковский. – Москва.: Изд-во Междунар. центра финансово-эконом. развития, 1998. – С. 407-423.

7.50. Худайбердиева А.Н. Гражданско-правовая ответственность за нарушение договорных обязательств // Хусусий ҳуқуқ: фуқаролик ҳуқуқининг долзарб муаммолари: Ёш олимп-ларнинг кафедрал ўқишлари /Масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. 2 қисм. II қисм. – Тошкент.: Тошкент давлат юридик институти, 2003. – Б. 126-134.

7.51. Цехер Г. Если мы потребляем услугу, то надо знать // Услуги: права потребителя (тарифы, сроки, неустойки). – Екатеринбург, 1999. – С. 15-17.

7.52. Шаблова Е.Г. Перспективы развития правового института возмездного оказания услуг // Журнал российского права. – Москва, 2002. – № 1. – С. 60-65.

7.53. Шаповалов А., Седых И. Мировая торговля замедлится // Издательский дом «Коммерсантъ» [Электронный ресурс]: Режим доступа: [www. zakon.kuban.ru/](http://www.zakon.kuban.ru/). свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

7.54. Шешенин Е. Д. Классификация гражданско-правовых обязательств по оказанию услуг // Гражданское право и сфера обслуживания. – Свердловск, 1984. – С. 42-44.

7.55. Шешенин Е.Д. Договоры услуг в общественном питании // Сб. уч. тр. СЮИ. – Свердловск, 1964. Вып. 1. – С. 94-128.

7.56. Шешенин Е.Д. О нормативном регулировании отношений по оказанию услуг // Актуальные проблемы гражданского права. Межвузовский сборник научных трудов – Свердловск: Свердл. юрид. ин-та, 1986. – С. 92-100.

7.57. Шодманов Ф. Шартнома шартлари ва унга риоя қилмасликнинг оқибатлари // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2000. – № 6. – Б. 47-48.

7.58. Шорахметов Ш. Хўжалик процессида бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. – № 5. – Б. 36-42.

7.59. Шульцева В. Телекоммуникации мира и России // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 1996. – № 9. – С. 130-137.

7.60. Щенникова Л.В. Право на туристическо-экскурсионное обслуживание // Правовое регулирование отношений в сфере обслуживания граждан. – Москва, 1993. – С. 96.

7.61. Эгамбердиев Э. Мулкий муносабатлар ёхуд шартнома муносабатлари // Хаёт ва қонун. – Тошкент, 2000. – № 10. – Б. 16–20.

7.62. Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартлари // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2000. – № 5-6. – Б. 17–19.

7.63. Якушев В.С. Гражданский кодекс Российской Федерации и гражданское законодательство // Цивилистические записки: Сб. науч. тр. – Москва.: Статут, 2001. – С. 21-30.

VIII. Диссертация ва авторефератлар:

8.1. Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДҶОИ, 2003. – 23 б.

8.2. Акимцева Г.В. Медицинская организация как субъект гражданского права: особенности лицензирования и аккредитации медицинской деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2004. – 19 с.

8.3. Амирханова И.В. Гражданско-правовое обеспечение интересов предпринимателей: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Алматы, КазНУ, 2005. – 46 с.

8.4. Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – 26 б.

8.5. Белых В.С. Гражданско-правовое обеспечение качества продукции, работ и услуг: Дис...докт.юрид.наук. Екатеринбург, 1994. – 307 с.

8.6. Бурханходжаева Х.В. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДҶОИ, 2007. – 26 б.

8.7. Винниченко С.И. Цена как условие гражданско-правового (предпринимательского) договора.: Дис. ... канд.юрид. наук. – Екатеринбург, 1999. – 172 с.

8.8. Дервяго В. М. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный незаконными действиями государственных

организаций, а так же должностных лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 1985. – 22 с.

8.9. Дустов У.Н. Ўзбекистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. –Т.: ТДЮИ, 2004.– 25 б.

8.10. Ибратова Ф.Б. Фуқаролик-ҳуқуқий муддатларнинг аҳамияти, моҳияти ва муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 23 б.

8.11. Измайлова Е.В. Договор на выполнение маркетинговых исследований. Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – 179 с.

8.12. Исмоилов Н. М. Правовые проблемы залога как способа обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 1999. – 30 с.

8.13. Калашникова Г.А. Публичный договор: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2002. – 23 с.

8.14. Касымова Н.С. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари: иқтисод фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДИУ, 2007. – 23 б.

8.15. Кванина В.В. Договоры с абонентной формой отношений сторон: Автореферат дис....канд. юрид. наук. –М.,1990.–23 с.

8.16. Кротов М.В. Обязательство по оказанию услуг: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ленинград, 1989. – 16 с.

8.17. Медведева Т. М. Возмещение вреда причиненного правоохранительными органами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1984. – 32 с.

8.18. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 22 б.

8.19. Нагорная С.В. Договор об оказании медицинских услуг: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Белгород, 2004. – 24 с.

8.20. Нарматов Н.С. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 28 б.

8.21. Окюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. –Т.: ТГЮИ, 2000.-55 с.

- 8.22. Рахимов М. З. Правовые проблемы достижения конечного результата предпринимательской деятельности. Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Душанбе, 2000. – 41 с.
- 8.23. Рашидов К.К. Проблемы правового регулирования отношений по международной перевозке пассажиров и грузов: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2004. – 51 с.
- 8.24. Романец Ю.В. Гражданско-правовые средства охраны интересов потребителей в отношениях с предприятиями: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1993. – 22 с.
- 8.25. Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Авторефер. дис. ... докт. юрид. наук. – Т., ТГЮИ, 2002. – 48 с.
- 8.26. Рузиназаров Ш. Н. Гражданско-правовой статус сельскохозяйственных производственных структурных образований в условиях рынка: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Т., 1995. – 58 с.
- 8.27. Санникова Л. В. Обязательство об оказании услуг в российском гражданском праве: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2007. – 42 с.
- 8.28. Сурмило Д. А. Пути совершенствования рынка консалтинговых услуг в Узбекистане: Автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – Т.: Институт экономики АН РУз, 2006. – 25 с.
- 8.29. Шодманов Ф.Ю. Бозор иктисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фукаролик-хукукий жавобгарлик муаммолари: юрид. фанлар доктори ... дис. Автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 44 б.
- 8.30. Щуковская О.М. Правовое регулирование деятельности по оказанию правовых услуг: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – 22 с.
- 8.31. Юшкевич А.В. Гражданско-правовое регулирование деятельности по оказанию услуг связи: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – 33 с.
- 8.32. Ядгаров А.А. Бозор иктисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида суғурта механизмини такомиллаштириш: Иктисод фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти, 2006. – 26 б.

IX. WEB-ресурслар:

9.1 Ассоциация молодых программистов [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.developers.uz /свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

9.2 Бизнес в регионах России: поддержка предпринимательства [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.allbusiness.ru. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

9.3 Всемирная торговая организация [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.rgwtо.com/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

9.4 Всеукраинский форум по проекту Закона «О Риэлторской деятельности» [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.forum.asnu.net/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. укр., англ., рус.

9.5 Министерство юстиции Республики Узбекистан // [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.minjust.uz/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

9.6 Мировая экономика: новости, статьи, статистика [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.eherport.ru / свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

9.7 Портал правовой поддержки предпринимательской деятельности [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.businesspravo.ru. / свободный. – Загл. с экрана. – Яз., рус., англ.

9.8 ЮРИДИЧЕСКАЯ РОССИЯ-образовательный правовой портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://law.edu.ru/> свободный. – Загл. с экрана. – Яз. рус.

9.10 ВІR.uz:Бизнес-информационный ресурс [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.big.uz /свободный. – Загл. с экрана. – Яз. узб., англ., рус.

9.11 RUSSLIANPROVINCE.RU-ruskii resources and information [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.russianprovince.ru /свободный. – Загл. с экрана. – Яз. англ., рус.

9.12. DIN-Mitteilungen + elektronorm. 2000. W.9. P.617-622.

Х. Судга доир материаллар:

10.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди Раёсатининг 1998 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекис-

тон Республикаси ФКни хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги ахборот хати.

10.2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Пленумининг 1998 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 72-сонли Қарори.

10.3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 77-сонли Қарори.

10.4. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди пленумининг 2002 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 103-сонли Қарори.

10.5. Фарғона вилоят хўжалик Судининг 2004 йил 5 июлдаги 15-0402/2695-сонли хўжалик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори.

10.6. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Раёсатининг 2006 йил 27 апрелдаги 36-сонли Қароридан кўчирма // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Судининг Ахборотномаси, 2007. – № 6.

10.7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми ва Олий хўжалик Суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 12/149-сонли Қарори.

10.8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди раёсатида 2006 йилнинг 27 апрелида кўрилган 31-сонли иш // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик Суди Ахборотномаси, 2007. – № 6.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Судининг «Республика ҳўжалик судлари томонидан 2006 йилнинг 12-ойида (январь-декабрь) амалга оширилган ишларнинг статистик маълумоти» – Тошкент, 2007 й.

10.10. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулккий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик конун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарори.

10.11. Тошкент шаҳар ҳўжалик Судининг 2007 йил 16 январдаги 10-0608 (12)15598-сонли иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори.

10.12. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Судининг «Республика ҳўжалик судлари томонидан 2007 йилнинг 12-ойида (январь-декабрь) амалга оширилган ишларнинг статистик маълумоти» – Тошкент, 2008 й.

10.13. Тошкент шаҳар ҳўжалик Суди томонидан 2008 йил 11 январда 10-0712/15921-сонли бўйича бўйича чиқарган ҳал қилув қарори.

10.14. Тошкент вилояти ҳўжалик Суди томонидан 2008 йилнинг 26 мартда 11-0824/2464-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори.

10.15. Тошкент шаҳар ҳўжалик Суди томонидан 2008 йилнинг 14 апрелида 10-0817/2010-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори.

10.16. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Судининг «Республика ҳўжалик судлари томонидан 2008 йилнинг 12-ойида (январь-декабрь) амалга оширилган ишларнинг статистик маълумоти» – Тошкент, 2009 й.

КИРИШ	3
1-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОВИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	7
1.1. Хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги моҳияти ва аҳамияти.....	7
1.2. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида хизмат кўрсатиш тизими, турлари ва уларни таснифлаш.....	23
1.3. Фуқаролик ҳуқуқи таълимотида хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий қоидаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш.....	42
1.4. Ривожланган давлатларда хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....	60
2-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР	70
2.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти.....	70
2.2. Хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тизими ва хусусиятлари.....	83
2.3. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг предмети.....	90
2.4. Хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тарафлари ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати.....	105
3-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУНОСАБАТЛАРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ	117
3.1. Хизмат кўрсатиш мажбуриятлари тизимида истеъмолчи ҳуқуқлари, мазмуни ва уларни ҳуқуқий таъминлаш масалалари.....	117
3.2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига оид шартлар.....	135

3.3. Хизмат кўрсатиш шартномаларида муддатлар билан боғлиқ шартлар.....	149
4-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ.....	157
4.1. Тиббий хизмат кўрсатиш – тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида.....	157
4.2. Оммавий ахборот воситалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар.....	167
4.3. Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий модели ҳақида.....	176
5-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ АСОСЛАРИ.....	195
5.1. Хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик.....	195
5.2. Хизмат кўрсатиш шартномаларининг бир томонлама бекор қилиниши.....	210
Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати.....	224

НАРМАТОВ НУРИДДИН СОАТМУРАДОВИЧ

юридик фанлари номзоди, доцент

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОВИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ**

**ПРОБЛЕМЫ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО
РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ УСЛУГ**

**THE PROBLEMS OF CIVIL-LEGAL
REGULATION OF ENTREPRENEURSHIP ACTIVITY
IN THE SPHERE OF SERVICES**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги
конун ҳужжатлари мониторинги институти,
100078, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 6.

Муҳаррир: *Саидов Р.*

Техник муҳаррир: *Раҳимов Ш.Х.*

Компьютерда терувчи ва саҳифаловчи: *Қодиров О.*

Босишга руҳсат этилди: 06.03.2009 й.

Босма табоғи: 16,3. Адади 500 нусха. Буюртма № 33.

Нархи шартнома асосида

“PRINT-EKSPRESS SERVIS” босмаҳонасида чоп этилди.
100047, Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 75 А уй.

ISBN 978-9943-332-09-6



9 789943 332096